

АБДУРАСУЛ АБДУЛЛАЕВ

37  
A 15




# ЗАКОВАТ ЗАВҚИ



azbo

**Абдурасул АБДУЛЛАЕВ**

**ЗАКОВАТ  
ЗАВҚИ**



**Тошкент – 2023**

**УЎК: 37.042 (575.1)**

**КБК: 74.202.4(5Ў)**

**A-15**

Абдурасул Абдуллаев. «Заковат завқи» (интеллектуал ўйин).  
– Тошкент, «AZBOBOOKS» ноширлик уйи, 2023. 432 бет.

**УЎК: 37.042 (575.1)**

**КБК: 74.202.4(5Ў)**

Ўзбекистон Миллий телерадио канали орқали эфирга бериладиган «Заковат» интеллектуал кўрсатуви саволлари асосида нашрга тайёрланган «Заковат завқи» номли 5-китоби савол ва жавоблардан иборат. Шунингдек, китобда нафақат кўрсатув мухлислари томонидан йўлланган савол-жавоблар, балки бошловчи Абдурасул Абдуллаевнинг шахсан ўзи тузган ажойиб жумбоқлар ва уларнинг ечимлари ҳам жамланган.

Ушбу китоб мамлакатимиздаги турли соҳа ва қатлам вакилларининг интеллектуал салоҳиятини оширишда, айниқса ёшларнинг етук ақл-идрок эгаси бўлиб етишишларида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Ватанимизнинг турли сарҳадларида истиқомат қилувчи юртдошларимизнинг мактублари ва бошқа манбалар асосида тўплам ҳолига келтирилган.

Ушбу қўлланма барчага манзур бўлади, деган умиддамиз.

**Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосланган**

«AZBOBOOKS» ноширлик – матбаа уйининг ёзма руҳсатисиз ушбу нашрни қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик кўринишда кўчириб босиш, магнит ташувчи воситаларида тарқатиш қатъий тақиқланади.

ISBN 978–9943–8885–1–7

© Абдурасул Абдуллаев  
© «AZBOBOOKS» ноширлик уйи, 2023



## СЎЗ БОШИ

Кўлингиздаги ушбу китоб «Заковат» интеллектуал ўйинда мухлислар томонидан берилган савол ва жавоблари жамланган 5-китобимиздир. Менда шундай ғалати одат бор, бир қилган ишимни қайтаришни ёқтирмайман. Кўрсатувда ҳам бошловчилар кўп ишлатадиган навбатчи сўзлардан иложи борича фойдаланмасликка ҳаракат қиламан. Масалан, «демак», «қарсақларингиз, қарсақларингиз эшитилмаяпти» каби. Мабодо, ишлатсам ҳам монтаж қилиш жараёнида олиб ташлайман. Бошқа касбдошларимга ҳам маслаҳатим шу. Кўп кўрсатувлар жонли эфирга узатилмайди, бемалол кесиб ташлашга имкониятингиз ҳам, вақтингиз ҳам бўлади.

Биринчи китобимиз «Заковат тақдим этади» деб номланганди. Шу китоб чиқиши билан мухлислар сони кескин даражада кўпайди ва уларни жипслаштирди. Улар шу кўринишдаги китоблардан яна чиқаришни сўрай бошлашди. Бу илтимослардан илҳомланиб 3 йил давомида 3 та китоб, яъни «Дақиқа кадри» деб номланган 2, 3, 4-китоблар нашрдан чиқди. Яна қайтариб айтаман, бу китоблар мухлислар талабига биноан чиқарилди. Бу китоблар «Заковат» интеллектуал ўйинида ўйналган қизиқарли саволлардан иборат бўлди. Одатда, ҳар бир китобда муаллифнинг фикрлари, қизиқишлари намоён бўлиши керак. Менга дастлабки китобларимда бу нарсалар йўқдек туюлди. Шунинг учун кейинги китобимни мемуар<sup>1</sup> кўринишида ёзишни ният қилиб

---

<sup>1</sup> Мемуар – ўтмиш ва эсдаликлар ҳақида ёзиладиган адабий асар.



кўйган эдим. Унда кўрсатув тарихи, билимдонларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ёзаман деб режалаштирган эдим. Қарийб 8 йил лойиҳа устида бош қотирдим. Бу орада мухлисларнинг «Дақиқа кадри» китобимнинг давомини сўрашлари тўхтамади. Бир учрашувда ёшгина бир ўқитувчи қизчанинг билдирган тилаги бугун нашр қилинаётган китобни чоп бўлишига асосий сабаб бўлиб, мени бир неча йиллик ғоямдан чекиниб туришга сабаб бўлди. Қизчанинг фикрини тўлиқроқ келтиришга ҳаракат қилиб кўраман:

### *«Ҳурматли бошловчи Абдурасул Мўминович!*

Чоп этиладиган ҳар бир китоб ўз ўқувчисини топиши, ўқувчи эса ундан озуқа олиши керак. Сиз чиқарган дастлабки 4 та китобингиз ўз ўқувчисини топди, уларга маънавий озуқа бера олди. Кейинги мемуар шаклидаги ёзмоқчи бўлган асарингизга ўхшаш китоблар жуда кўп. Уни оммалашиб кетишига анча вақт керак. Лекин дастлабки китобларингиз услуги ҳам, талқини ҳам буткул ўзгача. Сиздан илтимос, биз ёшларга ўша китобларингизга ўхшаганидан чоп этинг».

Шу каби «турткилар» сабаб бўлдимиз, илгариги лойиҳага қайтишга мажбур бўлдим. Тўғриси, келажакда ёзиладиган «Мемуар» деб номланган китобим кишиларга қизиқ бўлармикан ёки йўқ деган шубҳа пайдо бўлди. Лекин ҳаётимнинг ярмини бахш этган лойиҳа ҳақида, албатта ёзаман. Ёзадиган фикрларим ҳам бир дунё. Бугун охириги 7–8 йил давомида экран орқали ўйналган энг сара саволлардан тузилган «Заковат завқи» китобини ҳукмингизга ҳавола этмоқчиман.

Эслатиб ўтаман, бу китобим ҳам мухлислар таклифига биноан чоп этилмоқда. Нега бундай сарлавҳа кўй-



дингиз деган савол туғилиши, шубҳасиз. Чунки узок йиллардан бери «Заковат» мухлисларга фикр, билимдан ташқари ҳайрат ва завқ ҳам бераётганини гувоҳи бўлиб турибман. Бу китобда мухлисларни завқланишига сабаб бўлган саволлардан сараладим. Ўқиб чиқиб ўзингиз яна бир бора шоҳиди бўласиз.

Савол-жавобли китобларим нега мухлисларга маъқул бўлганлигига асосий сабаб бор, улар аввал телевизор орқали кўрсатувни кўриб ўзларини тайёрлаб олишади. Китобдаги воқеалар уларга яқин ва таниш мавзу. Яқин 20 йилдан бери бу ўйиндаги ҳолатлар уларни ўзига ром этиб келади. Кўринмас бошловчининг сирли овози, кеча талаба бўлиб ўйинга келган ёш йигитчанинг томошабин кўз ўнгида ўсиб, улғайгани, кўпчилик ҳаётида эшитмаган мавзусидан савол ўйналиши, бунинг устига мухлисларнинг ўз саволлари билан бу ўйинда қатнашишлари уларга маъқул келган бўлса, ажабмас. Гарчи ўнлаб телеканалларда ўнлаб интеллектуал ўйинлар бўлсада, айнан «Заковат»ни кидириб топиб кўришаётгани ҳам кўрсатув нуфузини белгилайди.

«Заковат» дастлаб ўз фаолиятини 2001 йилда Ёшлар телеканалида бошлаган. 2006 – 2018 йилларга қадар охиригача «Ўзбекистон» телеканалида эфирга узатилган. 2019 йилдан бошлаб Миллий телеканалида ўз фаолиятини давом эттиряпти. Бу кўчишлар остида маълум сабаблар бўлган. Булар ҳақида ҳозир ёзмайман. Балки мемуарлар ёзсам тўхталарман. Лекин бир ҳолатни ёзиб қўйишим керак, каналдан каналга ўтишим осон бўлмаган. Канал раҳбарлари кетишимга қаршилик қилишган. Узок вақт аризамга имзо қўйишмаган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам зўрға розиликларини олганман. Бу ҳам кўрсатувга берилган ҳаққоний ижобий баҳо, деб биламан.

40 йилдан бери радио-телевидение соҳасида фаолият олиб бораман. Тажрибали мутахассис сифатида айтинг-чи, бугунги телевидение фаолиятидан кўнглингиз тўладими, деб кўп сўраб қолишади. Мен ижрочиман, танқидчи ёки санъатшуносмасман. Лекин оддий тамошабин сифатида маълум фикрларни айта оламан. Бу саволга жавобни бир факт орқали айтмоқчиман. 1988 йилда мен радиода сухандон эдим. Ўша йили сухандонлар малакасини ошириш учун Москвадан Вадим Панфилов деган моҳир сухандон ташриф буюриб, бизни кўп нарсаларга ўргатган. У киши лекцияларидан бирида, бехосдан бир фикрни айтиб юборган эди (билмадим бу фикрни у қаердан олган). У киши яна 20 йилдан кейин радио ўз нуфузини йўқотади, радиога кизиқиш пасайиб кетади, деган башоратни қилган эди. Ҳақиқатдан ҳам бугун радиони кам одам эшитапти. Панфиловнинг фикрини давом эттираман, яна 40 – 50 йилдан кейин телевидениенинг ҳам мухлиси камаяди, деганди. Унинг ўрнига бугун интернет жадал кириб келаяпти. Нежабки, бу фикр бугун ўз тасдиғини топаяпти, хусусан Ўзбекистон телеканалларида. Кўпол қилиб айтганда, мухлисга пул бериб, автомобил бериб экран олдига олиб келишяпти. Хўш бу яхшими, ёмонми? Яхшилиги бир фуқаро машиналик бўлиб қолаётгани. Энди ёмон жиҳатини санасак, бир йигит текинга автомобил ютиб олса, унинг тенгқурларининг фикри бузилади. У ҳам текин «Спарк» автомобилени ютишга бел боғлайди. Бутун фикри хаёли шу ишга қаратилади. Чунки ёшлар берилувчан бўлади. Мен ҳам машина ютмагунча кўймайман, деб ҳаракатни бошлайди. Молга, бойликка ружу кўйишни бошлайди. Бу каби йигитлар битта-иккита бўлса майли эди, улар сон-саноксиз. Ютилган машинани йигитнинг туманига олиб бориб, тумонат одам кўз ўнгида



уни қаҳрамон санаб кўкларга отишлари-чи. Бу ишлар сув сотган компаниянинг талабига биноан уюштирилади, токи одамлар шу ердан чиқибок ичимликларни сотиб олишни бошлаши учун. Кўп ҳолларда улар ўз мақсадига эришмоқда ҳам. Бойликнинг кучи яна ўзбек халқини ўзига бўйсундирмоқда. 1930 йилларда ҳам худди шундай бўлган, корин ғамида бўлганлар кун кўрган, илм истаб Овропаларда ўқиб қайтганлар аҳволи не бўлганидан хабарингиз бор. Бугун давлатимиз раҳбари айнан шу ҳолатни илғаб унга қарши сиёсатларини юргизаяпти. У киши билан шахсан учрашганимда айтган фикрлари ҳамон эсимда. «Илм олиш шундай ҳилқатки, ёшларни бу оламга олиб кириш керак, токи унга кирганларини ўзлари ҳам сезмай қолишсин. Уларни қизиқтириш керак. «Спарк» автомобили кўйиб китобхонлик танловини бошладик. Ёшлар орасида шунақа китоб ўқувчилар кўпайди, кўриб кўз қувонади». Ана масалага оқилона ёндошиш деб, буни айтса бўлади. Ўша ёшлар ҳам автомобилга эга бўляпти, ҳам ўзлари билмаган ҳолда билим дунёсига кириб қолмоқда. Санасак бундай мисоллар кўп. Ўзбекистонни тенг ярим аҳолиси ёшлардан иборат. Уларнинг илмий салоҳиятини оширишга бугун «Заковат» телешоуси ҳам бел боғлаган. Бу ғоя муаллифи сифатида мени қувонтиради.

– Бу китоб «Заковат»нинг 22-сони арафаси нашр қилинмоқда. Айтиб ўтганимдек, охириги 7 – 8 йил ичида тўпланган сара саволлар жамланмоқда. Ишонасизми йўқми, кўрсатув орқали юзлаб ажойиб инсонлар билан танишдим. Кўпларини кўрмаганман, фақат мактуб орқали учрашаман. Шу китобда уларнинг ҳам ҳиссалари қатта. Эсимда борларини санаб ўтмасам бўлмайди. Энг фаол мухлислар Самарқанддан десам нотўғри бўлмайди. Булар Ҳамидулла Хожиев – Каттақўрғондан, Насиба Ибодова

– Пахтачидан, Мавлон Оқилов – Ишпихондан, Гулжаҳон Бованова – Пастдарғомдан, Нурободдан Муборак Тойирова, Амударёдан – Насиба Юсупова, Шовотдан – Жуманазар Наврўзов, Тошкентдан – Музроб Ҳошимов, Бектош Мустафоев – Хатирчидан, Оҳангарондан – Нилуфар Тожибоева, Қамашпидан – Шухрат Рустамов, Тўлқин Саидов – Зарафшондан, Сардобалик – Хуршида Қиличева, Анвар Холов – Касбидан, Курбонгул Каримова – Карманадан, улар сони жуда кўп. Бундан ташқари, ўнлаб хорижий давлатлардан савол юборадиган юзлаб мухлисларимизга алоҳида миннатдорчилик билдираман. Улар орасида бошқа миллат вакиллари ҳам бор. «Заковат»га бўлган меҳру муҳаббатингиз сўнмасин дейман, узоқ йиллар ҳамфикрлигимиз тўхтамасин.

Бугунга келиб юртимиздаги минглаб мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида «Заковат» тўғарақлари очилиб муваффақият билан фаолият олиб бораёпти. Бундан 5 – 6 йил олдин Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида жойлашган мўъжазгина «Маънавият ва Маърифат» марказида клуб машғулотларини ўтказардик. Бугун «Заковат» телешоуси учун махсус студиялар, машғулот майдонлари қурилмоқда. Қолаверса, барча вилоятларда «Заковат»нинг шўъбалари очилган.

Мени кўп ўқув даргоҳларига семинарларга таклиф қилишади. Кўплар «Заковат» ўйинларида қатнашиш учун нима қилиш керак, деган саволни беришади. Бу саволга бир оғиз сўз билан жавоб бериш мушқул. Жўнгина қилиб «Китоб ўқиш керак» деб жавоб қилса ҳам бўлади, аммо кетидан «Қандай китоб ўқиган маъқул», «Қандай жанрдаги китобни ўқий», «Қайси муаллиф китобини ўқиш керак» каби қўшимча саволлар чиқиши табиий. Шунинг учун мен бу пайтда тахминан қуйидагича жавоб бераман. Аввало, қўлга қанақа ки-

## ЗАКОВАТ ЗАВҚИ

тоб тушса ўқийверишни тавсия қилмайман. Китоб штангага ўхшайди, тушунадиган китоб – кучингиз етдиган оғирликдаги тош бўлса, тушунмайдиган китоб – кучингиз етмайдиган оғирликдаги штанга мисоли. Ўқиб тушунадиган китобни танлаш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Айрим классик асарлар борки, ўқиган сари тушунмай чалкашиб кетаверасиз. Қайта ўқинг, яна тушунмаяпсизми, демак бу асар сизга қийинлик қилаяпти. Юз килограммлиқ тошни кўтарган киши кейинги уринишга икки юз килограммни буюрмайди. Ўсмирлар адабиётини ўқиб юрган китобхон дабдурустан Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини ўқиб кетиши қийин. Сал осонроқ романлардан ўқий бошлашни маслаҳат бераман. Сизга «Уруш ва тинчлик»кача 2 – 3 вазн тоифаси борлигини сезишингиз керак. Худди мен 5-синфда «Анна Каренина»ни ўқиганимдек. Болалигимда ўқишга иштиёқим баланд бўлган. Бир гал кўлимга «Анна Каренина» китоби тушиб қолиб ўқийвурганман, аммо ҳеч нарсага тушунмаганман. 25 – 30 ёшларимда Каренинани қайта ўқиб тагига етганман. Тушунганман, тушуниб роҳат туйганман. Шу ўринда оддийроқ асарга ҳам тушунтириш бериб кетай, ўзимизнинг муаллифларнинг асарлари, воқеаси ўзимизга таниш бўлган ҳикоя ва қиссалар, йирик асарларни ўқишга пиллапоя вазифасини бажариб беради. Йирик асарларни ҳазм қилиш учун кишида идрок ва зеҳн керак бўлади. Идрок, зеҳн, дид китоб орқали келади. Идрок, зеҳн, дид – «Заковат»!

«Заковат» – ўйин кўринишидаги катта маънавий вазифани бажарувчи телевизион дастур ҳисобланади. Кўрсатув атрибутлари ҳам болаларча ўйинни эслатади. Пирилдоқ(волчок), бонг, кичкина сандиқчалар. Лойиҳанинг

муаллифлари ўйин орқали йирик вазифани, яъни халққа маърифат тарқатишни режа қилишган ва бу ишни уйддалашган. Галилео Галилей ўсмирлик даврида бир ибодатхонага кирганида осилиб турган қандилни кўриб ундан илҳомланиб бир предметни кашф қилганидек ўйин ташкилотчилари ҳам оддий болалар ўйинчокларидан фойдаланиб мураккаб интеллектуал ўйинни яратишган. Дунё бўйича қарийб 47 йилдан бери бу ўйин ўйналади. Ўзбекистонда эса 22 йилдан бери мавжуд. Ҳеч муболағасиз айта оламан, юртимизда шунча вақтдан бери ўнлаб интеллектуал лойиҳалар орасида сифат ва даражасини йўқотмай келаётган ягона лойиҳа «Заковат» ўйини бўлиб турибди, дейишим мумкин. Ўзбек халқига шу мураккаб ўйинни тарғиб қилиб юрганимдан, уни атрофига сонсаноксиз билимга ошно йигит ва қизларни тўплаганимдан, бунинг устига бу ғояни ҳукумат, шахсан Президент қўллаб қувватлаётгани илҳомимга илҳом қўшади. «Заковат» номини бугун кекса-ю ёш жуда яхши билади. «Заковат» номини эшитиш билан мухлис кўз ўнгида 6 та капалак нусха бўйинбоғ такқан, кўзлари фикрдан ёниб турган йигит-қизлар келади, кўринмас бошловчиси томонидан ғойибона саволлар берилиши келади. Ниятим узок муддат бир-биримиз билан ғойибона кўришиб юриш насиб қилсин.

Ҳаммангизга ёқимли мутолаа тилайман. Дарвоқе Галилей нима кашф қилганини айтмадим-ку. У – девор соатини осилиб турган қандилга қараб ясаган. Мана энди омон бўлинг!

*«Заковат» кўрсатувининг телебошловчиси*

*Абдурасул АБДУЛЛАЕВ*



## ЙИЛ ДАВОМИДА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН САВОЛЛАР

### **1. Раҳматулла Асадов. Самарқанд вилояти, Қўш-работ туманидан.**

Бальзакнинг ушбу сўзларини ёзиб олинг: «Сизга икки оғиз сўз билан инсон ҳаётининг буюк сирини айтиб бераман. Ўйламай иш қилавериб, инсон ўзини тинкасини қуритади. Ўлимнинг барча сабаблари икки хилга бўлинади. Тилак ҳамда имкон деган сўзларга бориб тақалади. Одамзод ҳаётининг мана шу иккала чегараси ўртасида учинчи бир ақида борки, буни фақат доноларгина билишади». Бир қарашда бу ақидани сизлар ҳам билиб олсангиз ёмон бўлмасди.

Бальзакнинг бу фикрини 2 та сўз билан топинг?

### **2. Шерали Бахриев. Самарқанд вилояти, Катта-қўргон тумани.**

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг 2-жилдида Тўқол хотин, тўқол сигир иборалари учрайди. Тўқол сигир деб, шохи йўқ, шохсиз сигирга айтилиши тушунтирилган. Тўқол хотин ибораси билан қадимда ожиза, заифа аёллар таърифланган. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ҳам ҳикояларида бу иборани бир неча бор ишлатганлар.

Тўқол хотин деб қадимда қандай аёллар номланган?

### **3. Ҳамидулла Хожиев. Каттақўргондан.**

Ўзбекистонда суд ишларини илгари қозилар қозихоналарда олиб боришган. Фуқаролар шу ерга келиб ўз арзларини айтишган. Аёллар арзга келишганда ёки гувоҳликка чақирилганда ёнларида бир эркак



бўлиши талаб этилган.

Бу аёл билан келган эркак қозихонага нега таклиф этилганини топиб беринг?

4. Бугунги жамоа фақат йигитлардан ташкил топганидан фойдаланиб шундай савол бермоқчимиз. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясининг 4-жилдида бир тоифа инсонларга шундай таъриф берилган. Унга кўра, сиз маълум тоифадаги инсонсиз, ночорлик туфайли сиз унга рози бўлгансиз. Маълум муддат рози бўлгансиз. Эрамизнинг IV–V асрларда Ўрта Осиё халқлари орасида бу тоифадаги инсонлар шакллана бошлаган. Ҳалигача улар халқимиз орасида бот-бот учраб туради. Сиз нимага розилик бергансиз?

5. Марҳум ёзувчимиз Саид Аҳмад ҳикояларидан бирида:

Инсон фақат ўша пайтдагина, ўзи билан ўзи узок вақт қолиши мумкин. Бу шунчалар даҳшатли пайтки, инсон ўзини-ўзи ёқтирмай кетади. Ёшлигимда отам ҳам бу пайт ҳақида жуда хуноб бўлиб гапирар эдилар. Энди эса ёшим ўтган сайин бу ҳолат ўзимни ҳам бошимга тушаяпти.

Айтингчи, ёзувчи инсондаги қайси пайтни қаламга олган?

6. IX – XI асрларда араб отларини доврўғи оламга ёйилган. Уни Осиёда ҳам, Европада ҳам қадрлашган. Худди шу пайтларда араблар бу отларининг бир донасини Европадаги бир жонзотнинг биттасига алмашишган. Отга нисбатан жуда ҳам кичик бир жонзотга. Чунки унга араб дунёсида талаб катта бўлган.

Қандай хусусиятли жонзот сўралмоқда, 2 та сўз билан топинг?

7. Бугун миждоз атамаси анча фаол инсонлар тоифасига нисбатан ишлатилмоқда. Қадимги Римликлар миждоз, яъни клиент сўзи билан яқин қариндошларини аташган. Қандайдир бир воқеани содир бўлиши, бу қариндошларни клиентга айлантирган.

Қачон у қариндош клиентга айланган?

8. Машҳур саёҳатчи Руаль Амундсен 1910 йили узоқ муддатли Антарктида саёҳатига жўнайди. Экспедициянинг 212 та аъзоси бир неча ой саёҳатлар, тадқиқотлар қилиб ватанларига беталафот, эсон-омон қайтиб келади. Аксинча, улар сони 221 та бўлиб қайтишади.

Аъзолар сони нимага кўпайиб кетган?

9. Граммафонга 1887 йилда патент олинган. 1892 йилда «Одеон» фирмаси айланадиган пластинкага патент олган. 1904 йилда «Одеон» фирмаси яна бир бор пластинкага патент олган.

Иккинчи патентни нимага олган?

10. Французлар битта от кўшиладиган енгил икки ғилдиракли аравани шундай ном билан аташганки, бу чиройли ном бугун ҳам сақланиб қолган. Ёрдам бераман икки эшикли автомобил номида сақланиб қолган.

У аравани қандай номлашган?

11. Озарбайжон халқ мақоли:

Етим бола... 3 та нуқтасини ўзи боғлайди – деган.

3 та нуқта ўрнидаги сўзни топинг?

**12. Абдували Каримов. Жиззах вилояти, Бахмал тумани.**

Сиз бир иш билан шуғулланасиз. Бу ишга киришишдан олдин яхшилаб ювинасиз, махсус кийимингизни киясиз, оёғингизга этик, эгнингизга махсус коржом, хоҳласангиз қўлқоп кийишингиз мумкин. Ишга киришишдан олдин иложи бўлса, сокол олгач, ҳидли одеколонлар сепмайсиз, ҳидли совунларда ювинмайсиз.

Айтингчи, у нима иш билан шуғулланади?

**13. Бекношиа Раззоқова. Хоразм вилояти, Урганч шаҳар.**

1890 йиллардан кейин А.П.Чехов бир-биридан ажойиб пьесалар ёза бошлади. «Чайка», «Иванов», «Уч опасингиллар», «Олчазор» ва х.к. Илк бор МХАТ театрида бу пьесалар ўйнала бошланди. Аммо бошқа кўпгина театрлар ўзлари хоҳлаган тарзда ҳам Чехов пьесаларини ўз театрларида қўя олишмас эди. Театр биноси ичидаги техник камчилик сабаб унинг асарларини постановка қилишга йўл қўймаган.

Қандай сабаб туфайли?

**14. Илҳом Аҳмедов. Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани.**

Бу савол А.Навоий ҳазратларининг таваллудларига бағишланган. А.Навоий «Вақфия» асарида шундай ёзилади: Курбон ҳайити учун биринчи куни 5 та қўйни сўйиб мадраса ва хонақоҳнинг фуқаро ва мискинларига улашгайлар, иккинчи куни 20 ботмон эт билан 20 ботмон буғдойни қисмат қилгайлар».

Айтингчи, иккинчи кунги эт билан буғдойнинг қисматини яқуни нима билан тутаган?

## **15. Равшанбек Абдусаматов. Фаргона вилояти, Бағдод тумани.**

Германиялик Яков Таубе деган шарқшунос олим уни ўзида ясата олмай, Тошкентга қелиб, атайлаб олиб кетгани ҳақида бир газетага айтган. Энг қизиғи, уни олиб кетадиган буюм кўполлиги учун у поездни танлайди, самолётга ишонмайди. Тошкентдан-Берлингача уни эсон-омон олиб кетай деб поездда кетгани сизни диққатингизни тортиши керак. Ўша нарсани биз ҳам бир дақиқадан кейин олиб чиқамиз.

Шарқшунос олим нима олиб кетган?

## **16. Нурбек Собиров. Қорақалпоғистон Республикаси, Манғит шаҳридан.**

Сандикча ичида ҳаммамиз биладиган егулик маҳсулот бор. Унинг кимёвий таркибини ёзиб олинг: 63,6 фоиз сув, 12,8 фоиз оксил, 11,8 фоиз ёғ, 10 фоиз углевод, 0,8 фоиз минерал моддалардан иборат.

Сандикчада нима бор?

## **17. Музаффар Абдурахимов. Фаргона вилояти, Бағдод тумани.**

XX аср бошларида Париждаги модалар уйининг базаларида сичқонлар боқилган. Юнги учун боқишган албатта.

Унинг юнгидан нима ясашган?

18. «Рамзлар луғати» китобида у, яъни сандикча ичидаги кийим тури, илгаридан тоза қалб ва ҳаққонийлик рамзи сифатида зикр этилган. Шундан бўлса керак, 1896 йилги Олимпиада ўйинларида ҳакамлар мусобақада фақат у билан иштирок этишлари талаб этилган. Сиз

сандиқчадаги нарсани фақат номини эмас, рангини ҳам тўғри топишингиз керак бўлади.

Сандиқчада нима борлигини 2 та сўз билан топинг.

**19.** «Мицубиси» фирмаси 1870 йилларда ташкил топган. Дикқат билан қаралса, бу фирма эмблемасида 3 та ромб шаклидаги винт тасвирланган. Бу айнан 1870 йилда қабул қилинган эмблема. 1870 йилда автомобил корхоналари қуришга эртарок бўлган.

Ундай бўлса айтингчи, бу оддий ромб шаклидаги винтлар қаерда, қайси соҳада ишлатилган?

**20.** XX аср бошларида Бельгия давлатида сиёҳнинг энг сифатлилари ишлаб чиқарилар эди. Чунки автомат ручкалар, шарикли ручкалар йўқ пайтлари сиёҳни қадри жуда баланд бўлган. Шунинг учун улар ҳар хил сиёҳлар ишлаб чиқариб ном қозонишган эди. Буюртмаларга мувофиқ 15 фоиз сиёҳ тез қурийдиган сифатда ишлаб чиқарилар эди. Нархи бир оз қиммат бўлсада, ундай сиёҳларни ўз буюртмачилари бор эди.

Кимлар тез қурийдиган сиёҳларга энг кўп буюртма қилишарди?

**21.** Қуйидаги таърифни ёзиб олинг: унинг қирғоғи яшил, сувлари қизил, балиқлари қора. Ушбу сув ҳавзасига ўхшатиш маҳсулот ташқарида турибди.

Бир дақиқадан кейин ташқаридан нима олиб қирамиз?

**22.** Ғарбий Европада барон унвони олган кишилар бевосита қиролнинг вассали ҳисобланишган. Қирол кенгаши аъзоси, кейинчалик парламентда энг юқори лавозимга ҳам сайланиш ҳуқуқи уларда бўлган.

Германия ва Францияда барон унвони графдан кейин турган. Англияда эса барон унвони ундан кейин турган.

XII–VI асрларда Англияда энг юқори унвон нима бўлган?

**23.** Машҳур футболчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати журналистлар эътиборида бўлади.

2005 йилдаги рўйхат:

– Уэйн Руни сартарош учун ойида 2 минг доллар сарф қилган;

– Райан Гиггз – 3 минг;

– Адебайор – 5 минг;

– Дидье Дрогба – 6 минг доллар сарф қилган экан.

Рўйхатни бошида хитойлик Сунь Цзихай бўлиб, у ҳар ойда ўртача 12 минг доллар сартарош учун сарф қилган экан.

Нега у бунча қимматга соч олдирган?

**24.** Алишер Навоийни адабиётга ҳавас уйғотишда Мирсаид Қобулий ва Муҳаммад Али Ғарибий каби етук шоирларни роли катта бўлган. Чунки ёш Алишер уларни тез-тез суҳбатларида бўлиб турган.


Нима сабабдан улар билан тез-тез учрашиб турган?

**25.** А.Навоийда кексалик чоғларида барча шеърларини йиғиб, хронологик тартибда 4 девон тузиш ғояси бўлган. Ва 4 девон «Ҳазойин ул маоний» пайдо бўлади.

Айтингчи, бу девонга ким муҳаррирлик вазифасини бажарган?

**26.** Одил Ёқубов «Улуғбек хазинаси» китобидан.

Регистон олдидаги кенг



кетган. Сарбозлар даҳа-даҳа бўлиб гулхан ёқиб ўтришибди. Ёзувчимиз ушбу парчадаги даҳа-даҳа сўзига қандай изоҳ берганлар.

Бир даҳада неча кишини ташкил қилган?

### **27. Одил Ёқубов «Улуғбек хазинаси» китобидан.**

О устод, устод – ўйлади Али Кушчи ичида, нечун бу фарзандингизга қаттиқ меҳр кўйдингиз? Сизнинг бошингизга тушган барча надоматларга шу фарзанд аржумандингиз сабабчи эмасми? Шу таҳлид у қаттиқ изтиробга тушади.

Ёзувчимиз парчадаги аржуманд сўзига қандай изоҳ берганлар?

**28.** Агар кўрган бўлсангиз, у ерда ҳайвон ва қушларни қотирилган нусхалари сақланади. Уларни узоқ муддат сақлаш учун, уларга қуя тушмаслигини олдини олиш мақсадида нафталин билан ҳам ишлов берилар эди. Ҳозир бундай ишлов беришни бир соҳа кишиларининг аралашуви туфайли тўхтатишган.

Қайси соҳа кишилари деб ўйлайсиз?

### **29. Муниса Собирова. Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидан.**

Марҳамат, болға ва зубила олиб чиқилсин. Уй бекаси Мунисахонни айтишича, XIX асрнинг иккинчи ярмида айрим Европалик уй бекалари ўз ошхоналарида болға ва зубила сақлашга мажбур бўлишган!

Нима учун?

**30.** Дунёда кинофестиваллар кўп. Шундай бир кинофестивал борки, унда ижтимоий фильмлар намойиш этилиб, рамзи ёнаётган бир варақ қоғоздур.



Фильмлар мавзуси ҳар хил бўлиб, бирон соҳага бағишланмаган.

Аниқ қилиб айтингчи, фестивалда намойиш этилган фильмларнинг алоҳидалиги нимада бўлган?

**31. Абдуҳамид Жаводов. Наманган вилояти, Минг-булоқ тумани.**

Турли спорт турларида ўзига хос чегаралар, чекловлар мавжуд. Буни қарангки, от спортида ҳам ғаройиб бир чеклов бор экан. Унга кўра, мусобақаларда катнашадиган отларнинг бир параметри ўн саккиздан ошмаслиги керак экан.

Нима 18 тадан ошмаслиги керак?

**32. Табиатга ошно бир замонавий шоирнинг ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, ёзган хоккусини эшитинг:**

Май, июнь, июл, август ўтиб,

Етиб келдик манзилга.

Энди биз эркинмиз.

Айтингчи, шоир нимага қизиққан, қаер унинг манзили бўлган?

**33. Ғайрат Худойқулов. Тошкент вилояти, Бекобод тумани.**

«Бобурнома»да қайд этилишича, қовун ва ҳандалакнинг таркибида уни кўплиги учун банд бериб ўз-ўзидан узилади. Тарвуз билан бодрингда уни кўплиги учун банд бериб узилмайди.

Нимани кўп ё камлиги сўралмоқда?

**34. Оноре де Бальзакни фикрларини ёзиб олинг: «У энг узоқ ахлоқ тузатиш муассасаси. Ахлоқ тузатиш колониясида ёмон хулқингиз билан сиз жазо муддатини**



чўзишингиз мумкин. Аммо Бальзак назарда тутган муассасада ёмон хулқ билан ҳам жазо муддатини тугатишингиз мумкин. Фаройиб фикрловчи, Бальзак яна шуни қайд этадики, унда бошида ҳаммаёқ гўзал бўлиб туюлади.

Бальзак нимага бу фикрни билдирган?

**35. Асқарбек Тошев. Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Беширабот қишлоғидан.**

Япон хоккуси:

Қишлоқдаги якка уй эшигини

Тақиллатмайди, ҳатто ...у.

Шеърнинг давомида 4 бўғинли бир сўз қолиб кетди.

Жумлани битта сўз билан тўлдирилинг?

**36. Мусурмон Рўзиев. Қашқадарё вилояти, Қамашу тумани.**

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да жуда қизиқ маълумотларни топиш мумкин. «Авесто»да келтирилишича, каналлар, ариқлар бўйига мевали дарахт экиш қатъиян ман қилинган.

Нимани олдини олиш мақсадида қилинган бу чеклов?

**37. Нафосат Иномова. Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани.**

Сиз шеригингиз билан кўчманчи бадавийлар оиласига меҳмонга бордингиз. Худди бизга ўхшаб меҳмонга чой тортилади. Мезбон сизни оддий чой билан эмас, баъзан сизни ширин чой билан кутиб олади.

Нима сабабдан сизга оддий чой ўрнига ширин чой беришади?



**38. Аминжон Баратов. Бухоро вилояти, Вобкент тумани.**

Тасаввур қилинг, сиз ўрта аср жангчиларисиз. 6 тангиз 6 лавозимга эгасиз. Албатта, энг катта лавозимдаги бу жамоа сардори. Сизлардаги бир қуролнинг анжомига қараб лавозимингизни билса бўлган. Демак, ўша анжомнинг сонига қараб ким оддий навқар, ким ўнбоши, юзбоши ё мингбоши бир қарашда билинган.

Ниманинг сони лавозимни аниқлашда ёрдам берган?

**39. Зофир Файзиев. Самарқанд вилояти, Иштихон тумани.**

Ўлкашунослик музейида шундай тарихий манба келтирилган. Маълумки, XX аср бошларигача Туркистон худудида аёллар паранжи-чачвон тақиб юришган. Паранжининг асосий қисмларидан бири чачвон бўлиб, у юз қисмини беркитиб турган. Ўша пайтларда тикувчилар чачвонни ясаб бериш учун лўлиларга буюртма беришган. Ҳақиқатдан ҳам улардек ҳеч ким чачвонни қотириб ясай олмаган.

Чачвон нимадан ясалади?

**40.** 1981 йилдан бери Хитой киноакадемиясининг «Олтин хўроз» мукофоти таъсис этиб келинади. Энг яхши фильм, актёр, режиссёр ва бошқа энг яхшилар «Олтин хўроз» мукофотини олишади.

Айтингчи, нима сабабдан мукофотнинг номи «Олтин хўроз» деб юритилган?

**41. Маҳамадали Мамажонов. Фарғона вилояти, Қува шаҳри.**

«Бор эканда, йўқ экан, бир жуфт денгиз бўлган экан.

Бу денгизларни бошқалардан фарқи уларга кичкина чўп тушса ҳам денгиз озор чекар экан.

Ушбу шарқ ривоятида нимага бу таъриф берилган?

**42. Абдумалик Искандаров. Жиззах Вилояти, Ғаллаорол тумани.**

100 йиллар илгари Туркистон худудидаги кўп уйларни томи лойдан бўлган. Лой томни ноқулайликлари кўп бўлган. Биринчидан ҳар йили баҳорда уни суваш керак, сув ўтмаслиги учун. Иккинчидан сувоқ қилинаётган лойга туз сепиб кейин сувашган.

Нима учун?

**43. Стефан Цвейг «Мария Стюарт» романи аввалида, худди пьесаларда ишлатиладиган услубдан фойдаланиб, романда қатнашувчиларни номма-ном зикр қилиб чиққан. Персонаж лавозими ва исми-шарифи кўрсатилган. Таништирилганлар орасида бир персонаж бўлганки, муаллиф уни фақат касбини ёзиб қўйган, холос.**

Мария Стюарт тақдиридан хабардор бўлсангиз бу персонаж касбини топишингиз осон бўлади.

У персонажни нима деб таништирган?

**44. Венгриядаги энг кенжа шаҳарни номи Дуна уй варош деб аталади. Бу сўзда Дуна-Дунай дарёсини, уй янги деган маънони билдиради.**

Варош сўзи қандай таржима қилинади?

**45. Қум соат тасвирини кўз олдингизга келтиринг.**

Энди эса қуйидаги рўйхатга кулоқ тутинг. Ушбу рўйхатни бошида найза туради. Кейинги ўринларда



куш, аждар, паншаха, қўл тасвири ва бошқалар.

Ушбу рўйхатда кум соат нечанчи ўринда туради?

**46. Зофир Файзиев. Самарқанд вилояти, Иштихон тумани.**

Олиму тадқиқотчиларни қайд этишича, сут эмизувчилардан фақат инсон ва фил бир ҳаракатни қайтара олар экан. Ёрдам бериб шуни айтишим мумкинки, бу жисмоний ҳаракат.

Қайси жисмоний ҳаракатни сут эмизувчилардан фақат инсон билан фил бажара олади?

**47. Динара Бекчанова. Хоразм вилояти, Хазорасп тумани.**

Биз сўрамоқчи бўлган уйчага 1869 йили асос солинган. Уйчанинг меъмори бинони ақл билан ўлчов билан бунёд этган. Бино 7 қаватли бўлиб, 2 қават ертўласи ҳам бор. Тепадан бошланиб рақамланган, пастрлашган сари хоналарни мавқеи ҳам ортиб боради. Ертўласидаги хоналар ҳам ўз тоифасига қараб ажратилган.

Бир дақиқадан кейин шу уйчанинг номини топинг?

**48. Сардор Ҳазратқулов, Сариосиёдан.**

Ўрта асрларда почта отларини йўлда кетаётган барча йўловчилар жуда яхши танишган, алоҳида белгисига қараб ҳамма у от аравага йўл беришган.

Почта отларни қандай алоҳида белгиси бўлган?

**49. Бобур Аҳмедов. Самарқанд вилояти.**

XVII–XIX асрларда асосий транспорт воситаси арава бўлган. Ўша даврдаги энг ғилдираги катта арава бу – Кўкон араваси бўлган.

Айтингчи, қандай амалий сабаб туфайли Қўқон аравалар ғилдираги катта қилиб ясалган?

**50. Азиз Собиров. Тошкент шаҳар Яккасарой тумани.**

Ш.Холмс билан Доктор Ватсон дераза олдида кўчадан ўтиб кетаётган бир кишини кузатиб туришганда, Холмс Ватсонга қараб гаров боғлайман, шу инсон узоқ йил денгизчилик қилган – дейди. Ватсон ҳалиги кишидан сўраб келади ва у ҳақ эканлигини билади.

Айтингчи Ш.Холмс уни қайси ҳаракатидан билган?

**51.** Биласиз, қарийб III аср бутун дунё мўғул истилосига қарши курашган. Тарихчиларнинг қайд этишларича, уларни кўп ҳолларда февраль ва март ойларида энгиш осон бўлган экан.

Нега айнан шу ойларда улар кўп мағлуб бўлишган?

**52.** XX аср охирларигача энг оммалашган жарроҳлик операцияси кўричакни олиб ташлаш бўлган. Бугунга келиб бошқа бир операция 1-ўринга чиқиб олибди. Балки уни оғриксиз ва жуда тез амалга ошиши учун бўлса керак, у операцияга розилик бериш кўпайиб кетгандир.

Бу операция билан одамлар нимани олдиришади?

**53.** У ўзининг қисқа умри давомида 6 та ишчи касбларида ишлашга мажбур. Тозаловчи, энага, боқувчи, юк ташувчи, қурувчи ва тўшловчи.

Бу меҳнаткашнинг номини топинг?

**54.** Гёте фикрича, «У ҳазилни ёқтирмайди, у доимо ҳақ, ҳамма вақт жиддий ва қатъий, яна қайтариб айтаман

у ҳамма вақт ҳақ, хато ва англашилмовчилик инсон аралашуви орқали содир этилади.

Гёте нима ҳақида айтган бу фикрни?

55. Хитой анъаналар юрти ҳисобланади. Ҳар бир хитой 3 та нарсага гап-сўзсиз итоат қилади. Биричиси отага, иккинчиси императорга, учинчисини юқорида эшитдингиз деб ўйлайман.

Учинчисини сиз топинг?

56. 1982 йили Кубада юбилей тангаси чоп этилган. У АҚШлик бир инсоннинг юбилейига бағишлаб чиқарилган. Тангада юбилейи бўлаётган инсонни эмас, бошқа бир қарияни тасвирлашган эди.

Тангадаги қария ким, танга кимни юбилейига бағишлаб чиқарилган?

57. 1913 йил. Брюссель. Физикларнинг халқаро конференцияси бўлиб ўтмоқда. 30 га яқин дунёга машҳур олимлар тўпланишган. Энг охирида Мария Кюри хоним кириб келади. Уни кўриб чўзилиши кутиладиган конференциядаги айрим эркак иштирокчиларнинг кайфияти бузилади

Йиғинларда Кюри хонимни иштирок этишини хоҳламаган айрим эркакларни қандай салбий алоҳидалиги бўлган?

58. Мазали таомни хуш кўрувчилар ҳеч иккиланмай ўрдакниқини буюради. Битта аниқ сабаб туфайли унинг жигари курка ва ғозниқидан мазали бўлар экан.

Бир дақиқадан сўнг ўша сабабини бизга топиб беринг?

59. Сиз ўз миянгизни қизиб кетганини сезасизми? Шундай пайтда нима қиласиз? Детройт тиббиёт институти олимлари кузатишлари бўйича сиз шу ҳаракат билан миянгизни совитар экансиз.

Айтингчи, миянгиз қизиб кетганини қаердан билишингиз мумкин?

60. *Озодбек Очилов. Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани.*

Бу жиҳозни XIX аср бошларида франциялик рашкчи эрлар ўйлаб топишган. Шундан унинг бугунги номи ҳам рашк деб аталади. Бизга рашк деб таржима қилинади. Бу жиҳоз ҳақидаги таассуротлар доимо бир жонзот, каттагина бир ҳайвон сурати билан уйғунлашади.

Бир дақиқадан сўнг биз қайси ҳайвон суратини кўрсатамиз?

61. *Файзулла Қаландаров. Тошкент шаҳар.*

Халқаро Олимпия Назорат Қўмитаси талабига кўра, жисмоний куч сарфлашни талаб қилувчи спорт йўналишларида ҳомиладор аёлларни қатнашишлари таъқиқланар экан. Бир-икки ойлик ҳомиладор аёллар назарда тутилмоқда.

Нима сабабдан ҳомиладор аёллар мусобақаларга қўйилмайди?

62. *Ғолиб Тиллаев. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани.*

XX аср бошида яшаган алломалар тарбиянинг асоси нима дейилган саволга – маърифат дея жавоб қилишган. Ҳинд донишмандлари тарбиянинг асосини меҳнатга боғлашган. Юнон файласуфи Сукротдан тарбиянинг асосини сўрашганида – ишонтириш деб жавоб берган.

Нимага ишонтириш деб қайта сўралганда, у 2 та бир-бирига яқин сифат билан жавоб берган.

Қандай 2 та оддий ҳолатга ишонтириш деб жавоб берган?

**63. Турсунова Дилобар. Тошкент вилояти, Бўка туманидан.**

Финлар ўз фарзандларини ўрмон ва кўлларга олиб бориб, ёввойи ҳолда бир неча кун яшашга мажбур қилишар экан. Тасаввур қилинг, ёзда ўрмонда қапа тикиб ота-она ўз болалари билан бир неча кун яшайди.

Нима учун қилишади, бу ишни?

**64. Гулсиной Қаюмова, Қирғизистон Республикаси Боткент тумани.**

1955 йилда яратилган қуйидаги мисраларни тингланг:

Оёғимдаги туфли – Японияники!

Эғнимдаги шимим – Англияники!

Бош кийимим – Русияники

Аммо қалбим эса – Ҳиндларники.

Юқоридаги мисралар жуда машхур фильмдаги саунтрекнинг ўзбекча сўзлари бўлиб, у бошқа тилдан таржима қилинган.

Айтингчи, у қайси фильмдан олинган?

**65. Чўлпон Мамбетова. Қорақалпоғистон Республикаси.**

«Фан» нашриётида чоп этилган «Родос Аппаллони» китобидаги қизиқ бир манбани тингланг. Птоломей давридаги Мисрда тахт ворисини тарбиялашга масъул бўлган устоз, яна бир муҳим лавозимни ҳам эгаллаган. Бу тахт ворисига чуқур билим беришда катта ёрдам берган.



Тахт ворисининг устози қандай лавозимни эгаллаши лозим ва қаерга раҳбар бўлиши керак бўлган?

**66. Адҳамжон Аҳмаджонов. Наманган вилояти, Уйчи шаҳри.**

Сандиқчада бир жуфт бир номдаги уй-рўзғор буюми бор. Туркий халқлардан бирининг машҳур номи айнан шу бир жуфт анжомдан келиб чиққан экан.

Сандиқчада нималар бор?

**67. Равшанбек Мамажонов. Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани.**

Лотин Америкасида бир куш бор, яхшилаб кузатилса ўнг оёғи чап оёғидан анчагина калта. Мухлислар бир машҳурга шу кушнинг номини беришган.

Қайси машҳур шу кушдан ўзига лақаб олган?

**68.** Статистик маълумотларга кўра, Францияда у транспорт энг кўп ишлатиладиган ҳаракат воситаси ҳисобланар экан. Кунига 60 млн. киши унинг пассажирига айланар экан.

Ўйлаб кўриб, бу транспорт воситаси номини топинг?

**69.** XVII асрда Испания университети профессори Парижга янги китоблар олиб келиш учун юборилади. У ердан у шундай бир янгиликни олиб келадики, университет мудирини кирим дафтарида унинг номини нима деб қайд этишни билмай турганда, ўша профессор «4 та томонидан ўқиладиган китоб» деб ном беришни маслаҳат беради. Ўша нарсани бир дақиқадан сўнг сизларга кўрсатамиз.

Ташқарида нима турибди?



70. Планетамизда жуда кўп денгизлар мавжуд. Айрим денгизлар ўз номини давлатлардан олган. Масалан, Япон соҳилини ювгани учун, у денгиз япон номини олган. Норвегия қирғоғини ювган денгиз Норвегия денгизи. Бунақа мисоллар анчагина. Бир ёш давлат эса ўз номини ёнидаги денгиздан олган. Қўркмай айта оламан бу қизил денгиз.

Хурматли билимдонлар бир дақиқадан кейин бизга ўша давлат номини, изоҳи билан топиб берасиз.

71. Сандикчадагини пайдо бўлиши суратлар, кўргазмаларини намойишига олиб келади. Чунки XVII асрда жуда кўп зодагонлар хонадонидан у ўрин эгаллаб улгурган эди. У Европа бойларини жуда кўп вақтини олганидан бўлса керак, уларни бу ғояга ундаган.

Сандикчада нима бор?

72. Эрамизнинг VI–V асрларида Испан денгиз флоти катталашиб, кўплаб бошқа соҳа одамлари ҳам денгизчиликка қабул қилина бошланган. Бу эса ўзига яраша қийинчиликларни келтириб чиқарган. Дехқон-денгизчиларни бу соҳага ўргатиш учун, хатто шолғом ва пиёздан фойдаланишга мажбур бўлишган.

Аниқ айтингчи, шолғом ва пиёз орқали улар нимага ўргатилган?

73. Япон телеканалларидан бирида 2003 йилдан бери тарихий-социал, анимацион роликлар бериб бориш йўлга қўйилган. Битта умумий номдаги бу фильм – роликларнинг муаллифи бир инсон ва у инсон анча асрлар бурун вафот этиб кетганлиги диққатни тортади.

Бу тарихий фильм-роликларни муаллифи ким эди?

74. Агар сизни ит таламасин десангиз, у ишни қилинг, агар уйингизга тунда ўғри тушмасин десангиз ҳам, қаришни хоҳламасангиз ҳам у иш билан шуғулланинг дейилади бир ривоятда.

Бу халқ ривояти нима иш билан шуғулланиш оқибатларини қайд этган?

75. Замонавий нотикларда шундай гап бор, агар нутқ пайти фикр тўхтаб қолса, Цицеронни услубини қўллаш зарур деган. Цицерон ўз нутқида улардан кўп бора фойдаланар ва у нутқни безаши ҳақида кўп бора айтган.

Нима нутқни безайди?

76. Агар бир лавозимга 4 та номзод ичидан битта номзодни танлаб олиш зарур бўлганда, XIX асрдаги идоралар қонунига биноан Пушкин, Лермонтов, Гогол ва Герцен орасидан давлат амалдорлигига энг охириги номзод, яъни Герцен ўта олар эди. Ўша вақт қонунига биноан давлат амалдорлигига номзоднинг, энг аввало бир сифатига катта эътибор беришган. Кейин одоби, ақли-хуши, саводи инобатга олинган.

Айтингчи, бўлғуси амалдор, энг аввало нимани аъло даражада бажара олиши талаб этилган?

**77. Гуласал Хусанова, Бешариқ туманидан.**

1 ёшгача болаларни даволовчи педиатр билан ветеринар врачнинг орасида жуда қаттиқ ўхшашлик бор.

1 дақиқадан кейин уларнинг фаолияти билан боғлиқ ўхшашликни топиб беринг?



## **78. Жуманазар Наврӯзов. Шовот туманидан.**

Қорақалпоқ топишмоғи:

Тор уйига тикилиб,

Қари чолдек букилиб.

Уйидан чикса ўйноқлар

Уйига етса жим бўлар.

Тинчлик истаганлар уни уйида ётишини истайди.

Топишмоқ нима ҳақида:

## **79. Жуманазар Наврӯзов, Шовот туманидан.**

Синхрон сузиш мусобақалари мусиқа ёрдамида бўлиб ўтади. Хўш, сув остида-чи, мусиқа яхши эшитилмайди-ку. Ритм ва синхронлик бузилиб кетмаслиги учун улар сув остида йиллар давомида бир ҳаракатни амалга оширадилар.

Сув остида ритмдан чиқиб кетмаслик учун қандай усул қўллашади?

## **80. Муборак Тоирова. Самарқанд вилояти, Нуробод тумани.**

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповда шундай бир ўхшатиш мавжуд: шоирга ҳам, дурадгорга ҳам, нонвой-ю кимёгарга ҳам, дорбозу-шахматчига ҳам берилажак бир савол бор. Одатда, бу савол 2 ҳолатда берилади. Ижобий ва салбий ҳолатда. Амалга оширган ишига қараб бир инсонни ёдга олишади.

Бир дақиқадан сўнг кимни эслашларини топиб беринг?

## **81. Шаҳноза Ашурбекова Кўргонтепа тумани, Андижондан.**

Стендалнинг «Қизил ва қора» асарининг 2-бобида

унга шундай таъриф берилган: «у аҳмоқлар учун ҳурмат, гўдаклар учун ҳайрат, зодагонларнинг ҳасади-ю, доноларнинг нафрати» – деб ёзилган.

Ёрдам бериб шуни айта оламан, ҳар бир инсон унга ўз меҳнати билан эришмоқликка интилади.

У нима?

**82. Зафаржон Ҳасанов Поп туманидан, Банк ходими.**

«Муваффақиятга эришиш омиллари» китоби муаллифи Напалеон Хилл: «Менинг бобом махсус дурадгор уста эди. У шундай бир нарса ясардики, унча-мунча дурадгор у ишни эплай олмас эди. У ўз маҳсулотини ясаш учун алоҳида ўсган дарахтлардан фойдаланар эди. Чунки алоҳида ўсган дарахтлар гавжум ўсадиган дарахтлардан анча пишиқ бўлади.

Унинг бобоси бу пишиқ ёғочлардан нима ясаган?

**83. Анвар Холов. Касби туманидан.**

Барча илм-фан ва санъатнинг умумий отаси нима деб ўйлайсиз. Леонардо да Винчи ўзини унинг шогирдиман деб билган.

Нимани у ўзига устоз деб билган?

**84. Абдуваҳоб Ҳамилов. Булунғур туманидан.**

Соҳибқирон набирасига Муҳаммад Тарағай деб исм беради. Лекин кейинчалик Улуғбек Мирзога айланиб кетади.

Ким ё нима сабаб Муҳаммад Тарағай, Мирзо Улуғбекка айланиб кетган?



## **85. Тўра Мадоев Жиззах шахридан.**

Этикет қоидалари китобида шундай маълумот келтирилган.

Агар сиздан кафедра ўтирган пайтингизда кўшни столдагилар туздонни бериб туришни сўрашса, этикет қоидаларига амал қилган ҳолда сиз қандай ҳаракат қилган бўлардингиз?

## **86. Бахтиёржон Гафуров Риштон тумани.**

Кўйми-у молми-у сўйиб бўлгач, гўшти дарров нимталамай 2–3 соат тиндириб, совитилади. Бу ҳолат нафақат қассобга, харидорга ҳам қулай бўлар экан.

Нега мол сўйилгач гўшти аввал тиндириб, кейин нимталанади?

## **87. Барчиной Имомхўжаева. Андижон шахридан.**

«Ёш келинларга ўғитлар» китобида қайнона-арикқа, қайнота-арикни йўлга солувчи кетмонга, ўғил-сувга ўхшатилади.

Ҳўш келинлар нимага ўхшатилади?

## **88. Асланбек Долимов, Урганч шахридан.**

Италян кинорежиссёри Бернардо Бертолуччининг Оскар мукофотини қўлга киритган бир фильмида шундай гап учрайди. «Унинг 4 оёғи, иккита боши бўлсада, юраги битта бўлиши керак» деган.

Бертолуччи нимага бу таърифни берган?

## **89. Музроб Ҳошимов. Қора-Қамиш 2/1 даҳасидан.**

Бир ҳаким «уйланиш қудуққа тушиб кетиш билан баробардир» дебди.

– Қудуқдан чиқишни иложи йўқми – деб сўрашса,

ҳаким:

– Бор кудукни оғзига ҳарсангтош бостиришмаса кутулса бўлади – деган. Кўпчилик тушунмабди.

Тушунмаган кишиларга ҳаким нима деб тушунтирган?

**90. Элмурод Маматиминов, Андижон вилояти.**

Қарз жуда ёмон нарса. Қарз бўлиб юриш энг ёмон ҳолат. Бу ҳақда битилган бир ўзбек мақолини эшитиб кўринг:

Қарз товуш чиқармаса ҳам... аммо кўймайди деган.

Мантиқан ўйлаб кўриб айтинг: «Қарз товуш чиқармаса ҳам» нимага кўймайди?

**91. Анвар Холов. Касби туманидан.**

Дунёда жуфт нарсалар кўп эру-хотин жуфт. Кўз жуфт, кулоқ жуфт. Шундай бир жуфтлик борки, унинг чапдагиси, ўнгдагисидан 1 ярим 2 см.га баландроқда жойлашган бўлади.

Бу қандай жуфтлик?

**92. Шоқувват Шожалилов, Наманган вилояти, Учкўргон тумани.**

«Заковат» сандикчаси ичида Ҳиндистонлик таржимонларга ҳар йили топширилажак мукофот бор. Албатта, улар олтин, кумуш ва бронзадан ясалган ёки суви юритилгани топширилади.

Таржимонлар фаолиятдан келиб чиқиб айтинг, сандикчада нима бор?

**93. Оқ қоғоз ва ручка.** Бир дақиқадан кейин шу қоғозга меъморлар дала шароитида ҳеч қандай мосламаларсиз



фақат ручка билан қандай қилиб тўғри чизик тортишларини тушунтириб беринг?

**94.** 1984 йили Лос-анжелосдаги Олимпиядада немис найза улоқтирувчиси Уве Хаан улоқтирган найза 104 метру, 80 смга бориб тушди. Шундан сўнг Халқаро енгил Атлетика Федерацияси найза учигадаги металлни оғирроқ қилишга келишиб олишади.

Уларни бу қарорга келишларига нима мажбур қилган?

**95.** Японларда Ксияки деган гўштли таом мавжуд бўлиб, унинг асосий ингредиенти сандиқчадаги ҳисобланади. Таажжуб. Биз минг ажабланмайлик японлар Ксиякини усиз ейишмайди.

Сандиқчада нима бор?

**96.** Япон шоири Мацунати Тойетокдан хокку:

Хоккунинг қиска баёни.

Касалсан. Табиб сени

Даволаётганда, унинг овозини

Эшитиб ёт, икки томонлама ютасан.

Унинг овози бирдан сен ҳали ҳаёт эканлигингни англатса, иккинчидан оғир муолажадан чалғитади. Хоккуни нима мақсадда ёзилганлигини сизга айтиб бердим.

Бу хоккуда беморга нимани овози ёрдам бериши айтилган?

**97. Содиқжон Мелибоев. Жиззахдан.**

Уй жонзотларидан товукни кузатган мутахассислар айрим пайтлари ёмғир ёғса ҳам ёмғирда ризқини териб юрганини кузатишган. Яна айрим пайтларида ёмғир ёғаётганда панада турганини, ёмғирдан гўё кўрққандек



панада туришини кўришган. Текширувлардан шу нарса аниқланган.

Мутахассислар бу 2 хил ҳолатни қандай изоҳлашган?

### **98. Анвар Одилов, Олот туманидан.**

Анвар ака «Ақл-ақлдан қувват олади» китобидан Мақсуд Шайхзоданинг куйидаги мисраларини келтирганлар:

– Янгисин оларсан эскирса рўмол,

– Кўйлак янгиланар кетса охори,

Аммо у сотилмайди, йўқдир бозори,

Шундан уни асра жонинг мисоли.

Шоир бу 4 қатор шеърни нимага бағишлаган?

99. XX аср бошларида чиқарилган «Тараққиёт» газетасининг таомнома саҳифасида палов ейиш қоидалари илмий асослаб берилган. Бу осон саволни бугунги кун ёшларимиз қай даражада билишлари бизни қизиқтиради.

Газетада палов еб бўлган, тўйган киши қайси ҳаракатни қайд этмоғи лозим дейилган?

### **100. Холида Очилова. Тошкент шахридан.**

Абу Али ибн Сино бунни ўз асарларида ёзиб кетган. Бу ҳаракат сизни жаҳлдан туширади, керак пайтда осойишта қилиб, зарур пайти кўнглингизга қувонч бахш эта олади. У ҳаракат билан сиз танангизга дам бера оласиз, уйкунгизни ҳам қочиради.

Бир дақиқадан кейин бу ҳаракатни кўрсатиб беринг?

101. Тез-тез туш кўриб турасизми? Тушда овозлар ҳам эшитасизми? Демак, тушда сиз овозни эшитасиз. Овозларни эмас. Бир пайтда бир нечта овозни эшитганмисиз,

10 – 20 та овозни назарда тутаятман. Йўқ. Фақат уларгина тушларида бир нечта овозни эшитишлари мумкин.

Кимлар тушида бир пайтда бир нечта овозни эшитиши мумкин?

**102.** Шарқ зиёлилари инсонни 3 турга бўлишган: телба, оддий ва доно одамга. Уларнинг фикрича, телба ва доно кишиларда бир вақтда бу икки хусусият бирга бўлмас эмиш. Оддий инсонни оддий қилган ҳам ундаги шу 2 та хусусиятни бир вақтда бўлиши экан. Жавобни билганим учун бу ниҳоятда тўғри фикр эканлигига тан бераман.

Телба ва доно инсондан фаркли ўлароқ оддий инсонда қайси 2 та хусусиятни бир вақтда кўриш мумкин?

**103.** «Заковат» сандиқчаси ичида 4 та маҳсулот бор. Ўзбекистонда сандиқчадагини пайдо бўлишига асосан мана шу 3 та табиат неъматининг ҳиссаси катта. Энг қизиғи сандиқчадаги маҳсулот мана шу 3 та табиий неъматлар пишмасидан олдин тайер бўлади.

Сандиқчада нима бор?

**104.** XV–XVI асрларгача Венециядан бир нарсани шаҳардан рухсатсиз олиб чиқиб кетилса ва у қўлга тушса ўлим жазосига тортилган. Чунки унинг ватани Венеция ҳисобланади.

1 дақиқадан кейин ўша маҳсулот ўғрисини билимдонлар орасидан топиб берасиз?

**105.** Қадимги Хитойда эру-хотинни ажрашиши жараёнида мол-мулк бўлиниши жуда қизиқ бўлган. Бунинг учун сандиқча ичидагидан бир жуфт зарур бўлган. Бу

баҳсни сандиқча ичидаги предмет ҳал қилиб берган. Бунинг натижасида эр-хотинлардан бири ҳамма молу-мулкка эга бўлган бўлса, кимдир ҳеч нарчасиз, ҳамма молу-мулкни ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Сандиқчада нима бор?

**106.** Ҳозир уйланиш шарт-шароитлари жуда оддий куёв бемалол келини уйига ҳам бориб юраверади. Аммо илгари айрим Кавказ халқларида куёв фотиҳа тўйидан то тўйгача бўлган вақт оралиғида учрашиши мумкин бўлмаган.

Бўлғуси куёвнинг тўйгача ким билан учрашиши мумкин бўлмаган?

**107.** Бетховеннинг 5-симфониясини айрим мусиқа-шунослар лотинча бир атама билан ҳам номлашади.

5- симфониянинг иккинчи номи нима бўлган?

**108.** Рухшунослар фикрича бу соҳада аёлларга малакадан ташқари сеҳру-жоду ҳам, фантазия ҳам ёрдам берар экан.

Қайси соҳада?

**109.** Бир дақиқадан кейин голланд фермерлари сандиқчадаги мослама билан қайси олмада курт борлигини аниқлаб беришган.

Мосламанинг номини топинг?

**110.** Француз рассоми Поль Сезанн ижод қилаётганда, албатта иш столи устида қоп-қора шляпаси ва оппок дастрўмоли турган.

Шляпа ва дастрўмолдан нима мақсадда фойдаланган?



111. Агар сиз билан мен бир-биримизга ишончли инсонларга айлансак, кейинроқ иккаламиз ака-ука тутинишимиз мумкин, тўғрими?

Бунинг учун иккаламиз ўзаро сиз менга ука, мен сизга ака деб, келишсак кифоя. Таити ороли аборигенлари агар икки йигит бир-бири билан ака-ука тутинмоқчи бўлишса бошқа бир ишни амалга оширишар экан.

Фалончи билан мен ака-ука тутинмоқчи бўлсак, худди аборигенлар сингари нима ишни амалга оширишимиз керак?

112. *Дилафрўз Раҳимқулова. Дехқонобод туманидан.*

А.Навоий ҳазратлари кўп асарларида у соҳа кишилари ҳақида бекиёс ўхшатишлар қилганлар. Бир асарларида уларни одам Атога, яна бир асарларида уларни руҳонийларга ўхшатганлар. Чунки улар руҳонийлар қатори оллоҳни энг кўп тилга олишлари айтилади. Уларнинг кўзлари эса доимо кўкда бўлиши айтилган.

Ҳазрат Навоий қайси касб эгалари ҳақида айтганлар бу фикрларни?

113. *Ёқутхон Ғойибназарова. Бешариқ туманидан.*

Қадимги Юнон файласуфидан бири Биант яшайдиган шаҳарни Эрон лашкарлари босиб олади. Шаҳар аҳолиси кўлига тушган нарсасини олиб қоча бошлайди. Аммо Биант ҳеч нарса олмай шаҳарни тарк этади. Буни кўрган ҳамшаҳарлар «Нега сен ҳеч нарса олмадинг» дейишганда, у шундай бир жавоб бериб ҳаммани лол қолдирган экан.

У нима деб жавоб берган?

### 114. *Бекпошиша Раззоқова. Урганч шахридан.*

Инсон қўллари ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Инсон қўллари унинг биринчи иш курули. 100 минг йиллар илгари ҳали коса, пиёла нималиги маълум бўлмаган пайтлари, инсон кафтида сув ичган. Сандикча ичидаги пайдо бўлгунча ҳам инсон қўллари уни қўллари билан бу вазифани бажариб турган. Айримлар ҳозир ҳам бу ишни қўлда бажаришади.

Сандикчада нима бор?

### 115. *Бекпошиша Раззоқова. Урганч шахридан.*

Сандикча ичидаги мослама ҳақида шундай топишмоқ бор.

«Ўн бир игна, юз тўрт тугма» – деган.

Яхшилаб ўйлаб айтинг, сандикчада нима бор?

### 116. *Аҳмадҷон Маматқулов. Фарғона шахридан.*

Бу савол 80 ёшдан ошган мухлисимиздан. Ўзбеклар чой ичишни яхши кўрадиган халқ. Ҳозир ҳамма деярли бир хил чойгумда чой қайнатади. Илгарилари чой мис човгумларда қайнатилад эди. Онамиз раҳматли қайнатган чойларнинг мазаси ҳалигача оғзимизда қолган. Чунки онам чойни мис човгумда қайнатган. Бундан ташқари, онам яна бир усулни қўллаганларидан чойлари ҳамманикидан ширин чиқар эди.

Фарғоналик Аҳмадҷон отанинг оналари чой мазали чиқиши учун нима қилганлар?

117. Шундай пичоқлар ишлаб чиқарувчи фабрика ходимлари пичоқларни, асосан қайси рангда ишлаб чиқаришади ва нима учун?



**118.** Оддий қайнатилган гўшт.

Қадимги Хитойда кимлар бир ой давомида фақат қайнатилган гўшт билан боқилган?

**119.** Моцарт 10 ёшигача бир мусикий асбобдан чўчигани айтилади. Унга, ҳатто қарашга ҳам кўрққан. Бир марта овозини эшитганда ўзидан кетиб қолгани ҳам ёзиб қолдирилган. Кейинчалик ҳам уни ўз асарларига қўшмаган экан.

Айтингчи, бастакор Моцарт қайси мусикий асбобдан кўрққан?

**120.** *Диляра Шакарова. Самарқанд шахридан.*

Машхур пианиначи Святослав Рихтернинг илк танловига устози Нейгауз деган мусиқачи тайёрлайди. Устози конкурсга бир кун қолганда «жуда яхши агар эртага ҳам шундай чалиб берсанг марра сеники. Бугун эса уйга бориб ухла, яхшилаб дам ол» – дейди. Эртасига танловда у куйни ажойиб чалиб 1-ўринни эгаллайди. Аммо устози бундан норози бўлади.

Рихтер нима қилганки, устози норози бўлиб қолган?

**121.** *Рустам Темиров. Қизириқ туманидан.*

Эскимослар ҳаёти ов билан боғлиқ. Улар фарзандларини 4 ёшдан бошлаб ов қилишга ўргатишади.

Эскимос болаларини 4 ёшдан нимани овлашга ўргатади?

**122.** *Рўзигул Жуманазарова. Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидан.*

Абдураззик Самарқандий асарларидан сизга бир жумбоқ:

У нима иссиқда эримас,  
Совуқда музламас,  
Шамолда қимирламай,  
Сел оқизиб кетмас.

Бу каби нарсалар кўп бўлиши мумкин. Лекин бу асарда келтирилгани бу каби қимирламасларнинг энг йириги.

Жумбоқ нима ҳақида?

**123. Насиба Ибодова. Пахтачидан.**

Ўрта аср шарқ аҳолиси куз ойида роса пишиб етилган ширач ўсимлигининг илдизини тўплаб, уларни қуритиб талқон қилиб сотишар эди.

Улар бу талқонни қимларга сотишган?

**124. Алишер Ҳамроев. Пахтакор шахридан.**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонга келгач, уларни қурдириб бирини «Осойиш», иккинчисини «Оройиш», учинчисини «Гулжайиш», тўртинчисини «Фармойиш» каби туркий номлар билан номлаган. У илгари Андижонда унинг салтанатида бўлмаган. Ҳиндистонда улар жуда керак восита бўлган.

Улар нима эди?

**125. Ширинова Мадина. Янгиер шахридан.**

Генри Форд ўта зукко ва талабчан раҳбар бўлган дейишади. У янги ишчиларга бир неча кун корхонанинг олдини супуришни, дарвоза ва деразаларни тозалашни буюрар экан. Шундан кейин асосий иш фаолиятларини бошлашга руҳсат берар экан.

Аниқ қандай мақсад учун у бу ишларни қилдирган?



**126. Гулжаҳон Бованова. Пастдарғом туманидан.**

Ибн Сино гиёҳлар тўғрисидаги дастлабки илмий асарларини Абу Бакр ар-Розий, Буқрот, Жолинус китобларидан ўқиб ўрганиб ёзган. Аммо ундан олдин у бир касб эгалари ёнида юриб гиёҳлар борасидаги илк маълумотларга эга бўлган.

Ибн Сино ўсмирлик чоғлари қайси касб эгалари билан кўп мулоқотда бўлган?

**127. Зарина Эргашева. Нарнай туманидан.**

Шарқ алломаларидан бири Абулвафо Хоразмий насихатларидан бирида – Гар сен бир йил сукут сақлай олсанг маҳмадоналик қилишни унитасанда – ўрганасан деган.

Абулвафо Хоразмий нимани ўрганасан деган?

**128.** XX асрнинг 20-йиллари Шахмат оламида Хосе Раул Капабланкага тенг келадиган шахматчи бўлмаган. Ўша вақтнинг шарҳловчилари: Капабланкага, кубалик, жаҳон чемпиони, Ласкерни мағлуб этган каби сўзларни илова қилишарди.

1927 йилдан бошлаб шарҳловчилар юқоридаги нисбатларга қандай қўшимча қўша бошлашган?

**129. Сабоҳат Нуриева Тошкент шахридан.**

Қадимги Ҳинд Ригведаларидан бирида мана шундай таърифлар келтирилган: «Унда атиргул япроғи каби хушрўйлик, қалдирғочнинг овозсиз ҳаракати-ю, дарахтнинг тонгги шабнам каби беғуборлиги, баҳор шамоли каби беқарору, товус каби ўзгарувчан, аммо йўлбарс каби важоҳатни кўриш мумкин».

Юқорида таърифи роса келтирилган қоришма номи-ни топинг?



### 130. *Жамшид Қобилов. Пахтачи туманидан.*

Қадимда туркман аёллари вояга етган қизларига тилларанг ё кумушранг бош кийими кийгизиб қўйишган. Мақсад бу 2 хил бош кийим билан кўрган-билганларга қиз ҳақида белги бериш бўлган.

2 хил рангдаги бош кийим нимани билдиради?

131. Қадимда Римнинг энг марказий, одамлар гавжум кўчасига оғир беморларни олиб чиқиб ўтказиб, ҳатто каравоти билан олиб чиқиб қўйишган.

Бундан қандай аниқ мақсад кўзланган?

132. У артистлар гапирганда аста, сўзларни бўрттирмай, атрофдагиларни чўчитмай юмшоқ гапиришга ўрганишлари талаб этилади. Қўл остидаги эшитувчиларга тушунарли бўлиши учун сўзларни бир-биридан ажратиб, алоҳида-алоҳида, керак бўлса қайта-қайта гапиришлари лозим бўлади. Уларга кескин ҳаракат қилиш мумкин эмас, бу улар учун хавfli дейилади.

Кимларга чиқарилган бу қўлланма?

### 133. *Сарвар Қосимов. Учқудуқ шахридан.*

Биз сўрамоқчи бўлган альфалар ҳамма инсонлар учун жуда зарур. Масалан, Рим нотиғи Цицерон уларсиз нутқ сўзлашга қийналган бўларди. Альфалар кўрқув солишга, ниманидир аниқлашга, баъзан ваъда беришга, кўз-кўз қилиш учун асосий восита саналади.

Альфаларни топинг?

### 134. *Бахтигул Мирзақулова Навоий вилояти, Кони-мех туманидан.*

IX асрда уни илк бор Европалик денгизчилар шарқ



мамлакатларидан олиб келишган. Олиб келиб ўз ёрларига бу нафис ҳидли, сифатли маҳсулотларни ўзларининг соф, мусаффо, тоза муҳаббатларининг рамзи сифатида тухфа қилишган.

Денгизчилар ўз ёрларига нима совға қилишган?

### **135. Обид Худоёров. Риштон туманидан.**

Тинч океанининг унчалик чуқур бўлмаган худудида ғаройиб чувалчанглар яшайди. Улар эрта-ю кеч балиқлар овлайди, ҳатто акулалар ҳам улар кўркувга солиб еб кетаверади. Лекин уларнинг сони ҳеч ҳам камаймайди.

Нега улар сони камаймайди? Нимадан кўпаяди улар?

### **136. Озодбек Мирзаев. Ангрен шахридан.**

Совук ўлкаларда омборлар эшиги ичкарига очилдими, ташқаригами? Ичкарига. Ташқарида қор кўп ёққанда ташқаридан қор эшикни ушлаб қолиши мумкин. Ичкарига очиш қулай. Молхоналарнинг эшиги совук ўлками, иссиқ ўлками фарқи йўқ, албатта ташқарига очиладиган қилиб қурилади.

Аниқ қандай сабаб туфайли молхона ҳамма вақт ва ҳамма ерда ташқарига очиладиган қилиб қурилиши сабабини топиб беринг?

### **137. Инобат Салаева. Урганч туманидан.**

Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб электрон ҳисоблаш машиналари оммалаша бошлайди. ЭҲМда ишлаш учун фақат йигитлар, эркаклар жалб қилинган.

Нега ўша вақтларда аёлларни ЭҲМга яқинлаштиришмаган?

**138. Эркин Очилдиев. Гулистон шахридан.**

Қандай товуклар учун айрим ҳолларда уй бекалари товук тухум қиладиган жойга атайлаб биттадан тухум ташлаб қўйишади?

**139. Нилуфар Файзуллаева. Жиззах шахридан.**

Бир ибратли ривоятда сув, олов ва ахлоқ дўстлашиб узоқ сафарга чиқишгани айтилади. Мабодо адашиб қолсак, бир-биримизни қандай топамиз дейишибди. Шунда сув: қаерда шарқираган овоз эшитилса мени шу ердан топасиз, дебди. Қаерда тутун кўрсангиз мен ўша ерда бўламан, дебди – олов. Навбат ахлоққа келганда...

Ахлоқ йўқолганда уни қаердан топиш мумкин?

**140. Гулруҳ Мамарасулова. Бекобод шахридан.**

XX аср 50-йилларида Япон ресторанларида овқатланиб юрувчи хўрандалар томонидан шундай шиор ўртага ташланган эди: йўқолсин нурибаши, яшасин Марибаши – деган.

Хўрандалар ресторан маъмуриятидан нимани талаб қилишган?

**141. Азамат Ўрозов. Кўшкўпир туманидан. Хоразм вилояти.**

Маълумотларга кўра, инглиз полициясида итлар учун махсус курслар ташкил қилиниб, бир йил давомида ўқитилади. Ўқув йили сўнггида улар имтиҳон қилинади.

Ўргатилган итлар учун энг қийин ва энг сўнгги имтиҳон қандай шартдан иборат бўлади?



142. Кливленд университети талабаларига айрим дарслардан имтихонларда биттадан қовоқ тарқатилади.

Аниқ қайси соҳага ўқиётган талабалардан қовоқ билан имтихон олинади. Талабалар қовоқ билан нимани кўрсатишлари керак?

143. *Муборак Тойирова. Самарқанд вилояти, Нуробод тумани.*

XVI–XVII асрларда юртимизга Хитойдан Буюк Ипак йўли орқали келтириладиган энг асосий 2 та маҳсулот бўлган. Биринчиси – ипак матолар. Иккинчисига бир касб эгалари харидор бўлишган.

У қандай маҳсулот ва уни қайси касб эгалари буюртма қилишган?

144. *Латофат Зойирова Қоровулбозордан.*

Бўйи 90 см.дан ошмайдиган бу митти пони отларга араб давлатларидаги айрим шахсларда талаб катта.

Кимлар бу отлар хизматидан фойдаланади?

145. *Саидакбар Мўминов, Фаргона туманидан.*

Озарбайжонда янги келинни синаш мақсадида, у пиширган бир таомдан шу қошиққа 15 таси сиғса келинни пазанда деб билишган.

Келин қайси таом билан ном қозониши керак деб ўйлайсиз?

146. *Абдимўмин Эшмуродов. Сурхондарё вилояти, Узун тумани.*

Кийик овлагани чиқадиган овчилар халтасида, албатта тупроқ олиб юришган. Бу овчига тактик жаҳатдан зарур бўлган.

Овчилар бу тупроқни нимада ишлатишган?

**147. Сардорбек Тойлоқов. Жиззах шахридан.**

Атлетика футбол клубига 2004 йилда янги ҳомий жалб қилинади. Шундан кейин жамоа ҳар галги ўйинига футболкада янги-янги ёзув билан пайдо бўла бошлаган.

Клубга қайси соҳада ишлаган киши ҳомий бўлган?

**148. Шохназар Маматкаримов. Зомин туманидан.**

Қадимги Мисрда фиръавн хонадонининг бекаси алмашганда улар худди эстафетани топширгандек сандикчадагини бир-бирларига топшириб кетишган. Ундан хоҳлаган киши фойдаланиб кетавериши мумкин.

Сандикчада нима бор?

**149. Хуршида Қиличева. Сардоба туманидан.**

Қадимги Рим уруши бошланиш арафаси халқ орасидан тўпланадиган армия шундай бир ном билан аталганки, бугун ҳам у ном муомалада мавжуд.

Бундай ҳарбийлар нима деб аталган?

**150. Гулжаҳон Бованова. Пастдаргом туманидан.**

Кудук қазувчи усталар шогирдларига шунақа тарбия беришади, кудукни хоҳлаган мавсумда кавласа бўлаверади. Сув чиқаверади. Аммо, лекин тиниқ ва энг ширин сув фақат куз фаслида қазилган кудукдан чиқади.

Нега, сабабини яхшилаб ўйлаб топишга уриниб кўринг?

**151. Ойсафар Тилабова. Жиззах шахридан.**

Оғриқ кўзлар ва дардли кўнгиллар учун энг яхши даво у дир. Уни сутканинг маълум вақтида кўриш мумкин.

У деб қандай пайт назарда тутилган?



**152. Гуласал Хусанова. Бешариқ туманидан.**

Шарк донишмандларининг фикрича, қарғишга қолмай десангиз болаларга, кексаларга, аёлларга ва уларга қўл кўтарманг дейилади.

Уларни топинг?

**153. Ойсафар Тилабова. Жиззах шаҳридан.**

Қадимги Мисрда аёлларда деярли оёқ кийим бўлмаган.

Нима сабабдан қадимги Мисрда аёллар оёқ кийим кийишмаган?

**154. Алижон Мингбоев, Риштон туманидан.**

Риштондаги масжидлардан бирида Имом Хатиб бўлиб хизмат қиладилар.

Қадимда бизда, хусусан водий томонларда бемори бор хонадонларнинг эшиги тагига қип-қизил атиргул қўйиб қўйишган.

Бу белги нимага қўйилган? Йўловчилар бу белгига қандай муносабат билдиришган?

**155. Абдували Каримов, Бахмал туманидан.**

Ўзбек халқида олдин от сотиб ол, кейин вазиятга қараб уни сотиб оласан, деган гап бор. Одатда, у отнинг феъл-атворига қараб танланади.

У нима?

**156. Нафиса Тожиева, Оқ дарё туманидан.**

Миразиз Аъзамнинг «Буюклар муҳаббати» асарида Малика Бибихоним айрим кунлари юзларига шунчалар кўп упа суришга мажбур бўлар эканлар. Демак, ўзи хоҳламаган ҳолда юзга кўп упа элик суриш зарур бўлган.

Маликага қайси кунлари ёки қачон бу никоб зарур бўлган?

**157.** Шарқ алломаларидан бири Хўжа Зулфикор дарвишдан сабзавотлар қабристонни қаер, деб сўрашганларида донишманд қаерни кўрсатган?

**158.** *Хурсандой Бердиева, Шахрисабз тумани.*

Машҳур бир романда Фузулийнинг шундай байти учрайди:

Ҳамроҳим эдинг бу йўлда эй мох,  
Ҳамроҳни ҳам ташлаб кетарми ҳамроҳ.

Мухлисамиз сўрамоқдалар, бу байтни қайси романда ўқиш мумкин?

**159.** *Ҳасан Султонзода. Сирдарёдан.*

Фарғона дўппи бозорида, асосан Фарғона дўппилари сотилади. Андижонда Анжон дўппилари Самарқандда Самарқанд дўппилари, Тошкентда Тошкент дўппилари сотилади. Ўзбекистонда бир вилоят борки, бу вилоятда дўппи бозорида ҳамма вилоятнинг дўппилари олиб келиб сотилади. Бу вилоятда ҳар йили дўппилар фестивали ҳам бўлиб ўтади.

Бу қайси вилоят?

**160.** *Рустам Темиров. Кизириқ тумани.*

Юнонлар ўз тилларида сандиқча ичидагини «асалли олма» деб аташган. Буни қарангки, асалли олма ибораси юнонлардан, испанларга кейин французларга, руслардан бизгача етиб келган. Бизга у мармелад бўлиб етиб келган.

Сандиқчадаги мармеладни, яъни асалли олмани

биздаги ўзбекча номини топинг?

**161. Муҳаммадҷон Иномҷонов. Наманган шаҳри.**

Нобеллар оиласи бир қанча нефтни қайта ишлаш корхоналарига эга бўлган. Улар корхона ишчиларига сандиқчадаги пойабзал турини кийишга мажбур қилишган. Хавфсизлик нуқтаи назаридан.

Сандиқча ичида аниқ қандай пойабзал тури бор?

**162.** Илк паспорт пайдо бўлганига 450–455 йиллар бўлиб қолди. У илк бор Италияда аввал кемаларга, кейин кема капитанларига, кейин бошқа фуқароларга берилган. Фуқаролар учун бериладиган паспортлар жуда оддий бўлган. Унда шахсни тасдиқловчи исм-шариф бўлган. Туғилган куни ҳамда шундай бир сифат характеристикаси ёзилган бўлганки, бу фақат Италиянларга хос бўлган. Италиянларни ажратиш осон бўлиши учун паспортга, ҳатто ўша маълумот киргизилган бўлса ажабмас.

Италиянлар паспортида ҳозир биронта паспортда учрамайдиган қандай сифат ёзиб қўйилган?

**163. Бу савол Татаристоннинг Қозон шаҳридан.**

Рустем Марказий Осиё тарихини яхши билишларини берган саволларидан ҳам билиш мумкин. Исломда инсон сурати чизиш ман этилган. Лекин 1008 йилда ҳукмдор томонидан махсус Ибн Сино сурати рассомларга чиздирилган. Тасаввур қилинг, бир нечта рассом унинг суратини чизишган. Бир нечта нусхадан чизишган.

Ҳукмдор нега унинг суратини чиздирган?

**164. Аминҷон Баратов, Вобкент туманидан.**

Илгарилари бизда шундай одат бўлган. Бир-бир-



ларини яхши танийдиган икки киши мол бозорига боришади. Гарчи улар мол сотиб олишга хохишлари бўлмасда бир неча қорамоллар (айнан, қорамоллар) олдида тўхтаб узоқ савдолашишади. Кейин, албатта мол сотиб олмасдан бир-бирларига кўл беришиб бозордан чиқиб кетишади.

Нега улар мол олмасаларда узоқ нархлашишган. Сабабини топинг?

**165. Зебо ва Лобар Нуриддиновалар. Паркент туманидан.**

Ари захрида темир моддаси кўп учрайди. Сандикча ичида эса темир моддасини камайтира оладиган озуқа бор.

Сандикча ичида нима борлигини топинг?

**166. Зебо ва Лобар Нуриддиновалар, Паркент.**

Лаосда дарёга балиқ овлашга чиқадиган балиқчилар сони энг ками 3 киши бўлиши керак.

Лаосдаги дарёлардан келиб чиқиб айтинг нима учун?

**167. Гулжаҳон Бованова, Пастдаргом туманидан.**

Қуш эмас ҳар замонда учгиси келиб қолади.

Хотиржам кўнгилга гумонлар, ғулғулалар солади.

У нима, кўнгилларга ғулғула солиб учиб турувчи?

**168. Рустам Темиров. Қизириқ туманидан.**

Жак Ив Кусто нимани Амазонканинг вертикал оқи-мига ўхшатган?

**169. Шомансуров Тўлқин. Бойсун туманидан.**

Темирчи хунарманд Тўлқин ака ўз касбларидан келиб

чиқиб савол юборганлар. Марҳамат 2 хил пичоқ олиб чиқилсин. Пичоқлардан бири ош пичоқ, 2-чиси қассоб пичоқ. Ош пичоқда мол сўйиб бўлмайди, дейишади темирчилар. Чунки унинг бир амалий сабаби бор.

Нега ош пичоқда мол сўйиб бўлмайди?

**170. Жўра Ҳошимов. Олмазор туманидан.**

Бу кекса мухлисимиз, ёшликларида оналари айтиб юрадиган 2 қатор шеърни эслаб ёзганлар:

Бир бола туғдим, боши йўқ вой дод,

Моховга ўхшар экан, қоши йўқ вой дод.

Бу шеър ниманинг тилидан айтилган?

**171. Адҳам Мухитдинов – Хатирчи туманидан.**

Беларус халқ ҳикмати:

«Ўй-фикрлар худди унга ўхшайди: Бировда оз бўлса, бировда кўп. Бировда оқ, бировда қора. Кимдадир тартибли, кимдадир бетартиб. Кимдадир сийрак, кимдадир юмшоқ.

Бу ҳикмат нимага нимага берилган?

**172. Аҳмаджон Маматкулов. Фарғона шаҳридан 80 ёшдан ошган мухлисимиз.**

Шундай бир егулик тури борки, унинг уруғида эфир мойлари жуда кўп. Шундан уни тераётган теримчилар ниқоб тақиб олишлари, эҳтиёт бўлиб теришмаса унинг ўткир ҳидидан беҳуш бўлиб йиқилишлари мумкин. Терилган маҳсулот дарров оғзи ёпиқ ҳолда сақланмаса ҳалиги ҳолат яна қайтарилиши мумкин.

У қандай маҳсулот?

**173. Толгат Қалимбеков. Нукус шаҳридан.**

Толгат машхур қорақолпоқ шоири Ибраим Юсупов-

нинг бир шеърдан парча келтирганлар. Шеър озарбай-  
жон қизига бағишланади:

Айт гўзал сен учун шеърлар битайму,  
–Ҳазар дарёсидан қирқ марта сузиб ўтайми,  
Унга ўхшаб ўз ёримни излаб ўтайми,  
Сен учун моли давлатдан кечдимда келдим.

Шоир унга деганда аниқ бир бойвачча инсонни  
назарда тутган.

Уни топинг?

**174. *Хушмамат Каримов. Яккабоғ туманидан.***

Ҳовлимизнинг одмигина айвони, айвон чеккасида  
онам мук тушиб кийимга ямоқ солмоқдалар. Ёнларида  
иплар, эски кийимлар, қийтиқлар ва оқ қоғоз.

Тикиб ўтирган онамга оқ қоғоз нима учун керак?

**175. *Мафтунбек Нарзуллаев. Денов шахридан.***

Хонадонимиздаги бу жиҳозга шундай ибора айтиш  
мумкин: Унинг тозаси қанча қиммат бўлмасин, энг  
арзон буюмлардан ҳам ўзини хокисор тутади.

Қандай қимматбаҳо буюм сўралмоқда?

**176. *Соғуда Жолдосбаева. Ғазалкент шахридан.***

Марҳамат Диоген жумбоғи. Ходимимиз кўлидаги  
таёқни шогирдларига кўрсатиб, «Қонун гўё шу таёқ –  
бир учи жазо, иккинчи учи...».

Иккинчи учини у нима деб ўргатган?

**177. *Мансур Асадуллаев. Самарқанд шахридан.***

XX асрнинг 30–33-йиллари Марказий Осиёда юз  
берган қаҳатчилик ҳалигача қарияларни ёдида. Буғдой-  
зорлар ёнида яшайдиган аҳоли уйлари доимо текшириб



юрилган. Ҳеч ким бир мисқол ҳам буғдой ўғирламаган. Аммо куз, қиш ойларида улар хонадонида буғдой доимо бўлган.

Улар буғдойни қаердан олишган?

**178. Маъруф Дилбоев. Олтинкўл туманидан.**

Сандикча ичида Момофуку Андонинг ихтироси жой эгаллаган. У ўз маҳсулотига шундай шиор танлаган: «инсонларда ейиш учун етарли овқат бўлса, ер юзидаги барча урушлар барҳам топади» деган.

Сандикчадаги Момофуку Андонинг маҳсу-лотларини топиб беринг?

**179. Розахон Камолова Наманган вилояти, Учкўрган туманидан.**

«Унга пастдан дўст каби боқ, тепасида душман каби тур».

Бу мақолдаги уни топинг. У нима?

**180. Қўзибоев Адҳам. Нуробод туманидан.**

Сертакаллуф кишилар жуда кўп ишлатадиган бу сўзни ўзига ишонган тадбиркорлар, учрашувлар чоғи бир ёки узоғи 2 марта ишлатса кифоя эмиш. 2 мартадан ортиқ ишлатилса у сўз ўз маъносини ўзгартириб, бой тадбиркорни ёрдамга муҳтож киши қилиб кўрсатиб қўяди дейишади.

У қайси сўз?

**181. Тангриқул Бўриев. Бойсун туманидан.**

Ким уйида куш боқади. Куш боққанлар негадир кафас ичига майда-майда тошлардан ва тухумдек

катталикдаги бир иккита тошлардан ташлаб қўйишади.

Бу майда ва йирик тошларни кушларга нима кераги бор?

### **182. Аҳмад Шарипов. Сариосиё туманидан.**

Лев Николаевич Толстой «Хўжайин ва хизматкор» хикоясида шундай лавҳа мавжуд. «Хўроз – эрта уйғонмоқ учун, кишиларни бедорликка жалб қилиб турувчи жонзот. Ит эса инсонни ғафлат босмасликка даъват қилиб туради. Мушук юзини ювиш билан хонадон соҳибларига бир белги бериши» айтилади.

Мушукнинг юзини ювиши нимадан дарак беради?

### **183. Розахон Камолова. Наманган вилояти, Учқургон туманидан.**

Поляклар баҳорни ёш қизга, ёзни онага, кузни бева аёлга, қишни эса...

Қишни қандай аёлга ўхшатишган?

### **184. Розахон Камолова. Наманган вилояти. Учқургон туманидан.**

Соҳибкирон Амир Темура ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган. Изланган сари янги-янги маълумотлар ҳам чиқаверади. Амир Темир лашкарларнинг кийимига катта эътибор қилдирган. Устки кийим, бош кийим, этикларгача ҳисобга олинган. Ҳатто, ҳамма лашкарларга бир хил қилиб, бир хил узунликдаги камчи ҳам буюртма қилдирган.

Нима учун?



## **185. Комил Санаев. Кармана шахридан.**

Ўзбек адабиётида митти ҳикоялар, қатралар деган жанрлар бор. Европада, хусусан инглиз адабиётида Драббл деган жанр бор. Бир жумлалик ҳикоялар. Бу ҳикоячаларни энг қисқа тугал, шу билан бирга якун топувчи бадий асар дейиш мумкин. Хеменгуэйнинг куйидаги драбблига кулоқ тутинг, у хотинининг қотилига йиғлаб-йиғлаб ... ичиради.

Драббл воқеасини ва 3 та нуқта ўрнидаги сўзни топинг?

## **186. Хусниддин Сирлибоев. Арнасой туманидан.**

Ҳазрат имом Бухорий ўз ҳадисларини юртма-юрт юриб тўплаганлари ҳақида маълумотлар бор. Бир сахро орасидаги овулга бориб бир уламодан ҳадис ёзиб олмоқчи бўладилар. Унинг уйига борганларида у киши тушови ечилиб кетган отларини тутиш учун чўпонини қайириб чақирар эдилар. Ҳазрат у кишидан ҳадис олмай орқаларига қайтиб кетган эканлар.

Ҳазратга у кишининг қайси ҳаракатлари, ёкмаган?

## **187. Гулноза Қаршибоева. Касби туманидан.**

Финляндияда айнан сизга ўхшаш инсонлар учун махсус ҳаммомлар қурилган. Бу ҳаммом ичида опшхона, дам олиш хонаси ва яна бир жой ҳам қурилган.

Айрим фин ҳаммомларида яна нима бўлади?

## **188. Ботилова Фарангиз. Узун туманидан.**

Бу предметларнинг вазифаси сизларга маълум. Лекин

юртимизнинг тадбирли аёллари XX аср бошларигача бу 2 хил предметдан бошқа мақсадда ҳам фойдаланишган. Ўша ишни бугун сандикча ичидаги бажаради.

Сандикчада нима бор?

### **189. Дилмурод Янгибоев. Чироқчи туманидан.**

Асалариларни куркурак деган куш азалий душмани ҳисобланар экан. Улар шунинг учун асаларилар инларини иложи борица узоқроққа куриш ҳаракатида бўлишади.

Асалари инлари курилган жойда нима бўлмаслиги керак, нимадан узоқроққа куришга ҳаракат қилишади, мантиқан ўйлаб кўринг?

### **190. Сайфитдин Бобоқулов. Шофиркон туманидан.**

Плиталар курилишда уйнинг том қисмини ёпишда ишлатилади. Юқори сифатли цемент ва арматуралар бирикиши натижасида ясалади.

Нима учун мустаҳкамлигига путур етсада, ушбу курилиш маҳсулотида атайлаб бир нечта цилиндр тешикчалари қолдирилади?

### **191. Мафтуна Нуриддинова. Жиззах туманидан.**

Шоир Пўлат Мўмин ижодидан:

Пастдан чиқариб овоз,  
Далда беради устоз  
Юраман марра томон,  
Эҳ етсайдим эсон-омон.

Шоиримиз бу шеърни кимларга бағишлаб ёзганлар?

### **192. Шамсиддин Бахриддинов. Наманган шаҳридан.**

Шарқ адабиётида ҳукмдорлар катта базмларда

дастурхонга тортилган таомлардан номига еганлиги ёзилади. Роса мазали, тотли бўлса ҳам 2 қошиқдан ортиқ емасликлари болалиқдан уларга ўргатилган.

Бунга сабаб нима?

### **193. Қоробоев Абдужаббор. Чилонзор тумани.**

Сандикчада аниқ стандартга эга маҳсулот бор. Унинг катталиги 0 бутун миллиардан 00006195 гектар.

Сандикчада нима бор?

### **194. Моможон Холметова. Урганч шаҳридан.**

73 ёшли мухлисамиз сизларга омад тилаб, бир деҳқонча савол йўллаганлар. Сизларни деҳқончиликни яхши тушунасиз деб ўйлаганмилар. Тажрибали деҳқонлар ернинг сифатини, кучини аниқлаш учун бир усул қўллашган. Бунинг учун улар ерни вертикал тарзда 1–2 метр чуқур қазилган. Кейин ... кейин бир жараёни амалга оширишган, шундан кейин тупроқнинг ернинг кучини аниқлашган.

Кейинги жараёни сиз топинг?

### **195. Гулчеҳра Мамашарипова. Туркманистон. Тошҳовуз вилоятидан.**

Нью-Йорк шаҳридаги ҳайвонот боғларидан бирида шундай қафас бор. Ичида ҳеч қандай жонзот йўқ. Қафасга эса энг хавфли жонзот деган ёзув илиб қўйилган, холос. Қафас ичида фақат сандик ичидагини кўриш мумкин.

Сандикда нима бор?

**196.** Анвар Обиджондан қатра: Метродаги эълондан: кейинги бекат «Пахтакор». «Пахтакор» бу-



«Ўзбекистон» йўлига ўтиш. «Ўзбекистон йўли» эса ... тарқалар.

3 та нуқта ўрнидаги битта номни топинг?

### **197. Олот шахридан Ҳамроевлар.**

Хитой ошпазлари овқатга соладиган масалликларни жуда майда тўғрашади. Бу одат неча асрлардан бери урф бўлиб келмоқда. Қадимдан Хитойликлар бундан бир мақсадни кўзлашган.

Нима сабабдан улар масалликларни майда тўғрашган?

**198. XVIII аср ўрталарига келиб Парижлик қандолатчилар шакардан қиём, мураббо олиш технологиясини оммалаштиришди. Бу янгиликдан хабар топган қирол Людовик уларга солиқ сола бошлаган.**

Яхшилаб ўйлаб кўрингчи, шундан кейин айёр қирол қишлоқ хўжалигидаги қайси соҳа кишиларига яна солиқ жорий қилган?

### **199. Озода Ғиёсова. Қизилтепа туманидан.**

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, ёзда июнь-июль ойларида Ўзбекистоннинг йўлларида, айниқса қушлар ўлими кўп кузатилади экан.

Нима сабабдан айнан шу ойларда қушлар ўлими кўпаяди?

### **200. Мақсуд Оллаёров. Хонқа туманидан.**

Мақсуд Болчи сизларга ўз соҳаларидан ўта бир қизиқарли аммо қийин бир савол юборганлар. Асалари кўлда боқилаётганига унча кўп бўлмаган. Аммо бир неча минг йиллардан бери асаларилар ёввойи ҳолда мавжуд бўлган. Ва ўрмонларда дарахт қавакларда ин



қурган.

Уларда узоқ йиллик инстинкт мавжуд бўлиб, ҳалигача сақланиб қолган. Ва улардан асаларичилар бугун ҳам фойдаланишади.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, айтингчи ўрмондан қолган қайси инстинктдан бугун асаларичилар фойдаланишади?

## **201. *Зулҳумор Байжамова. Амударё тумани.***

Қадимги Шарқ мадрасаларида ҳафтада бир кун пешиндан кейин ҳашар уюштирилган. Мадраса, унинг атрофи ва кўчалар тозаланган, фақат бир нозик касб эгаларидан ташқари. Чунки улар фақат кундузи ишлашган. Қоронғи пайтлари ёнғин хавфи кўпайиш эҳтимоли юқори бўлгани учун ҳам улар ҳашардан озод қилинганлар.

Улар қайси соҳа кишилари?

**202.** 2002 йили Англиялик товукбоқарлар калта оёқли товуклар яратишади. Албатта, бундан самара бўлгани учун товуклар оёғи қисқарган.

Бу билан қандай мақсадни кўзлашган?

## **203. *Шуҳрат Рустамов. Қамашу туманидан.***

XIX асрнинг иккинчи ярми, Германия. Немислар ҳали нацизм ғояларига сиғинмаган пайтлар. Ҳамма немислар бола тарбиясида 14–16 ёш жуда муҳим ёш ҳисобланади деб билишиб, ўғил болаларни шу ёшда кўчада энг хокисор ишлардан бирида ишлатиб тарбия қилишарди.

Улар болаларни қандай хокисор иш билан шуғулланишга мажбурлашган?

**204.** Шамсиддин Баҳриддинов. Наманган шаҳридан. XVI асрда Самарқандда Иброҳим қоғозгар лақабли уста бўлган. Унинг қоғозларига ҳорижда ҳам, хусусан Европада ҳам талаб катта бўлган. Бир соҳа кишилари унинг қоғозларининг сифатига юқори баҳо бериб келиб унинг қоғозларини сотиб олиб кетишган. Ва яна буюртма қилиб юртларига қайтиб кетишган.

Кимлар бу қоғозларга буюртма беришган?

**205.** *Мафтуна Суюнова. Хатирчи туманидан.*

Жумбоқли савол:

Бу неъматни яратган

Икки бора бераркан.

Учинчисида инсон

Ўзи сотиб оларкан.

У савол нима ҳақида?

**206.** *Азизхон Бозоров. Бухоро шаҳридан.*

Хитойда қадимдан савдо-содик яхши ривожланган. Илгари сандикча ичидаги маҳсулотни денгиз орқали, яъни сув орқали ташиш, курукликда ташишдан анча қимматга тушган. Сувда олиб юриш анча сарф-харажатни оширган. Бу табиий маҳсулотни ҳар 40–50 чақиримда нархи икки баробар ошаверган.

Сандикчадаги табиий маҳсулотнинг номини топинг.

**207.** *Ўрол Очилов. Зафаробод туманидан, Жиззах вилояти.*

Жирафа, фил, бегомот каби йирик ҳайвонлар ҳайвонот боғларига қай усулда олиб келинади, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз. Уни ҳам ўзига яраша техникаси, усули бор экан.



Ўта йирик ҳайвонлар зоопаркларга қандай келтирилади?

**208.** Тасаввур қилинг сиз XVIII асрда яшаган европалик тадбиркорсиз. Ўта тадбирлисиз. Умумий овқатланиш шаҳобчангиз бор. Ёнингиздаги рақобатчиларни енгиш учун, улардан фойда олишда ўзиб кетишни жуда хоҳлайсиз. Шу мақсадда ўша вақтда энди русум бўла бошлаган анчагина қиммат бир нарсани сотиб олиб ошхонангизга жойлаштирасиз. Кейин кўпчилик мижозлар уни кўриш учун ҳам сизга оқиб кела бошлайди.

Сиз ошхонангизга нима сотиб олган бўлардингиз?

**209. Нодира Рустамова Вобкент туманидан.**

Ҳиндистон шароитини яхши биласиз. Анчайин иссиқ. Лекин негадир синхлар соч-соқолларини олишмайди. Бунинг сабабини минг йил аввал Беруний «Ҳиндистон» асарида ёзиб қолдирган.

Абу Райҳон Беруний фикрича нега кўпчилик ҳиндлар соч-соқолини олишмайди?

**210. Заргул Бобоқораева. Чироқчи туманидан.**

90 ёшдан ошган муҳлисамиз оддийгина бир латифани савол қилиб йўллабдилар.

Хўжа Насриддин кунлардан бир кун кўчада 2 та кишининг баҳсига рўбарў келиб қолибди. Шунда улар Афандига «Бир масалада тортишиб қолдик, ёрдам берсангиз, дейишибди. Анови осмонда кўриниб турган нарсани мен ой десам, манови куёш деб уриб енгаяпти. Ўзингиз айтинг, осмондаги нима?» Афанди қараса иш чатоқ, бир томонга ён босса жанжал кучайиб кетади.

Шунда Афанди худди ўзлари каби телбанамо жавоб берибди.

Қандай жавоб берган?

**211. Зулқайнаров Самандар. Жиззах вилояти, Уч-тепа шахридан.**

Бир Юнон афсонасига кўра, Зевс тўй қилади. Ҳамма жонзотлар, ўрмондаги ҳайвонларгача тўйда меҳмонга келишган. Ҳаммаси топганини кўтариб келган, албатта. Бир жонзот гул тишлаб олган кўйи тўйга кириб келса, Зевс «Ҳамманинг совғасини оламан аммо сен тишлаб келган гулингни олмайман, деган».

Бу қайси жонзот бўлган?

**212. Гўзал Иногорова. Ғазалкент шахридан.**

1990 йиллардан бери Калифорниялик жарроҳлар учун мажбурий талаб жорий қилинган. Унга кўра беморни умумий наркоз билан операция қилишаётганда операцияда қатнашаётган ҳамма тиббиёт ходимларининг (мед-персонал) аъзолари ўша талабга бўйсунушлари мажбурий қилиб қўйилган. Ёрдам бериб шуни айтаман, умумий наркоз остида бўлган бемор, тузалиб чиққандан кейин бир нохуш ҳолатга йўлиқиши мумкин эканлигини мутахассислар аниқлашгандан кейин шу талаб кучга кирган.

Бир дақиқадан кейин операция вақтида врачлар қандай талабга бўйсунушган?

**213. Норвегия терма жамоасининг (чанғи спортдан) спорт базасида спортчилар билан 7–8 яшар ёш чанғичилар ҳам шуғулланишади. Улар чанғи учишнинг машқ қилиш билан бирга яна бир муҳим вазифани**



базаришган.

Бу болаларни вазифаси нимадан иборат бўлган?

**214. Владимир Поляков Гомел вилояти, Беларус Республикасидан.**

Топишмоқ:

Қорни очида ўрнидан туролмайди, қорни тўйса қомати тикланади.

У нима?

**215. Топишмоқ:**

Суягини еб, гўштини ташлаб юборамиз.

Топишмоқнинг жавоби нима?

**216. Владимир Поляков. Беларус Республикаси, Гомелдан.**

Марк Твен:

«Нимани кар киши эшитиб, кўзи ожиз кўра олади», деган?

**217. Владимир Поляков Гомелдан.**

Топишмоқ: Бу қандай уй бор-йўғи битта устундан ва 2 та эшикдан иборат?

**218. Содиқжон Тургунов. Фаргона вилоятидан.**

Шундай бир мато тури мавжудки, дастлаб яъни XX асрнинг 50-йиллари уни одамлар назарларига илмай юришган. Кейинчалик бутун Европа ундан кийим тикиб кия бошлаган. Ўткир Ҳошимов «Дунёнинг ишлари» романида ҳам бу матони қаламга олиб, қаҳрамоннинг дадаси унга ва акаларига камбағалбоп деб ўша матодан тикилган шимни олиб берганини ёзиб кетганлар.

Қандай камбағалбоп мато ҳақида сўралмоқда?

**219.** Сахроларда яшовчи Африка филларини, Ҳиндистон филларидан бир неча фарқи бор.

1-қулоқлари катта, хартумлари узун. Яна бир жиҳати оёқ панжалари катта. Бунга яна иккита сабаб келтирилади. Кенг панжа кумда яхши юриш учун бўлса, яна оёқларида шундай сезги ривожланганки, сахрода у жуда қўл келади.

Уларнинг оёғида яна қандай сезги мавжуд?

**220.** *Эркинхожи Отабоев. Юнусободдан.*

Равшаннинг оғирлиги Асрордан 2 баробар камроқ. Нурбекнинг оғирлиги Равшандан 3 баробар ортиқ.

Агар уларнинг умумий вазни 360 кг бўлса, Асрор неча кг.ни, Нурбек неча кг.ни, Равшан неча кг.ни ташкил этади?

**221.** Хитой Мақолида, унинг рангсизи, энг кучли хотирадан ҳам ишончлидир, дейилади.

Ниманинг рангсизи кучли хотирадан ҳам аъло?

**222.** Қадимда Юнонистонда кулоллар қоқигул гуллагандан кейин ясалган кўзалар бақувват бўлади, деб унинг гуллашени кутишган.

Кулоллар нега қоқигулнинг гуллашени кутишган?

**223.** XVIII асрда Англия кўчаларида йўлтўсарлик оқибатида ўғирликлар кўпайиб кетади. Бу ҳолатга қарши полиция оёққа туради. Уларга қўшимча турли



қуроллар берилган ва негадир ҳар бир полициячига биттадан мовутдан тўқилган одеёл тарқатилган.

Бу одеёл нима учун керак бўлган?

**224.** Қисқа ва лўнда.

Айтингчи, инсониятга хизмат қилувчи қайси ташкилотга Қадимги проваслав черковларида асос солинган?

**225.** Лувр музейида Мона Лиза суратини томоша қилган ҳар 100 та одамдан 95 таси унинг рангини айтиб бера олмас экан. Гарчи ўша кишилар ярим соатлаб суратни томоша қилишса ҳам.

Улар нимани рангини айтиб бера олмас экан?

**226.** Оёқ ўлчамингиз неча? 879 ўлчам борми?

Бундай катта ўлчамдаги оёқ кийим бўлмайди дейсизми? Бор экан.

Шу ўлчамдаги пойабзалнинг эгасини топинг?

**227.** *Ака-ука Миржалола ва Миродил Ғофуржоновлар.*

У машҳур Германияда туғилган. У асосий ихтиросини қилгунча уста бўлиб ишлаган. Ёғ сиқиб чиқариш учун мўлжалланган ихтироси билан анчагина маблағ тўплаган. Кейин асосий ихтиросига қўл урган.

Унга машҳурлик келтирган иккинчи ихтироси нима бўлган?

**228.** Испаниянинг Кордоба шаҳридаги бир бинонинг кираверишига шундай сўзлар ўйиб ёзиб қўйилган. «Бу бинонинг ичидагиларнинг ҳаммаси ҳам бу ерда



бўлмасликлари керак эди. Бу бинога кириши мумкин бўлганларнинг ҳаммаси ҳам, афсуски бу ердаслар, деган.

Бу қандай бино?

**229.** Инглиз тилини яхши биласиз деб ўйлайман. Қандай тўтрбурчакни биз думалоқ деб атаймиз?

**230.** Уни ўғирлаб ҳам бўлмайди. Уни сотиб ҳам бўлмайди. Уни қарзга ҳам бериб бўлмайди. Фақат совға қилиш мумкин.

Рухшунослар нимага бу таърифни беришган?

**231.** Жорж Оруэлда бир эссе бор. Унда шундай парчани ўқиш мумкин. У ҳар бир Британиялик учун қадрли. Британияда қилинган ҳар бир хайрли иш ёки кашфиёт борки уни баҳс мунозарасида, албатта сандиқчадаги иштирок этган, дейилади эсседа. Чунки ҳар қандай илмий баҳс ё мунозара усиз ўтмайди, у албатта иштирок этади. Эсседа унинг 11 тури ҳам саналган. Сезганингиздек, сандиқчада Британияликлар учун ўта аҳамиятли нимадир бор.

Сандиқча ичидагини топинг?

**232.** Хитой императорларидан бири инсон ўлмай яшайвериши мумкинми, деган савол билан Лао Цзига мурожаат қилибди. Лао Цзи ҳам дарров мумкин, деб жавоб қилибди. Унинг учун фақат сандиқча ичидаги билан овқатланишингиз керак, деб жавоб берибди.

Сандиқчада файласуф айтган нима бор?

**233.** Бальзак фикрича ақл – ер шарини кўтара



оладиган тиргақдир. У эса тиргақка таянч бўладиган воситадир. Бальзак фикрича:

Ақл нимани ёрдамида бу ишни қила олади?

**234. Ли Шан И нинг фалсафий фикрини тингланг:**  
Қачон кудуқ қазишни бошлашдан маъно йўқ?

**235.** Файласуф Ли Шан И нинг яна бир фалсафий фикрини тингланг: Рўпарангиздан келадиган ҳар қандай тўла аёл ҳам у бўлавермайди.

Қандай аёл бўлавермаслигини айтган?

**236.** Сандиқча ичидаги XX аср ўрталарида Покистон ва Ҳиндистон каби давлатларда юқумли касалликларга қарши курашувчи восита сифатида аҳолига бепул таркатилган.

Ҳукумат юқумли касалга қарши қандай оддий чора билан курашган?

**237.** Араб давлатларида сахро бўйлаб туяларда сафарлар уюштирилади. Кўплаб туристлар бу каби сафарларда иштирок этишни хоҳлашади. Саёҳат орасида туристлар дам оладиган уйчалар ҳам куришган. Негадир шундай уйларнинг шипларига пакетларда сув осиб қўйишади.

Нима мақсадда?

**238. Ғанишер Чориев. Шеробод туманидан.**

Тарихдан маълумки, А.Темур жанглардан Кешга воҳага қайтгач ярадор бўлиб қайтган жангчиларни тўлиқ даволаниши ва тезроқ лашкарликка қайтиши

учун профилактика нуқтаи назаридан бир ерга юборган.  
Замонавий тил билан айтганда санаторийга.

Аниқ айтинг қаерга юборган?

**239. Сарвиноз Шохалилова. Чилонзор туманидан.**

1933 – 1936 йиллар давомида ун маҳсулотлари кизил, яшил, гулли қопларда сотувга чиқа бошлаган.

Нимага ун маҳсулотлари рангли қопларда сотувга чиқарилган?

**240. Сарвиноз Шохалилова. Чилонзор тумани.**

Мавлоно Жалолоддин Румий ҳазратлари «Ичингдаги ичингдадур» асарида «Ташқи кўринишга алданма, чунки ҳеч нарса кўринганидек эмас. Бугун у сенга ҳаёт бағишласа, эртага ҳаётинга зомин бўлиши мумкин» деган.

Савол нима ҳақида?

**241. Ойбек Улуғмуродов. Чироқчи туманидан.**

Японлар XX асрнинг 40-йиллари бошида ажойиб кабу-тарлар, хат ташувчи кабутарларнинг янги зотларини етиш-тиришдики, бу олдинги кабутарлардан анча афзал эди.

Уларнинг афзаллиги нимада, фойдалилик коэффи-циенти нимада?

**242. Бекназар Тожибоев. Жиззах вилояти.**

Жорж Семенон доимо шаҳар телефон китобини қайта-қайта ўқиб юрадиган одати бўлган.

Семенон нимага бу китобга кўп муружаат қилган?

**243. Юнус Ҳафизов. Фориш туманидан.**

1 сотих ерни чопасиз майдалаб чопасиз. Сўнг уруғ



қадайсиз. Уруғингиз тез ҳосилга кириши учун шлангда сув сепасиз ва ов милтиғдан осмонга 3–4 марта ўк отасиз. Қарабсизки, ҳосил етила бошлайди.

Фалончи билан мен нима эканмиз?

## **244. Жамшид Зиёев. Зарафшон шахридан.**

Арастудан шогирдлари – устоз нега тошни осмонга отсак яна ерга қайтиб тушади-ю, у эса фақат юқорига кўтарилаверади, деб сўрашса, Арасту «дунёдаги ҳар қандай нарса ўз жойига эга. Тошни жойи ерда. Сиз сўраётган у ҳам ўз жойига интилади, деб жавоб беради. Шогирдлар сўраган 2 нарса нима?

## **245. Маҳмуджонова Нодира. Олмазор туманидан.**

Эру хотин тўғрисида бизда кўп мақоллар мавжуд. Эру хотин кўш хўкиз арава, эр бош бўлса, хотин бўйин каби. Японларда бу хусусда бошқачароқ мақол бор экан: «Эр кўл бўлса хотин кўз» деган.

Японлар нега эру хотин иттифоклигини кўл ва кўзга киёслашган?

## **246. Жуманазар Наврўзов. Шовот туманидан.**

Европада, хусусан Испания, Франция каби давлатларда ишлаб чиқариладиган мева шарбатлари кутисида мижозлар талабига кўра 2 та сақланиш муддати кўрсатилади, биринчиси 6 ой бўлса, 2 муддат 3 кун ё узоғи 5 кун деб кўрсатилади.

Бир дақиқадан кейин ҳар иккала муддатни тушунтириб беринг?

247. XV–XVI асрларда Европалик бойвачча аёллар анчагина йиртқич бўлсада сувсар, собол, ондатра каби

мўйнали ҳайвонларни кўтариб юришган.

Бу аёллар нега бу ҳайвонларни кўтариб юрган?

**248.** Япон Сумочилари ўзлари билан доим бир нечтадан кафтларини суратини олиб юришади. Бу анъанага айланган.

Ким учун олиб юришади?

**249.** Моҳир скрипкачиларнинг 2007 йилги танловида янги номинация киритилди. Номинация ғолибига мукофот сифатида сандиқчадаги буюм топширилган.

2007 йилдан бошлаб кимларга бу мукофот топшира бошланган, сандиқчада нима бор?

**250.** *Раззоқов Умиджон, Термиз шахридан.*

Япон хоккуси:

Номсиз жойни макон этди у,

Илонмас, у лек илондек,

Ўлжасини бўғиб ётур.

Бу замонавий хокку аниқ бир нарсага бағишланган.

Бир дақиқадан кейин бу хокку нимага бағишланганини 2 та сўз билан топинг?

**251.** *Нилуфар Тожибоева. Оҳангарон туманидан.*

Милодий 1538 йил Аграда Наврўз сайли бўлмоқда. Ҳукмдор Ҳумоюн Мирзо йилда бир бор байрамни нишонловчи халқ олдига чиқар, фуқаролар эса уни кўришга, иложи борича яқинроқ бориб кўришга ошиқар эдилар. Яқинроқ борганлар эҳтирос билан ҳаяжонларини босолмай юришар эди.

Нега халқ Ҳумоюн Мирзони кўришга, яқинроқ бориб кўришга интилишар эди?

**252.** У ҳақорат ва хўрликка чидамли бўлишга, инсонни ёлғиз қолишига, кўшиқ куйлашга ўргатади, анчагина бепарво бўлишга ундайди. Бу пайтда у вақтни камроқ ўйлаб, нарсани кадрига кўпроқ етишга ўргатади. У кўп нарсага кодир, ўрмонларни кесиб, чўлларни ўзлаштиришга ундайди, шоирга илҳом беради. Қасрлар куради, экинларни экади. Умид ва ишонч унга ҳамоҳанг.

Айтингчи Жорж Оруэлль бу фикрида инсон билан боғлиқ қандай ҳолатга таъриф берган?

### **253. Умиджон Раззоқов. Термиз шахридан.**

Жанубий Кореяда ҳаракатланувчи таксиларни ранги уч хил бўлар экан. Оқ рангдаги таксиларни ҳайдовчилари ёш эканлигини билдирса, қора рангдаги таксилар ҳайдовчиларни анча тажрибали эканлигини билдиради.

Кулранг таксиларни кимлар минади?

**254.** Рим шоири Гораций ўз асарида ишлатган метафорани Пушкин ҳам ишлатган. Бу икки шоир ўртасида яшаган Фирдавсий Шохномада бу метафора ўрнида бино сўзини ишлатган.

Гораций ва Пушкин ишлатган метафора сўзини топинг?

**255.** Қадимда Юнонистонда унинг идишлари шишадан ясалган. У ҳақида Рей Брэдбери фикрини тингланг: Унинг деворлари чанг билан тўлган, овози эса жилдираган сувнинг юмшоқ нарсани устига тушиши каби текис. Бу овозда табиат, замон, ер билан ҳамоҳанглик сезилади. Кўриниши кудукнинг қопқоғида осилиб

турган томчини эслатади деган. Рэй Брэдбери таърифлаган идиш сандиқ ичида турибди.

Сандиқчада нима бор?

### **256. Муқаддас Абдурашмова. Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидан.**

Хўжа Насриддин бир сафарда нотаниш бир йигит билан тинишиб қолибди.

Афанди йигитга: – Ака-уканг борми? деб савол берибди.

Йигит: – Акам бор деб, жавоб қилибди.

– Аканг нима иш қилади, деб сўраса, шериги унга муғомбирона жавоб қилибди.

«Қачонки ариқда сув окса у май ичади..., сув окмаса сув ичиб юради», деган. Бу топишмоқ билан акасини нима хизмат қилишини тушунтирмоқчи бўлган.

Йигитнинг акаси нима иш билан шуғулланган?

### **257. Чилонзор туманидан. Ғолибжон Барноев.**

XXI аср бошларигача ҳам (ҳозир ҳам айрим мавзеларда қисман) Рио де Жанейро анчагина нотинч криминал шаҳар ҳисобланган. Шаҳарлик бойвачча аёллар ресторанга кирганларида ичса-ичмаса крем шўрва буюртма қилган. Бу шўрвани бошқа овқатлардан фарқи, унинг қуюқлигидир.

Нега бу каби суюқ овқат буюртма қилинган?

### **258. Соҳида Қаршиева. Термиз шахридан.**

Ер юзида шундай бир ҳудуд борки, у ерда асосан шартнома асосида ишловчи ишчилар ишлашади. Улар сони унчалик кўп эмас. Энг қизиғи бу ҳудудга эстрада гуруҳлари, ҳатто концерт бергани ҳам келиб



туришади. Энг кизиғи овоз кучайтиргични баланд кўйиб бўлмаслиги учун мусиқани ҳамма томошабинлар кулоқчин тақиб эшитишида.

Қаерда шундай концертлар кўйилади?

**259. Гулчирой Камолова. Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани.**

«Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати» асарида, Соҳибқироннинг Ҳиндистонга юриши олдидан пухта тайёргарлик кўргани ёзилган. Ҳарбий машваратлардан кейин тезда иккита фил топиб келиши зарурлиги айтилади.

Соҳибқирон аниқ нима учун филларни олиб келтирган?

**260. Фулом Дувлаев. Каттақўрғон.**

АҚШлик шахматчи Роберт Фишер 14–15 ёшидаёқ яхши шахмат ўйнай бошлаган. Ўсмирлик чоғида мураббийси тавсиясига биноан у рус тилини ўргана бошлаган.

Нега мураббийлар унга рус тилини ўрганишни тавсия қилишган?

**261. Салим Раҳматов. Навоий шаҳри.**

Норвегиянинг Шпицберген архипелагидаги Лонгьер шаҳарчасининг иккинчи номи оқ айиқлар юрти деб ҳам аталади. Шунинг учун бу шаҳарчада вафот этганлар бошқа шаҳарга дафн қилинган. Сабаби, оқ айиқлар мурдани муз остидан қовлаб топиб олиши мумкин. Худди шу боис шаҳарчадаги мактабнинг юқори синф ўқувчиларига режа асосида кўшимча бир иш ўргатилади.

Нима ўргатилади?



**262. Шохжаҳон Шодиев. Пастдаргон туманидан.**

С.Айнийнинг ўғли билан қизи Москвада ўқишар эди. У ҳар ой почта орқали болаларига пул юбориб турган. У доим ўғлига камрок, қизига кўпроқ пул жўнатган. Буни сезган почта ходимлари: – Нега уларга баробар пул юбормайсиз, деб сўрашибди.

У қандай файласуфона жавоб қайтарган?

**263. Фарҳод Қулмуродов. Жиззах шаҳри.**

Бундан бир неча йиллар бурун Данияликлар кўча уй эшикларини деярли қулфлашмас эди. Бугунга келиб ҳамма уйларини қулфлаб юришга мажбур бўлишаётган экан. Илгаригидан ҳозир Данияда ўғрилар сони анча қисқарган бўлсада, улар эшикни қулфлашни одат қилишибди.

Кимлар кўча эшикларига қулф солиб юришни талаб қилишган?

**264.** Қадимги Юнон алломалари ёзган: куёшга ҳамма нарсамни бердим, ҳамма нарсамни. Фақат ундан ташқари, уни куёш ҳеч ҳам ололмайди. Дарҳақиқат, куёш сиздаги ҳамма нарсани олади. Ҳароратни, кучни, нурни, ёғни. Фақат уни ололмайди.

Нимани ололмайди?

**265. Зулайҳо Зулқайнарова. Тошкент вилояти, Бекобод шаҳридан.**

Акробатика қадимги спорт турларидан бири ҳисобланади. Акробатика бўйича айрим давлатлардаги мусобақаларда масалан, Хитойда ҳакамлар орасида тилшунос ўқитувчилар ҳам бўлишган.



Улар нимани ҳисоблашда ҳакамларга ёрдам беришган?

**266. Мадина Ураимова. Андижон. Балиқчи тумани.**

Электрпоезд шарққа томон 80 км соат тезликда ҳаракатланмоқда. Шамол эса шарқдан ғарбга қараб 15 км соат тезликда эсмоқда.

Поезддан чиқаётган тутун қайси томонга қараб ҳаракатланади?

**267. Ўрдаклар сув ичишга қатор бўлиб ҳаракатланмоқда. Бир ўрдак олдига қараса 17 та бошни кўрибди. Орқасига қараб 42 та панжа кетаётганини кўрган.**

Жами нечта ўрдак сув ичишга кетаётган эди?

**268. Шухрат Рустамов. Қамаши тумани. Ғазначилик ходими.**

Хитойда эрамыздан аввалги V–VI асрларда бошланган бир маросим XX аср бошларигача давом этган. У одатга кўра, ҳатто ҳарбийлар ҳам 3 йилгача хизмат лавозимидан истеъфога чиқарилган. Белгиланган муддат тугагандан кейингина ўз вазифасига тикланган.

Қачон уларни бундай узок таътилга чиқаришган?

**269. Баҳромжон Ғофуров. Бувайда туманидан.**

Сибирликлар ошхоналаридаги идишлари илгаридан ёғочдан ясалган. Ёғоч қошиқ, коса, товоқ, ликопча, ҳатто қозон ҳам ёғочдан бўлган.

Нимага улар идиш-товоқларини ёғочдан ясашга мажбур бўлишган?

**270. Жасурбек Асқаров. Андижон шаҳридан.**

Қадимги Римда ибодатхоналар баланд-баланд қилиб қурилган. Акустика жуда яхши бўлган. Ҳеч қандай микрофонсиз, овоз кучайтиргичсиз овоз баланд чиққан. Бунинг учун ибодатхона пештоқида ўнлаб сандиқча ичидагидан жойлаштирилиб чиқилган эди.

Акустикани сифати нимани ҳисобига раво ва баланд бўлган.

Сандиқчада нима бор?

**271. Талгат Қалимбеков. Қорақалпоғистон Республикаси. Нукус.**

Роботлар тарихи китобида шундай фактлар учрайди. Эрамиздан 2 минг йиллар бурун ҳам ихтирочилар роботлар ясаш билан шуғулланишган. Маълум бир вазифани бажармасда ўзи ҳаракатланувчи ҳайвонлар, қушлар кўринишида роботлар ясашга уринишлар бўлган. Эрамизнинг I асрида Хитойда бир мақсад учун роботлар ясалган.

Бу роботлардан қандай янгилик учун фойдаланишган?

**272. Файзулла Қаландаров. Тошкент шаҳар.**

1988 йилги Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимидаги ноҳуш воқеадан сўнг, тинчлик элчилари бўлмиш кабутарларни мусобақа очилишида учуриб юбориш бутунлай тақиқлаб қўйилди.

1988 йилги Олимпиадада аниқ қандай ноҳуш воқеа бўлиб ўтган?



**273. Нилуфар Тожибоева. Оҳангарон туманидан.**

Абдурахмон Жомийдан тўрт қатор:  
Молу – мулк истасанг, Ҳиндистонга бор,  
Иймон десанг жўна Маккага.

Агар иккисин қилсанг гар хаёл,  
Оввора бўлма-ю... 3 та нуктада қол.  
Нукталар ўрнидаги жой номини топинг?

**274. Анвар Обиджондан тўрт қатор:**

Мени чангдан авайлаб,  
Баҳмалларга ўрайсиз.  
Гапингизга кирмасам,  
Кулоғимни бурайсиз.

Анвар Обиджон ёзган бу шеърни ниманинг номидан  
ёзган?

**275. Мархум шоиримиз Шухрат ижодидан:**

Дунайда кўприкнинг устидан юрсанг,  
Қоқ ярим ўртада тўхтасанг турсанг.  
Сен ўзинг тарознинг майини бўлиб,  
Ҳақлисан, иккисин қўш палла десанг.

Шоир бу шеърни Европадаги қайси Пойтахт шаҳрида  
бўлганида ёзган?

**276. Исломжон Исмоилов. Фаргона вилояти, Тош-  
лоқ туманидан.**

Муаллиф келтирган маълумотни эшитиб бизда ҳам  
илгари бу иш бўлиб турганлигини эсладим. Шахсан  
гувоҳ бўлганман. АҚШда XX асрнинг 30-йилларида  
одамлар қайсидир хонадон эшигини тақиллатиб келиб,  
20 цент билан ичкарига киритилган. Бизда бу иш учун  
30-40-50-60-йилларда ҳам пул олишмаган.

Одамлар 20 цент кўтариб келиб қайси хонадон эшигини тақиллатишган?

### **277. Эшмирза Иброҳимов. Пастдаргом туманидан.**

Қадимда бизда шундай анъана бўлган. Бўйи етган кизлар ўз қўллари билан сўзана тикишган. Хонадонда тўйлар давом этсин, хонадон қизлари соғ-саломат бўлиб ўссин, оиланинг ўз анъаналари ҳеч тўхтамасин деган тилаклари сўзанада билиниб турган.

Буни қандай билдиришган?

### **278. Бектош Мустафоев. Навоий вилояти, Хатирчи тумани.**

Лондон шаҳрида XX асрнинг 50-йилларида автомобиллар сони кўпайиб йўлларда тифизликлар пайдо бўла бошлайди. Шаҳар четига қон таҳлили лобараторияси қурилган эди. Шаҳар марказидаги энг йирик Госпитал қон таҳлили жавобини олиб келишда йўлдаги тифизликлар туфайли қийинчиликка дуч кела бошлаган. Шунда улар бунинг оригинал йўлини топишган.

Йўллардаги пробкалар туфайли қон таҳлили қандай усулда етказилган?

### **279. Саъдулла Ҳушвақтов. Навоий вилояти, Хатирчи тумани.**

Ер юзида 1 млрд одам кўзойнак такади. Тахминан яна 2 млрд одамда ... марҳамат, маъно жиҳатдан фикрни давом эттиринг?



## 280. *Диёрбек Абдуллаев. Хонқа туманидан.*

Япон хоккуси: бўғинлари сал тўғри келмаслиги мумкин. Арик ёқалаб учган ниначи. Эрта-ю кеч уни кувади.

Арик ёқалаб учган ниначи, эрта-ю кеч нимани кувади?

281. Марваридлар тарихи китобида ёзилиши-ча, уни эрамиздан 5000 йил олдин ҳам билишган. Европага уни Шумерлар олиб келишган. Дур бир неча минг йил энг қиматбаҳо тақинчоқ сифатида ҳукмдор ва хонимларга тортиқ қилинган. Маълум муддат у энг қиммат ва оммавий тақинчоқ бўлиб келган.

Марваридни якка ҳокимлиги тахминан қачон барҳам топа бошлаган?

## 282. *Гўзал Мамадалиева. Наманган вилояти, Минг-булоқ тумани.*

Машҳур моделер Альфред Данхель фикрича сандиқчадагисиз эркак кишини юқори савияда кийинган деб бўлмас экан. Эркак юқори савияда кийинганини билиш учун унга яқин бориш керак, дейилади.

Айтингчи, эркак кишини юқори савияда кийинганини нимадан билса бўлади? Сандиқчада нима бор?

## 283. *Зумрад Лутфуллаева. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани.*

А.С.Пушкин туғилган Михайловский қишлоғи аҳолиси қаергадир шошиб кетаётган Пушкинни йўлдан қолдиргани учун, бир куёнга ҳайкал қўйишган. Демак, у Пушкинни асраб қолган.

Шоир қаерга шошиб кетаётган бўлган?

### **284. Тўлқин Саидов. Зарафшон шахридан.**

Футболда ҳам ўзига яраша рекордлар мавжуд. Масалан, Асмир Бегович 92 метрдан рақибга гол урган. 2011 йилда яна бир рекорд қайт этилган. Рюдзиро Уэда деган футболчи 58 метрдан гол уриб рекорд кўйган.

У қандай рекордни ўрнатган?

### **285. Асад Қиличов. Сурхондарё вилояти, Музработ тумани.**

Бозор қилишда бизни ўзбек халқига етадигани йўқ. Масалан, гиламни арзонроқ олмоқчи бўлсанг, қоронғуда ол дейишган. Чунки ғира-шира пайтида гиламнинг нақш безаклари хира кўринади. Шу боис эгаси нарҳини кўтара олмайди. Қуёшда эса у тобланиб, чиройи очилади. Мол эгаси, албатта қимматга баҳолаб тураверади. Ҳақиқий чорванинг усталари кўйни семиз ёки ориқлигини билиш учун шу пайтда сотиб олишни маслаҳат беришади.

Қайси пайт бозордан кўй сотиб олган маъқул?

### **286. Дилшода Мирзалиева. Андижон шахридан.**

Уэльсда XVIII асрда уни амалга ошиши учун супургининг устидан бир-икки марта сакраш кифоя бўлган. Собиқ Иттифокда у ҳақда маҳаллий газеталарда эълон бериларди. Ява оролида у ишни амалга оширадиган киши жамоат жойига 5 та дарахт экиши керак бўлган. Филиппинда унга рухсат йўқ.

Шунча ҳаракатлар нимани амалга ошириш учун қилинади?



## **287. Самандар Солиев. Сирдарё туманидан.**

Х асрда яшаб, ижод қилган Абу Бакр Муҳаммад Наршаҳий Бухоро ҳукмдорлари ҳақида ёзган асарларидан бирида шундай маълумотни ёзган: Ҳукмдорлар ҳарамидаги канизақларнинг кўплари 35–40 ёшдан кейин кўзлари хиралашиб қолаверар экан. Уларнинг кўзларига таъсир қиладиган восита, албатта ҳарам ичида бўлган.

Аниқ нима таъсирида уларнинг кўзлари хиралашганини иккита сўз билан топинг?

## **288. Матлуба Рашидова. Гулистон туманидан.**

Немис файласуфи Эммануэл Кант умрининг поёнида оғир хасталикка учраб бир неча йил азобда яшаган. Касал ётган пайтида қисқа-қисқа шеърлар машқ қилиб турган. Ҳар бир ҳафта кунларига, ойларга атаб шеърлар ёзган.

У ёзган шеърларида қайси ойни энг яхши ой деб, мактаб шеър ёзган?

## **289. Насиба Ибодова. Пахтачи туманидан.**

Бундан икки ярим минг йил илгари яшаган Конфуцийнинг ўлмас фикрларидан бирини тингланг: Ҳукумдор мисоли чавандоз, амалдорлар ва улар юган ва жиловдир, фуқаролар эса отдир, деган.

Улар ўрнидаги сўзни топинг. Улар нима?

## **290. Элёрбек Ҳасанов. Тошкент шаҳар. Юнусобод тумани.**

XIX асрда поездлар ҳаракати бошланган кезлари пассажир поездлари 1-2-3-тоифаларга бўлинган. 3-тоифали вагонлар, составининг олдинги қисмида жойлашган бўлиб, ўтирадиган ўриндиқлари жуда қаттиқ



ва ноқулай бўлган. Шунинг учунми ёки бошқа сабабми, кўп пассажирлар ўриндиқлар остида кетишарди.

Нима сабабдан йўловчилар ўриндиқлар остида кетишарди?

### **291. Фармон Жалолов. Зарафшон.**

Бундан бир неча минг йиллар бурун Хитойга турли совға-саломлар билан Вьетнамдан элчилар ташриф буюришади. Яхши кутиб олишган ҳамда совға саломлар билан кузатиб қўйишган. Аммо, бир неча кун ўтиб элчилар йўлни топа олмай чорасиз қолиб орқага қайтиб келишган. Шунда Уларга Хитойликлар кузатувчи қўшиб беришган.

Маълумотдан келиб чиқиб сандиқда нима борлигини топинг?

### **292. Бибиш Жўраева. Бухоро шахридан.**

Ривоятга кўра бир куни бир бола Андижондан Наманганга эшагида кетатуриб (онасини мингаштириб олиб) Норин дарёсига чиқиб, унинг тез оқар жойидан ўта бошлайди. Қирғоққа чиқиб қараса орқасида ўтирган онаси йўқмиш. Бола йиғлаб турса бир чол келиб, нега йиғлаётганининг сабабини сўрайди. Чол воқеадан хабар топгач, болага: «Тез ўша ерга бор, волидангни ўша ердан топишинг мумкин» дейди.

Чол қаерга боришни маслаҳат берган?

### **293. Муҳаммад Муродов. Бухоро шахридан.**

Ҳозир Бухорода Амир Олимхон номи билан аталувчи бирон бир кўча ҳам муассаса ҳам йўқ. Аммо, унинг суюкли хотинларидан бирига қўйилган ном ҳалигача сақланиб қолинган.

У қайси ном?



## **294. Муҳаммад Муродов. Бухоро шахридан.**

Владимир Вольфович Жириновский Бухорога ташриф буюрганда, шарққа, хусусан Бухорога хос бўлмаган А деган атамани эмас, Б деган атамаларни ҳам бемалол ишлатишни таклиф қилган. Владимир Вольфович биз шарққа, ўзбекларга хос В ни ишлатишимизни билмаган чоғи. Бизда В анчадан бери мавжуд.

А ва Б ва В ни топинг?

## **295. Асрор Жумаев. Асака шахридан.**

Бола тарбиясида куч ишлатиш, кўрқитиш, уруш каби усуллардан ҳозир кўпчилик фойдаланмайди. Бу ҳам унчалик тўғри усул эмас. Болани ўзи билан боғлиқ нимадир орқали босим қилишни тавсия қилган предмет сандиқча ичида.

У қандай усул. Сандиқчада нима бор?

## **296. Акбар Мукаров. Жиззах шахридан.**

Маълумки, ҳар йили кузда ҳавода майин, оппоқ ингичка узун-узун иплар учиб юрганини кўрамиз. Мезон ойи шарафига мезон, деб атаймиз. Ипларга илинган парашютчалари ҳам бўлади.

Бу иплар нега мезон ойида учеди?

## **297. Анорбой Сарбоев. Фарғона вилояти, Ёзёвон туманидан.**

Бедана узоққа учолмайдиган кўрқоқ куш саналади.. Маълум масофагача учеди, дам олади. Улар ҳар йили қишда иссиқ ўлкаларга, Ҳиндистон, Африка томонларга куруқлик орқали кетади. Бечоралар роса уч ой учиб бориб, уч ой яшаб яна орқага қайтишади. Беданалар

тўхтаб-тўхтаб борганда ҳам узоғи бир-бир ярим ойда бориши керак. Аммо, улар уч ойда боришади.

Шунча узоқ йўл босишларига сабаб нима?

### **298. Умид Алимов. Эллиққалъа туманидан.**

Эллиққалъа туманида 50 та қалъа бўлган, шу туфайли Эллиққалъа номи келиб чиққан бўлса керак деганлар хато қилишади. У ерда, асосан битта қалъа, унинг атрофида турли иншоотлар, ҳар хил бинолар, савдо расталари, шамол тегирмони ва тепаликлар бўлган.

Туманга нега унда Эллиққалъа деган ном берилган?

### **299. Нилуфар Шомуродова. Урганч шахридан.**

Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» асари қаҳрамонларидан бири раис Қаландаров меҳмон келса югурдагини ҳар хил номда чақирадиган одати бўлган. Эшон, ҳой Эшон ва Эшон ҳой. Бу уч хил чақирув остида маъно бўлган. Агар раис Эшон деб қўйса мундайроқ меҳмон келганини билдирган. Иккита нон билан чой дегани эди. Агар муҳимроқ меҳмон келса, ҳой, Эшон деган. Бу хизматчига белги эди. Чойхонага ош буюр дегани. Ўта муҳим меҳмон келса...

Савол: Раиснинг Эшон ҳой, деб чақирганда, яъни ўта муҳим меҳмон келди дегандан кейин хизматкор қандай ҳаракат қилиши керак бўлган?

### **300. Шокир Мирзаев. Москва шахридан.**

XX асрнинг 30-40-50-йилларида мактабларда бир ўқитиш усули бўлган. Ўқитувчи дарсликдаги мавзуни баланд овозда бутун синфга ўқиган. Синфдаги болалар жўр бўлиб қайтаришган.

Бу усулда дарс ўтишга уларни нима мажбур қилган?



## **301. Шоикром Исроилов. Қибрай тумани.**

Канада ўрмонларида яшовчи буғулар дарахт барглари еишни хуш кўрадилар. Афсуски, майин барглари юкорида ўсади. Ўша баргларга етиш учун эса улар доим бошқа бир жонзотларни кузатиб юришади.

Қайси жонзотлар уларга ёрдам беради?

## **302. Татьяна Здобнова. Тольятти шахридан.**

Япон шоири Хаттори Хасо ижодидан хокку:

Бамбукдан ясалган найдан чиқаётган овоз шундай майинки, ўйлаб қоласан шамол...у микан деб.

Қолиб кетган 2та бўғинли битта сўзни топинг?

## **303. Маишхура Эркаева. Бекобод шахридан.**

2001 йил Баку шахрида Шафа номи билан аталган янги стадион очилган. Рассом дизайнерлар таклифи билан барча ўриндиқлар қизилга бўялган. Бундан кўзланган аниқ мақсад бор бўлган.

Ўриндиқлар нега қизил рангга бўялганини изоҳлаб беринг?

## **304. Толиб Муродов. Бухоро вилояти, Қорақўл тумани.**

Оскар Уайльд – никоҳ ҳиссиётни интелект устидан қозонган ғалабасидир деган.

Оскар Уайльд нимани умиднинг тажриба устидан қозонган ғалабаси деб атаган?

## **305. Раимқул Нуралиев. Жиззах туманидан.**

Сталинград шахрида шахид кетган жангчиларни бағишлаб эсдалиқ девор қурилган. Рассомлар деворнинг ҳар бир ғиштига бир исм-шарифни ёзиб чиқишган.

Санг-Петербургда ҳам шахидлар девори бор. У ерда исм фамилиялар ғиштлар ўрнидаги сандиқдагига ёзиб қўйилган.

У ердаги вафот этганлар исми-шарифи ғишт ўрнига сурати чизилган нимага ёзилган, сандиқчада нима бор?

### **306. Жуманазар Наврўзов. Шовот туманидан.**

Юртимизда азалдан агроф-муҳит ва табиатга озор етказмаслик ҳақида кўп тарбиятлар қилинган. Мабодо мажбурликдан бирон дарахт кесиладиган бўлса, албатта қишда кесилган. Баҳор ва ёзда кесишмаган.

Бундан қандай олийжаноб мақсад кўзланган?

### **307. Ҳанифахон Шарипова. Андижон тумани.**

Анна Аҳматова ижодида шундай сатрлар бор: Қоронғулик қаърини ёритган гўзал қалб, доим унга ҳавас қилар экан.

Гўзал қалб доим нимага ҳавас қилган?

### **308. Шуҳратбек Парпиев. Асака тумани.**

Сандиқчадаги мосламани дастлаб немис муҳандиси Вольфганг Доберайнер 1823 йилда ихтиро қилган. Дастлаб уни ҳозирги вазифаси учун эмас, ўқ отиш милтиғининг бир бўлаги сифатида кашф қилган.

Доберайнер нимани ихтиро қилган. Сандиқчада нима бор?

### **309. Нурбек Наврўзов. Қарши туманидан.**

Собиқ иттифоқ даврида уларнинг узунлиги 28 метр бўлган. Шундан уйлар максимум тўққиз қават қилиб қурилган.

Ниманинг узунлиги сўралмоқда?



## **310. Нодир Неъматов. Паркент туманидан.**

Қишлоқ хўжалиги мелиорациясида Провакацион суғориш системаси мавжуд. Бир марталик экин экиладиган далаларга экин экишдан олдин бериладиган сув шундай номланади.

Бир дақиқа ўйлаб кўриб айтингчи, бу иш нима мақсадда қилинади?

## **311. Абдуқаҳҳор Ҳолжигитов. Тожикистон Республикаси.**

Биласиз Канарейка қушлари XVI асрда Канар оролларида дастлаб Европага олиб келинган. Бу қушларни олиб келувчи кишилар уларни яхшилаб текширувдан ўтказиб кейин Европага олиб келишган.

Аниқ айтинг, қандай канарейкалар Европага жўнатишган?

## **312. Суннатилло Расулов. Каттақўрғон тумани.**

Рус шоири Евгений Баратинскийда шундай шеър мисралар бор:

- Алдай олган мени юрагим,
- Фикрларим алдар ҳар замон,
- Кўзиму-қулоғим алдаган мени,
- Лекин ҳеч қачон дўстларим,
- Алдамаган у мени.

Кўп халқлар уни энг яқин соатга қиёслашади.

Шеърда келтирилган, уни топинг?

## **313. Комила Ўрозметова. Қорақалпоғистон Республикаси. Амударё тумани.**

«Тарас Бульба» романида персонажлардан бири сандиқчадагига «Рухонийларим» деган таърифни бер-

ган. Ҳақиқатдан ҳам уларга инсонлар сажда қилишади.  
Ўша руҳонийлар сандиқча ичида...  
Сандиқча ичида нима бор?

**314. Фозил Бўронов. Тошкент. Яккасарой тумани.**

Ҳиндистоннинг Гоа штати бугун энг кўп туристларни жалб этувчи жойлардан бири ҳисобланади. Гоа штати бир томондан жунгли ўрмонлари билан қопланган бўлса, бошқа томондан анчагина хавфли. Араб денгизи ёнида жойлашган. Туристлар ўз ҳаётларини хавф остида қолдирмасликлари учун ҳар қадамда бир эълонни қайта-қайта ёзиб қўйишганини гувоҳи бўлиши мумкин.  
Бу қандай эълон?

**315. Раҳматилла Кўчқоров. Германиянинг Манахэйм шаҳридан.**

Физикадан биламизки, жисмлар иссиқдан кенгаяди. Мабодо сандиқчадаги бурчакли қилиб ишлаб чиқарилганда эди, кизиш натижасида кенгайиб ёрилиб кетарди. Сандиқчадаги кўринишда ҳар қандай иссиққа дош бера олади.

Сандиқчада нима бор?

**316. Оллоберган Матчонов. Урганч шаҳридан.**

Иккинчи жаҳон уруши вақтида юртимизнинг қишлоқ аҳолиси буғдой ўрнига ҳам маккажўхори экишга мажбур бўлишган.

Нима учун кўпроқ маккажўхори экилган?

**317. Хуришида Қиличева. Сирдарё вилояти. Сардоба тумани.**

Антарктидадаги саёхати давомида Руаль Амундсен



киш ойлари ҳар куни эрталаб экспедиция аъзоларидан об-ҳавони ҳозир қанча даража эканлигини сўраб кўядиган одати бўлган.

Аниқ нима мақсадда сўраган?

**318.** Немис файласуфи Лихтенберг: «У тақдир зарбаларига қарши тура олувчи энг аъло қалъадир» деган.

У нимани энг мустаҳкам қалъага ўхшатган?

**319.** Вольтер фикрича: Ўлим энг катта жисмоний ёвузлик бўлса, энг катта, кенг масштабдаги ахлоқий ёвузлик у дир... деган.

У нимани назарда тутган?

**320.** *Мадина Муродуллаева. Денов туманидан.*

Тасаввур қилинг Х–ХII асрлар бурун Юнонистонда айрим тадбиркорлар мактаб очиб бўйлари унча баланд бўлмаган, истараси иссиқ, хушсурат қулларни танлаб олиб, уларни мактабга олиб келиб муомала маъданияти, атрофдагилар билан хушсухбат қуришга ўргатадилар. Айрим предметларни ҳам ўқитишган. Роса бир йилдан кейин эса, улардан фойда ола бошлаган.

Бу мактаб битирувчиларини ким деб аташганини юнон тилида топинг?

**321.** XX аср ўрталарида АКШлик кўз шифокори Алекс Томсон деган киши узоқни яхши кўрмайдиганлар учун машғулотлар ишлаб чиқади. Бу тажрибаларини ўртоқлашиш мақсадида китоб чоп эттиради. Китобнинг синов сони кўлга текканда китобни чоп этган муҳаррир калласига бир фикр келиб қолиб, китобда бир ўзгариш қилади.



Муаллиф билан боғлиқ қандай ўзгариш таклиф қилган?

**322.** Наполеоннинг машҳур фикрини тўлдиринг. «Аскарларим жангда у ишни асло қила кўрманг. Менга ёрдам бермоқчи бўлган бўлсангиз зинҳор у ишни қилмангиз. У ҳаммани кўлидан келадиган иш аммо, аксини қилишга ҳаракат қилаверинг», деган. Аслида у бандасини кўлидан келадиган иш эмас

У аскарларидан нимани сўраган?

**323.** Бир Техаслик новвой якшанбада бир шаҳарчага кириб келди. Уч кун давомида шу шаҳарда яшаб, яна якшанбада шаҳарни тарк этди. Қандай қилиб бундай бўлган?

**324.** Хитой файласуфи Сюн-Цзининг ўйлашича: «У – қалбнинг табиий туйғулар ила ҳақиқатни ёлғондан ажрата олишимизга ёрдам берувчи омилдир», деган.

Нимага бу таърифни берган?

**325.** Жонзотлар гўнгидан ҳам пул қилиш мумкин. Қўй гўнги, товуқ гўнги энг бозори чакқон, табиий ўғитлар саналади. Улар ерни жуда фойдали ўғитлар билан тўйинтира олади. Энг қиммат гўнг кабутарники ҳисобланади. Уларни ерга сепиш учун эмас, бир соҳа кишилари маҳсулотларини қайта ишлашда фойдаланиш учун сотиб олишади.

Қайси соҳа кишилари?

**326.** 2000 йилдан кейин АҚШдаги авиакомпанияларнинг йўловчи ташувчи самолётлари 1990 йиллардагидан кўра кўп бензин ёқаётгани аниқланади.

Айтингчи, қандай ҳолат бунга сабаб бўлган?

**327.** Француз композитори Гектор Берлеоз «Муסיқа инсонга на фақат дам беради, у сизни илҳомлантиради, рухлантиради, имкониятларингизни ошириб, кучингизга – куч қўшади», деган. Ҳатто, у соҳага ҳам муסיқани Берлеоз олиб кирган экан.

Қайси соҳага?

**328.** Маҳатма Ганди фикрига кулоқ тутинг: «Мени ҳеч нима йўлимдан, мақсадимдан қайтара олмайди. Ҳатто, Қирол Эдуарднинг отеллари ҳам». Тарихдан маълумки, қирол Эдуард отелларини Ганди юртида эмас, бошқа давлатда кўп қурган дейишади.

Ўша бошқа давлат номини топиб беринг?

**329.** Россияда XX аср бошида илк реклама агентлиги иш бошлаган. Буни қарангки, бугун машҳур бўлган реклама – тижорат двигетали деган иборани ҳам шу агентлик раҳбари ўйлаб топган экан. Фақат бу иборада реклама эмас битта бошқа сўздан фойдаланган.

Қайси сўздан?

**330.** Исроилда энг қора юморга бой латифа сифатида куйидаги латифа эсланади: Моисей 40 йил саҳрома саҳро кезиб яқин Шарқдаги ягона шундай жойни Исроилликларга қидириб топиб берганини қаранг, деган.

Ягона қандай жой назарда тутилган?

331. АҚШ, Буюк Британия, Япония, Австралия фуқаролари орасида кафе ва ошхоналарга оилавий овқатлангани кирганлар ҳеч иккиланмай 5 сония қоидасига амал қилишади. Қўлидан нони, печенъеси, узуми тушиб кетса, бизга ўхшаб ташлаб юборишмайди. Тушиб кетса тез олиб, чангини пуфлаб еб юбораверишади.

5 сония қоидаси нимани билдиради?

332. XIX аср ярмидан бошлаб Париждаги модалар уйлари ёш хонимлар учун декольте, енгил кўйлақлар ишлаб чиқара бошлаган. Тезда бутун Парижнинг бойвачча киз жувонлар балларга, базмларга худди шу юпка матодан тикилган очиқ-сочиқ кийимларда кела бошлашган. Аммо, қанчалик бу кўйлақлар тез урф бўлган бўлса, шунчалик тез назардан қола бошлади. Парижликлар орасида бу кўйлақлар «Монматрга йўл» номи билан атала бошлади.

Кўйлақларни урфдан қолишига нима сабаб бўлган?

333. Лев Николаевич Толстой: «Мен Стендалдан кўп нарсани ўрганганман. Айниқса, уруш манзарасини у романдан ўкиб, таъсирланганман. Ахир Стендалгача уруш саҳнасини ҳеч ким бунчалик ёрқин тасвирламаган эди», деб айтган.

Толстой Стендалнинг қайси романидан таъсирланган?

334. «Алкимёгар» муаллифи Паоло Коэло ўз асаида: – «у дарёнинг қалби, денгизнинг сири», деб атаган. Яна бир илмий рисолада: «у бўлмаганда одамзотга тахминан 10 ойда йўқ бўлиш хавфи туғилар» эди, деб ёзилган. Вақт кетди, дейишим билан ҳаммангиз бир

фикрни баралла айтишингиз мумкин, лекин бу нотўғри фикр.

Бир дақиқадан сўнг, ўша мўъжизавий ҳолатни топинг?

### **335. Музроб Ҳошимов. Тошкент шаҳар, Қора-Қамиш даҳаси.**

Тарихий маълумотларда ёзилишича, Соҳибкирон ўз кўшини билан Эроннинг Гилон шаҳрига кирганда, йўлнинг икки четида шаҳар аҳолиси унинг истиқболига чиқишади. Аниқроғи, улар шаҳар ҳокимлари томонидан зўрлаб олиб чиқилганини Соҳибкирон дарров сезиб қолади. Қаердан билиб қолиши мумкин? Аҳолининг кўпчилиги елкасига тўрва осиб олиб, икки кўли билан бир юмушни бажариб турган эди. Эроннинг Гилон шаҳрида, асосан бир соҳа хунармандлари истикомат қилар эди.

Аҳолининг тўрвасида нима бўлган?

### **336. Сирожиддин Сотволдиев. Андижон вилояти, Марҳамат тумани.**

Шарқ китобатчилигида ўрганса арзигулик «инновациялар» жуда кўп. Ҳозирги вақтда китобларни саҳифалари рақамланишини яхши биласиз. Кўлингиздаги икки вароқ матнли қоғозга эътибор беринг. Қадимда хаттотлар варақларни рақамлашмаган. Лекин улар бир бетдан иккинчисига ўтиш учун белги қўйиб кетишган.

Қандай белги. Кўрсатиб беринг?

### **337. Моҳира Мавлонова. Украинадан.**

Сандикчада энг биринчи одамларга шахсий фойдланишлари учун лизинг асосида берилган мослама жой



фикрни баралла айтишингиз мумкин, лекин бу нотўғри фикр.

Бир дақиқадан сўнг, ўша мўъжизавий ҳолатни топинг?

### **335. Музроб Ҳошимов. Тошкент шаҳар, Қора-Қамиш даҳаси.**

Тарихий маълумотларда ёзилишича, Соҳибқирон ўз кўшини билан Эроннинг Гилон шаҳрига кирганда, йўлнинг икки четида шаҳар аҳолиси унинг истиқболига чиқишади. Аниқроғи, улар шаҳар ҳокимлари томонидан зўрлаб олиб чиқилганини Соҳибқирон дарров сезиб қолади. Қаердан билиб қолиши мумкин? Аҳолининг кўпчилиги елкасига тўрва осиб олиб, икки кўли билан бир юмушни бажариб турган эди. Эроннинг Гилон шаҳрида, асосан бир соҳа хунармандлари истиқомат қилар эди.

Аҳолининг тўрвасида нима бўлган?

### **336. Сирожиддин Сотволдиев. Андижон вилояти, Марҳамат тумани.**

Шарқ китобатчилигида ўрганса арзигулик «инновациялар» жуда кўп. Ҳозирги вақтда китобларни саҳифалари рақамланишини яхши биласиз. Кўлингиздаги икки вароқ матнли қоғозга эътибор беринг. Қадимда хаттотлар варақларни рақамлашмаган. Лекин улар бир бетдан иккинчисига ўтиш учун белги қўйиб кетишган.

Қандай белги. Кўрсатиб беринг?

### **337. Моҳира Мавлонова. Украинадан.**

Сандиқчада энг биринчи одамларга шахсий фойдаланишлари учун лизинг асосида берилган мослама жой

олган. Даствлаб у киммат бўлгани учун кўпчилик сотиб ололмаган. 1878 йилда бу мосламани сотувчи компания оз-оздан бўлса ҳам фойда кўриш мақсадида вақтинчалик фойдаланиш учун лизинг асосида тарқатган.

Сандикчада нима бор?

**338. Файзулло Қаландаров. Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани.**

Тайваннинг компьютер ва замонавий электрон товарлар ишлаб чиқарувчи машҳур «ASUS» компаниясини даствлаб «Пегасус» деб лотинча атамоқчи бўлишган. Кейинчалик ҳеч қандай маънони англлатмасада, олдинги учта ҳарфни олиб ташлаб «ASUS» деб номлашган.

Нима сабабдан компанияни «ASUS» дея номлашган?

**339. Шохжаҳон Ҳамдамов. Фарғона тумани.**

Бир ўрта яшар киши донишмандни олдиға бориб: – Мен яхши ёки ёмон одам эканлигимни қаердан билсам бўлади, деб сўрабди.

– Сен бориб улардан сўра, дебди донишманд. Шунда йигитнинг кўз олдиға уйланган пайти эсига тушиб кетибди.

Улар кимлар ва нега уйланган пайти эсига тушган?

**340. Муҳсин Абдураҳимов. Бувайда тумани.**

Ўзбек халқ шоири Эркин Воҳидовдан шеърини парча:

- Отам қуёш эди, волидам турбат,
- Қуёшим заволнинг уфқиға ботди.
- Уни адо қилган амаким зулмат.
- Вафосиз онамни бағриға босди.
- Энди менга олам тириклик абас,
- Тилагим йўқ бўлиб кетай дафъатан...



Мархум шоиримиз бу шеърларини кимнинг номи билан номлаганлар?

**341. Абдунаби Ниёзов. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани.**

Сибирь ўрмонларида яшовчи аҳоли уйларини қўлбола иситиш воситалари билан иситишади. Қишни эсон-омон ўтишида печдан ташқари уларнинг ҳам хизмати катта бўлади. Сизганингиздек, куз-қиш ойлари аҳолига улар зарур бўлади. Чунки қўлбола печлар хонага анча хавф солади.

Бир дақиқадан кейин бизга уларни топиб беринг?

**342. Гулжаҳон Бованова Пастдаргом.**

Қадимги Юнонистонда йирик байрам кунлари сарой ошпазлари Қиролга уни ғаройиб усулда пишириб беришган. Дастлаб уни тозаланган Кабутарни ичига жойлаб, Кабутарни сўйилган эчкини ичига солишган. Эчкини эса сўйилган буқачани ичига тикиб сўнгра пиширишган. Демак, ўша сандиқча ичидан жой олган.

Сандиқчада нима бор?

**343. Қодир Йўлдошев. Сурхондарё вилояти, Қизилқум туманидан.**

Гавая оролларида ҳам тез-тез вулқон ўйнаб туради. Анчагина хавфли бўлсада айрим кимсалар вулқондан чўчишмайди, аксинча вулқон улар учун тирикчилик манбаи ҳисобланади. Ҳали лавалар совимасдан улар вулқон олдига боришади.

Улар вулқондан қандай фойда кўришади?

**344. Шаҳноза Иброҳимова. Андижон вилояти, Марҳамат тумани.**

Буюк Британиядаги МЭН оролида трамвайлар ҳалигача улар ёрдамида ҳаракатланади.

Уларни топинг?

**345.** Россияда дастлабки трамвайлар 1892 йилдан кейин юра бошлаган. Аммо тарихдан илк трамвай мана шу Россия шаҳарида 1881 йилдан юришни бошлагани айтилади. Лекин, у шаҳар 1881 йилда Европадаги бошқа давлат тасарруфида бўлган.

Қайси шаҳар сўралмоқда?

**346. Саидаъзам Хўжаев. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани.**

Цирклар қуриладиган майдоннинг ери бакувват бўлишига катта аҳамият берилади. Майдоннинг баъзи жойларига қалин бетон остига, ҳатто майдаланган шиша қатлами ҳам ётқизилади.

Қурилаётган цирк биносининг қаерига ва қандай мақсадда шиша қатлами ташланади?

**347. Нилуфар Шомуродова. Ҳонқа туманидан.**

Инсоният хат-хабар юборишда минг йиллардан бери кабутарлар хизматидан фойдаланиб келади. Минглаб чақирим жойлардан кабутарлар манзилни беҳато топиб келишади. Кабутарларни садоқатли қушлар деб ҳам аташади.

Нега улар беҳато манзилни топиб борадилар?





## **348. Муҳиддин Эргашов. Пискент тумани.**

Биз сўрамоқчи бўлган бу шарқшунос олим юртимизга хожи Абдурашид, Рашидафанди номи билан ташрифукудум қилган. Дастлаб Бухорода яшайди. Исломни ҳам мукаммал билганки, Бухоро масжидларидан бирида, ҳатто имомлик вазифасида ҳам ишлаган. Кейинчалик юртимиз ҳақида кўпгина асарлар ҳам ёзади.

Тилимизни, динимизни мукаммал билган бу хорижлик кишининг асл исми-шарифи ким бўлган?

## **349. Тоҳир Усмонов. Фарғона вилояти, Қўштепа тумани.**

Австралияда ким кўп, фермер кўп. Австралия қонунчилигига биноан фермер боқаетган айрим қорамолларига исм бериши қонунан тақиқланган экан.

Қонунга биноан фермер қандай қорамолларига исм қўйиши мумкин бўлмаган?

## **350. Зафар Кўчқоров. Қашқадарё вилояти, Касби тумани.**

«Бобил тарихи» китобида Бобилда машхур бўлган. Мақоллар келтирилади. Шулардан бирини тингланг:

«Агар одамнинг омади келса, бир йўла келади» дейишади. «Уни Фурот дарёсига ташлаб юборинг, эсон-омон қутулиб, буни устига...у билан сузиб чиқади» дейилган.

Фурот дарёсида нима кўп, шундан келиб чиқиб айтинг, омадли одам нима билан чиқади, деган?

## **351. Насиба Худойберганова. Урганч шаҳридан.**

«Уфқ» романида эсингизда бўлса тўқайда беркиниб турган Турсунбойга онаси Жаннат хола яширинча овқат

**344. Шаҳноза Иброҳимова. Андижон вилояти, Марҳамат тумани.**

Буюк Британиядаги МЭН оролида трамвайлар ҳалигача улар ёрдамида ҳаракатланади.

Уларни топинг?

**345.** Россияда дастлабки трамвайлар 1892 йилдан кейин юра бошлаган. Аммо тарихдан илк трамвай мана шу Россия шаҳарида 1881 йилдан юришни бошлагани айтилади. Лекин, у шаҳар 1881 йилда Европадаги бошқа давлат тасарруфида бўлган.

Қайси шаҳар сўралмоқда?

**346. Саидаъзам Хўжаев. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани.**

Цирклар қуриладиган майдоннинг ери бақувват бўлишига катта аҳамият берилади. Майдоннинг баъзи жойларига қалин бетон остига, ҳатто майдаланган шиша қатлами ҳам ётқизилади.

Қурилаётган цирк биносининг қаерига ва қандай мақсадда шиша қатлами ташланади?

**347. Нилуфар Шомуродова. Ҳонқа туманидан.**

Инсоният хат-хабар юборишда минг йиллардан бери кабутарлар хизматидан фойдаланиб келади. Минглаб чақирим жойлардан кабутарлар манзилни беҳато топиб келишади. Кабутарларни садоқатли кушлар деб ҳам аташади.

Нега улар беҳато манзилни топиб борадилар?



## **348. Муҳиддин Эргашов. Пискент тумани.**

Биз сўрамоқчи бўлган бу шарқшунос олим юртимизга хожи Абдурашид, Рашидафанди номи билан ташрифукудум қилган. Дастан Бухорода яшайди. Исломни ҳам мукамал билганки, Бухоро масжидларидан бирида, ҳатто имомлик вазифасида ҳам ишлаган. Кейинчалик юртимиз ҳақида кўпгина асарлар ҳам ёзди.

Тилимизни, динимизни мукамал билган бу хорижлик кишининг асл исми-шарифи ким бўлган?

## **349. Тоҳир Усмонов. Фаргона вилояти, Қўштепа тумани.**

Австралияда ким кўп, фермер кўп. Австралия қонунчилигига биноан фермер боқётган айрим қорамолларига исм бериши қонунан тақиқланган экан.

Қонунга биноан фермер қандай қорамолларига исм қўйиши мумкин бўлмаган?

## **350. Зафар Кўчқоров. Қашқадарё вилояти, Касби тумани.**

«Бобил тарихи» китобида Бобилда машҳур бўлган. Мақоллар келтирилади. Шулардан бирини тингланг:

«Агар одамнинг омади келса, бир йўла келади» дейишади. «Уни Фурот дарёсига ташлаб юборинг, эсон-омон қутулиб, буни устига...у билан сузиб чиқади» дейилган.

Фурот дарёсида нима кўп, шундан келиб чиқиб айтинг, омадли одам нима билан чиқади, деган?

## **351. Насиба Худойберганова. Урганч шаҳридан.**

«Уфқ» романида эсингизда бўлса тўқайда беркиниб турган Турсунбойга онаси Жаннат хола яширинча овқат

ташиб юради. Бир куни ўғли онасига қайноқ чой олиб келинг, деб сўраб қолади. Эртасига онаси-чойнакда чой олиб борсам одамлар билиб қолади деган фикрга келиб, чойни сандиқча ичида олиб келади.

Сандиқчада нима бор?

### **352. Музаффар Ботиров. Ангрэн шахридан.**

Машҳур рассом Сальвадор Дали рассомчиликдан ташқари бизнес билан ҳам шуғулланган. Мадридда ва Барселонада расм чизадиган ҳолатлар, яъни маълум ўлчамдаги қоғозлар ҳам сотган. Бир хил катталиқдаги, сифати бир хил бўлган қоғоз ўн песо турса, айрим ёш бўлғуси рассомлар худди шу қоғозни индамай ўзлари рози бўлиб 200 песога сотиб олишган.

Ўн песолик қоғоз қандай қилиб 200 га сотилган?

### **353. Муҳсин Иброҳимов. Фаргона вилояти, Бувайда тумани.**

Бу форс-турк луғатидаги сўзнинг маъноси, туннинг саккиздан бири деган маънони англатади. Тахминан бир соатга тенг. Яъни, у шахс туннинг бир соатига хўжайин дегани. Агар таржимонлик ҳам қилиб кўрсангиз, унинг кимлигини нима иш билан шуғулланишини осон топасиз.

Туннинг бир соатига хўжайин кишини қандай аталишини топиб беринг?

### **354. Аллаберган Бекметов. Туркманистон Республикаси. Тошҳовуз вилоятидан.**

Америкалик руҳшунослар озмоқчи бўлган кишиларга, озишнинг энг биринчи қадами у ишни қилишдир деб жуда тўғри айтишган.



Озишни хоҳловчилар илк қадам сифатида нима иш қилишлари керак?

### **355. Пардахўжа Ўткиров. Паркент туманидан.**

XX асрнинг 50-йиллари. Берлин шаҳрида унинг қайта қурилиши кетмоқда. Ёшу-қари бу қурилиш битишини кутмоқда. Бир юмористик журналда бу қурилишни таърифлаб, тагига эшакнинг суратини чизиб, бу қурилишни менга даҳли йўқ, барибир менга бу ердан жой беришмайди, деб ёзиб ҳам қўйишган.

Берлинда нимани қайта қурилиши бошланган?

### **356. Садриддин Сотиволдиев. Андижон туманидан.**

Қоғозни иккига бўлинг, кейин тўртга, саккизга, ўн олтига бўлинг. Японияда бир соҳага ўқиётган ёш мутахассислардан шу қоғозни эҳтиётлик билан ямаб, шу бутун бўлган қоғоздан яна оригами ясашни ҳам талаб қилишади.

Қайси касбга ўқиётган талабалардан шу иш талаб этилади?

### **357. Шокиржон Шодиев. Сеулдан.**

Жанубий Корреядаги кўпгина корхоналарда иш бошланишдан олдин ўн дақиқа бадантарбия билан шуғулланишади. Жараён якунида қаттиқ-қаттиқ қарсақлар чалиб айрим уйқучироқ ишчиларни уйғотиб олишади. Қарсақ чала туриб улар узлуксиз бир сўзни бир неча маротаба такрорлашади. Бу сўз бевосита ишчиларга тааллуқли сўз.

Улар нима деб ҳайқиришади?

**358. Жасур Истамов. Жиззах шахридан.**

1828 йилда Султон Махмуд томонидан қурилган бу Минора атрофни қузатиб туриш учун қурилган. Боязед минораси ҳам дейилади. Баландлиги 85 метр келадиган бу минора Туркия Республикаси ташкил топгандан кейин, атрофни қузатиш учун эмас, аҳоли учун зарур бошқа мақсадда ишлатилган. Миноранинг тепа қисми баъзан қизил, баъзан сарик, баъзан кўк рангда чироқлар ёрдамида ёритилиб турган.

Минорадан нима мақсадда фойдаланишган?

**359. Қахрамон Тоймуродов. Тошкент шаҳар, Олмазор туманида.**

Танқларнинг орқа томонида узун қалин ёғоч бойлоқлик туради.

Уни вазифаси нимадан иборат бўлади?

**360.** Бу сўзнинг пайдо бўлганига анча асрлар бўлган. Масалан, қадимий Хитойликлар уни мусулмон машинаси деб аташган. У XX асрда авиация пайдо бўлгач, яъни авиация ривожланиши билан бирга пайдо бўлган.

У қайси сўз?

**361.** Монако шаҳрида фақат козинолар эмас, турли тарихий объектлар ҳам мавжуд. 1999 йилда бир музейнинг 100 йиллиги кенг нишонланган.

Дунёда ягона бўлган қандай музейнинг 100 йиллиги 1999 йилда нишонланади?

**362.** 2000 йилда Покистонда бокс бўйича йирик халқаро турнир бўлиб ўтади. Осиё кубоги мусобақасига учта Афғон боксчилари ҳам ташриф буюришади. Лекин



уларни бир сабаб туфайли, турнирга кўшишмайди. Аммо турнир олдидан ташкилотчилар уларнинг фақат биттасига рухсат беради.

Нима учун қолганларига рухсат беришмайди?

**363.** Саудия Арабистонида ҳар йили юзлаб жиноят қилган кишилар ўлим жазосига тортилади. Энг қизиғи бу жазога лойиқ топилганларнинг 65 фоизини улар ташкил қилар экан.

Кимлар?

**364.** Италиянинг Триви фонтани атрофига томоша қилиш учун ҳар йили қирқ миллионга яқин сайёҳлар келишади. Бу ерда юзлаб гидлар, таржимонлар, тарихчилар мини банклар ва улар туристларга хизмат кўрсатишади. Улар деганларимиз, албатта кўштирноқ ичида хизмат кўрсатишади.

Улар кимлар?

**365.** Макарон эр. аввалги I асрда Тиберей даврида ҳам маълум бўлган. Италиялик ошпазлар макаронни илк бор ясаган. Бутун дунёга макарон, лапша билан бирга шундай бир мослама ҳам дастлаб Италиядан тарқаган.

Қандай мослама?

**366.** Узоқ йиллар Европа макарон – вермишелларни бугдой унидан ясаган бўлса, Хитой гуруч унидан, Японлар қорамтир Соба деган вермишеллини унинг унидан ясаган.

Ниманинг унидан?

**367.** XIX асрда макарон денгизчилар учун қулай таом бўлган. Қуруқ хамирни хоҳлаганда сувда пишириб, еб кетиш қулай. Колумб эскадрилияси ошпазлари, ҳатто уни ҳам қуришиб олиб юрган.

Колумб нимани қуришиб олиб юришни барча саёҳатчиларга ўргатган?

**368.** Одамлар орасида бир ёмон одат бор. У, энг аввало пастки жағингизни олдинга ўстириб юборади. Тишларга ҳам зарар келтиради. Пастки жағни ўзгариши натижасида овқат чайнаш, шунинг натижасида ошқозонда катта ўзгариш пайдо қилади.

Қандай ёмон одат?

**369.** Одамзот умри давомида учта ҳимоя териси билан яшайди. Биринчи, ўзининг туғилгандаги териси. Иккинчиси, салдан кейин пайдо бўладиган териси, бу унинг кийимлари. Учинчи терисига балоғат ёшига етгач эга бўлади.

Учинчи териси нима?

**370.** Иккинчи жаҳон уруши вақтида ҳарбий учувчилар йўлни, ориентирни йўқотиб қўйишганда Каганович компаслари ёрдам берарди, деб ёзишарди. Албатта, у компас вазифасида учувчиларни мўлжалга олиб чиқарди.

Каганович компаслари нима?

**371.** Кўпчилигимиз яхши биладиган Эдвард Мункнинг «Қичқирик» сурати Ослодаги музейлардан бирида сақланарди. Ўғрилар тепазадан ошиб тушиб, бемалол





сигнализация ишлаб турса ҳам суратни олиб гумдон бўлишган. Ўғрилар жуда айёрона йўл топишганидан уларни ҳеч ким сезмаган.

Уларга қандай воқеа ёрдам берган?

**372.** Ҳозир техника ривожланиб кетди. Аммо 15 йил олдин узоқ сафарга чиқадиган денгизчилар орасида битта матрос энг юқори палубанинг томида пойлаб ўтирарди.

Нимани пойларди?

**373.** 1963 йили Ватикан давлатида Исо пайғамбарнинг иккита нон ва беш дона балиқ узатаётган сурати марка тарзида чоп этилади.

1963 йили қандай йил деб эълон қилинган? Ватикан қандай эълон туфайли бу маркани чоп этган?

**374.** Конфуцийдан иқтибос: Орқангдан ғийбат қилишяптими, демак...

Марҳамат, маъно жиҳатдан иқтибосни тўлдириг?

**375.** Ламборжини ўз автомобилларини зангори экран орқали умуман реклама қилмаслиги кўпчиликка маълум. Компания раҳбарларидан бунинг сабабини сўрашганда, чунки биз кўп анализлар натижасидан келиб чиқиб шу қарорга келганмиз, дейишади.

Сабабини сиз ҳам топиб кўринг?

**376.** *Шарофжон Максимов. Фарғона вилояти. Олтиариқ тумани.*

Турк актёри Октай Кайнаржа кўпгина сериалларда ўйнаб зерикиб юрган кезлари, 2011 йилда Туркиянинг

ТНТ каналидан кутилмаган таклиф олади. Нима қилсам экан. Қаерга борсам экан. Қачон мос иш топаман, деб юрган актёрга бу таклиф ёкиб қолади.

Юқоридаги сўзларга диққат қаратинг ва айтинг, 2011 йилда ТНТ канали қайси теле лойиҳага Октай Кайнаржани бошловчиликка чақирган?

### **377. Бахтиёр Азимов. Наманган шахри.**

Кундалик харид учун кўпчилигимиз бозорларга борамиз. Дехқон бозорига кирамиз. Расталар маҳсулотларга тўлган. Дехқон бозорларда ҳамма нарса сотилади. Лекин, дехқон бозорларда ҳар қадамда учрайдиган уни, ҳатто нархини ҳам сўрамаймиз.

Уни нималигини топинг?

### **378. Йўлдошбой Сатторов. Андижон вилояти, Избосган тумани.**

Ўзбек халқ ёзувчиси, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ёзган: Кўплар қариганда ўз ҳунарини қилолмай қолади. Улоқчи улоқда чопа олмайди. Сурнайчи яхши пуфлай олмайди. Ўйинчи эса оёғини кўтара олмай қолади. Ёзувчилар ва уларнинг кексайган сари маҳорат ва тажрибалари ортиб бораверади.

Улар кимлар?

### **379. Ботир Курчиев. Москва шахридан.**

Ўтган асрда америкалик шахтёрлар шахтага ўзлари билан қафасга солинган канарейка қушларини олиб тушишган.

Қушлар нима вазифани бажарган.

### **380. Икром Жалилов. Тошкент шахридан.**

Искандар Зулқарнайн унга жуда қарши бўлган.

Жангчиларини ундан фориғ бўлишга чақирган. Шундан Искандар аскарларига айтган, бу Юнонча ибора бугун ҳам машҳур. Бугун ҳам актуал. Ўша иборанинг аслини эшитиб кўринг.

«Барба нон фасит пхилосоп хум» таржимаси тахминан, донишманд киши билим билан доно бўлади. У билан эмас демоқчи.

Унинг нималигини топинг?

### **381. Ойсафар Тилабова. Жиззах шахридан.**

Куйидаги сўзлар: куёш, янги, дангаса, яширин, бегона, нурли.

Агар юқоридагиларни бир гуруҳ ўқувчилар десак, бу ўқувчиларнинг устози ким бўлган?

### **382. Мирзабек Саидов. Владивосток. Россия Федерациясидан.**

Будда роҳиблари дала-қирларда куёшга тесқари юришга ҳаракат қилишади. Яъни, куёш уларнинг орқасидан тушган бўлиши керак.

Нима сабабдан бу ишни қилишган?

### **383. Шамолдай учқур, йўқ оёғи ва қўли, Кўзга кўринмас, аммо чароғон юрган йўли.**

Топишмоқнинг жавобини иккита сўз билан айтинг?

### **384. Патниси бор, нони йўқ,**

Ашула айтар жони йўқ.

Бу думалоқ патнис устида нон, чой ичилмайди.

Топишмоқнинг жавоби нима?

### **385. Борис Бурда. Украина. Одессадан.**

Бу жамоа аъзолари йигитлардан ташкил топган.

Эркаклар уйда ёлғиз бўлганда баъзи ҳолатда мана шундай овқат тайёрлашади. Паст оловда сувни қайнатиб қўясиз. Сув шақиллаб қайнаб ётади. Сигнал эшитилиши билан оловни баландлатиб тугиб қўйилган чучварани сувга соласиз. Тахминан биласиз, чучвара қанчада пишади. Бу муддат овқат пишираётган эркак учун ҳам етарли. Чучварани сузиб, устига қатиқ ҳам солиб тезда чиққан хонангизга кирасиз.

Уйда ёлғиз бўлган бу эркак нариги хонада нима килаётган эди?

**386. Мавлон Оқилов. Самарқанд вилояти, Иштихон туманидан.**

Айтишларича, Бухоро амири хузурига Ҳиндистондан ва Венециядан савдогарлар келишиб ўн минг танга олиб келиб, қоракўл тери олмоқчи бўлишади. Ўша вақтда Қоракўл олиш мавсуми тугаган бўлиб, фақат биттасига етарли тери қолган эди. Амир бир оз фикр юритгач, улар олиб келган тангалар текшириб Венециялик савдогарга сотишни лойиқ топади.

Унга бу қарорга келишига нима ёрдам берган?

**387. Элбек Собиржонов. Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани.**

Доимо ҳазил, китмир иборалари билан ном қозонган Бернард Шоуда жиддий фикрлар ҳам учрайди. Мана шундай фикрлардан бирини тингланг: «Агар менда битта, сизда ҳам битта олма бўлса-ю, биз ўзаро алмашсак, ҳар иккимизда биттадан олма қолаверади. Агар ҳар биримизда биттадан у бўлса ва биз ўзаро алмашсак, ҳар биримизда иккитадан у бўлади».

Бернард шоу у деганда нимани назарда тутган?



**388.** 1938 йили Германиянинг Кайзерхофф меҳмонхонаси олдидаги қаҳвахонада Фердинант Порше билан Фольсваген авто компания асосчилардан бўлган бир инсон ўртасида учрашув бўлиб ўтган. Тарихдан маълумки, шу учрашувдан кейин Фольсваген «Жук» автомобилига асос солинган. Шу ерда Порше автомо-билининг двигателлари схемасини чизган, унинг шериги эса, «Жук»нинг ҳозирги кўринишини чизиб берган.

Порше аниқ ким билан суҳбат қурган?

**389. Дилором Розикова. Қашқадарё вилояти, Китоб тумани.**

Вильям Шекспир ўзи ҳақидаги эсдаликларида сонетлар ва бошқа шеърӣй дostonлар ёзишига у ёрдам берган деган. Йўқса у театр ишларидан бўшамас эди. У туфайли театр уч-тўрт ойлаб ишламаган. Шу пайтдан фойдаланиб у уйдан чиқмай ўзининг машҳур сонетларини ёзган.

Театрни ишламаслигига сабабчи бўлган уни топинг?

**390. Илёс Шерматов. Тошкент шаҳар.**

Мақтов ҳаммага ёқади. Айниқса, ижодкорларга мой-дек ёқади. Самимий мақтов бўлса, у ҳам роҳат, ҳам фойда беради. Баъзан мақтовлар бўлади, бирон мақсадга қаратиладиган ғаразли мақтовлар. XIX асрда ёзилган бир митти асар борки, унга кўра асар қаҳрамонига сандиқчадигидан ажралишига айнан мақтов сабаб бўлган.

Сандиқчада нима бор?

**391. Нуриддин Расулов. Тошкент шаҳри.**

Россиялик машҳур атёр Олег Табаковни эшитсангиз, деб ўйлайман. Бу актёр режиссёрлик ҳам

қилган. Бир неча йил олдин Лондондаги бир театр уни қайсидир спектаклни сахналаштириш учун Лондонга таклиф қилади. Қўйилаётган спектаклда у актёрлардан инглиз тилининг Йоркшир шеvasида гапиришларини сўрайди. Фақат битта актёрга Лондон шеvasида гапиришини талаб қилади.

У қайси асарни сахналаштираётган бўлган?

**392. *Мастона Рўзимбоева. Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани.***

АҚШ давлатида энг кўп даромад топувчилар: юристлар, шифокорлар бўлса, яна қаердадир савдогарлар, артистлар кўп топишади. Бугун XX–XXI асрга келиб даромадлар ҳар хил соҳадан топиляпти. Бундан X аср илгари ҳамма давлатларда энг кўп даромадни бир оддий соҳа кишилари топишарди. Чунки уларга шарқда ҳам, ғарбда ҳам талаб катта бўлган.

Улар қайси касб эгалари?

**393. *Шаҳбоз Норхўжаев. Фаргона шахридан.***

А.С.Пушкин 1829 йилда ёзган «Арзрумга саёҳат» ҳужжатли насрий асарида шундай фактни келтирган:– Мен Туркияда бўлган чоғим турклар ёнларига чақириб менга тилларини кўрсатишлари жонимга теккан, баъзан мен ҳам уларга тилимни кўрсатардим. Кейин билсам турклар бу ҳаракатни бекорга қилишмаган экан, деб қайд этган.

Нега турклар унга тилини чиқаришган, нима мақсадда қилишган?

**394. *Пардабой Умрзоқов. Сирдарё вилояти, Оқ-Олтин тумани.***

Чой ҳақида афсоналар!



Биринчи афсонада айтилишича, қадимги Хитойлик кўчманчилар бир соя-салқин жойда сувни қайнатиб ичиб юришган. Негадир шу жойдаги қайнатилган сувни ичиб маза қилишган.

Нега бу жойдаги қайнатилган сув уларга хузур бағишлаган?

**395.** Иккинчи афсона, яна бир афсонага кўра чойни Хитой рухонийлари оммалаштиргани айтилади. Улар чой баргидан дамлама тайёрлаб ичиб юришган.

Бу дамламанинг қандай хусусияти рухонийларга ёқиб қолган?

**396. Фотима Абдуллаева. Чилонзор туманидан.**

У – дарахтдаги мевалар учун қанчалик фойдали бўлса, пишиб узилган мевалар учун шунчалик зарарли.

У деб нима назарда тутилган?

**397. Мусоқул Кўшбоқов. Жиззах вилояти, Пахтакор тумани.**

Масаи қабиласи эркаклари азал-азалдан узун соч қўйиб юришган бўлса, аёллари, аксинча сочларини тагидан олдириб ташлашар экан. Масаилар фикрича узун соч эркакларнинг мардлигини билдирса, тагидан тақир қилиб олинган соч сиполик ва гўзалликни билдирган. Энг қизиғи бу соч турмаклари уларни келиб чиқиши билан боғлиқ экан.

Масаилар фикрича уларнинг келиб чиқиши нима-ларга бориб тақалади?

**398. Элёрбек Ҳасанов. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани.**

Ўрта аср Япон Самурайлари ёлланма қотиллик билан

ҳам шуғулланишган. Япон зодагонлари хонадонларига писиб кириб олиб уларни йўқ қилишган. Зодагонлар бунинг олдини олиш мақсадида хоналар ичида анти самурай қуришган.

Зодагонлар нима ўйлаб топишган?

### **399. Ҳасан ва Хусан Мамасаидовлар. Тошкент шаҳридан.**

Маркетингда қайсидир товарни таништираётганда қисқа ва лўнда сўзлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Бу каби презентациялар 100 – 120 та сўздан ташкил топиб ва 30–40 сонияда тугашига эришиш керак.

Профессионал маркетинглар бўлғуси соҳа ходимларига бу каби презентацияларни қаерда репетиция қилишни маслаҳат берадилар?

### **400. Абдуҷаббор Ниёзов. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани.**

Анчадан бери Хокку ўйнамаяпмиз. Раҳматли Басё хафа бўляпти. Хуршид Даврон таржимасидаги 3 қаторли хокку:

- Ким экан бу айтинглар?
- Ўзимни танимабман
- Янги йилнинг тонгида.

Хоккунинг воқеалари янги йил тонгида бўлиб ўтмоқда. Хокку қаҳрамони янги йил тонгида ташқарига чиқиб ўзини танитай қолган.

Нега янги йил тонги қаҳрамон ўзини танитай қолган?

**401.** Шарқий Африкада бир неча юз йилдан бери Тутси ва Хуту қабилалари ёнма-ён яшаб келишади.



## ЗАКОВАТ ЗАВҚИ

Бу иккала қабила Шарқий Африкада бир вақтда пайдо бўлган халқлар бўлсада, доимо Тутси халқи ҳукмрон, Хуту халқи эса уларга тобе бўлиб келган. Сабабини иқтисодий соҳадан ҳам, ҳарбий соҳадан ҳам кидирманг.

Бир хил шарт-шароитга эга бу халқлар орасида нега Тутси қабиласи доим ҳукмронлик қилади?

**402.** Япон шеъриятдан хокку.

Бир кечада далаларни, тоғларни сассизгина тунаб кетди – у...

Нима далаларни, қирларни, тоғларни-ю боғларни овоз чиқармай бир кечада йўқ қилиб кетган.

**403.** Собик Иттифокда 1961 йилда янги пуллар муомалага киритилади. Бир қанча номиналларда чақа пуллар ишлаб чиқарилади. XX асрнинг 70-йилларидан кейин айнан бир номиналдаги чақа пулларни кўплаб ишлаб чиқариш бошланади.

Неча тийинлик чақалар ва уларни кўп ишлаб чиқаришга нима сабаб бўлган?

**404.** Ҳадисда масжид ва меҳмонга борганда ўнг оёқ билан кириш ёзилган. Одам физиологиясидан келиб чиқилса бу тўғри фикр. Масжидга кираётиб одам мабодо ҳушидан кетса. Олдинга йиқилар экан. Буни замонавий олимлар ҳисоблаб чиқишган. Ҳадисда одамлар шу каби жойларга, албатта чап оёғи билан кириши керак дейилган. Чунки, олимлар айтишича, бу ҳолатда одам орқага йиқилиши тайин экан.

Ҳадисда қайси икки жойга чап оёқ билан кириш айтилган?

**405.** Голландиядаги бир супермаркет хўжайини бир тоифа инсонларни дўконига кўпроқ жалб қилиш мақсадида, кираверишга эълон ёздирган. Унинг ёзилишича дўкон ичида фойдаланувчи корзинкаларни икки хил рангдалиги айтилади. Бирининг ранги сарик, иккинчисиники қизил бўлган.

Кимлар қизил рангдаги корзинкани кўтариб дўконга кирган?

**406.** Словянларда ғалати одат бўлган. Агар уйлари ундан кейин ёниб кетса уни ўчиришга уринишмаган, ҳаракат ҳам қилишмаган.

Қандай ҳолатда ёнган уйлари ўчиришмаган ва негалини ҳам топинг?

**407.** *Жасур Аҳмедов. Дубай шахридан.*

Ўзбек халқида азалдан мавжуд бўлган бир мақолни эшитиб кўринг, ҳайит куни қиз олманг, деган. Ҳайит куни қизлар ясан-тусан қилиб чиройли бўлиб кетишади. Алданиб қолиш мумкин демоқчи.

Шундан келиб чиқиб айтингчи, мақолни давомида яхши от сотиб олувчилар қайси пайтда от сотиб олмасликни айтишади?

**408.** Кенглиги 8 млн. кв. км келадиган бу улкан ҳудуд 2700 йил аввал бугунги ҳолига келган. Бугун АҚШ



худудига тенг жойда, бор йўғи 2 млн.га яқин аҳоли истиқомат қилади. Тарихчиларнинг ёзишича, 5 млн йил бурун бу ҳудуд ўрмондан иборат бўлган экан.

Қайси ҳудуд сўралмоқда?

**409. Абдунаби Ҳикматов. Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани.**

Космосда космонавтлар турли лойиҳаларни амалга оширишади. Кўпгина тадқиқотлар қилишади. Космосда сандиқча ичидагини роли жуда катта. Шундан НАСА ташкилоти сандиқчадагидан алоҳида яшаш учун миллионлаб доллар сарф қилишган ўз вақтида. Улар бош қотириб юрган кезлари Россиялик космонавтлар сандиқчадаги жуда арзон нарсадан фойдаланиб юришган.

Сандиқчада нима бор?

**410.** Инглиз файласуфи Френсис Бэкон уни дарё юзидаги юпқа музга ўхшатган. Ундан бир киши ўтиши мумкин. Аммо, халқ, омма ўтса ҳалокатга олиб келиши мумкин деган.

Бэкон нимани юпқа музга ўхшатган?

**411.** Наполеон фикрига қулоқ тутинг: «У қисқа ва тушунарсиз бўлиши керак».

Наполеон нимага бу тарифни берган?

**412.** Эдвард Радзинский бир тарихий асарда XX аср бошларида у ўсмирлик чоғида пул ташийдиган аравага

хужум қилгани, аравадан қочаман деб, қўлини арава босиб кетгани ҳақида ёзган. Шундан у машҳурнинг чап қўли ногирон бўлиб қолган. Чап қўлини беркитиш учун чекиш мосламасини ушлаб юрган.

Сиз менга у кишининг кимлигини топиб беринг?

**413.** Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» достонидан: Мажнун ҳар куни Лайлини кўргани келар, аммо Лайли ундан юзини яшириб олар экан. Лайлидан буни сабабини сўрашганда...

У қандай жавоб берганини топинг?

**414.** Куйидаги рўйхатни ёзиб олинг!

Йўловчи – 5 см.

Енгил автомобил – 26 см

Юк ташувчи автомобил – 37 см.

Трактор – 78 см.

Красноярскдаги табиат илмий текшириш Институти томонидан тузилган рўйхатдаги рақамлар нимани билдиради?

**415.** Маҳмуд Тоировнинг «Огоҳ бўл дунё» шеъридан парча:

Дунё шум хабардан титради, зир-зир,

Жаҳаннам ортида қолди ногаҳон..

4613 киши... 80 мамлакатнинг фуқаролари оҳ, бошдан учдику одамзод ҳуши. 80 мамлакатнинг ғам-нидолари...

Шоир бу шеърини қандай санадаги воқеага бағишлаб ёзган?

**416.** 1878 йилнинг 30 апрель куни Россия императори Александр Пнинг ҳаётида муҳим кун бўлиб ўтган.



Шу муносабат билан у Петрограддаги энг машхур тикувчиларга 206 та ўзи учун бир хил предмет тикиб беришларини буюради. Чунки унинг гардеробида нақт 103 та бир кийим тури бўлган.

Александр II ҳаётида қандай янгилик рўй берган. У нима буюртма қилган?

**417.** Мисрда энг йирик Ислом Университети талабаларига қуръон ёдлаш вазифаси юклатилган бўлиб, қуръонни ёд олиш олдидан талабалар, албатта бир жараёни амалга оширишар экан. Бу уларга ёдлашда ёрдам берар экан.

Нима уларга ёрдам беради?

**418.** *Рўзихон Иминова. Андижон вилояти, Асака шахри.*

Дунёда шундай машхур иншоотлар борки, уларни қуриш учун бир неча юз йиллар сарфланган. Чехиядаги Авлиё Вита мақбараси қурилишига нақд 585 йил кетган. Кёльндаги тош мақбара нақд 632 йил қурилган.

Қайси иншоот қурилиши эрамиздан 400 йил аввал бошланиб, эрамизнинг 1600 йилларида тугаган?

**419.** *Татьяна Здобнова. Тольятти шахри. Россиядан.*

Берлин шахрида XXI аср бошларида улар сони 23571 та бўлган. Уларда сон ёзиғлик турган. Тағин уларда бизга ҳамма нарса мумкин. Ҳеч қандай расмиятчиликсиз қабул қилаверамиз, деган ёзувлар ҳам ёзиб қўйилган.

Улар деганда нима назарда тутилмоқда?

**420.** *Ўтқир Зоҳиджонов. Ургут шахридан.*

То юк ташувчи транспортлар оммалашгунича бошқа

жойларда бўлгани каби Ургутда ҳам юклар араваларда ташилган. XX аср бошларидаги ҳолатни кўз олдингизга келтиринг. Чекка қишлоқларда яшовчи деҳқон пишган ҳосилни аравага юклаб шаҳарга олиб кетмоқда. Иккита от аравани тортиб борса, битта от арава орқасига боғлаб қўйилган.

Нега орқадан от боғланган?

### **421. Марҳамат Саидаҳмедова. Тошкент шаҳар.**

Жалолиддин Румий ёзганлар: У болалардек ўйнай олади. Дўстлардек маслаҳат беради. Тансоқчидек химоя қилади.

Румий ҳазратлари бу таърифларни кимга берганлар?

### **422. Бўрибой Отабоев. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри.**

Шимолдаги аҳолининг энг асосий транспорти итлар тортадиган нарт деб аталувчи каналар ҳисобланади. Итларга дам бериш чоғи тажрибали чўпонлар, чананинг асбоб-анжомларини йиғиштириб ўзлари билан ўтов-да олиб ётишади. Нима учунлигини Жек Лондон ҳикояларидан бирида батафсил ҳикоя қилиб берган.

Агар ҳикояни ўқимаган бўлсангиз, мантиқан фикрлаб айтинг, нега итларнинг анжомларини чўпонлар ўзлари билан олиб ётишади?

### **423. Ихлос Қурбонов. Туркменистон Республикаси. Ашҳабод шаҳридан.**

Асли Тошкентлик бўлган Саидаъзамхон деган бир бой киши XIX аср бошларида водийга бориб, ҳали ҳеч ким шуғулланмаган бизнесни йўлга қўяди. Бунинг учун у ёлланма ишчиларни қўлларига шундай супургилардан



бериб кичик сув ҳавзалари бўйига юборади.

Сув бўйларида ёлланма ишчилар супурги билан нима қилишган?

**424. Ҳомиджон Пўлатов. Навоий вилояти, Навбаҳор тумани.**

Қадимги Миср маърифатпарвар кишилари унинг ярми донишмандликдан ташкил топган дейишган. Тўғрида донишманд одам ҳаммадан ўзгача фикрлайди ва ўзгача сўзлайди.

Ярми донишмандлик бўлса, қолган ярми-чи?

**425. Худойберди Эргашев. Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани.**

Фарғонанинг Ёзёвонида ижод қилувчи шоир Қобилжон Шерматов шеърятидан тўртлик:

У шундай қотилки, шундай ақлли,

У шундай бераҳмки, шундай қаҳрли,

Ўлдирмасдан туриб ўрар кафанга.

Бу тўртлик шеър нима ҳақида?

**426. Раъно Мингбоева. Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани.**

А.С. Пушкин энагаси Арина Радионовна ҳар шанба кунлари Сашани чўмилтириб, тирноқларини олиб кийимларини алмаштирар эди. Аммо эрталаб мактабга кетаётганда энагасини ёмон кўриб, доим ҳарҳаша қилар эди.

Яхшилаб ўйлаб айтингчи, нега Пушкин ҳар куни эрталаб қийналарди ва нега мактабга ҳарҳаша билан кетган?

**427. Юнус Ҳафизов. Жиззах вилояти, Фориш тумани.**

Финландиялик биологлар уйқусизлик дардига ча-  
лингган кишиларга сут ичишни таклиф этишган. Улар  
учун махсус сут қадоклаб чиқаришган. Қадокқа сут  
сўзи олдидан яна иккита сўз ёзилган бўлиб, бу сутда  
мелетонин моддаси бошқаларидан кўра ўн баробар  
кўплигидан шу иккита сўзни қўшиб ёзишган.

Этикеткада сут сўзидан олдин яна қандай 2 та сўз  
бўлган?

**428. Аҳрор Назаров. Бухоро шахридан.**

Ричард Никсон АҚШ президенти лавозимида ишлаб  
юрган кезлари Исроил Куролли Кучлар вазири Моше  
Доянни кучли кўмондон сифатида ҳурмат қилган.  
Исроил бош вазири Гольда Мейер билан бир учрашувда  
унга ҳазиллашиб: – Генерал Моше Доян учун хоҳлаган  
АҚШ генералини алмашардим, дейди. Гольда хоним  
ҳазилга ҳазил билан учта генерални сўрайди.

Ҳазил эканини унутмаган ҳолда айтингчи, қайси  
учта генерални назарда тутган?

**429. Ғайратхўжа Аҳмедов. Жиззах шахридан.**

Тасаввур қилинг, сизлар 300 – 400 йил бурун яшаган  
қорақалпоқ кўчманчи қабиласининг аъзоларисиз.  
Дейлик, 16 яшар йигитчаларсиз. Қабилангиздаги кекса  
тажрибали чўпонлар негадир биринчи инсонга қўй  
боқишни, иккинчисига отлар подасига қараб юришни  
топширишади.





Қандай мақсадни кўзлаб, бундай буйруқ беришади?

**430. Илӛс Химойдинов. Сурхондарӛ вилояти, Термиз шаҳри.**

Татар халқ топишмоғи, менимча бу топишмоқни татар аёллари ўйлаб топган бўлса керак. Агар у тўла бўлса тўйдиради. Агар бўш бўлса, тарбиялайди. Ҳам тўйдиради, ҳам тарбиялайди, дейишади ва ушбу претмет сандиқча ичига жойлашган.

Сандиқчада нима бор?

**431. Бекзод Эшмирзаев. Сирдарӛ туманидан.**

Александр Дюма ота ўз асарларини қачон ёзгани ва қаерда чоп этганини яхши биласиз деб ўйлайман. Уч Мушкатёр романининг биринчи қисмида Атоснинг хизматкори Гримо жуда камгап қилиб берилган. Саволларга ё йўқ, ё ҳа, деб жавоб бериб туради. Романнинг иккинчи қисмида Гримони эзма, сергап қилиб талқин қилади. Бундан Дюма, албатта наф кўрган.

Нима сабабдан бу персонаж иккинчи бўлимда эзма бўлиб қолади?

**432. Жамшид Валиев. Тошкент шаҳри.**

Иккинчи жаҳон уруши вақтида шу новдаларни декча қозонга солиб, устидан қум солиб тагидан олов ёқишган.

Натижада нима ҳосил қилишган?

**433. Абдурахмон Эралиев. Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани.**

Ҳар йили Уимблдон турнирида сандиқчадагидан

2000 дан ортиғи йўқолар экан. Турнир ташкилотчилари айнан унинг йўқолишидан 120 минг доллар атрофида зарар кўришар экан.

Сандиқчада нима бор?

**434.** Шундай бир мослама борки, 1888 йилда унинг илк нусхаларини Адольф Гастон ихтиро қилиб бутун оз эмас, кўп эмас 130 млн.га яқин киши ундан фойдаланади. Фойдаланувчиларнинг 70 %ни 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади.

Ўша мосламанинг номини топинг?

**435.** Аёллар орасида олиб борилган текширувлар натижасига кўра, бу кўрсаткич XXI асрга келиб йилига 28 кг.ни ташкил қила бошлаган. XX аср 50-йилларида у 10 кг ҳам бўлмаган. 70-80-йилларда 15–20 кг бўлган.

Бу кг.лар нимани билдиради?

**436.** *Зебунисо Маҳкамова. Тошкент вилояти, Оққўрғон шахри.*

У далада туғилади, хонадонимизда ўлади, деган. Уни сандиқчага солишни хоҳламадик, палакатдан узокрок бўлайлик деб.

Сандиқчага солинмаган нарса нима?

**437.** *Мирумар Ходиев. Фарғона вилояти, Бағдод шаҳарчасидан.*

Шундай бир жанг тури борки, ундан ўзаро мусабоқалашувчи рақибларнинг биринчисини эълон қилинганда унинг исми – шарифи, ёши, нечта жанг ўтқазгани батафсил айтилади. Негадир унинг рақиб ҳақида ҳеч қандай маълумот эълон қилинмайди. Чунки эълон қилишнинг маъноси йўқ.



Иккинчи жангчининг номини, ёшини, нечта жанг ўтказганини сиз топасиз?

### **438. Меҳрижамол Ражабова. Чирчиқ шаҳар.**

Агар сиз совуқ шимол ўлкасида ёки айрим чўл ҳудудларида яшаб уй курсангиз, уйнинг бир жойини ҳар иккала ҳудудда ҳам бир хил усулда қурган бўлардингиз. Бошқа ҳудудларда унинг кўринишининг аҳамияти йук.

Шимол ва чўл ҳудудларида қурилган уйлар-нинг қайси қисмида ўхшашлик бўлади?

**439. Мейлиева Шакарой. Қашқадарё вилояти, Касби тумани.**

Айтишларича, сандиқчадагини морбозлик билан шуғулланувчилар, яъни илон боқувчилар ўйлаб топишган эмиш. Илондан заҳар олаётган киши бунга амин бўлади.

Сандиқчада нима бор?

### **440. Мардонбой Пўлатов. Зарбдор туманидан.**

Унинг муаллифлари мактабда аъло баҳога ўқиганлиги аниқ. Унинг муаллифлари кўпчилик. Компьютернинг имкониятларидан тўлиқ фойдалана олади, фалсафа, адабиёт фанлари ёрдамида. Википедиядаги маълумотга ишонсак у 2001 йил 15 январда дунёга келган.

Уни топинг?

**441.** Коррида, буқалар жангидаги мулета, буқаларнинг жаҳлини чиқариши учун қизил рангда бўлади деб ўйлаганлар хато қилади. Буқалар учун унинг рангининг аҳамияти йўк.

Унда нега «мулета»нинг ранги қизил бўлади?

**442. Мардонбой Пулатов. Жиззах вилояти, Зарбдор туманидан.**

Ташқарида турган бир предмет қайсидир маънода юк ташишга мўлжалланган. Аммо ҳисоб китобларга кўра ташиши керак бўлган юклардан ташқари, йил давомида ҳар биттаси ярим тоннагача ортиқча юк ташир экан. Бу, албатта предмет эгасига озор етказиши мумкин. Шунинг учун ҳозир уни ишлаб чиқарувчи фабрикалар уни тана вазнининг 10 фоизидан ошмайдиган юкни кўтара оладиган қилиб ишлаб чиқармоқда.

Сўралаётган предмет ташқарида турибди. 1 дақиқадан сўнг нима олиб қирамиз?

**443. Ҳаётий бошқотирма.**

Узунлиги 10 метр, эни 1 метрли жойга 30 та транспорт воситасини жойлаштириш мумкинми? Мумкин.

Қайси транспорт тури сўралмоқда?

**444. Биз сўрайдиган жой Сурхондарёда ҳам бор. Боливияда эса ундан меҳмонхона ҳам қуришган.**

Бу отель нимадан қурилган?

**445. Унинг ўлчамларини ёзиб олинг: 13,1 метрга, 11,03 метр. Уни кўпроқ параллелепипедга ўхшатишади. Параллелепипед бўлганидан кейин ўз-ўзидан яна бир ўлчам пайдо бўлади – узунлиги. Унинг узунлиги 12,86 метр.**

Бу ўлчамдаги параллелепипед қайси давлатда жойлашган?



**446.** 1953 йили Атлантика қирғоғида жойлашган Нью-Берн шаҳарчасида туғилган бир қизчани онаси Барбара деб номлади. Кўпчилик унинг бу ишини нотўғрилигини айтиб танқид қилишди. Йўқ барибир аёл туғилган қизини Барбара деб атади.

Нега одамлар Барбара исмини ёктиришмаган?

**447. Абдусаттор Абдурахмонов. Бахмал тумани.**

Гомер «Илиада» достонининг 7-қўши-ғида шундай ўхшатиш қилган. Агар у чорак соат давомида йўқолмай турса, атрофдагилар унга эътибор ҳам қилмай қўйишади.

Гомер бу ўхшатишни қандай табиат ҳодисасига таъриф берган?

**448. Элшодбек Исроилов Фарзона вилояти Бағдод тумани.**

У 4-синфда аъло баҳоларга ўқийдиган укаси Муҳаммадсаид Исроилов ҳақида ёзган. Уни хонасида доимо дарс қилиб ўтирганига гувоҳ бўламан. Кейинги пайтларда у тез-тез бармоқлари билан ниманидир тўхтовсиз ҳисоблаш одатини чиқарди. Нега калькуляторда эмас, бармоқларингда ҳисоблайсан, десам кулиб кўяди, деб ёзади савол муаллифи.

Элшодбек сўрамоқда, укам бармоқлари ёрдамида нимани берилиб ҳисоб-китоб қилган эди?

**449.** Мерлин Монро «Аёллар жозибасини оширишда 2 та кучли қурол бор. Биринчиси кўз ёши, иккинчиси...»

Ҳар иккаласини баробар ишлатиб бўлмайди. Демак, биринчиси, иккинчисига халақит қилади.

Аёлларнинг 2 қуролининг номини топинг?

**450. Суннатулла Расулов. Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани.**

Хитой халқ иборасини тингланг: А дан узоғи, Б дан яқини йўқдир. Униси билан бунисини орасидаги масофа бир хил. Аммо А га ҳеч ким, ҳеч қачон етолмаган. Етолмайди ҳам. Б га гарчи масофа бир хил бўлсада етиш жуда осон.

А нима, Б нима?

**451. Миразиз Мақсудов. Тошкент шаҳар.**

Араблар учун хурмо меваси жуда муҳим саналади. Унинг, ҳатто данаги ҳам ташлаб юборилмайди. Данаги туялар ва қорамоллар учун емиш ва ...яна араблар учун зарур нарсанинг ўрнини босади.

Хурмо данагидан яна нима иш учун фойдаланишади?

**452. Жаҳонгир Қодиров. Ховос тумани.**

Алифбони ўрганганингизда ҳарфларни мисоллар билан тушунтирилса эсда яхши қолади. Масалан, Арча – А ҳарфини, бузоқ – Б ҳарфни ўргатиш учун кўрсатилса яхши эсда қолади. Инглиз мактабларида 1-синф болаларига ҳам бир ҳарфни ўргатаётганда «орол» сурати берилади.

Улар қайси ҳарфни ўргатиш учун «орол»дан фойдаланишади?

**453. Самобек Ибрагимов. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри.**

Файласуфлар унга рўбарў келмасликни хоҳлашади. Нафақат файласуфлар жами инсоният ундан узоқроқ бўлишни хоҳлайди. Борди-ю у сизга дуч келса, сиз уни йўқ қила олишингиз мумкин. Сенека гўё инсон дунёга уни йўқ қилиш учун келган, деган одилона тўғри фикрни



илгари сурган.

Уни нималигини топинг?

**454. Гулмира Давлатова. Қорақалпоғистон Республикаси. Тўрткўл тумани.**

Хоразмда илгарилари уйланиш ёшига етган йигитлар келин бўлмишнинг юртига бориб 12 кун ҳашарда қатнашишлари мажбурий бўлган. Ҳашардан кейин ижобий баҳо олсагина уни куёвликка лозим топишган.

Айтингчи, бўлғуси куёвлар келин юртида қандай умумий ишда қатнашганлар?

**455. Абдумўмин Эшмуродов. Сурхондарё вилояти, Узун тумани.**

Боботоғда кетмон дасталари учун арча дарахтидан фойланишади. Биринчидан арча анча қаттиқ ва чидамли бўлгани учун. Агар кетмон арча дастасидан ясалса, деҳқон учун яна бир қулайлик пайдо қилади.

Сурхондарёлик деҳқонлар учун яна қандай қулайлик ҳосил қилади?

**456. Муборак Тоирова. Самарқанд вилояти, Нуробод тумани.**

Қадимги донишмандлардан бири Сенека маданий қилиб, «У тафаккур тиниқлигига ҳалал беради» деган. У фалсафий фикрни илгари сурмаган. У оддий ҳамма қилиши мумкин бўлган салбий одатни назарда тутган. У салбий одат нафақат тафаккурга балки, Ибн Сино айтмоқчи саломатликка ҳам путур етказди деган.

Нима эканлигинини 2 та сўз билан топинг?

**457. Элмурод Ғаниев. Самарқанд вилояти. Пастдаргом тумани.**

Нега инсонни бош қисми думалоқ шаклда-ю, от,

қорамол, кўй эчкиларда у чўзинчок, ўйлаб кўрганмисиз. Неғалигини топиш жуда осон.

Бир дақиқа ўйлаб сабабини топинг?

**458. Комил Ёрматов ва Шаҳноза Эргашева. Зарафшон шахридан.**

Анушервони Одил ўз вазири Бузрукмеҳрдан «Ноқобил фарзанд нимага ўхшайди» – деб сўрабди. Бузрукмеҳр: Унга ўхшайди, кессанг оғрийди, кўйсанг айб санашади, деб жавоб берибди. Атрофга қараб уни кўрмадим, ҳеч кимда кўрмадим.

Ноқобил фарзанд Бузрукмеҳр нимага ўхшатган?

**459. Мухлис Ўринбоев Хоразм вилояти, Бағдод тумани.**

Ҳар йили декабрь ойида Айова штати мериясига бир колония 10 тоннагача бир маҳсулотни бепул совға қилади. Баъзида 10 тонна етмай ҳам қолса, баъзи йиллари ортиб ҳам қолади.

Бу компания нима совға қилади?

**460.** Христофор Колумб даврида ҳарбий кемаларда муҳим аҳамиятга эга бўлган хужжатларни бамбук ичига солиб, 2 томони мумлаб қўйилган. Кейин бу бамбукни неғадир қалин металл сим билан боғлаб ташлашган.

Шундоғам мустақкам ҳимояланган, хужжат жойлаштирилган бамбук поясини неғадир қалин металл билан боғлаб ташлашган.

Нима мақсадда?

**461.** Дунёдаги энг катта кострюлкага ҳамма нарсани сиғдириш мумкин, фақат у сиғмайди.





Нима сифмайди?

**462. Санжар Мухсинов, Андижон вилояти, Шаҳрихон шаҳридан.**

Араб сайёҳи ибн Батута Хитой сафарларидан қайтгач, сандикчадаги ҳақида шундай эхтиросли фикрларини ёзади: унинг зўрининг катталиги туянинг кулоғидан катта бўлмаслиги, қалинлиги чавандозларнинг ёзги этигидан ҳам юпқа бўлиши керак. Осон ўралиб, ўралганда синмаслиги, эзилмаслиги, фойдаланётганда чанг чиқмаслиги лозим, дейилган. Билганингиздек, сайёҳ таърифини келтирган нарса сандикча ичида турибди.

Сандикчада нима бор?

**463. Австралиянинг Виктория штатидаги барча аҳоли Виктория Кадел Эванс шарафига 2011 йилнинг 7 июль куни кун бўйи сариқ рангли кийимлар кийиб юришган. Чунки Эванс шу куни туғилган эди.**

Виктория Кадель Эванс ким, нима иш билан мунтазам шуғулланган? Нега ҳамма сариқ кийим кийган?

**464. Аврам Линкольн штатнинг шимолий ва жанубий қисмларини бирлаштириш ҳаракатида бу вазифани келиб чиқиши италиялик бўлган озодлик курашчисига топширади. У бир шарт билан рози бўлади. Бу ҳаракат амалга ошгач АҚШда қулликни бекор қилишини сўрайди. Линкольн аввал урушни тўхтатайлик кейин бу масалани ҳал қилишини айтади.**

У Италиялик ким эди?

**465.** Леонардо исмли Италиялик йигитча илк бор отаси билан Жазоирда бўлиб қайтади. У ерда ўзи кизикқан соҳанинг моҳирларини учратиб, кейин ўзи ҳам бир неча бор Жазоир, Миср, Сурияга боради. У ўз соҳасини чуқур ўрганиш учун араб узтозлари билан кўп бора фикрлашади. Албатта, ҳозир у итальяннинг фамилияси жуда машҳур.

Унинг машҳур фамилиясини топинг?

**466.** Копенгаген аҳолиси шимолий аборенгенлар билан гаплашганда, албатта қуллоққа кучайтирадиган мослама тақиб гаплашишади. Бу уларни паст овозда гапиришидан эмас. Бу аборенгенлар нутқидаги бир алоҳидалик туфайли тақилган.

Уларни нутқларидаги алоҳидалик нимада бўлган?

**467.** Формула бирнинг Монако трассасидаги пойгачилар туннеллардан ҳам ўтади. Айрим пайтларда трасса ҳолатини нормаллаштириш учун ўт ўчириш машиналарини хизматидан ҳам фойдаланишади. Олдиндан айтиб қўяй, улар ўт ўчириш билан шуғулланишмайди.

Ўт ўчириш машиналари иш фаолиятини эсдан чиқармаган ҳолда айтингчи, қачон улар хизматидан фойдаланишади?

**468.** *Муҳсин Ҳолиқов. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани.*

XX аср бошларида «Челси» футбол клубининг дарвозабони Билл Фолкнинг бўйи 2 метр, оғирлиги 115 кг бўлган. «Челси» мураббийси уй ўйинларида уни янада баҳайбат қилиб кўрсатиш мақсадида бир ҳийла ишлатган.



У қандай ҳийла ишлатган?

469. XX аср бошларида «дунёни нима ўзгартиради» деб берилган саволга ҳар ким ўзича жавоб берган. Даниялик бир файласуф дунёни 2 металл ўзгартириб «юборади деган.

Қайси 2 та металл?

470. Марҳамат Япониядаги тез юрар поездеи вагонларидан бирининг сурати олиб чиқилсин. Суратда кўриб турибсиз ҳамма ўриндиклар бир томонга қараган. Манзилга боргач, қайтишда қарама-қарши томонга қараб ўтириш анча нокулай.

Бу нокулайликни японлар қандай ҳал қилишган?

471. *Муҳсин Ҳолиқов. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани.*

Анчадан бери хоккулар ўйнамай кўйдик, деб айрим билимдонлар хафа бўляпти. Басёда шундай учлик бор:

Мажнунтол уйқуда,  
Шохларидаги булбул,  
Бу унинг ..... нимасидир.

Басё булбулни мажнунтолнинг нимасигадир ўхшатган. Қолиб кетган сўзни топинг?

472. Ўрта асрлар Европа денгизчилари узоқ денгиз сайёҳатига чиққанда кема аъзолари сафига, албатта битта бўлсада араб ёлланма матросларидан кўшиб олишган.

Уларни нима мақсадда ёллашган?

473. Қадимги Римда жангчилар жуда узоқ вақт ҳарбий хизматда бўлишган. Агар жангчини қуввати бўлса,

қилич тута олса хизмат қилаверган. Инсоннинг ёши билан боғлиқ бир ҳолат юз бермагунча жанг қилаверган. Айнан ўша ҳолатни юз бериши қувватсизликка олиб келади.

Рим жангчиси ярадор бўлмаса ҳам қачон истеъфога чиқарилган?

**474.** 1967 йили Европадаги бир давлатнинг айрим фуқароларига бепул қўлқоплар тарқатилади. Қўлқоп 2 хил рангда бўлган, қизил ва яшил.

Кимларга бу қўлқоплар тарқатилган?

**475.** Қайси йўлдан юрадиган автомобилларнинг ҳайдовчилари тезликни 40 км.дан оширмаслиги ва хавфсизлик камарини тақмасдан юришлари мажбурий қилиб кўйилади?

**476.** Стюардессалар биласиз торроқ, тикилинчроқ жойда ишлашади. Юрганда ҳам, муомалада ҳам, энгашиб турганда ҳам улар бу ҳолатни эсдан чиқаришмайди. Уларга яккакураш турларидан фақат «х»ни ўргатилишига ҳам ягона сабаб жойнинг торлиги..

Уларга қайси спорт тури ўргатилади?

**477. Искандар Примов. Қарши шахридан.**

«Дунё адабиёти» журналидаги бир мақолада, унинг асл вазифасида заифлик, иложсизлик, хасталик каби ҳолатларга кўмакдошлик қилади, дейилган. У шарқда улуғлик ва донолик рамзи бўлса, ғарбда бойлик ва баланд обрў тимсоли бўлиб келган.

Бу таъриф нимага берилган?

**478.** Ҳиндистонда XV–XVI асрда пайдо бўлган бир касб борки, бугунги кунгача улар фаолият олиб боришади. Қишлоқларда яшовчи ҳинд рожалари уларни ишга олганда, бир ярим ҳисса ҳақ бериб ёллашган. Бир кишига кўплик қилмасмикан дерсиз, йўқ, аксинча камлик қилиб қолиши ҳам мумкин. Уларни бошқасига алмаштириб ҳам бўлмайди.

Ўша касб эгалари номини топинг?

**479.** XXI аср бошларида замонавий немис бастакори Зигмунд Трефан бир мусиқали пьеса басталади. Очиғи у бу мусиқани ёзишда жуда қийинчиликларга дуч келди. Унинг танлаган йўли – қийин йўл эди.

Савол: Аниқ айтинг у мусиқани нимага қараб басталаган?

**480.** Қадимги аждарҳолар қони, бугунги замонавий аждарҳолар томирида оқмоқда.

Аждарҳолар қони деганда нима назарда тутилмоқда?

**481.** Ҳар бир ойнинг ўз қувончи, маҳзун лаҳзалари бўлади.

Фантаст ёзувчи Рэй Бредбери бир ҳикоясида уни декабрь ойининг қуроли деб атаган.

Нимани ёзувчи декабрь ойининг қуролига ўхшатган?

**482.** Европадаги энг катта стадионлардан бирининг фасад қисми, ташқи томони 3 хил рангда порлайди. Зангор, оқ ва қизил рангларда. Ёрдам бериб айтишим мумкинки, бу кучли бешликка кирган давлатдаги стадион.

Бу стадион номини топинг?

**483.** Дунёда халклар кўп, урф-одатлар ундан кўп. Масалан, испанлар ёзда янги сотиб олган бир мосламани, бир марта ишлатган бўлса бас; кишда кўчага улоктирар экан. Билмадим бу қандай анъана. Википедияда бир машхур илм кишиси ҳақида ёзилганда ўша мосламани яхши тамирлай олгани тилга олинади.

Ўша кишини ва мослама номини топинг?

**484.** XX аср 60-йиллари Берлин. Ўз даврининг машхур кимёгарларидан бўлган Бастиан Ростокнинг уйига жуда кўп меҳмонлар келар эди. Бу унинг хотинига ёкмагани боис, кимёгар бир янгиликни ўйлаб топади.

У нима ўйлаб топган?

**485.** *Роза Кха. Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидан.*

Леонардо да Винчи: Яхши рассом портрет чизганда, инсонни фақат ташқи кифасини эмас, унинг қалбини ҳам чизиши керак деган. Ташқи кифани чизиш осон, инсон қалбини чизиш мушкул.

У ёш рассомларга инсоннинг қалбини ифодалаш учун кимлардан ўрганишни маслаҳат берган?

**486.** Испан шоири Федерико Гарси Лорка Шеъринг ятидан 2 мисра тингланг:

– Гўё менинг ғаму-қайғумдан у ҳам кулади,  
Тиржайиб муз устига тўкилган кўмир мисоли.  
Шоир бу ўхшатишни нимага қилган?

**487.** *Валижон Мансуров. Жиззах туманидан.*

Кўпчилик эшитган бўлса керак. Католик роҳиблари



бошқа дин пешволаридан фаркли ўлароқ оила қуришмайди. Бундай олиб қараганда оила қуриш бу инсониятнинг энг эзгу ишларидан бири ҳисобланади. Католик роҳибларининг уйланмасликларига яғона сабаб бўлиб, бошқа дин пешволарида учрамайдиган мажбурият уларга оила қуришга изн бермайди.

Қандай мажбурият?

**488. Тиркаш Ҳолматов. Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани.**

Сандиқча ичидаги маҳсулотни тайёрлаганда мутахассис-усталар отнинг думидан ҳам фойдаланадилар. Бу маҳсулотга бир неча дона от думи ишлатилади. Отнинг думи бир-бирига ишқаланганида жуда ажабтовур овоз чиқаради. Айнан шунинг учун ҳам айнан отнинг думи бу ишда кўл келади.

Сандиқча ичидаги маҳсулотнинг номини топинг?

**489. Камолiddин Ҳакимов. Наманган вилояти, Уйчи туманидан.**

Арслоннинг пастки лаби жуда сезгир бўлар экан. Худди арслонни жони шу пастки лабидадек гўё. Бундан циркдаги шерлар билан боғлиқ бир номерда, ҳайвон ўргатувчилар фойдаланишади.

Қайси номерда фойдаланишади?

**490. Рустам Фазлитдинов. Наманган вилояти, Уйчи туманидан.**

Статистика, ҳисоб-китоб жуда қизиқ фанда. Унда

ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиш мумкин. Америкалик татқиқотчилар оддий давлат хизматчиси йил давомида 12 минг миль шахсий автомобилида юриши, 8 минг миль автобус ва метрода юрса, 4 минг миль поездда юришини ҳисоблаб чиқишган. Гап ҳаракат воситаси ҳақида борар экан, улар бор йўғи йилига 8 миль атрофида юриши мумкин бўлган воситани ҳам тилга олишади.

Ходимлар йилига 8 миль қайси ҳаракат воситасида юришлари мумкин?

**491. Анзират опа Бурхониддинова. Тошкент вилояти.**

Янгийўл шаҳар, Гулбахор кўрғонидан 75 ёшли кекса онахонларимиздан.

Бир ҳукмдор ўлими олдидан ўғлини ёнига чақириб «кўриб қўй ўғлим сенга шунча бойлик қолдирыпман, мендан кейин зорикмай умр кўрасан, дебди, ҳа ота сиз менга катта бойлик қолдирдингиз, аммо энг асосийсини қолдирмай кетяпсиз» деб эътироз билдирган экан.

Ўғил нимадан норози бўлган?

**492. Бекпошша Раззоқова. Урганч шаҳри.**

Ошиқ бир йигитнинг маъшуқасига айтганлари:

«Азизам сендан ёлғиз ўтинчим,  
Мен иш билан машғул онимда,  
Хунукмисан ёки хушбичим,  
Атир сепиб келма ёнимга».

Бу сўзларни айтган йигитни касбини топинг?

**493. Камола Ашрафхонова. Тошкент вилояти  
Занги-ота тумани.**

Леонардо да Винчи жумбоқларидан бирида ўргимчак



бир хонанинг энг тинч, энг хотиржам хонанинг ҳамма томони кўриниб турадиган жойига ин қўйгани ёзилади. Аммо ин курган жой уй эгасининг келиши билан ўргимчакни нобуд бўлиши эҳтимоли энг юқори жой эди.

Ўргимчак хонанинг қаерига ин курган?

**494. Асрор Нурмуродов. Қарши шаҳри.**

XIX аср охирларида Тошкентда пайдо бўлган поездни ўзбеклар шайтон арава деб аташган. Сухаил қабиласи аъзолари эса уни илонга ўхшатишган.

Қандай илонга?

**495. Шодмонбек Турдиев Китоб шаҳри.**

У немисларни Эзопи, Насриддин Афандиси деса ҳам бўлади. Унинг бир-биридан ўткир иборалари сақланиб қолган.

Уленшпигелнинг жиддий айтган бир фикрига кўра кимлар еган таомидан тўлиқ лаззат топа оламайдилар?

**496. Сайдахоним Исмоилзода. Баку давлат Университети.**

Туркий тилдаги Етар сўзини араблар Бас, руслар хватить деб таржима қилишади. Озарбайжонларнинг тоғли ҳудудларида яшовчи маҳаллий аҳоли ўртасида Етар деган исм бор. Араблар бас деган исм борми йўқми билмадим, озарбайжонлар бу исмни бир ҳолатда фарзандаларига қўйишади.

Кимларга ва қайси ҳолатда беришади?

**497. Баҳром Асадуллаев. Олмалиқ шаҳри.**

Фин ёзувчиси Нике Кейвиненнинг «Кўллар юрти» романида «3 кун тинмай ёғган ёмғир тинди-ю у мени

изимга тушди товонимдан маҳкам ушлаганча, мени таъқиб қиларди», деган лавҳа бор.

Уни топинг?

## **498. Шоира Луқмонова. Термиз шахридан.**

Унинг онаси 97 ёшида вафот этган. Салкам юзга чиқиб ўтган. 11 та фарзанди, 67 та невараси, 5 та чеваралик бўлганда вафот этган. Бу серфарзанд онанинг 4 фарзанди ҳам 90 дан ўтиб вафот этди.

Бу аёлнинг 4-энг машхур фарзандининг исми шарифини топинг?

## **499. Нилуфар Рўзимбоева. Қарши шаҳар.**

Альберт Эйнштейнни илмга тааллуқли кўп афоризмлари бор. Масалан:

– Дунёда ҳамма нарса йўқолиб кетиши мумкин, аммо коинот ва вақт доим қолади.

– Илм – бу бизга ўргатилганларнинг ҳаммаси эсдан чиққанидан кейин хотирамизда қолгани ва ҳ.к. Кўп бу каби иборалари. Илм аҳллари тилидан ёзилган бир ибора бор. «Ўз меҳнати натижасини 5–10 дақиқада кўришни истаган киши унга шогирд тушиши керак», деб касбни тилга олган.

Қайси касбни тилга олган?

## **500. Эркин Жуманов. Наманган вилояти.**

Ҳозирги катта теннисда бор бўлган бир қонун, илгари фақат бой-зодагонларга тааллуқли бўлган. Шундан бу зодагонлар ўйини бўлиб ном қозонган кимни табақаси юқорироқ бўлса қоида ўша кишига амал қилган.

Қандай қоида илгари фақат зодагонларга тааллуқли бўлган?



**501.** 1847 йили Антуан Редье томонидан кашф қилинган предмет сандиқча ичида. Бу предмет оддий ишчи ё хизматчиларда бўлмаган. Шу боис XX аср 30-40-йилларгача Англияда бир касб эгалари бўлишган. Улар ҳасса ва нўхат пуфлайдиган найсимон трубка олиб юришган. Демак, улар сандиқча ичидаги мосламани вазифасини бажаришган.

Сандиқчада нима бор?

**502. Элиод Каримжонов. Маргилон шаҳар.**

Бу ҳаракат билан инсон ички ҳолатни ифода этади. Бу ҳаракат бир неча йилдан бери, айниқса сизларга таниш. Равшан Исмоилов, Асрор Норқуловларга бу ҳаракат фақат кўчада керак бўлиши мумкин.

Ўша ҳаракатни бир дақиқадан кейин кўрсатиб беринг?

**503.** Нью-Йорк зоопаркида Кевин Стрейт деган мутахассис фаолият олиб боради. Зоопарк ичида унинг махсус лабараторияси ҳам бор. Албатта, зоопаркда унга кўп иш топилмайди. Шунинг учун унга бошқа мижозлар ҳам мурожаат қилишади. «Ҳайвонот олами» журнали фикрича унинг ноёб фаолияти билан ҳозир ҳайвонларни ҳимоя қилиш бюроси аъзолари ҳам қизиқиб қолишган.

У нима иш билан шуғулланган?

**504. Марина Чебусова. Тошкент шаҳридан, Сергели тумани.**

Исландия давлатида 320 минг атрофида аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир исландиялик ҳақида тўлиқ маълумотлар берувчи интернетда база очилган. Оддий смартфонлар орқали ҳам бир исландиялик ҳақида

маълумот олиш мумкин.

Улар бу маълумотнома орқали нимани олдини олишади?

**505. Мавжуда Нишонова. Андижон вилояти, Асака тумани.**

Токио метросида турли-туман социал эълонларни ўқиш мумкин. Қарияларга жой бўшатиш, транспортда чекиш тақикланиши ҳақида эълонлар илинади. Ана шундай эълонлардан бирини эшитинг. Метрода у ишни қилиб кетиш яхши, вақтингизни тўғри ишга сарф қиласиз. Аммо у ишни қилиш билан атрофдагиларга халақит қилиб қўйманг.

3 та нукта ўрнидаги 2 та сўзни топинг?

**506. Айниддин Кенжаев. Сурхондарё вилояти, Узун тумани.**

Қадимги юнонларнинг девордаги ёзувларидан: Болага энг аввал уни ўргатиш керак. Уни ўрганган болани бошқа ишларга ўргатиш осон бўлади.

Қадимги юнон битиклари бўйича болага энг аввал нимани ўргатиш керак?

**507. Орзукулова Олима. Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри.**

Саид Аҳмаднинг «Уфк» романида шундан парча бор, «Дилдор трактор ҳайдаганда, малакасизлик қилиб ғўзаларнинг пушталари устига чиқиб, бир нечта туп ғўзани босиб ташлади. Дилдор велосипед минмаганда, бу ишни қилган ҳамма велосипедчи йиқилиши мумкин-лигини билмайди».

Асар қаҳрамони нега культивацияни қила олмаган?



**508. Фарруҳ Акмалов. Фарғона вилояти Фурқат тумани.**

XIX асрда ёзилган йўриқнома билан таништираман сизларни.

«Агар бирор нарса ейиш ё ичиш керак бўлиб қолса, бу ишни билдирмай қилиш зарур. Зинҳор таниш бўлмаган кишиларга таом таклиф қилманг. Бунинг учун аввал суҳбатлашинг, ана ундан кейин бирор мева ё ширинлик таклиф қилишингиз мумкин. Ўз навбатида у ҳам сизга нимадир таклиф қилади».

Бу йўриқнома кимлар учун ёзилган?

**509. Гулжаҳон Бованова. Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани.**

Ривоят қилишларича, бир афсонада Араб шоҳи Қорун дунёдаги энг бой-бадавлат ҳукмдор бўлганлиги, унинг давлати шунчалар кўп бўлганлигидан уларни, ҳатто 2 киши ҳам ердан уза олмагани айтилади.

Уларни ўрнида бўлган 2 та сўзни топиб беринг?

**510. Фарруҳ Акмалов. Фарғона вилояти, Фурқат тумани.**

Африка қитъасида йўл қурувчи – муҳандислар иш осон кетиши, сарф харажат тежалиши учун атрофни яхшилаб ўрганишади.

Қитъадаги йўл қурувчилар қаерга йўл солишни яхши билишади.

Ерни пресслаш учун камроқ маблағ сарфлаш учун қаерга йўл солишади?

**511. Нурали Номозов. Жиззах шаҳар.**

Дунёга машхур мухташам обидалар ва бир қанча биноларни тиклаган Густаво Эйфель ҳақида тарихчиларнинг шундай фикри юради: агар Эйфель XIII–XIV асрларда яшаганида у бунчалар самарали ишлар қилмаган, шунчалар кўп иншоотлар қурмаган бўларди, дейишади.

Нимага у кўп бинолар қуролмаган бўларди?

**512. Хожиақбар Раҳимов. Навоий шаҳридан.**

Христафор Колумб умрининг охирида жуда ночор ҳаёт кечирган ва шу алфоз вафот этган. Унинг хоки Севильядаги кафедрал мақбара ичига дафн этилган. Негадир унинг тобути ердан бир метр баландга дафн этилган. Балки Испания қироли ё давлати ўлганидан кейин уни хурматини жойига қўйган бўлиши керак дерсиз. Йўқ, бу Христофор Колумбнинг васиятига биноан қилинган.

Унинг васияти нимадан иборат бўлган?

**513. Шоҳбоз Йўлдошев. Қибрай туманидан.**

Молдаван тилида корнет сўзи ҳужжатни англатади. Умумий қилиб айтганда, корнет бу – ҳужжат ёки паспорт. «Корнет де разбой» эса – ҳарбий ҳужжатни билдиради. Ҳарбий билетни.

Молдаван тилида «корнет де мунке» қандай ҳужжатни билдиради?

**514. Мўмина Розикова. Каттакўрғон шаҳар.**

Ўрта асрларда, зарур пайтларда улар ҳам жангларда қатнашишган. Аммо уларнинг қўлларида қилич ё найза



эмас, фақат тўқмоқ бўлган.

Улар кимлар?

**515. Шоира Умрзоқова. Навоий вилояти, Хатирчи туманидан.**

Мактаб пайтларини эсга олиб кўринг. Мактаб ўқитувчилари орасида шундай маъноли гап юради: агар журналда 2 баҳо А кўринишида бўлса, ҳақиқатдан ҳам ўқувчи ношуд, бордию журналда 2 баҳо Б кўринишади бўлса, унда ўқитувчи ношуд деган.

Бу мантикий фикрдаги А ва Б ни топинг?

**516. Афруза Абдураҳимова. Сирдарё вилояти.**

Париж яқинидаги Монмартр қабристониди гурурт ихтирочиларидан бири Жером Бюбернинг қабри бўлиб, у ерда унинг ихтироси, туғилган, ўлган йиллари ва уни нимадан вафот этгани ҳам ёзиб қўйилган.

У нимадан ўлган?

**517. Фенимор Купер «кўп ўқиган одам бу ишни қилиб туришига тўғри келади», деган. Бир машхур ўзбек асари қахрамонида ҳам шундай одат бўлган. Онда-сонда у ишни қилиб турган.**

У қандай иш?

**518. Лутфияхон Шукруллаева. Навоий вилояти Кармана шахридан.**

Фарзандлар билан боғлиқ жуда нотўғри бир иш борки, Вильям Шекспир у ишга жуда қарши бўлган. Уни, ҳатто «Ромео ва Жульетта» асарида айтиб ҳам ўтган. У бойларга ҳам ночорларга ҳам хос бўлмаган иш эканлигини. Бу борада шарқда, ҳатто ҳукмронлар

хонадонларида ҳам бу ишни коралашган, тақиклашган. Лев Николаевич Толстой бир мактубида «Бу инсоний ишнинг охир оқибатларини ўйлаб кўрадиган вақт келди» деб ёзган. Ҳеч қайси дин бу ишни ёқламаган.

У қандай иш?

**519. *Ширин Пардаева. Жиззах вилояти, Пахтакор туманидан.***

2013 йилда Малайзиялик олимлар стоматологияда кенг ишлатиладиган кремнийни унинг пўчоғидан олишни ўйлаб топишган. Унинг пўчоғи Малайзияда сероб. Демак, унинг пўчоғида кремний моддаси кўп бўлар экан.

Ниманинг пўчоғи сўралмоқда?

**520. *Абдулла Юнусов. Ангрэн шаҳар.***

XIX аср, XX аср бошларигача Европада энг кўп натюрмортни қайси давлат рассомлари чизишган, сабабини ҳам айтинг?

**521. *Сабрия Убайдуллаева. Фарғона шаҳридан.***

Гарсия Лорка ижодига яна бир бор мурожаат қиламиз: шеър мазмуни шундай, кекса дарахт – дарахт кесувчидан уни чопиб ташлашни илтимос қилади, бошқа ориқ танамни кўрмай, деб. Буни асло иложи йўқлигини дарахт шўрлик қаердан билсин.

У нимани чопиб ташлашни сўрайди?

**522. *Шоира Бўтаева. Самарқанд.***

Ўзбек халқ мақолига кўра, «Кемага ўтирма фарқ бўласан» – дейилади.

Қандай кемага?





**523. Анзират Қобулова. Тошкент шахридан.**

Ташқарида бир машхур сурат турибди. Унинг муаллифи бир неча ой давомида ушбу суратни чизган. Кейин устахонасига Савицкий фамилияли рассом дўстини чақиради. «Тонгги шудрингнинг хиди келяптими» дейди. Шунда дўсти йўқ, дейди. Кетар чоғи унга жуда ажойиб фикрни айтиб кетади. Бир неча кундан кейин у дўстини айтганини қилиб, уларни қўшади.

Юкорида келтирилган маълумотдан келиб чиқиб айтинг, бир дақиқадан кейин ташқаридан қандай суратни олиб чиқамиз?

**524.** Хоккей сўзи французча сўз бўлиб «чўпон таёғи» деб таржима қилинади. Нега бу спорт турига французча атама берилган?

**525.** Швецияда шайбали ва тўпли хоккей жуда оммавийлашган. Яна бир хоккей бор, у майсали хоккей. Уни Швецияда кўп ўйнашмайди. Лекин яна бир хоккейни Швецияда яхши кўришади.

Қайси хоккей тури?

**526.** 1898 йилда ёзилган бадий асарни бевосита хоккей дарвозабонига алоқаси бор.

Сиз қайси асарлигини топинг.

**527.** Одатда, финлар 2 та, 3 та сўздан маъно ясашади. Масалан, Поика – болакай деган. Маис – эркак дегани. Финлар Поика-Маис деб кимни айтишади?

**528.** Финлар Ленто-Емантя ибораси билан бир соҳа кишисини чақирашади. Ленто – учиш, Емантя – соҳиба

деб таржима қилинади.

Ленто-Емантялар кимлар?

**529.** Фин тилида бир тиббиётга оид сўзни Сюдян-фильми – деб аташади.

Фильми сўзи лентага ишора бўлса қайси тиббий терминни Финлар Сюдян фильми деб аташади?

**530.** *Иззатила Бурхонов. Тошкент вилояти, Бўка туманидан.*

Хабарингиз бўлса керак, 1871 йилдан юртимизда поезд қатнови йўлга қўйилган. Паровоз машинисти жуда обрўли касб бўлган, ҳозир ҳам шундай, албатта. Ҳар сменага келган машинист ва унинг ёрдамчисига сандикча ичидагидан бепул берилган.

Сандикчада нима бор?

**531.** *Светлана Жалменова. Қ.Қ.Р. Шуманай тумани.*

Соғликни Сақлаш вазирлиги доимо чекишга қарши бўлган. Шундан келиб чиқиб айтингчи: Соғликни сақлаш ходимлари тамаки чекишни ташлаш учун энг қулай кун деб қайси кунни айтишади?

**532.** *Усмон Раҳимов. Жиззах вилояти, Зарфаробод тумани.*

Бир машҳур Хитой иероглифи бор: Бир том остида 2 та аёл тасвири туширилган.

Бу иероглиф нимани билдиради?

**533.** Даниэл Дефо Робинзо Крузо асарида, кўп нарсаларни табиатдан топиб ишлатгани ёзилади. Барглардан дорилар, маҳаллий катта-катта ёнғоқлардан идиш-



товоқлар ясагани айтилади. У деярли ҳар куни бир иш билан шуғулланиши учун, унга ҳар куни керак бўладиган бир маҳсулотни, у денгиз кальмаридан олгани ёзилади.

У кальмардан нима олган?

**534. Гуландом Йўлчиева. Фарғона шаҳар.**

Канада жуда катта давлат ҳисобланади. Маҳаллий аборигенлар тилидан пайдо бўлган Канада сўзида урғу, ҳатто бошқа бўғинга берилади. Канада деб улар ниманидир аташган.

Канада маҳаллий аборигенлар тилида нима дейилади?

**535.** Унга Флорида шаҳрида ҳайкал ўрнатилган. Ким-ким америкаликлар ундан узоқроқ бўлганлари маъқулмиди. Унинг замонавий кўринишлари XVI аср охирларида Француз қироли оиласида пайдо бўлган.

Нима ҳақида гап кетмоқда?

**536.** Осиёдаги бу давлатга 1-автомобил бор йўғи 1940 йилда олиб келинган. Балки текис йўллар ва эҳтиёж бўлмаганидан бўлиши керак. Бу давлатга XX асрнинг 50-йилларидан қизиқиш орта бошлаган. Кўпчилик Европаликлар кела бошлашган.

У қайси давлат?

**537.** Эммануэль Кантдан сўрашибди, қора сочли аёллар вафодор бўладими, малласоч аёлларни деб. У умуман бошқача жавоб берибди.

Нима деб жавоб берган?

**538. Мурод Холматов. Жиззах вилояти, Бахмал тумани.**

Конфуций таълимотларидан бирида «Олийжаноб кишининг энг фойдали ишларидан бири дарахт танасини бақувват қилишдир» дейилган. Айтмоқчики, инсон дунёга келгач, оила қуради, фарзандлар кўради.

Охирги айтган фикримни эсда сақланган ҳолда, айтинг қандай дарахт назарда тутилмоқда?

**539. Мурод Холматов. Жиззах вилояти, Бахмал тумани.**

Арктикада марафон чопиш қулайми, Антарктидада деб сўрашса сиз қайси бирини ва нега танлаган бўлардингиз?

**540. Мурод Холматов. Жиззах вилояти, Бахмал тумани.**

Ҳар йили октябрь ойида Германияда китоблар ярмаркаси ўтказилади. Май ойида Загребда кулолчилик ва темирчилик маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилади.

1955 йилда Базель шаҳрида қандай ярмарка илк бор ташкил қилинган?

**541. Манзура Худойқулова. Жиззах тумани.**

Марҳамат чизғич, узук ва бир ғалтак ип олиб чиқилсин.

Бу предметларнинг ҳаммасини ўз вазифаси бор. Лекин илгари ўзбек хонадонларида улар ёрдамида ниманидир ўлчашган.

Нимани ўлчашган?

**542.** Инсоният яратган ажойиб мўъжизалардан бири сандиқча ичидан жой олган. Бу ҳақда замонавий япон шоирлари 3 қатор шеър ҳам ёзишган:

Юз йил олдин сенсиз,  
Балки яшай олардим,  
Бугун эса йўқ.

Шоир айтмоқчи 100 йил олдин, у ҳаммани ўзига тобе қилиб улгурмаган бўлса, бугун ҳаммамиз унга боғланганмиз.

Сандиқчада нима бор?

**543.** XIX аср охирларигача бензин дорихоналарда сотилганидан хабардорсиз деб ўйлайман.

Энди сиз ҳам ўйлаб кўрингчи, нега бензин дорихонада сотилган?

**544.** *Комил Турдибоев Фаргона вилояти. Бешариқ тумани.*

Венеция, сув ичидаги шаҳар! Маҳаллий аҳолини шу туфайли бир қанча ютуқлари ва армонлари бор. Масалан улар хонадонларида ҳовлилари бўлмагани учун Европаликлар яхши кўрадиган бир хоббидан воз кечишларига тўғри келади.

У қандай хобби?

**545.** Бразилиянинг Амазонас штати 1929 йилгача иқтисоди жуда ривожланган штат бўлган. 1928 йилда топилган бир ихтиро Амазонас штати иқтисодини пасайишига сабаб бўлган.

1928 йили нима ихтиро қилинган?

546. Михаил Булгаков «Уста ва Маргарита» романида айтилган бир фикрга диққатингизни жалб қилмоқчиман: «Сизга отилган катта-ю кичик тошларни, биронтасиниям қолдирмай йиғиб боринг, бир кун келиб сиз ундан фойдаланасиз».

Нима сифатида фойдаланасиз дейилади, иборада?

547. Лондон кўчаларидаги извошчилар қиш кунлари мижоз кутиб кўчаларда туришган. Ҳозирги таксичиларга ўхшаб. Тажрибали мижозлар қатор извошлар орасидан қиш кунлари шундай аравани танлашардики, бунга айёр извошчилар сабаб бўлишган. Уларнинг бир ҳаракати мижозни чақирган.

Мижозлар қайси аравани ва извошчининг қайси ҳаракатига қараб танлашган.

**548. Мухлиса Азимбоева. Фаргона вилояти, Фурқат тумани.**

XX аср бошларида метроларга эскалаторлар куриш бошланган. Аммо узоқ вақт унга ҳеч ким чикмаган, кўркишган. Шунда эскалаторни оммалаштириш учун бир тоифа инсонлар ишга олинган. Уларни кўриб, бошқалар ҳам дадил чиқа бошлашган.

Эскалаторникимлартарғиботқилишда қатнашишган?

549. 1993 йилда чиқарилган 25 чех кронасида Пржевальский отини сурати бор. Чехияга Пржевальский отининг қандай аҳамияти бор дерсиз. Бордирки, уни хурсандчилик билан миллий валютага тасвирини чиқаришган.

Бир дақиқа яхшилаб ўйлаб кўринг, нега Пржевальский отининг сурати чех кронасига киритилган?



**550.** Лондоннинг марказий кўчасида истиқомат қилувчи кишилар XIX аср ўрталаригача уй деразаларини очмасдан яшашган дейишади. Очишни иложи бўлмаган. XIX асрнинг 2 ярмида парламент томонидан қабул қилинган бир янгиликдан сўнг, ташқари ойналарни оча бошлашган.

Парламент қандай янгиликка рухсат берган?

**551.** Япон классик хоккуларида мавсумий сўзлар иштилади. Масалан, гул ишлатилса хокку баҳор билан боғлиқ бўлади. Қуриган ўт-ўлан қишни, бамбук экиладиган мавсум бу ёзни билдиради.

Қайси сўз билан хоккуда куз ифодаланган?

**552.** Япон 3 қаторли шеърлари сермаънолиги билан ажралиб туради. Хоккунавис шоир Кабаяса Исса қаламига мансуб куйидаги хоккуни эшитиб, амин бўласиз:

Ўйноқи шамол,  
Майсаларни силади-ю,  
Унинг бошини олди.

Сезганингиздек, воқеа табиат кўйнида бўлмоқда.  
Ўйноқи шамол ниманинг бошини олгани ёзилган?

**553.** Сандиқча ичидагини доришунослар гуруҳи яратган. 1800 йили Доришунос кимёгар Биндгейм гуруҳи билан сабзавотларни қайта ишлай туриб кашф этган. Бугун у дастурхонларимизнинг ёқимли маҳсулотли ҳисобланади.

Сандиқчада нима бор?

**554. Гуландом Йўлчиева. Фаргона шахри.**

Китлар ҳақидаги китобда қайд этилишича, кит боласини жуда узоқ вақт эмизиб юрар экан. Бир ҳолат рўй бериши билан кит болалари эмишни тўхтатиб, мустақил планктонлар тутиб ейишни бошлар экан.

Кит болалари қачон она китни эмишни тўхтатади?

**555. Абдумалик Искандаров. Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани.**

Пифагор оддий халқни сувга ўхшатган. Донишмандларни эса: ... Донишмандлар оддий халқдан юқориқда бўлгани учун уларни сув билан боғлиқ унга ўхшатган.

Шундан келиб чиқиб айтингчи, Пифагор донишмандларни нимага ўхшатган?

**556.** Скандинавия фольклорида унга атаб қўшиқлар ҳам тўқилган. Бир хор қўшиғининг мазмуни тахминан қуйидагича: уларнинг борлиги хавотирни оширади, йўқлиги эса ҳаловатни ўғирлайди. Борлигида хушёр бўлиш, йўқлигида ночор қолиш мумкин дейилади, бу халқ оғзаки ижоди маҳсулида. Демак, бу сандиқча ичида халқ тўқиган ижод маҳсулининг қисқача мазмуни.

Сандиқчада нима бор?

**557.** Кўп миллатларда куёв келинни уйига келиб, ўз кўнглини очади. Беларусларда ҳам анъанага кўра куёв тўра келинникига келади экан. Қадимдан бу удумга кўра агар куёв қизга ёқиб қолса, қиз билан йигитнинг учрашуви вақти чўзилган. Ёқмаса қисқагина бўлиб тугаган. Йигитлар қизга ёққан ёқмаганлигини бир предметга қараб билишган.





Нимага қараб билишган?

**558.** *Сухбат Чориев. Навоий шахридан.*

Япон шеърляти, 3 қаторгина матнда, 17 бўғинда табиатнинг ноёб ҳолатларини таърифлашда беназир ҳисобланади. Мана шундай шеърлардан бирини тинглаб кўринг:

Кузнинг сўнги япроқлари,  
Гўё ерга тушишда мусобақалашаётгандек.

Япроқлар нималар билан мусобақалашини ёзилган хоккуда.

**559.** Дунёнинг 100 та энг машҳур адабий асарлари орасида бир муаллифнинг 2 та асари ҳам бор. Бу рўйхатга барча замон асарлари киритилган.

У қайси муаллиф?

**560.** Япон жанг санъати мактаби тарбияланувчиларига спорт инвентарларидан нимани ювмасликка ўргатишади?

**561.** 1944 йилда Голландияда жуда оғир очарчилик рўй берган.

Голландлар бу қаҳатчиликдан нима орқали кутулиб қолишган?

**562.** Агар Антарктидага борадиган бўлсангиз у ерга бемалол денгиз орқали ва ҳаво кемалари орқали бемалол бораверасиз. Лекин қайтишда фақат сув орқали қайтганингиз мақсадга мувофиқ.

Нимага сабабини айтинг?

**563. Умида Пулатова. Жиззах шахридан.**

У кингир-кийшиқ жойдан,  
Мерган тортган ёйдан,  
Букри тойдан, камалак туғилган жойдан,  
Ҳасса тутган бобойдан,  
Пайдо бўлган дейишади.

Чукурроқ ўйласангиз, ажайиб мантиқни топасиз.  
Шеър нима ҳақида?

**564. Бахтиёржон Шокелдиев. Фарғона вилояти, Данғара туманидан.**

Математиклар 1 дан 10 гача бўлган рақамлар ичида энг сирлиси, жозибалиси, омадлиси шу рақам дейишади.  
Қайси рақам?

**565. Тиркаш Ҳолматов. Самарқанд вилояти.**

Биласиз узумнинг майзида қанд миқдори жуда кўп. Кўй ва эчкиларга бир ҳолатда чўпонлар майиз бериб боқишади. Бу уларга жуда самарали ёрдам беради.  
Бу кўйлар нимадан холос бўлишига ёрдам беради?

**566. Шожалил Мустафоев. Сирдарё вилояти, Ховос тумани.**

Сандиқчадан 2 та ошхона маҳсулоти ўрин эгаллаган. Биринчисини инсонлар минг йиллардан бери билишади. Кўпманчи чўпонлар уни илк бор топишган. Иккинчисини XIX асрда Франциялик ошпазлар ўйлаб топишган. Қаранки, Канадада шундай амалий қонун ҳалигача сақланиб қолган экан. Иккинчисини ранги биринчисидан кескин фарқ қилиши керак экан.

Сандиқчадаги 2 та маҳсулот номини топинг?



**567. Ойбек Ғайбуллаев. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри.**

Мисрда инсонларни мумиёлаш бошланиши қайси фанни ривожланишига сабаб бўлган?

**568. Жавоҳир Қайнаров. Тошкент шаҳридан, Уч-тепа туманидан.**

Қадимдан япон аёллари эркаклар қарамоғида бўлиш, уларга бўйсунушлари мажбурий бўлган. Ёш вақтида отасига, турмушга чикқач эрига бўйин эгган.

Агар аёл бева қолса кимга бўйсунган?

**569. Шожалил Мустафоев. Сирдарё вилояти, Ховос тумани.**

Болалар ёзувчиси Астрид Лингрен номли мукофот Швецияда ҳар йили энг яхши болалар ҳақидаги асар муаллифига топширилади. Данияда Ганс Христиан Андерсен номли мукофот бор. Англияда ҳам энг яхши болалар ҳақидаги асарга мукофот таъсис этилган.

Савол бу мукофот кимнинг номи билан аталади?

**570. «Уч мушкетёрлар» романини ёзишда Александр Дюмага тоғорадаги сув ёрдам берган.**

Сув қандай ёрдам берган?

**571. Инглиз ёзувчиси Гельберт Честертон «Романни шарт-шароит ҳақидаги поэзия» деб атаган.**

Честертон қайси йирик адабий жанрни хулқ-атвор ва маиший поэзия деб атаган?

**572. Кемада юрганлар чайқалиш оқибатидан денгиз касалига чалинишади. Айрим нозик кишилар, ҳатто**

унда юрганда ҳам денгиз касалига чалиниб қолишар экан.

Нимада?

**573.** Фрэнсис Бэкон 2 та жонзотни 2 хил китоб севарга ўхшатган. Китоб ўқиб, ўқиганини эринмай қайд этиб ёзиб борадиган кишиларни асаларига ўхшатган. Ўзи учун китоб ўқиб юрадиган инсонларни яна бир кичик жонзотга ўхшатган.

Иккинчи жонзот номини топинг?

**574.** Таиланддаги Фольклор театрларида доимо бир асар сахналаштирилади. Бу бошқа давлат эпоси ҳисоблансада улар буни бевосита ўзларига дахлдор деб билишади. Бу асарни ўйнаш учун акробат ва гинаст қиз йигитлар ҳам таклиф қилинади. Демак, бу эпосда улар учун роллар бўлган.

Улар қайси асарни сахналаштиришади?

**575.** Кипр давлатида автомобилларни олд рақамлари оқ рангда, орқа рақамлари сариқ рангда бўлади. Аммо айрим ҳолларда олд ва орқа рақамлари қизил рангдаги автомобилларни ҳам учратиш мумкин. Қизиғи маҳаллий аҳоли билади, қизил рангда рақам осилган автомобилларни кимлар ҳайдаётганини. Ўшандан эҳтиёт бўлиб ҳаракатланишади.

Нега Кипрликлар қизил рангли рақам таққан автомобилдан эҳтиёт бўлишади?

**576.** *Сардор Мавлонов. Шеробод тумани.*

Кроссворд ечиш усталари шахматдаги у сипоҳни кроссвордга ўхшатишади.

Қайси сипоҳ сўралмоқда?



577. Ёзда балиқчилик хўжаликларида ҳовузлар тепа-сида сувга яқинроқ қилиб тунги прожекторлар ёқиб қўйишади.

Нима мақсадда бу чироқлар ёқилади?

578. Ўрта аср Хитой табиби Тао Ун Цзи инсон истеъмол қиладиган дориларни 2 тоифага бўлиб, уларнинг биринчисини маслаҳатчи, иккинчини ҳукмдор дорилар деб атаган. Ҳар иккала тоифа ҳам инсон ичиши учун чиқариладиган дорилар.

Уларнинг орасида қандай фарқ бор?

579. *Сардор Мавлонов. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани.*

Тинч океанидаги Кўк ороллари тизимида енгилмас кучга эга бир махлуқ ҳақида афсона бор. У эрталаб кучайиб пешинга бориб сусайиб, кечга томон яна кучига куч қўшилган.

Унинг кучининг сири нимада бўлган?

580. Қадимда Хитойда фарзандлар ота-оналари ўғитларини, қилган насиҳатларини, берадиган жазоларини ҳам ёшлари улуғ бўлганда ҳам бош эгиб таъзим билан эътирозсиз қабул қилишган. Бир ҳикоятда 2000 йил аввал бир хитойлик ўрта ёш кишини онаси тайёк билан ургани айтилади. Онаси калтаклаганда илгари ҳеч ҳам йиғламайдиган йигит бу сафар додлаб йиғлар эмиш.

Йиғининг сабабини сўраганда, ибратли ўғил нима деб жавоб берган?

**581.** *Алишер Алишеров. Туркменистон Республикаси.*

Машҳур Ахалтеки отларига сув берадиган отбоқарлар уларга лойқа сув беришга ҳаракат қилишади.

Бу иш нима мақсадда қилинади?

**582.** Нигериянинг тоғли ҳудудларида яшовчи Кацу қабила аҳолиси радио-телевизор кўришмайди, газета ўқишмайди. Шундай бўлсада улар давлат раҳбари ўзгарганини тезда билиб олишади.

Қардан ёки нимадан билишади?

**583.** *Абдурахмон Аҳадов. Навоий вилояти, Қизилтепа тумани.*

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўткир Хошимов асарларидан бирида: «Ёзувчи ва танқидчи худди инсон танасидаги улар каби бир-бириларига садоқатли бўлишлари керак» дейди.

Саволда назарда тутилган уларни топинг?

**584.** *Абдулҳай Орипов. Андижон шаҳридан.*

Бу ёруғ дунёда жонингизни фидо қиладиган инсон борми?

Кимлигини сўраб ўтирмайман.

Қадимги Рицарлик кодексига биноан рицар ҳеч ўйламасдан фақат ким учун жонини фидо қилишга тайёр турган?

**585.** Фарзандларни эҳтиёт қилиш зарурлиги, уларни авайлаш ҳақида ўзбек миллатида жуда кўп иборалар бор: «Донишмандлар бисотидан» китобида фарзандлар, умуман яқин инсонлар сандиқчадагига ўхшатишган. Уни

кафтингизга олганда бармоқларини зич ушлаш керак, йўкса улар тўкилиши мумкин. Бу билан фарзандларга бирдек меҳрли бўлиш ҳақида гап кетмоқда.

Сандикча ичидаги жуда оддий бўлган нарса номини топинг?

**586.** Мусаввирлар расм чизиш учун турли бўёқлардан фойдаланишади. Масалан, Мона Лизани чизиш учун Леонардо да Винчи 4 хил рангдан фойдаланган экан. Айниқса, Пикассо ранглардан жуда кўп фойдаланган. Ҳатто, айрим суратларини чизиш учун 15 хил ранг ишлатган. Сизга маълум яна бир мусаввир бир асарни чизиш учун ўн хил бўёқдан фойдалангани диққатга молик. 90 % бир рангдан, 10 % бошқа 9 та рангдан фойдаланган.

Айтингчи, бу қайси асар?

**587.** Баҳор фаслининг келишини орзиқиб кутадиган предмет сандикча ичида. Куз, айниқса қишни ёқтирмайди. Ёз фасли унинг учун энг ажойиб фасл. Эрта-ю кеч одамлар билан шаҳар кезиб, очик ҳавода сайр қилади.

Сандикчада нима бор?

**588.** Тиббиётда клаустрофобия деган касаллик бор. Агар сиз шу касал билан касалланиб қолсангиз, доимо ёнингизда бир эмас, бир нечта сандикчадагидан олиб юрган бўлардингиз. Чунки бу касалга чалинган кишиларни, улар ёқтирмаган ҳолатдан сандикча ичидаги кутқаради, деб ўйлашади.

Сандикчада нима бор?

**589.** Биз ўзбеклар ундай таомларни жуда ёқтирадиган халқмиз. Балки ёшлар унча хуш кўришмас. Хитойда 500 йил илгари уни табиблар беморларга даво сифатида буюришган. Чунки соғлиқни тиклаш учун у энг арзон восита ҳисобланади.

Гап нима ҳақида бормоқда?

**590.** *Азлар Нагиев. Боку шахридан.*

Қуйидаги Озарбайжон халқ мақолини 3 та сўз билан тўлдилинг: Қорни тўйган бахтли эмас, у бахтли. У ўрнидаги 3 та сўзни топиш керак.

**591.** *Фозилбек Комилов. Андижон шахридан.*

Кўпчилик унинг борлигига ишонмайди. Аммо Эммануэль Кант, инсондаги ҳамма туйғуларнинг асоси у, дейди. Унинг меъёридан ортиғи сизни чалғитиши мумкин.

Билимдонларга ҳам зарур нима ҳақида гап кетмоқда?

**592.** *Дилмурод Алижонов. Жиззах шаҳар.*

Малайзиядаги эгизак бинолар аслида бошқа давлатда қуриш учун режалаштирилган эди. Молиявий жиҳатдан талабга жавоб беролмагани учун Малайзияда бунёд этилган.

Қайси давлатда қуриш режалаштирилган эди?

**593.** *Мадина Омонова. Навоий вилояти, Хатирчи туманидан.*

Мархум адабиётшунос олим Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов адабий чиқишларидан бирида, асарларни ўқувчилар 3 қисмга ажратишларини ёзган.





1-тоифа ўқилмайдиган асарлар, 2-тоифага яхши ўқиладиган асарлар киришини айтганлар.

Айтингчи, 3-тоифа асарларга адабиётшунос қандай ном берганлар?

**594. Пардавой Умрзоқов. Сирдарё вилояти, Оқолтин туманидан.**

Ҳиндистонда сигирларни асраш уларни даволаш билан шуғулланадиган марказлар фаолият олиб боради. Салкам бутун бошли вазирлик шуғулланади, деса ҳам бўлади. Шундан келиб чиқиб айтингчи отлар билан шуғулланувчи вазирлик қайси давлатда фаолият олиб боради?

**595.** 1909 йилда Японияда бир савдо дўконлари тармоғи очилди. Номи «Мацудзакая». Бу фирма дўконлари тармоғи илк бор дўконга таширф буюрган мижозлардан бу ишни қилишни бекор қилган.

Нимани бекор қилган?

**596.** Нега Шотландиялик пианиночи Эвелин Глен саҳнага оёқяланг чиққан?

**597.** XVII асрда Эдинбург шаҳрида бир гильдия, ассоциация ташкил этилган эди. Унга бир соҳа кишилари ва бир ҳунар эгалари қилаётган ишларида бир умумийлик бўлгани учун ҳам бир ташкилотга аъзо бўлишган. Уларни шартли равишда биринчи ва иккинчилар деб атайдик. XVII – XVIII асрларда кўпчилик биринчилардан кўра иккинчиларга ишонч билдиришган дейлик. Бориб-бориб иккинчилар бу гильдиядан малакасизлиги учун чиқиб кета бошлашган.

Бир дақиқадан сўнг 1- ва 2- лар номини топиб беринг.

**598. Жамшид Умрзоқов. Сирдарё вилояти, Оқ-олтин тумани Фаргона шахридан.**

Қадимги туркий кабилаларда оилада кимдир вафот этса, нақ 40 кун аза тутишиб, фарзандлар, яқин қариндошлар келди-кетдига бош бўлиб туришган. Уларнинг эгниларида мотам кийимлари ва яна бир ҳолатга мос детал бўлган. Ўша детал ташқарида турибди.

Бир дақиқадан кейин ташқаридан нима олиб кирамиз?

**599. Умида Пўлатова. Жиззах шахридан.**

Бир куни шарқ донишмандларнинг биридан: Таксир дунёнинг кенглиги қанча? деб сўрашибди. У бу саволни менга эмас, унга беринглар у жуда аниқ айтиб берадидеган экан.

У деб қайси касб эгасини тилга олган?

**600. Умида Пўлатова. Жиззах шахридан.**

Монолог: Менинг авлод – аждодим жангчилар бўлишган. Афсус менга қолганда етишмовчилик бўлиб қолганми. Аммо мен ҳам орқага қайтмас баҳодирман, фақат олға юрадиган жангчиман. Акаларимдан фарқли ўлароқ мени вазифам қириш эмас, яратиш. Монолог эгаси сандиқча ичида турибди.

Сандиқчада нима бор?

**601.** Сандиқчадагиларнинг биринчиси, одатда фақат биринчи учун қўлланилади. Сандиқчадагиларнинг иккинчиси фақат иккинчиси учун зарур. Бу масалада учини вазифасига нима киради, дерсиз. У, одатда



иккинчига ёрдамчи ҳисобланади. Уларни ҳар куни 2–3 бор ушлаб кўрамиз.

Ҳар учала предметлар номини топинг?

**602.** Жим ўтиринглар, гаплашманглар иборасини қайси имо-ишора билан ифодалаш қулай деб ўйлайсиз. Кўрсатгич бармоқни лабга босиш билан. Тўғрими? Шундан келиб чиқиб саволни эшитинг.

Қайси касб эгалари кун бўйи бу иборани энг кўп ишлатишади?

**603.** Сандикчадаги масалликдан овқат, салат, ҳатто кабоб тайёрлаш мумкин. Корейслар ундан Оксусу чха деган ширин шарбат ҳам тайёрлашади. Ёрдам беришим мумкин, уни истеъмол қилиш учун бакувват тишларга эга бўлиш керак.

Сандикчада нима бор?

**604.** Гавайи оролларидаги уй бекалари денгиздан тутилган саккизоёқларни пиширишдан олдин кир машинасига солиб ювишади.

Нега?

**605.** *Оқил Рустамов. Кибрай туманидан.*

Немис тилини биласизми? Немислар Жанобни – Герр деб чақирашади.

Кимни Германияда «Герр Цвай драй» деб аташади?

**606.** *Савол муаллифини охирида эълон қиламан.*

Бу ижодкорни таъкидлашча у киши қилаётган иш худди сосиска қадоқлашга ўхшар экан. У ишда ҳам энг асосийси сосискаларнинг кетма-кетлигини узиб

қўймагандек давомийлигини сақлаб қолиш керак экан.

Номи ҳозирча сир тутилган савол муаллифи нима иш билан шуғулланади?

### **607. *Эътибор Исса. Шайхонтохур туманидан.***

Ўнг қўлни кўтаринг, энди кўрсатғич бармоқни очиб юминг, яна, энди тез-тез бажаринг. Дамашқдаги илм даргоҳларида XVI–XVII асрларда бир одобсиз ҳаракати учун толибларга 10 дақиқа шу ҳаракатни бажаришга мажбур қилишган.

Қайси қилиқлари учун жазоланган?

**608.** Тасаввур қилинг сиз, XX асрнинг 30-35-йиллари АҚШга бориб қолдингиз. Ва айрим одамларни кўчада йўл-йўлакай дуо ўқиб, ибодат қилиб кетаётганига гувоҳ бўласиз. Кейинроқ, улар ибодат қилишмаётганликларини аниқлайсиз.

Нега улар ўзлари билан гаплашиб юришган?

**609.** XVIII асрда Гарвард университетида талабалар учун янги ётоқхона бунёд этилган. У 2 хоналик бўлиб биринчиси каттароқ, иккинчиси кичикроқ бўлган. Ҳар иккала хонанинг нархи деярли бир хил бўлган. Ётоқхона буюртма асосида қурилган.

Айтинг-чи, катта хонада кимлар, кичик хонада кимлар яшаган?

### **610. *Гўзалой Матёқубова. Тошкент шахридан.***

Бу кўшиқ илк бор 1957 йилда Миср фильмида қуйланган. 1957 йили ўзбекистонлик бир машҳур кўшиқчи уни ижро қилиб бизда машҳур қилган.



Бу кўшиқ номини ва ўша машҳур хонанда номини топинг?

**611.** XIX аср охирларидаги эълонга кулоқ тутинг:

Оғиз билан эшитманг,

Кулоқ билан гапирманг.

Бу ёзув қаерга ёзиб кўйилган? 3 та сўз билан топинг?

**612.** Абдуллахон Файзуллаев. Чилонзор туманидан.

Нега ўзбеклар танчани, сандал аташади?

**613.** *Бурҳониддин Орзиқулов. Янгиердан.*

Нега ҳиндлар таомларни аччиқ қилиб тайёрлашади?

Нима мажбур қилади?

**614.** *Аурзод Бадоев. Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидан.*

Сиз Парижда оддий муниципал идоралардан бирида ишлайсиз. Сизни ва сиз каби парижликларнинг кундалик фаолияти 3 та сўздан иборат.

Додо – Метро – Було.

Метро сўзи тушунарли, було дегани – ишхонани билдиради.

Қолдириб кетилган Додо сўзи нимани билдиришини топинг?

**615.** *Солиҳа Ёқуббекова. Фаргона вилояти, Бешариқ туманидан.*

Япон чойхўрлиги вақтида чойхўр 4 та қатъий талабга бўйсунуши шарт. 1-маросимга ҳурмат, 2-одоб билан даврада ўтириш, 3-тозаликка риоя қилиш. Чойхўрлик пайтида чой ичаётган киши томонидан

амалга оширилиши лозим бўлган 4-талаб ҳақида шарк алломалари хўб ажойиб фикрларни айтиб кетишган.

4-талаб нимадан иборат бўлган?

**616.** АҚШлик Жон Венслар деган саёҳатни ёктирувчи киши АҚШнинг 48 та штатини велосипедда босиб ўтган. Сезганингиздек бир штатдан кейингисига тўхтамай ўтаверган. Фақат 2 та штатга велосипедда тўғри ўтаолмагани учун боролмаган.

У қайси 2 та штатда бўлмаган?

**617.** 1921 йили Лондоннинг Марказий майдонларидан бирига Жорж Вашингтоннинг ҳайкалини ўрнатмоқчи бўлишади. Кейинроқ ўз пайтида уни Англиядан АҚШга ҳайдаб чиқарилганлиги маълум бўлиб қолади. Кетар чоғи, Британияга оёғимни босмайман деб қасам ичиб кетган экан. Иложсиз нарсани ўзи йўқ, иложи топилиб, унинг мағрур ҳайкали Лондонга ўрнатилган.

Унинг васиятига путур етмаган ҳолда масалага қандай одилona ечим топишган?

**618.** *Абдуваҳоб Ҳалимов. Самарқанд вилояти, Булунгур тумани.*

Агар қўшнининг товук хўрози ўйингизга кириб безор қилиб юборса, сизга маслаҳатим, сиз ҳам товук-хўроз боқинг. Шунда қўшнининг товуклари уйингизга оёғини босмайди.

Ким ёки нима бунга йўл қўймайди?

**619.** *Неъматулло Ашуоров. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани.*

Халқимиз орасида «ит бир юлдузни, бўри ярим



юлдузни ҳам кўра олади», деган мақол бор. Бу билан итдан кўра бўрининг кўзи ўткир бўлишига ишора қилинади. Фан нуқтаи назаридан қаралса, дастлаб уларнинг кўриш қобилиятлари бир хил бўлади-ю кейинчалик одамлар орасида яшаган итларнинг кўриш қобилияти пасая боради. Унга асосий сабаб сандиқча ичидаги ҳисобланади.

Сандиқчада нима бор?

**620.** Брижит Бордо «Машхур кишиларнинг номларини деярли ҳамма ерда учратиш мумкин, фақат сандиқчадагида эмас», деган. Мухлислар безор қилмаслиги учун у ерга исм фамилияни киритишмайди.

Сандиқчада нима бор?

**621.** Агар сиз Франциядаги олий навли узумлар етиштириладиган узумзорга бориб узум узишда қатнашсангиз, кетар чоғингиз боғбон ҳеч тортинмай сиздан бир иш қилишни илтимос қилади.

Боғбон нима иш қилишга сизни мажбур қилади?

**622.** 1949 йилдан бошлаб МХЛ мутасаддилари майдондаги сувни музлатишдан олдин унга сандиқчадагидан қисман кўшишни таклиф қилишган. Бу муз майдонини сифатини яхшилаган ва томошабинларга қулайлик туғдирган. Муз ранги оппоқ кўринган.

Сандиқчада нима бор?

**623.** Париждаги машхур севишганлар ресторанининг фойесидаги девор кўзгулари негадир тез-тез мана шу кўринишга келиб қолади. Албатта, маъмурият кўзгуни алмаштириб туради. Сизларга тушунарли бўлиши учун

биз кўзгуни шунга ўхшатиб олиб чиқдик.

Нима сабабдан кўзгуларга тез-тез излар тушиб қолади?

**624.** Ходимимизнинг чўнтагидаги предметни, Квинсленддаги мактаб ўқитувчиларида бўлмаслигини бир гуруҳ рухшунослар ёқлаб чиқишди. Уларнинг фикрича гўё у болаларнинг руҳиятига салбий таъсир қилар эмиш.

Ходимимизнинг чўнтагида ранг билан боғлиқ нима бор?

**625.** Бастакор Франц Шуберт кўп ночор ҳаёт кечирган. Унинг балконида пальтоси доимо чўнтаклари ташқарига чиқарилган ҳолда осиглиқ турган. Ҳаммага кўринадиган қилиб балконга чиқариб қўйган.

Бу белги, асосан кимлар учун кўрсатилган?

**626.** 1857 йили Буюк Британия Ҳиндистондаги маҳаллий аскарларни янги чиққан Энфильд ўқ-отар милтиқлари билан қуроллантиради. Аммо ҳиндлар бу қуролдан фойдаланишдан кескин бош тортишади.

Бир дақиқадан кейин ҳиндлар бу қуролдан фойдаланишдан нега бош тортишганлиги сабабини топиб беринг?

**627. Сирдарёлик Яйра Ҳақбердиева.**

Кавказда «қишдан кўркма, куздан кўрк» деган мақол бор.

Келажакка ишончи баланд кавказликлар нега куздан кўркишади.





**628. Ширин Бўрихонова. Сурхондарё вилояти, Шарғун шахридан.**

Араб халқ топишмоғи сандиқчанинг ичига жойланган.

У уйда, уй унда?

Сандиқчадаги топишмоқ жавобини топинг?

**629. Барчиной Ҳосилова. Қувасой шахридан.**

Айтингчи, XX аср бошларида айрим ўзбек хонадонларида, балоғатга етган қизи бор оналар, қизи яшайдиган хонанинг деразасини ташқари томондан тез-тез қора чойшаб билан беркитиб туришган?

**630. Мирмухсин Содиқов. Тошкент шахридан.**

Қадимги Ҳинд солномаси Хитопадешидида (ҳаётий кодекслар асарида) «У сизни уялмасдан яшашга ўргатади, у кўрқокни ботир, ботирни-қаҳрамон, керак бўлса қаҳрамонни таҳқирлаб, таҳқирланганни хўрлаб, хўрланганни безбет қилиб кўяди» – деб ёзилган.

У нима?

**631. Зулайҳо Каримуллаева. Фарғона вилояти, Қува шахридан.**

Замонавий Ҳинд халқ эртақларидан бири бешта бармоқ ҳақида. Эртақда уларнинг номлари, вазифалари моҳирона тарзда ифодаланган. Бош бармоқни номи-забардаст бўлса, ўрта бармоққа «Баланд бўйли», жимжилоққа – кичкинтой деб ном беришади. Менимча ҳаммаси тушунарли. Номсиз бармоққа бойвачча деб ном беришгани ҳам мантиқан ҳақиқатга яқин. Чунки, асосан узуклар негадир шу бармоққа тақилади. Аммо негадир кўрсатич бармоқ ҳақида хунук гаплар айтилган.

Уни негадир «ёвуз» деб номлашган.

Нега бу бармоққа нисбатан хунук фикрлар айтилган?

**632. Мунира Исабоева. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар.**

Агар у тик ҳолда турган бўлса, уни бармоқ билан осон ҳисоблай оласиз. Агар ётқизиб қўйилса, уни ҳисоблашга умрингиз ҳам етмайди.

Ўйлаб, уни чизиб беришингизни сўрамоқдалар?

**633. Азиз Алиев. Тошкент шаҳридан.**

АҚШнинг Орлондо шаҳрида «Титаник» музейи бор. У ердаги экспонатлар чўкиб кетган кема ичидан, яъни денгиз тубидан олиб чиқилган. Аммо музейда шундай буюмлар ҳам борки, масалан вилка ва кумуш қошиқлар Титаникка тегишли-ю аммо сув остидан олиб чиқилмаган.

Асл Титаникка тегишли бу буюмларни кимлар музейга топширган?

**634. Тўракул Жўраев. Зомин тумани, Даштобод шаҳридан.**

Кавказда яшайдиган Қорачой миллатининг тили ғалати. Қисман туркий лаҳжалар ҳам учрайди. Сандиқчадаги махсулотни қорачойликлар «бол-туз» деб аташида бир ҳикмат бор.

Сандиқчада нима бор?

**635. Зайнаб Комилжсонова. Жиззах шаҳридан.**

Ҳаётнинг қийинчиликларига рўбарў келган ақлли инсон балиққа айлангани маъқул дейди Хитой файласуфи Мо Янь. Балки бундай пайтда жим туриш ё



кийинчиликларга осон чап бериш учундир. Файласуф шундан келиб чиқиб баликқа ташланган қармоқни унга ўхшатади.

Мо Янь қармоқни нимага ўхшатган?

## **636. Камолхон Насимов. Наманган шаҳридан.**

Қадимги япон жангчилари жанг олдидан бошлари узра тикка осмонга қараб шу ўқлардан узишган.

Нимани аниқлаш учун отилган бу ўқлар?

**637.** Бир неча асрдан бери бор бўлган машҳур бир ибора бўйича унинг 2-гул бўлса, 3-пичоқ. Агар Абу Али ибн Синодан келиб чиқилса бу иборада биринчиси ҳам бор.

У машҳур иборада биринчиси нима бўлган?

**638.** 100 йил олдин Хитойда шундай шамлар бўлганки, уларнинг орасида маълум жойларда майда темир шарчалар бўлган.

Нима мақсадда бу шарчалар шам орасига қўйиб кетилган?

**639.** Уйғониш даврида мана шундай ажойиб афсона бўлган.

Кунлардан бир кун оқшом пайти қайғу билан кувонч учрашиб қолишибди. Шунда улар оила қурмоқчи бўлишибди. Бу бир-бирига зид туйғулар бир умр яшашибди. Қайғу ва кувончни бирга бахтли яшашларига у ёрдам берган экан. Буни ҳозирги оилаларга ҳам қўллаш зарур деб ўйлайман. Ажрашишлар камаярди.

Ниманинг ёрдамида улар бир умр бахтли ҳаёт кечиришган?

**640.** Ким кийим тикишни билади?

Бир япон мақолига кўра, тикувчи шогирдига кийим тикишдан олдин ҳам, кийим тайёр бўлгандан кейин ҳам санашни маслаҳат беради.

Нимани санашни маслаҳат беради ва сандикда нима бор?

**641.** *Юлдуз Рашидова. Чироқчи тумани, Қўқон қишлоғидан.*

«Асрга татигулик кун» романида нимани «У чўлда худди сув каби азиздир» деган?

**642.** Агар самолётларда бошқарув тизими ишдан чиқиб қолса, учувчилар шу стакан ёрдамида самолётни ерга қўндиришади.

Қандай қилиб?

**643.** Гаррит Бичерстоун бир асаарида бош кийим бўлган шляпани ҳамма ҳар хил кияди, характериға караб, деган. Масалан, шляпани бошнинг ён томонида киядиган кишилар ҳазилкаш бўлишади, шляпани бурнигача бостириб киядиганлар жиддий кишилар хисобланишса, шляпани орқага бостириб киядиганлар жуда хушёр бўлишади, деган.

Ўта содда одамлар шляпани қай кўринишда кийишади?

**644.** Замонавий шоир Чак Паланек «У юзнинг ярмини беркитувчи никобдир» деган.

У нимага бу шоирона ўхшатишни қилганини студия ичидан топиб беринг?



**645.** Рухонийлар ва адвокатлар кийимлари бир хил қора рангли бўлишидан хабардорсиз. Оноре де Бальзак уларни ҳам дўсти бўлмайди, шунинг учун кийимлари рухонийлар ва адвокатларники сингари қоп-қора, мотамсаро деган. Уларни дўсти бўлмайди деб уларни камситмоқчи эмас, уларни ўз ишларига садоқатларини билдирмоқчи, халос. Улар эзгу иш билан шуғулланишади.

Бальзак назарда тутган 3-касб эгалари кимлар?

**646.** Қадимги Юнон Олимпиадаларида югуриш мусобақалари ҳозиргидек фақат бир томонга чапдан ўнгга эмас, хоҳлаган томонга мумкин бўлган.

Қандай 2 та омил югуриш йўналишини белгилаган?

**647.** Фараз қилинг сиз, XVIII аср Испания фуқароси-сиз. Савдо ишлари билан шуғулланасиз, бир муаммони ҳал қилиш учун сиз судга мурожаат қиласиз, суд сизни давоингизни кўриб чиқиб рад жавобини беради. Шунда сиз Испанияда мавжуд бўлган, Апелляцион ҳакамлик идорасига мурожаат қиласиз. Бу идорага апелляция қилиш учун сиз 1 ярим минг дукат тўлашингиз лозим бўлади. Агар апелляциянгиз яна бекор қилинса, 1 ярим минг тўловингизнинг 500 ни апелляцион ҳакамлик идорасига, 500 ни қирол фондига ўтказилган.

Қолган 500 ни кимга беришган?

**648.** Қўлингиздаги шарни жонглёрлар, асосан янги ўрганаётган шогирд жонглёрлар ишлатишади. Сизнингиздек бу шарча бирмунча оғир қилиб ясалади.

Уни оғир бўлиши жонглёрларга нима учун керак бўлади?

**649. Мунираҳон Мусабоева. Тошкент шахридан.**

Яқинда у киши интернетдан бир маълумотни билиб-дилар. Унга кўра уй бекалари бу ишни қилганда аввал ҳаракат горизонтал, кейин вертикал тарзда бажарилса мақсадга мувофиқ бўлар экан. Шунда у иш аъло даражада бажарилган ҳисобланар экан.

Мунираҳон интернетдан қандай маълумотни ўқиган?

**650.** Тошкентдан Нью-Йорккача, Нью-Йоркдан – Токиогача, Токиодан тўппа тўғри яна Тошкентгача масофани бу аёл тахминан 21 км юриб босиб ўтади.

У аёлнинг кимлигини топинг?

**651.** Хитой халқ мақоли. Агар бир неча ойни мўлжал қилсанг гуруч эк. Агар бир неча йилни олдиндан англамоқчи бўлсанг дарахт эк.

Бир умр фаровон яшашни истасанг нима экишни айтда, бу мақолда?

**652.** Жан-Жак Руссо уни тилнинг қалби деб атаган. Чунки у тилга илиқлик ва ҳаққонийлик бахш этади.

У нима?

**653.** Анвар Обиджонинг ҳаётини ўхшатишларидан бири: Пойгакда улар эгизак маймунчалардек ишшайиб туришарди.

Шоир бир жуфт маймунчалар деган ўхшатиш билан нимани ифодаламоқчи бўлган?

**654. Анвар Холов. Касби туманидан.**

Африкаликлар наздида баобаб дарахти ўта ақлли дарахт экан.



Шундан келиб чиқиб айтингчи, баобаб қайси фаслда баргларини тўкади ва нега?

**655. Қорахон Жўраев. Ўрта Чирчиқ тумани.**

Бир донишманд киши вафоти олдидан хунарманд ўғлига насиҳат қилибди: Оиланга вафодор бўл, чин дилдан меҳнат қилсанг, энг бемаза таом ҳам лаззатли туюлади. Бир савобли ишдан бебахра қолсангда, қоронғу азонда ишга кетиб, шомдан кейин қайтиб келгин деб насиҳат қилибди.

Қария қандай савоб ҳақида гапирган?

**656.** Юқори сифатга эга кишки спорт кийимлари ишлаб чиқарадиган бир хорижий компания шиори 3 та сўздан иборат.

Қайси учта сўздан иборат?

**657.** Сальвадор Дали ўз хотираларида сандиқча ичидаги билан ўз нотиклик маҳоратини оширмақчи бўлган. Айнан у сизни ҳам гапни чўзмасликка, қисқа ва лўнда фикрни баён этишга ўргатади.

Аниқ ва лўнда, гапни чўзмасдан гапиришга Сальвадор Далини нима ўргатган, сандиқчада нима бор?

**658.** XIX асрда яшаб ўтган фаранцуз адиби Анатоли Франсдан сўрашибди, борди-ю XX аср охирларида қайта дунёга келиб, ўша давр инсонларининг дунё қарашини, қандай яшаётганини тез англаш учун қайси адабиётни ўқиган бўлардингиз деганда, ўша давр муҳитини, кишиларини қандай яшаётганини билиш учун мен, албатта ўша вақтда чоп этилган журнални

Ўқиган бўлардим деб айтган.

Қайси журнални?

**659.** АҚШ президенти Томас Жефферсон газетадаги энг ишончли маълумотни айнан унда ўқиш мумкин деган.

Қайси бандида?

**660.** Бенжамин Франклин оилага бағишланган асарларининг бирида кунда – шунда бўладиган чақирилмаган меҳмонлардан қандай қутулиш йўлини ўргатган.

Нима қилса бу меҳмоннинг уйингиздан оёғи узилади?

**661.** Озарбайжон мақолига кўра, эркак кишининг кучи муштида, аёлнинг кучи ... 3 та нуқта. Бу саволнинг жавобини иложи бўлса амалий воситалардан ахтаринг?

Озарбайжон мақолига кўра, эркак мушт билан ҳал қиладиган ишни аёл нима билан ҳал қилиши мумкин?

**662.** Ер юзидаги катта карьерларда фаолият олиб борадиган баҳайбат «Белаз» юк автомобиллари йиғилиш жараёни қуйидагича, аввал корпус ва ғилдирак, кейин мотор ва электр жиҳозлар, энг охирида кузов ва ҳайдовчи кабинаси ўрнатилади.

Бу баҳайбат юк автомобиллари тайёр бўлгач, тестдан ўтгач буюртмачига жўнатилишидан олдин яна қандай жараён амалга оширилади?

**663.** XX аср бошларида ўт ўчирувчилар (пожарниклар) бош кийимлари (каскалари) лотун, никел ё мисдан ясаларди.





Нега ХХ аср бошларидан каскалар пробкадан ясала бошланган?

**664.** У пайтда кудук қазишдан фойда йўқ деган. Бундай олиб қараганда кудукни хоҳлаган вақтда, хоҳлаган фаслда хоҳлаган вазиятда кавлаш зарар қилмайди. Аммо у пайтда эмас.

Мақолдаги мантиқдан келиб чиқиб айтингчи, қачон кудук қазишдан маъно йўқ?

**665. Гулжаҳон Бованова. Пастдарғомдан.**

Бойўғли йиртқич куш ҳисобланади. Аммо баъзида оч қолганда гуллар билан ҳам озиқланишга мажбур бўлар экан. Агар сиз бойўғлининг қандай фаолият олиб боришини билсангиз, у қайси гулларни еб, очлигини кондиришини осон топасиз.

Бойўғли қандай гулларни еб кун кўради?

**666. Зиёда Аситаева. Тошкент шаҳри.**

Юнон файласуфларидан бири Горгий «у инсонларни бошқа хунарлардан кўра кўпроқ ишонтиради. У мажбурлаш орқали эмас, балки ихтиёрий равишда ўз қулига айлантиради. Горгий даврида у яхлит бўлган, кейинчалик бўлимларга ажралиб кетган.

Сиз менга фақат ва фақат Горгий назарда тутган хунарни топиб беринг?

**667. Маруфжон Мадаминов. Фарзона вилояти.**

Авестода табиат ва оиладаги асл қадриятлар тилга олинади. Зардуштийлик акидалари бўйича агар

кийналганроқ оилаларда у иш содир бўлса, жамоа оқсоколи келиб уларни табриклар, бир соғин сигир совға қилган.

Қандай оилага сигир берилган?

667. Лотинча қайси сўзни таржимаси минг қадам дейилади?

669. Намуна сўзи лотин тилида нима деб аталади?

670. *Эргашева Зарина. Оқтош шахридан.*

Ўзбек халқ топишмоғи:

Отлари ҳар хил.

Ёшлари бир хил.

Уларни ёши ҳақиқатдан ҳам бир хил, бир дақиқага ҳам фарқ қилмайди.

Топишмоқ нима ҳақида?

671. *Муборак Мамарасулова. Қуйи Чирчиқ тумани.*

Отилган тош кимга тегса, текган кишини, албатта яралайди. Тегмаса озор етказмайди. Қадимги файласуфлар фикрига ишонсак сандиқча ичидаги ҳаммани баравар яралайди.

Сандиқча ичида нима бор?

672. *Темур Курбонов. Тошкент шахридан, Бектемир тумани.*

Монолог:

Аввал бизни тупроқ каби ўйишади,

Бошимизга челақлаб иссиқ сув ҳам қуйишади,

Дўлайтириб муштлари билан таъзиримизни

ҳам беришади,



Охирида мажоли йўқ қушлардай деворларга  
териб жонимизни олишади.

Шеър қаҳрамони сандиқ ичида.  
Сандиқчада нима бор?

**673. Анар Мехтиева. Баку шахридан.**

2000 йили дунёнинг энг зўр киноактёрлари сўровно-масида 8-ўринни эгаллаган Аль-Пачино, ўз фаолиятини театрдан бошлаганидан хабардормисиз? У театрни дор санъатига ўхшатган. Кинони эса дор билан боғлиқ бир деталга ўхшатган.

Нимани у кинога ўхшатган?

**674.** Чумчуқлардан озор чеккан юртларни биласизми? Масалан, Хитой қишлоқлари XX аср 60-йилларида чумчуқлар офатидан қаттиқ азият чеккан. Милтиқлар рогаткалар билан уларга қарши курашишган. Бир зоолог уларга қарши куршишнинг жуда антиқа йўли борлигини тушунтиргач, қишлоқнинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқаролари кўлларида қошиқ, товоқ, кострюлка, това олиб далага чиқиб тарақлатиб чумчуқларни ҳайдаб улардан кутулишган.

Зоолог қандай антиқа йўл билан улардан кутулиш мумкинлигини тушунтирган?

**675. Фарруҳ Эргашев. Қашқадрё вилояти, Касби туманидан.**

Акаларимни тепиб, уриб, узоқларга улоқтиришади, мени ва укамни тайёқ билан тинимсиз савалашади. Бу гапларнинг эгаси ва унинг укаси сандиқча ичида дам

олишмоқда?

Сандикчада нима бор?

**676.** Сандикчада айрим гуруҳ раҳбарларига тегишли предмет бор. Уни муомалага кирганига 250 йилча бўлиб қолди. Унгача ўша раҳбарлар оёқ кийимларидан, хассадан, кўз ойнақдан ҳатто букланган қоғоздан фойдаланишган.

Сандикчада нима бор?

**677.** *Мадинабону Файзуллаева. Сурхондарё вилояти Музработ тумани.*

Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида, хусусан Бойсунда кенг тарқалган Учқат деган ўсимлик тури бор. Аслида уни ҳеч қанақа ҳиди йўқ. Лекин айрим пайтлари ундан жуда ёқимли ҳид пайдо бўлади. Уни ҳид таратишини сурхондарёликлар орзиқиб пойлаб юришади.

Бу ўсимлик қачон ўзидан ҳид тарата бошлайди?

**678.** *Дурдона Муродова. Қашқадарё вилояти, Муборак тумани.*

Ҳадисшунос олим Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг куйидаги ибораси унинг буюк донишмандлигидан дарак беради: «Ғийбат ёмон, аммо менга ғийбат қил деб айтишса, уларни ғийбат қилган бўлардим», деган.

Улар кимлар?

**679.** *Отабек Жалилов. Сирдарё вилояти, Мирзобод тумани.*

Антик дунё тарихи китобида ёзилишича айрим илм билан шуғулланувчи олимлар иш столи ёнида сандиқча ичидагидан ярим қоп ё бир қоп турган.

Сандиқда нима бор?

**680.** Айрим товуқ фермаларида аквариумда балиқлар боқилади.

Нима мақсадда боқилади?

**681.** *Жуманазар Наврӯзов. Хоразм вилояти, Шовот тумани.*

Сандиқчадаги мослама гўшти оловда пишириб ейиш бошлангандан кейин пайдо бўлган экан. Демак, пишган гўшт уни муомалага киритган.

Сандиқчада нима бор?

**682.** *Сарвиноз Шохалилова. Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидан.*

Фаридиддун Аттор уни арқонга ўхшатган, ўзимиз майда-майда иплардан аста-секин тўқиб борадиган. Пайти келганда ҳар ким ўзи тўқиган арқонни узмоқчи бўлади-ю, аммо унга ожизлик қилади.

Фаридиддун Аттор нимани арқонга ўхшатган?

**683.** *Лобар Мирзалиева. Паркент тумани.*

Шарқ халқларининг бир эртагида кекса дехқон катта бир уй қуриб, ўғилларига ким шу уйни тўлдирса унга уйни тортиқ қилишини айтади. Катта ўғил отини етаклаб кирибди. У бор йўғи уйнинг бир бурчагини тўлдирибди. 2-ўғил сомон олиб кириб уйни бор йўғи ярмини тўлдирибди. Кенжа ўғил сандиқчадагини

олиб кириб уйни бутунлай тўлдирибди ва уй соҳибига айланибди.

Кенжа ўғил нима билан уйни тўлдирган?

### **684. Замира Холмуродова. Олмалиқ шахридан.**

Ҳозир ҳамма соҳада кишилар изланувчан бўлиб кетишган. Масалан, бир киши хонадонида товук боқар экан. Шундай бир пайт бўлар эканки, она товукларини 2 маҳалдан совуқ сувга тикиб олар экан.

Қачон бу ишни қиладилар?

**685.** Илгари араб бадавийларида ғалати одат бўлган. Бобур! Мана сиз араб бадавийисиз. Уйга, ўтовингизга қираман десангиз, негадир ўтов эшиги қарама-қарши томондан очилиб қолибди. Буни аёлингиз атайлаб қилган.

Уй бекаси бу билан нима демоқчи бўлган?

**686.** Бир неча юз миллион долларга баҳоланган Моно Лиза сурати атрофида ҳали-ҳануз баҳслар, мунозаралар юради. Дунёнинг кўзга кўринган кинорежиссёрлари ўртасида сўров ўтказилганда Фрэнсес Коппола уни қўлларига қараб бойвачча аёл бўлган бўлса керак деб тахмин қилган, Андрей Тарковский, аксинча оддий қишлоқ аёли бўлган деган вариантни келтирган. Энг қизиқ ва ажойиб вариантни Федерико Феллини келтирган. Уни тикувчи бўлган деган.

Феллини Моно Лизани қайси тана аъзосига қараб уни тикувчи деган?



**687.** Тошкент метрополитенининг станцияларни кўз олдингизга келтиринг. Ҳамма станциялардаги деворлар шарқона, станция номига мос суратлар ва ранглар билан безатилган. Кўз олдингизга келдимиз?

Нега Санкт-Петербургдаги айрим метро станциялари деворлари, оппоқ қилиб бўйаб қўйилган?

**688.** Қайси Европа давлати пойтахтининг номи тутунли Бухта деб аталади?

**689.** «Зафарнома» асарида ёзилишича, А.Темур армияси жангчилари хуржунларида айрим егуликлар бўлган. Масалан, қотган нон, туршак, майиз.

Чой дамлаш учун куруқ чой ўрнида нима олиб юришган?

**690.** Шаолинъ ибодатхонаси роҳибларининг анжомлари орасида ингичка қамишдан ясалган найча, трубка бўлган. Улар бу трубкани сув ичиш учун олиб юришган.

Нега улар трубка орқали сув ичишган?

**691.** Италиялар қачон яқин қариндошларига баъзан шу каби ширинликлар тарқатишган? Аниқ мақсадларини топиб беринг.

**692.** Майда балиқлардан тайёрланган Шпрот консерваси олиб чиқилсин!

Нега шпрот балиғини консерва ичига қишда қорнини пастга қаратиб, ёзда қорнини тепага қаратиб жойлашади?

**693.** АҚШнинг Делавер штатида эски, узоқ йил иш-

лаган метро ва трамвай вагонларини Океан баликларини асраш ташкилоти арзон нархларга сотиб олар экан. Кейин уларни океан тубига ташлашади.

Бир дақиқадан кейин нима мақсадда сувга ташлашларини топиб беринг.

**694.** Миср Фиръавнларидан бири Рамзес II жуда ўзига бино қўйган ҳукмдор бўлган. У табиат қўйнига сайрга чиққанда хизматкорлари уни ёнида, албатта бир тоғорада асал олиб юришган. Уни фиръавн истеъмол қилиши учун эмас бошқа мақсадда олиб юришган.

Нима мақсадда олиб юришган?

**695. Лобар Мирзалиева. Паркент тумани.**

А.Темур даврида унинг хотинлари исмига оға сўзи қўшиб аталган. Дилшод оға, Дилхўш оға, Мулконшоҳ оға каби. Оға сўзи адабий тилдаги ака сўзининг бир кўринишидир. Эркакларга ҳам оға деб мурожаат қилишган. Уларга, яъни эркак ва аёлларга оға қўшимчаси қўшиб чакирилсада қайси бири аёл, қайси бири эркаклигини аниқлай олишган.

Қандай аниқлашган?

**696. Баҳодир Раҳимов. Навоий шаҳридан.**

Тиббиёт ходимлари пляжда куёшда тобланиш вақти, албатта баданни сочиққа артиб, тобланишни маслаҳат беришади. Чунки офтоб уриш ёки айрим тери касалликларига олиб келиши мумкин.

Нега ҳўл баданни офтоб уриш эҳтимоли юқори бўлади?





**697.** Қадимдан шаҳарлар дарё бўйларига бунёд этилган. Қадимдан Хитойда, шаҳаршунослик жуда ривожланган. Хитойда ўзига хос шаҳар қуриш анъанаси бўлган. Шаҳар қуриладиган жой билан агроф-муҳит уйғунлашиб кетиши лозим бўлган. Шаҳар қуриладиган ҳудуднинг шимолида баланд тоғлар бўлиши, жанубида денгиз ё кўл, шарқ томонда ўрмон бўлиши талаб этилган.

Қадимги Хитой шаҳаршунослиги бўйича ғарбда нима бўлиши талаб этилган?

**698.** XIX аср бошларида Лондондаги китоб дўконларидан битта китоб сотиб олган миждозга биттадан сандикчадагидан қўшиб беришган. Бу билан улар китобни тарғиб қилмоқчи, одамлар кўпроқ китоб ўқишига эришмоқчи бўлишган бўлса керак.

Сандикчада нима бор?

**699.** *Искандар Забихуллаев. Тошкент шаҳридан.*

Ташқарида турган мусиқа асбобини пайдо бўлишига инсон илк бор эшитадиган овоз сабаб бўлгани мусиқа тарихи китобида қайд этилган экан.

Бир дақиқадан кейин айтинг, ташқаридан нима олиб кирамиз?

**700.** Одатда, балиқчилар тутилган балиқларни автоцистерналарда балиқ дўконларига олиб боришади. Денгиздан узокроқ бўлган ҳудудларга ҳам баъзан балиқ олиб борилади. Балиқлар 2–3 соат мобайнида дўконга етиб боргунча, ҳаракатсизликдан ўлиб қолиши мумкин. Балиқлар цистерна ичида доимо ҳаракатланиб туриши учун...

Бунинг учун балиқчилар нима қилишади?

**701.** Ўтин болта билан ёрилади. Катта тўнкаларни 2 та ўтинчи икки томондан туриб, ўртага ўтинни қўйиб, икки томондан болтани галма-галдан ўтинга уришган. Узок ишлаш оқибатида болталар сопидан учиб чиқиб кетиб рўпарадаги шерикка тегиб уни жароҳат қилиш ҳоллари ҳам бўлиб турган. Жароҳатланган ўтинчи 2 чи ўтинчи билан уришиб жанжаллашиб кетаверишгач, иш бошлашдан олдин улардан бир ишни амалга ошириш талаб этилган.

Нима қилиш талаб этилган?

**702.** Ҳар бир Хитойлик ўғил фарзанд бу маълумотни доимо эслаб туриши керак. Чунки бу ҳолат фарзандлар учун ҳам қувонч, ҳам қайғу ҳисобланган.

Конфуций нимани фарзандлар доимо ёдларидан чиқармасликлари керак деган?

**703.** Германиянинг афсонавий футболчиси Герд Мюллер уйида айрим футболчи – дарвозабонлар суратини тагига у ҳақидаги фикрлари ва айрим рақамларни ёзиб юрган. Фақат битта футболчи сурати остига «қойилман» деган сўз ёзилгану 0 рақамини ёзиб қўйган.

У қайси футболчи бўлган?

**704.** *Рашидбек Йўлдошев, Чилонзор туманидан.*

Эман (дуб) дарахтининг илдиз тизими яхши ривожланган бўлиб, ер остига сув қатламигача бориб етар экан. Лекин бир жиҳатдан айнан шу хусусияти



дарахтнинг эрта нобуд бўлишига сабаб бўлиши кузатилган. Биологлар тузган бир рўйхатнинг бошида эман дарахти туришига ҳам сабаб шу бўлади.

У қандай рўйхатни бошқаради?

**705.** Японияда байрам откриткаларини яқинларга тортиқ қилиш жуда ҳам муҳим совға сифатида қабул қилинган. Япония давлат почтаси чиқарган ҳамма откриткалар сони ҳисобга олинган. Демак, рақамланган. Бунинг устига откриткани олган одам уни авайлаб асраб юради.

Нега бу табрик қоғозларини ташлаб юборишмайди?

**706.** Биз айтмоқчи бўлган уй-рўзғор буюми ҳақида шундай ҳазил гап юради, у ўрнидан тик турганда бежавотир, аммо ётса ундан эҳтиёт бўлиш керак.

Бу қайси жиҳоз?

**707.** Иккинчи Жаҳон уриши учун Германия жуда катта тайёргарлик кўрган. Ҳатто, солдатларнинг ички кийимларини бир сабаб туфайли ипакдан тиктиришган. Иттифоқ аскарлари буни кейин билиб қолиб ўлган немис жангчиларини ички кийимларини ечиб ола бошлашган.

Ипакдан тикилган ички кийимларнинг нима афзаллиги бўлган?

**708.** Бир машхур персонажни дунёга келишига муаллифнинг бир сармаст йигитни кузатиши сабаб бўлган экан. Қора сочлари тўзгиган бу сармаст йигитча оғзида папирос билан деворга суяниб турган ҳолатида кўргану шу образни чизган.

У маст йигит орқали қайси персонажни яратган?

**709.** Дон казакларидаги бош кийимни эслангиз уларда козерог бўлмаган. Кейинчалик айнан бир сабаб туфайли уларнинг фуражқаларига козерог ўрнатилган ва бирмунча каттароқ қилиб ясалган.

Қандай сабаб фуражқани ўзгаришига сабаб бўлган?

**710.** Иқтисодчилар фикрича 1908 йилда пайдо бўлган бир янгилик туфайли Англиядаги ҳар бир хонадон ойига 4 тадан шағам иқтисод қила бошлаган.

Қандай янгилик сўралмоқда?

**711.** Руаль Амундсен ёшлигидан шимол татқиқотчиси бўлишни орзу қилиб, тайёргарлик кўрган. Қишинёзин ўзини чиниктириб совуқ сувда чўмилган. Совуқ кунлари ҳар окшом бир ишни қилган.

Чиникиш учун кечалари нима қилган?

**712.** Ҳадиси шарифда шундай ақлли, ибратли сўзлар битилган. Эй банда, сени ўзинг ҳам, молинг ҳам ... 3 та нуқта.

3 та нуқта ўрнидаги битта сўзни топинг?

**713.** Рим ва Афина шаҳарларида метро қурилиши билан шуғулланаётган компания ходимлари орасида бу соҳага умуман дахли йўқ касб эгалари ҳам фаолият олиб боришган. Уларни қурувчиликка мутлақо алоқаси бўлмаган демоқчиман.

Рим ва Афинада метро қурилишида қатнашган ўша соҳа кишиларини топинг?

**714.** Родеода, яъни буқа ва ёввойи от устида томшалар кўрсатадиган мусобақада родеочилар ҳаётларини

хавф остига қўйиб бу қийин мусобақада қатнашадилар, чунки уларнинг тирикчилиги шундан. Ҳар йили охирида Родеочиларнинг кучли ўнлиги эълон қилинади.

Бу кучлилар ўнлиги нимага қараб ажратиб олинади?

**715.** Англияда жуда кўп ёмғирлар ёғади. Шундан бўлса керак шахсий транспортда юрмайдиган аҳолининг кўпчилигини кўлида зонтик бўлади. Хўш, аҳоли ёмғир ёғмаган пайтда бу зонتلардан қандай вазифаларни бажаришда ишлатишади. Бундай сўровнинг 1-ўрнида ҳасса вазифасида деган жавоблар туради.

Сўровга кўра 2-ўринда қайси ҳаракат туради?

**716.** Қадимги Неапал аҳолисининг ёш ҳисоби бугунгидан тубдан фарқ қилган. Уларда ёш йиллар билан эмас бошқа аниқ нарса билан аниқланган. Шундан уларнинг ёшлари бир неча юзларни ташкил этган.

Неапал аҳолиси қадимда нимани ҳисобига тез ёшига-ёш кўшилиб улғайиб борган. Жавобни 3 та сўз билан ифодаланг?

**717** XIX асрда Россия флотида хизмат қилган матросларга ойлик маошдан ташқари, кўшимча ҳақ тўланган, албатта ниманингдир ўрнига пул тўпланган. Агар матрос шу ишни қилмаса, ўрнига пул олган.

Ниманинг ўрнига?

**718.** Ренуар ижодида 3 ярим мингтадан ортиқ сурат бор. У бир пейзажни негадир «Қир ювиш уйи» деб атаган. Суратда бирорта ҳам қир ювиш билан боғлиқ детал йўқ. Фақат боғ тасвирини кўриш мумкин.

Биронта ҳам қир ювишга алоқаси бўлмаган суратни

нега унда «Кир ювиш уйи» деб атаган?

**719.** Француз файласуфи Жан Жак Руссо улар кўлга қоғоз ва қалам олиб ёзишга ўтиргач, мактубни нима билан бошлаб нима билан тугатишни билишмайди деган.

Улар деб кимларни назарда тутган?

**720.** Японияда уларни ота-она билмайдиган тирноқлар, Кореяда севги тирноқлари, Индонезияда кенжа фарзандлар, турклар 25 йил яшовчи болалар деб аташар экан.

Тирноқлар ўрнидаги бошқа қолдирилган сўзни топинг?

**721.** Нажмиддин Кубронинг тўлиқ исми Аҳмад бинни Умар Абдулжолиб Нажмиддин ал-Ҳавақий ал...

3 та нуқта ўрнида қолиб кетган 1 сўзни топинг?

**722.** Араблар «Токқа қор тушибди» деганда нимага ишора қилишади?

**723.** Араблар «дадам уйда кўзичокни бўғизламоқдалар» деганда нимага ишора қилишади?

**724.** Араблар яхши кўрадиган жумбоқни эшитинг: Кучукда нечта оёқ бўлади, агар уни думини ҳам ҳам қўшиб ҳисобласак, деган.

Ушбу жумбоқни сиз ҳам араблар каби фикрлаб айтишга ҳаракат қилиб кўринг?

**725.** Мана сиз Хитойликнинг хонадонига меҳмон

бўлиб келгансиз. Хитойликлар одатига кўра меҳмон мезбонга ўз миннатдорчилигини қайсидир кўринишда билдирар экан. Овқатни мазали чикқанини бир кўриниш билан билдирган. Қизиқ одат.

Бир дақиқадан кейин сиз ҳам улар одати бўйича миннатдорчилик билдиринг?

**726.** АҚШнинг Шимолий Каролина штатида 1903 йилда ака-ука Райтлар томонидан илк самолёт парвози амалга оширилган. Ўша воқеага бағишлаб кенг майдонда 3 метрли тош монумент ўрнатилган ва унга 4 рақами ёзиб қўйилган. Кўз олдизга келтирдизми?

Нега ўша монументга 4 рақами ёзиб қўйилган?

**727.** Троя ҳаробаларини топишга бел боғлаган Генри Шлиманга қазиш ишларини олиб бориш учун 120 та ёлланма ишчи зарур бўлган. У кўп ўйлаб 60 та юнон ишчиларини, 60 та турк ишчиларини ёллашга қарор қилади.

Бу билан Шлиман нимани кўзлаган эди?

**728.** XVII асрда голландлар, узунлиги 140, эни 80, баландлиги 50 см.ли мослама ёрдамида қон босимларини меъёрлаштиришган экан. Соғломлаштириш идиши ҳам дейилган.

Ўша мосламанинг номини топинг:

**729.** Латиш халқ топишмоғи.

«3 та қадрдон бир бўлиб омоч билан ер ҳайдайди».

Бир дақиқадан кейин сиз топишмоқ нима ҳақида эканлигини топиб беринг?

**730. Каримжон Ҳамроев. Бухоро вилояти, Ғиж-  
дувон тумани.**

У қўл узатса етадиган жойда яшайди. У сизга жуда содик. Агар хурсанд бўлсангиз у ҳам қувонади, хафа бўлсангиз, хафа бўлади. Унга ишонинг, унинг райига қарши борманг, шунда бахтли бўласиз.

Энциклопедиядан олинган бу парчада нима таърифланган?

**731. Леонардо да Винчи жумбоғи:** унда гуллар, тоғу-тошлар, иморатлар, барча предметларни кўриш мумкин.

Қаерда шунча нарсани кўриш мумкинлигини 2 та сўз билан топинг?

**732. Туркман халқ мақоли:**

40 та от бир кўлдан сув ичади, ичадию аммо тўймайди.

Топишмоқда келтирилган 40 та отни ва улар ичадиган кўлни топинг?

**733. Кавказ халқ топишмоғи:**

«Боғласам чопади, боғламасам ётади».

Кавказ топишмоғининг жавоби сандиқча ичидан жой олган.

Сандиқчада нима бор?

**734. 2002 йили бир соҳа мутахассислари буюртмасига биноан Франция бўйлаб 2 та автофургонда лаборатория фаолият олиб борган. Бир ярим йил давомида бу автофургон 18 мингдан ортиқ инсондан 378 мингга яқин тана ўлчовларини олишган.**





Қайси соҳа кишилари бу жараённи буюртма қилишган деб ўйлайсиз?

**735.** Хитой фалсафаси асосчиларидан Лао Цзи сандиқчадагини кўлига олиб туриб «Унда 4 унсурнинг барчаси иштирок этади. 3 тасининг иштироки бир қарашдаёқ кўзга ташланади. 4-унсурни кўриш учун файласуф бўлиш керак, деган.

Лао Цзи бу фикрни нимага қараб айтган?

**736.** Япон хоккуси:

Куз. Ер тўла сариқ барглар

Шоир ерда яна шунча . . .

Шоир ерда яна шунча нимани кўрмоқда? Танкуни 2 та сўз билан яқунланг.

**737.** Айтишларича, бир афсонада тангри лойдан инсонни ясабди-ю, муштдеккина лой ортиб қолибди. Шу ортган лойдан сенга нима ясаб берай дебди. «Бахт» деб жавоб берибди.

Унинг бу жавобига тангри нима деб жавоб берган?

**738.** Малайзиялик аёллар болаларини ухлатаётганда алла кўшиғи билан бирга узундан узоқ нималарнидир санар эканлар. Тасаввур қилинг, қандайдир номларни санайверади, санайверади. Тугагач яна бошидан бошлайди. То бола ухлаб қолгунча санайди. Ҳар оқшом болаларга бунини қайта-қайта айтишнинг тарбиявий аҳамияти катта.

Оналар алла ўрнига нимани қайтараверишади?

739. Қадимги Бобиллик аёллар кўп бора ишлатган бу иборани эшитинг:

Кема сузмокда, билмадим, кемани ранги зангорими, сариқ рангми.

Қадимги Бобилда кўп бор айтилган бу иборани аёллар қачон айтишган?

740. Собиқ Иттифоқда, асосан Кирилл алифбосида ёзилган. Аммо яна 3 та ёзув 70 йил давомида маълум муддатлар муомалада бўлган. Булар грузин ва арман ёзувлари.

Яна қайси шрифт СССРда маълум муддат қабул қилинган эди?

741. Москвада «Генацвале» деган грузин ресторани бор. Асосан, грузин мижозлари бу ерда меҳмон бўлишади. Менюда овқатлар нархларидан ташқари яна қўшимча идиш-товоқларнинг ҳам нархлари берилади.

Грузин ресторанида нега идишларнинг нархи кўрсатилади?

742. Наманганлик бир киши 2015 йилда бизга ёзган саволида ўзини негадир Олмосга, яъни Лезвияга ўхшатган. Ўтган йили эмас, келаси йили эмас, айнан 2015 йил лезвияга ўхшайман, деган.

Мухлисимиз нимаси билан ўзини Лезвияга ўхшатган?

743. Ўрта асрлар 100 йиллик уруш вақтида камончилар куйидагича машқ қилдирилган. Улар 200 метр узокликдан тахтага чизилган суратни мўлжалга олишлари керак бўлган. Имтиҳондан эсон-омон ўтиб олишлари учун камончилардан фақат мўлжалга



тўғри уриш эмас, яна бир нарса талаб қилинганки, бу камончининг кучли маҳоратини ҳам билдирган.

Яна нима талаб қилинган?

744. XIX аср ўрталари, Сувайш канали куриш лойиҳаси ҳам қилинмаган вақтларда Европадан Ҳиндистон томон энг яқин йўлдан кемалар қатнови йўлга қўйилди. Сезганингиздек бу трасса сув орқали бўлмаган.

Бу кемалар қайси трассадан юришган?

745. Ялта Конференциясига ташриф буюрган Черчелль ва Рузвельтга Сталин ҳақиқий грузинлар сингари вино эмас, бошқа ичимлик билан меҳмон қилган.

У нима билан меҳмонларни сийлаган?

746. Энг Қадимги дунё тарихидан билсангиз керак, сайёрамизда куруқлик яхлит ҳолда бўлган. Кейинчалик қитъаларга бўлиниб кетган.

Нима сабаб бўлган?

747. Филологлар қайсидир спорт инвентарини баданга тақиладиган узук деб аташади.

Қайси инвентарни?

748. XIX аср Украин Бурлаклари орасида шундай гап бўлган, кимда у бўлса уни кўзи яна ҳам яхши кўради. Кўшимча кўз деб аташган уни.

Бу ерда нима ҳақида гап кетаяпти?

749. Ўрта асрларда Қора денгиз, Кавказ ва Каспий бўйларида ҳукмронлик қилган Хазарлар хонлиги бўлган. Олий ҳукмдорнинг номи Хоқон бўлган. Аммо мамлакатни иккинчи шахс бўлган Бек бошқарган. Шундан тарихчилар Хоқон ва Бекни сандикча ичидагига ўхшатишган.

Сандикчада қандай 2 та нарса бор?

750. Австриянинг Альп тоғлари бағрида жуда кўп меҳмонхоналар, кемпинглар барпо этилгач, ҳудуднинг эко ҳолатига салбий таъсир қилгани айтилади. Ушбу маълумотномада бу баланд қаватли иморатлар қурилиши яна бир табиий ҳодисанинг камайишига сабаб бўлган экан. Бу ҳодисани кўриш учун ҳам туристлар келишар эди.

Қандай табиий ҳодиса сўралмоқда?

751. Финляндиялик бир тадбиркор катта, ҳашаматли ҳаммом бунёд қилиб, мижозларга қулайлик бўлсин деб ҳаммом ёнига бир муассаса ҳам барпо қилибди. Бу билан мижоз хотиржамлиги ва шунинг билан бирга уни қандайдир самара бўлиши назарда тутилган.

Ҳаммом ёнига нима қурдирган?

752. Рейкявикдаги марказий кўчаларда, майдону-ҳиёбонларда, йўллар четида тортилган арқонларни кўриш мумкин.

Уларнинг вазифаси нимадан иборат бўлган?

753. Португал тилида Мата-Бишу дегани – енгил нонуштани билдиради. Мата сўзини билсангиз керак –



Ўлим дегани.

Бишу нима деб ўгирилади?

**754.** Ўзбек тилининг иборалар изоҳли луғатида бу хайрли иқтибос фақат яхшилик маъносида айтилган. Хонадонда унинг кўп бўлишини, тўлиб кетишини истаб билдирилган дуо дейиш ҳам мумкин. Бирмунча хавфли. Сезганингиздек бу хайрли ибора асли, дуо деса ҳам бўлади. Аммо бу дуо ижобат бўлса хонадонга кутилмаган меҳмонларни ҳам кўпайиш эҳтимоли ошади.

Ўша хайрли иборани 3 та сўз билан айтинг.

**755.** Муштум журналидаги фикрлар. Кичкина болакайдан сўрашибди. «Отангнинг ёши нечада»? Болакай ўйламасдан «Менга қанча бўлса, унга ҳам шунча деган.

Болани мантиғидан келиб чиқиб айтинг, у нимани назарда тутган?

**756.** Овқат қилишни билмайдиган ва овқат пишира олмайдиган хотиндан ёмони йўқ, дейишади. Лекин ундан ҳам ёмони бор экан. Муштум журналининг ёзишича улар овқат қилишни билишмайди аммо:

... . марҳамат фикрни 2 та сўз билан тўлдириг?

**757.** 2 та эркак суҳбатлашганда, ҳар иккаласи ўзи ҳақида гапиришни ёқтиради, аммо 2 та аёл суҳбатлашганда ...

Улар ким ҳақида гаплашишади?

**758.** XIX аср бошлари Лондон кўчасида бир йигит ҳамма йўловчиларни ўзига жалб қилиб кетмоқда. Ҳамма тушунмасдан унга анграйиб қолишган. Ҳатто, бир баққол, дўконидан бир челақ сув олиб чиқиб устидан сепаб юборади.

У йигит нимаси билан ҳаммани ўзга ром этган эди?

**759.** Япон аёллари учун бир нечта кимоно турлари яратилган.

Айтингчи, келинлар учун тикилган кимононинг бошқаларидан фарқи қаерида бўлади?

**760.** Конфуцийни олдига бир аёл жамиятдаги бир ноҳақлик, тенгсизликдан шикоят қилиб келибди. Конфуций уни ишонтириш учун, у нарса мантиқан тўғри эканлигини бир мисол билан кўрсатибди. 4 та пиёла ва бир чойнақдан чой олиб чиқиб, чойнақдан пиёлаларга қуйибди. Бу мантиқан тўғри ҳаракат дебди. Энди 1 та пиёла ва 4 та чойнақда чой олиб чиқиб ҳар бир чойнақдан битта пиёлага чой қуйибди. Бу ўтакетган мантиқсизлик дебди.

Аёл қандай тенгсизликдан арз қилиб келган эди?

**761.** Чарли Чаплин илк фильмлари-нусхаларини мижозларга юборганда лентага қўшиб бир нечта ва роқ қоғоз ҳам жўнатган. Ўша давр фильмларининг ҳаммасида, албатта қоғоз ҳам юборилган.

У қоғозда нима ёзилган эди?

**762.** «Баҳорнинг ўн еттинчи лаҳзаси» фильмида



шундай лавҳа бор: Бош қаҳрамон Штрилицнинг разветкачиларга хос, миясида қилган ишларини режалаштириб, ўйлаб ўтирадиган одати бўлган. Мияси билан ўйлаб, кўли билан гугурт чўпларидан ҳар хил фигуралар ясаган. Фильмда негадир шу лавҳани, яъни Штрилицнинг қўлининг йирик пландаги тасвирида Вячеслав Тихоновнинг қўлидан фойдаланишмаган.

Нима сабабдан йирик пландаги қўл тасвирини бошқа инсоникидан фойдаланишган. Вячеслав Тихоновникини эмас.

**763.** Расул Гамзатовнинг предметларга бағишланган қисқа шеърлар тўпламида шундай ўхшатиш бор: фақат отга минганимда уни бир муддатга бўлсада унутаман.

Қайси предметга айтган бу фикрни?

**764.** Бир неча киши даладан компос топиб олишиб, Хўжа Насриддинга кўрсатиб: «Бу нима» деб сўршибди. Афанди компосга узоқ тикилиб аввал хохолаб кулибди, кейин зум ўтмай йиғлаб юборибди.

У нега кулган ва нега йиғлаган?

**765.** Парижли бир врач дўсти билан сайр қилиб юрганида, қаршисидан бир киши чиқиб қолибди. Врач эгилиб, куюқ сўрашибди. «Бой мижозларингданми» деб сўраса, «Йўқ у бой мижозларимдан бирининг. . .» деди. Унинг ёрдамида 100 минг франк ишлаб олдим дебди.

У киши ким бўлган?

**766.** Бутун умрини театрга бағишлаган Жан Батист

Мольер, уларнинг биринчиси учун битта одам кифоя қилади, иккинчиси учун 2 та, учинчиси учун энг ками 3 та одам зарур бўлади деган.

Жан Батист Мольердан келиб чиқиб айтинг, улар деб нималарни ажратган?

**767.** Ўйин ибораси инсонни болалигидан у билан ёнма-ён юради. Ўйинчоқ ўйини, футбол ўйини каби иборалар бор. Инсон рубобда ўйнайди, пианинода ўйнайди, актёрлар ўйнайди, спортчилар ҳам ўйнайди, раққосаларни айтмаса ҳам бўлади. Кўриб турганингиздек, инсон борлиги ўйин билан чамчарчас боғлиқ. Сандиқчада ҳам энг ўйинқароқ портрет ўрин эгаллаган.

Ўша портрет номини топинг?

**768.** Кулдорлик ривожланган даврларда, Бобилда, кулларга сандиқча ичидагидан истеъмол қилишларига рухсат бўлмаган. Уларнинг фикрича уни еган кишининг ақли ривожланиб кетади деб ўйлашган. Бугунги тиббиёт ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Сандиқчада нима бор?

**769.** Голландияда ҳар йилнинг баҳор кунларининг бирида Нидерландия қироличаси балиқчиларни тўплаб, уларни кўнгилларини кўтариш, руҳий далда бўлиш мақсадида катта базм ўтказади. Базмда егуликка фақат балиқ тортилади.

Бу байрам аниқ қайси санада ўтказилади?

**770.** Ҳинд донишмандлари билим – ўқишдан олинса,





хурмат қилган ишингиздан, фаровон ҳаёт – меҳнатдан келади дейишади.

Мукофот нимадан келади?

771. Она фарзандларига ва набираларига ипли пайпоқ тўқимоқчи бўлса, оёғининг ўлчамини олиб ўтирмас экан.

Тананинг қайси қисмини ўлчаб қўя қолади?

772. *Абдулла Абдукаримов, Учтена тумани.*

Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» романи асосида олинган фильм эсингиздами? «Кетмоқдаман» кўшиғи-чи?

«Яхши қол эй дилбарим,  
Дилда қадар кетмоқдаман.  
Ишқ аро энди ҳолим,  
Зеру Забар кетмоқдаман.

Зеру Забар сўзи эски ўзбек ёзувида айрим унлиларни белгиловчи чизиклар бўлган.

Кўшиқ матнида келтирилган зеру-забар сўзи билан ошиқнинг қандай ҳолати баён қилинган?

773. Машҳур заргар Карл Фабержъе ўз соҳасининг ҳақиқий фанати бўлган, атрофдагилардан ҳам шу муносабатни талаб қилган.

Фабержъега заргарлик буюми яшаш вақтида камар нима учун зарур бўлган?

774. Ривоятга кўра, қадимда бир ёлғончи инсон бўлган экан. Одамлар унинг бу қилиғидан тўйиб кетишибди. Тангрига шикоят қилишибди. Тангри

уларнинг илтимосини қондириб, у одамни 2 та палла орасига жойлаб тошбақага айлантирибди.

У одам тошбақага айлангунча нима иш билан шуғулланган?

**775.** Бутун жонзот борки, куёшга интилади. Курт кумрска, ҳатто куёшдан баҳра олади.

Шундан келиб чикиб айтингчи, чумолилар дам олиш кунлари (уларда дам олиш кунлари бўлиб туради) нима иш билан шуғулланишади?

**776.** Каратенинг Вадарью деган йўналишида агар спортчи жанг пайти бир қадам орқага юрса, бу тактика эканлиги ёзилган.

Спортчилар 2 қадам орқага юришса-чи, у нима деб уқтирилади?

**777.** Сандиқча ичидаги мослама сартарошлар учун чиқарилмаган. Унинг вазифаси бутунлай бошқа. Сартарошлар эса ундан эркаклар соқолини қиртишлаш вақтида фойдаланишади.

Сандиқчада нима бор?

**778.** Европада, хусусан Италияда шундай фермерлар борки, бу ўта ривожланган фермерларни ноль километрлар деб аташади.

Нега уларни ноль км.лар дейишади?

**779.** Хитойлик файласуф Мэн Цзи қарийб XXIII аср илгари айтган бир фикрини тингланг: Сув худди инсонга ўхшайди. Уни худди одамларга ўхшаб шўх ва тў-



палончиларга, сокин ва покиза сифатлиларга ажратиш мумкин. Сувни инсонга ўхшатдик, аммо Мэн Цзи бир ҳолатда инсон ва сувда ўхшашликни кўрмаймиз деган.

Қандай ҳолатда?

**780.** Немис файласуфи Людвиг Вернье фикрича нафратни беркитиш осон экан. Муҳаббатни ҳам амаллаб беркитиш мумкин.

Файласуф фикрича нимани беркитиш ўта мушкул?

**781.** Буни харита дейиш ҳам мумкин. Унча катта бўлмаган харита унинг сирли белгиларига қараб ҳамма ҳам бу белгилар нимани англатишини билиб олиб билмайди. Унча узун бўлмаган марказий йўл тўсатдан учга бўлиниб тезда тугайди.. Чехия шоири Людвик Ашкенази таърифлаган харита ходимимиз чўнтагида турибди.

Уни чўнтагида нима бор?

**782.** 1903 йилнинг 26 апрелида Мадриднинг Атлетика футбол клуби иш бошлаган. 1911 йилга келиб клуб иқтисодий қийинчиликлар учун, ҳатто футболкалар учун ҳам мато топа олмай қолади. Мадридда фаолият олиб борадиган тўшак матрац тикадиган бир фабрика уларга ҳомийлик қилиб футболка учун мато топиб беради. Аслида зангор ва оқ йўл йўл рангда ўйновчи клуб шу келишувдан кейин қизил ва оқ йўл йўл футболкага ўтиб қолган.

Нега Атлетика футбол клуби ранглари ўзгариб қолган?

**783.** Исаак Ньютон фикрича очлик, очик ҳаво, меъёрдаги уйку уни оширишга хизмат қилар экан. Ичкиликбозлик, бебилиска ҳаёт кечириш ва толиқиб қолгунча ўқиш уни йўқолишига сабаб бўлар экан.

Олим нимага бу таърифни берган?

### **784. Шаҳноза Содиқова. Андижон вилояти.**

Дейл Карнеги «Тангри бизнинг гуноҳларимизни кечириши мумкин, чунки тангрининг марҳамати чексиз, аммо у бизни кечирмайди» деган. Ёрдам бериб шуни айта олишим мумкин, бу саволнинг жавобини рухшунос бўлиб эмас, шифокор бўлиб топишга ҳаракат қилинг.

Гуноҳларимиз қаерларда ўз изини қолдиради?

**785.** Эрнест Хеменгуэй фикрича ёзувчи ишхонасида у доимо бўлиши шарт. Бўлганда ҳам катгароғи бўлиши керак деган.

Асар ёзаётган адиб хонасида нима доимо бўлиши керак деган Хеменгуэй?

**786.** Абу Али ибн Сино ҳузурига бели чиқиб кетган беморни олиб келишади. Шунда Ибн Сино узундан узоқ муолажани бошлайди. Аввал эшакни овқатига туз бериб 2 кун боқади. Сўнгра беморни унга ўтқазиб, яхшилаб боғлаб қўяди. Ана ундан кейин эшакка сув беради. Эшак қорни шишиб беморнинг бели жойига тушади.

Буюк табибнинг қийналиб бу муолажани қилишларига нима сабаб бўлган?



**787.** Станиславский театр кийим илгичдан бошланади деганда қанчалар ҳақ эди билмадим, аммо В.Шекспир театрни бошқа нарсадан бошланади деб билган. У жойда қайғуга қайғу, хурсандчиликка хурсандчилик кўшилади. У жойда шартлилик кўп меъёр бошқа бир сабаб туфайли атайлаб бузилади.

Шекспир қаердан театр бошланади деб айтган?

**788.** Мохинур Абдуллаева. Учтепа туманидан.

Немис халқ топишмоғи:

Ким у билан тенг келса ахлоқ.

Ким унинг устидан ҳукмрон бўлса, у қул. Ким уни бировга берса у қизганчиқ. Ким ундан маъно ахтарса у тентак. Уни енган киши билингки энг кучсиз одам.

Топишмоқнинг жавобини топинг?

**789.** Маҳмудназар Саиднабиев. Тошкент вилояти.

XIX аср охирларигача Буюк Британиянинг қишлоқларида қариндошларга уйланиш ҳодисалари кўп учраб турган. Айнан шу даврга келиб оммалашган бир ихтиро туфайли бу муаммо аста-секин бартараф бўла бошлаган.

Мантиқни ишга солинг ва айтинг XIX асрда яратилган қандай мослама бу муаммони бартараф бўлишига қандай ёрдам берган?

**790.** Юнус Ҳафизов. Фориш тумани.

Гольф коптоклари қаттиқ ва оғир қилиб ясалишидан хабарингиз бор. Гольф коптоклари ишлаб чиқарувчиларга баъзан махсус гольф коптокчаси буюртма қилишади. Бу коптокча фойдали минераллардан ясалиб, оғирлиги,

катталиги, ҳажми оддий гольф коптокчаларидан фарқ қилмайди. Бу коптокчалар фақат бир ерда ўйнаш учун ясалади.

Бу коптокчалар билан қаерда ўйнаш мумкин?

### **791. Бобур Раҳмонбердиев. Бекободдан.**

Профессional заргарлар аниқроғи заргарлик дўкони сотувчилари заргарлик буюмини текшираётган харидорни диққат билан кузатиб, қайси буюм уни қизиқтириб қолганини топа олишади.

Нимадан ё қаердан билишади?

### **792. Ситорабону Раҳмонбердиева. Тошкент вилояти.**

Эскимосларнинг теридан тикилган этиклари бор. Унинг номи ўнта деб аталади. Эркаклар учун тикиладиган ўнтадан кўра аёллар ўнтаси кенгроқ ва узунроқ тикилишини аниқ бир сабаб бор экан.

Нима учун аёллар этиклари кенгроқ ва узунроқ тикилади?

793. Ҳазилкаш Бернард Шоудан борди-ю сиз кимсасиз оролга тушиб қолсангиз ва сизда 5 та китоб сотиб олиш имконияти берилса, қайси китобларни олган бўлардингиз, деб сўрашганда, саволга ҳазил ва амалий жавоб берган экан.

Нима деб жавоб берган?

794. Жорж Байрон онаси билан ҳеч келишмай яшагани, улар тез-тез жанжаллашиб турганлари ҳақида кўп маълумотлар бор. Жанжаллар кучайганидан



кучайиб боравергач, Байрон маҳаллий дорихоналарга бориб бир ишни илтимос қилади.

Байроннинг бу илтимосини эшитган дорихоначи негадир пиқ этиб кулиб қўяди, бунинг сабабини мантиқни ишга солиб топиб беринг?

**795.** Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» аса-рида туркий сўзларнинг луғавий маъноси ҳам берилган. Масалан, ўн минг туман бўлса, ўнмингдан ҳам кўп сонни...

Нима деб атаган?

**796.** Бернад Шоу радиони жуда яхши кўрган, қандай керакли ва фойдали кашфиёт, мурватини бурасанг бас...!  
Шоу фикрини тўлдилинг?

**797.** Голливуд актёри Энтони Куин «Голливуд шундай жойки, барча фильмлари бахтли якун топади». Унинг фикрича, Голливудда у доимо бахтли якунламайди. У деб актёрлар шахсий ҳаётига ишора қилган.

Уни нималигини бир сўз билан топинг?

**798.** Эркин Воҳидовдан шеърий савол:

Кекса қайрағочнинг илдизин очиб  
Тортдилар кўш арқон солиб белидан.  
Лекин у панжасин тупроққа санчиб,  
Сира қўзғалмасди унган еридан ...  
Ниҳоят гурс этиб ерга қулади  
Бутаб, сўнг кўтариб кетдилар, бироқ,  
У ўз панжасида олиб жўнади,  
Яшаган еридан бир сиқим тупроқ.

Шоир бу шеърига қандай сарлавҳа қўйган?

**799.** Афина шаҳридаги ҳайвонот боғида бир йўлбарс истиқомат қиларди. Қарангки, одамлар чироғи тез ёниб ўчадиган (вспышкали) фотоаппаратдан уни суратга олавериб-олавериб, унинг кўзини кўр бўлишига сабаб бўлишган экан.

Шундан кейин ҳайвонот боғи ходимлари уни қайси лақаб билан атай бошлашган?

**800.** Туркиялик кўчманчи чорвадорлар хонадонига совчи келганда, албатта қизи бор уйга, келин куёвга қаҳва олиб чиқиши лозим. Куёв уни юзини буриштирмасдан ичиб қўйиши лозим.

Нега куёв юзини буриштирмасдан ичиши керак?

**801.** Мао Цзе Дун кучли шамол эсаётган пайтда девор қуриш шарт эмас, бу пайтда бошқа жойни қурган маъқул деган маслаҳат берган.

Бундай шароитда у нима қуришни маслаҳат берган?

**802.** Удмурд халқ топишмоғи.

Дунёда фақат битта от бор, 40 та аравани тортадиган. Топишмоқ нима ҳақида?

**803.** АҚШнинг Маклент деган шаҳарчасида, XIX асрнинг охирларида ковбойлар ўйлаб топган бир янгиликка бағишланган музей бор. У ерда уларнинг турли рангдагиси, турли катталиқдагиси, турли қалинликдагисини кўриш мумкин. Музейнинг номи ҳам Аждарҳо арқони деб аталади.





Бу музей нимага бағишланган? Кавбойлар нимани ихтиро қилишган?

**804.** 1986 йилнинг октябрь ойида Рейкявик шаҳрида М. Горбачев билан Р. Рейган ўртасида тарихий учрашув бўлиб ўтган. Айнан шу ерда «Совуқ уруш»га чек қўйилган.

Нега уларнинг учрашуви айнан Рейкявикда бўлиб ўтган?

**805.** Халқ сайларида ёғоч оёқлар билан юрган масхарабоз ёки артистларни кўп кўрганмиз. Аслида у илк бор XV– XVI асрларда Британия оролида айрим соҳа кишилари учун ёрдам тариқасида ўйлаб топилган экан.

Қайси соҳа кишилари?

**806.** Цру (Марказий разветка бюроси) директори бўлиб ишлаган Алан Дален улардан ажойиб разведкачилар чиқади деган. Чунки улар ён атрофга эътиборли, мослашиш жараёни уларда осон кечади, узоқ вақт жим ўйланиб ўтира олишади, деган Цру директори.

Унинг фикрича кимлардан разветкачилар тайёрлаш мумкин?

**807.** Уни файласуфлар йўлга тортилган арқонга ўхшатишади. У йўловчига йўл кўрсатади. Қийин пайти унга суяниш мумкин. Айрим бесабрлар арқон бўйлаб юрмасдан, бўйи пастлар арқонни тагидан, бўйи баландлар арқонни устидан ҳатлаб ўтишга ҳаракат

қилишади.

Бу фикрни файласуфлар нима ҳақида айтишган?

**808.** Кўпгина Европа мамлакатларида кўчалардаги оммавий намойишлар баъзан уруш тўпалонларга айланиб кетади. Шундай тартибсизликлар вақтида жуда кўп дўконлар тўс-тўпалон қурбонига айланадилар.

Айтингчи, ҳисоб натижага кўра қандай дўконлар тармоғи энг кам талафот кўриши кузатилган?

**809.** 1934 йилда Туркия парламенти махсус қарор чиқаради. Қарорнинг 1-бандида Мустафо Камолга – Отатурк номини бериш айтилади.

Қарорнинг 2-бандида нима айтилган?

**810.** Японияда 4000 дан зиёд улар бор.

Уларни топинг.

**811.** Япония конституциясининг 1-бандида «У давлат ва халқ бирлиги рамзидир» деб қайд этилган.

Уни топинг?

**812.** Япон ёзувчиларини ёзиб олинг: Рюноске Акутагава, Кобо Абе. Ясунари Кавабата, Харуки Мураками. Саналган ёзувчилар орасида фақат битта Нобель соҳиби бор.

Ўша ёзувчини топинг?

**813.** «Заковат» сандиқчаси ичидаги мосламани (ҳақиқатдан ҳам мослама у) Шотландиялик болалар ўйин-

чоқлари ишлаб чиқарувчи фабрика хўжайинининг 13 ёшли набираси Элли томонидан кашф қилинган. Аниқроғи, қизалоқ қўғирчоқ ясаладиган суюқ қориш-манинг қолдиқларига турли рангдаги бўёқларни билмасдан сочиб юбориши натижасида бир мослама ҳосил бўлган.

Сандиқчада нима бор?

**814.** «Заковат» сандиқчаси ичидагини бурятлар ҳам-ма тилни биладиган таёқча деб аташади.

Сандиқчада нима бор?

**815.** *Лайло Олимова. Фарзона шахридан.*

Тарихдан маълумки, XVIII–XIV асрда Европалик файлсуфлар очик ерларда халқни тўплаб, минбар қуриб, маърифий маърузалар сўзлаб юришган. Одам шунчалар кўп тўпланганидан нотиклар ўзлари билан доим байроқ олиб юришган.

Минбар ёнида осилган байроқ қандай вазифани бажарган?

**816.** *Анвар Холов. Касби туманидан.*

«Заковат» сандиқчаси ичидагига қулоқ солиб кўрингчи, овоз эшитилияптими? А. Навоий Ҳайрат ул-Аброрда «Бу қандай бичими келишган, ёқимли нарсаки овози бирам ёқимли, аммо уни овозини эшитиш учун ўта диққатли бўлиш керак. Унинг овозини эшитишга арзийди».

А.Навоий таърифлаган предмет сандиқча ичидан жой олган.

У сандиқчада нима бор?

**817. Анвар Холов. Касби туманидан.**

Расул Ҳамзатов «Менинг Доғистоним» асаарида Доғистон чўпонлари подани боққанда алоҳида вазифаларга ажратиб олишар экан. Кимдир тунда қўйга қараса, кимдир кундузи қараган. 3-тоифа чўпонлар эрталаб пода олдида, кечкурун пода орқасида юришади.

Уларнинг вазифаси аниқ нимадан иборат бўлган?

**818. Жаҳонгир Қайнаров. Сардоба туманидан.**

Қозоқларда илгари тўйларда келинга кумуш узук, куёвга тилла узук тақиш русум бўлган.

Нимага нисбатан аёллардан эркакларни мавқеи баландроқ тутилган?

**819. Жаҳонгир Қайнаров. Сардоба туманидан.**

Шекспирнинг Глобус театрида спектакл бўладиган куни эрталабдан оқ, ё қора баъзан қизил байроқлар осиб қўйилган.

Нима учун осилган?

**820. Сабина Саманова. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳридан.**

XX аср ўрталарида Германияда бир тадбиркор аҳолидан ишлатилган автомобиль шиналарини чексиз миқдорда сотиб ола бошлади. Албатта, автомобиль учун сотиб олмаган. У жуда машҳур киши.

Бу тадбиркор ким бўлган?



### **821. Музроб Ҳошимов. Қора-Қамиш 2/1 даҳасидан.**

Шарқ ривоятларида айтилишича, Бузургмеҳр: «Бошингда 2 та бир бирига тескари фикр пайдо бўлиб, қайси бирини амалга ошираолмай танг қолганигда, ундан маслаҳат сўра, жуда катта ердам бермаса ҳам тўғри йўлни топишинга кўмаклашади» деган.

У деб кимни назарда тутган?

### **822. Элмира Хўжаназарова. Кегайли шахридан.**

Нью-Йорк Миллий кутубхонаси ичида машҳур ёзувчилар учун махсус хоналар ажратилган. Хона кичик-кичик атцекларга ажратилган. Уларнинг ён томонлари ўраб, ажратилган хоналарда тинчгина ижод илишлари учун шароит қилиб берилган. Ҳамма ўзини хонасига кириб тинчгина ижод қилади. Лекин баъзи ёзувчилар маъмуриятга арз қилиб атрофдан чиқаётган баланд овозлар уларга халақит қилаётганини айтишганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Қандай овозлар уларни безовта қилган?

### **823. Абдулла Кароматов. Учқўрғон туманидан.**

Тартибсизлик тартибни бузилишидан туғилади, кўрқоқлик мардлик йўқолиши билан бўй кўрсатади, кучнинг емирилишидан кучсизлик келиб чиқади, куч ва кучсизлик уйғунлашса енгилмас кучга айланади, мардлик ва кўрқоқлик бирлашса, бу муайян – тизимга асос бўлади, деб таъкидлаган эди Сун Цзи.

Қадимги Хитой кўмондони Сун-Цзи фикрича тартиб ва тартибсизликдан нима пайдо бўлади?

**824. Рушана Ражабова Шаҳрисабздан.**

Қуйдаги афоризмни тингланг:

Кўрқоқнинг хотини бўлгунча, марднинг ...

Афоризмни яқунланг. Марднинг нимаси бўлиш афзал?

**825. Рамзиддин Норбобоев. Китоб тумани.**

Ўтмишда кўпни кўрган ота-оналар ўғиллари ҳаётни яхшилаб ўрганишсин деб, бегоналар билан муомала қилиш одобини яхши билиб олишсин, деб унга ёрдамчиликка беришган.

Кимга?

**826. Фахриддин Каримов. Хўжайли туманидан.**

Шарқ алломалари битикларида шундай ҳикматли гапни ўқиш мумкин:

Эшикнинг занжири қимирлаб тургани учун ҳам ...

Иборани 1 та сўз билан яқунланг?

**827. Равшан Шайзоқов. Жиззах вилояти.**

Қассоблар нима иш билан шуғулланишади? Биларкансиз. Тарихий адабиётларда қассобларни саллоҳлар ҳам деб юритилганини ўқиш мумкин. Аммо уларни ҳар иккаласини фарқи бўлган.

Нега қассоблар ва саллоҳлар деб ажратишади?

**828. Музроб Ҳошимов. Тошкент шаҳри Қора-Қамиш даҳасидан.**

Таиландда ҳар бир фил давлат назоратида туради. Филлар 50 ёшигача давлатга хизмат қилиб, давлат ғазнасига анчагина маблағ олиб келади. 50 ёшга



тўлган филлар нафақага чиқарилиб махсус фермаларда боқилади. Фермадан ташқарига чиқарилмайди. Шунда ҳам ундан давлатга қисман бўлсада фойда келиб туради.

Қандай фойда сўралмоқда?

**829. Шаҳноза Содиқова. Андижон вилояти, Қўр-зонтепа туманидан.**

Кўп бора саволлар йўлловчи мухлисамиз бу гал топишмоқнинг жавобини «Заковат» сандиқчасига жойлаб юборганлар:

Тахта кўприк устига,  
Кўй подасин тердилар.  
Ҳеч қанча вақт ўтмасдан,  
Уларни сувга отдилар.

Музлисамиз бу гал аёлларга хос савол тайёрлабди. Топишмоқ қаҳрамонлари сандиқча ичидан жой олишган.

Сандиқчада нима бор?

**830. Собиржон Одилов. Тошкент вилояти, Қибрай туманидан.**

Сандиқчадаги предмет Юнонистонда илк бор кашф қилинган деган мулоҳазалар бор. Машҳур юнон файласуфи Гораций уни илк бор кўриб, энди кўзлар ҳам қувонадиган бўлибди деган.

Сандиқчада нима бор?

**831. Жўра Розиков. Узун туманидан.**

Сандиқча ичидаги нарса қадимда фақат япон Император оиласигагина тааллуқли бўлган экан. Эрамизнинг 720 йили император Сюдзин, Киото шаҳрида унга бағишлаб бир нечта қасрлар қурдирган экан. Япон

олимларининг қайд этишларича, у Ай Кю нинг энг ками 3 фоизига ошишига ёрдам беришини айтишган.

Сандиқчада нима бор?

**832. Пардабой Умрзоқов. Сирдарё вилояти, Оқолтин туманидан.**

Улар Англия аҳолисининг 13 %ни, Япония аҳолисининг 10 %ни, Корея аҳолисининг 40 %ни ташкил қилади. Айтингчи, бу қандай кўрсаткич, Ўзбекистонда бу фоиз қанчани ташкил қилади?

**833. Абдурашид Ҳайитбоев. Янгийўл туманидан.**

«Битлз» гуруҳи хонандаси Поль Маккартни, ўз вақтида кўзи ожиз хонанда Стив Уандер билан дуэт кўшиқ куйлаган. Кўшиқ бирмунча сиёсий аҳамият касб этган ва унинг номи «Нега биз улар каби ёнма-ён яшай олмаймиз» деб аталади.

П.Маккартни оқ танли, С. Уандер қора танлилигидан келиб чиқиб, улар ўрнидаги 2 та сўзни топинг.

**834.** Бу итальян ёшлигидан сув ўйнашни ёқтирган. Курортларга борганида ҳам гидро даволаш усулларидан фойдаланишни хуш кўрган. Ҳаётини ҳам у сувга бағишлаган ва сув билан боғлиқ кашфиётлар яратган. Турли хил ванналар ихтиро қилган.

Унинг фамилиясини айтинг?

**835.** Рус офицерлари XIX асрда Кавказни 2 та сўзли ном билан аташган. Иккинчи сўз жой номи бўлса, биринчи сўз ўша жойнинг сифатини билдиради. Аслида иккинчи сўз бирмунча совуқ сўз.



Ўша 2 та сўзни аниқ айтинг?

**836.** Чех ёзувчиси Иржи Грожек Эгей денгизини зангор рангли мундирга, улар орасидаги оролларни мундирнинг тугмаларига ўхшатган. Эгей денгизида сузиб юрган теплоходларни эса унга ўхшатган.

Нимага ўхшатган?

**837.** Габроваликлар ҳазиллашиб мушуклари билан қиладиган бу ишни, Янги Зеландиялик фермерлар сигирларда қилишар экан. Мушуклар билан бу иш ҳазил бўлсада, сигирлар билан мутлақо жиддий.

Бу қандай иш эканлигини сизга қизиғи йўқ, айтингчи Янги Зеландияда нега сигирларда бу иш қилинади?

**838.** Негадир айрим ғарб фуқаролари календарда ойнинг биринчи куни якшанбадан бошланишини ёқтиришмайди.

Нега?

**839.** 1961 йил 12 апрелда биринчи космонавт самога парвоз қилади. Илк парвоздан анча кейин қурилган Москва айланма ҳалқа йўли билан, Юрий Гагарин парвози орасида аниқ рақамнинг ўхшашлиги бор.

Аниқ қандай ўхшашлик?

**840.** *Наргиза Назарова. Бекобод шахридан.*

Дунёга машхур бу шаҳарда ҳар йили февраль ойида – сув карнавали, май ойида – регата, октябрда – туманлар фестивали, ноябрда – вабодан халос бўлинган кун байрамлари бўлиб ўтади. Байрамларнинг энг машҳури ва каттаси август ойининг охири, сентябрь ойининг

бошларида бўлиб ўтади.

Юқорида қайси шаҳар ҳақида гап боради?

**841.** Михаил Задорновнинг «Эх, бу америкаликлар» деган интермедиясида америкаликларнинг оми эканликлари ҳақида мазза қилиб гапирди. Битта миниатюрада Америкаликлар ўлим жазоси қўллаш оқибатида вафот этган кишини ҳам даволаб кўришар экан. Бу ерда даволаб кўриш сўзлари ўрнида бошқа сўз бор.

Қандай сўз?

**842.** Испаниядаги матадорлар мактабида ўқувчи талабалар спорт гимнастикаси, от спорти, ашула дарси, айкидо ва футбол билан мукаммал шуғулланишлари талаб этилади. Бундан ташқари яна бир соҳани яхши билишлари керакки, бу уларнинг ҳаракатларида билиниб туради.

Сиз у соҳани 2 та сўз билан ёзиб беринг?

**843.** Саудия Арабистонининг қироли Сауднинг шахсий уй музейидан инвалидлар коляскаси ҳам жой эгаллаган. Бу коляскани у ҳеч қачон ўзи ишлатмаган.

Айтингчи, агар ўзи ишлатмаган бўлса, музейнинг энг кўримли жойига қўйилишига ким сабабчи бўлган?

**844.** Еврейлар товуқ гўштини яхши кўриши ҳаммага маълум, шундан келиб чиқиб бошқа халқлар еврей 2 та ҳолатда товуқ гўштини истеъмол қилади, биричи маротаба касал бўлганда, иккинчи маротаба... дейишади.

Иккинчи марта қачон улар товуқ ейишади?



## **845. Пардахўжа Ўткиров. Паркент туманидан.**

Саргарошлар ҳақида кўп саволлар ўйнапмиз. Уларнинг профессионал касалликлари асосан 3 хил экан. 1-кўз хиралашishi, 2-оёқ оғриқ бўлиб қолиши, 3-ўпкада касалланиш пайдо бўлиши деб ҳисоблашишади. Кўз ва оёқ оғриғи нимадан пайдо бўлиши тахминан сизга маълум.

Ўпка касаллиги нимадан пайдо бўлади?

## **846. Хўжаназар Исломов. Қамашу туманидан.**

А.Темур ўз аскарларининг соғлиғини ўйлаб, юришларда махсус рота ташкил этган бўлиб, бу рота аскарлари соғ бўлишига хизмат қилган.

Бу ротани вазифаси нима бўлган?

## **847. Абдукарим Эргашев. Ангрен шаҳридан.**

У ҳарбий зобит Қрим урушида қатнашган, Мексикадаги ҳарбий юришларга бошчилик қилган. Франко – Пруссия урушида асирда ҳам бўлган. 1899 йили ҳарбий министр лавозимида ишлаб, нафақага чиққан. Уни ҳарбий стратегия соҳасида бирон муҳим янгилigi бўлмаган. Аммо ҳарбийларнинг шахсий инвентарида унинг номи билан аталувчи кийим тури сақланиб қолган.

У ҳарбийнинг фамилияси ким бўлган?

## **848. Гуландом Махмасоатова. Яккабоғ туманидан.**

Лифт ҳақида жуда кўп савол ўйналган. Лифтдан дастлаб Нерон фойдаланган дейишади. Нерондан анча олдин ҳам лифт бўлган экан. Фақат одам ташишда ишлатишмаган. Бир соҳанинг дангаса, эринчоқ вакил-

лилари дастлаб лифтдан фойдаланиб, 2-қаватга туйнук орқали олиб чиқишган.

Қайси соҳа кишилари нима олиб чиқишган?

### **849. Одилова Зухра. Қарши туманидан.**

Леся Украинка деган украин шоирасининг бир тарихий поэмасида илгари украинларда айрим хонадонлар деразасига хўрознинг кўғирчоғи осиб қўйилиш одати бўлганини ёзган.

Бу нимага ишора эди?

### **850. Амиржон Ҳамроқулов. Самарқанд шахридан.**

Бу воқеа бошланганига 140 йилдан ошди. Ҳаммаси ўт ўрувчи машинанинг бузилиб қолишидан бошланган. 1877 йилнинг июнь ойида Англияда Крикет бўйича чемпионат ўтаётган эди. Ўт ўчирувчи машинанинг бузилиши сабабли, янги машинага маблағ тўплаш учун бир мусобақа ўтказилади. Кўпчиликка маъкул келиб қолгач ҳар йили айнан шу ойда шу мусобақа бўлиб ўтаётди.

Бу мусобақа номини айтинг?

### **851. Азиз Амиров. Тошкент вилояти. Чирчиқ шахридан.**

Хитой чинни идишлари ҳақида афсоналар жуда кўп. Аммо бу саволда келтирилган факт афсона эмас. Аини ҳақиқат. 2000 йил илгари бошланган чиннисозлик дастлаб ўта сир тутилган. Ҳатто, хитойликларни ўзидан ҳам сир тутилган. Кейинчалик бориб-бориб бу хунарни жуда кўпчилик эгаллай бошлаган. Шунчалар кўпайиб

кетганидан улгуржи савдога ҳам қоникмасдан, чиннилар сотила бошланган.

Яна қандай сотиш бошланган?

**852. Собиржон Тошматов. Фаргона вилояти, Бешариқ тумани.**

Топишмоқ:

Чарчамас кампир кўрдим, ёлғиз оёқ,

Оғзига тишлаб олган чўпдан таёқ.

Юрган сари белбоғини қаватлар,

Бериб унга гўзалликни аямай.

Топишмоқ нима ҳақида?

**853. Зоҳиджон Авлонов. Навоий вилояти, Кармана шахридан.**

Бу савол «Заковат» сандиқчасига жойлаштирилган. Фин тилида бир сўз бор, ўзбек тилига қалам ва наमत деб таржима қилинади. Сандиқчада қалам ва наमत бор.

Сандиқчада нима бор?

**854. Туркаш Ҳолматов. Самарқанд қиёяти, Пайариқ тумани.**

Одамлар ва айрим жонзотлар совуқ еганда титрайди. Бу ҳолат пайтида танада аниқ бир ўзгариш рўй беради шу туфайли тана титрайди.

Бу пайтда танада қандай жараён рўй беради?

**855. Эримбетова Зебо. Тошкент вилояти, Қуйи-Чирчиқ тумани.**

Академик Боткиндан подагра касалига чалинмаслик

учун нима қилиш керак деб сўрашганда, у шундай деб жавоб берган: биринчидан жуда оддий ҳаёт кечириш керак, 1 сўмга ҳаёт кечириш керак. Иккинчидан ...

Иккинчи сабабини топинг?

**856. Одилбек Жўрақулов. Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани.**

1874 йили Венадаги Опера театрида бир янгилик илк бор жорий қилинди. Шу куни Жузеппе Вердининг янги операси премьераси бўлиб ўтаётган эди. Премьерадан сўнг Вердидан янгилик маъқул бўлдими деб сўрашибди. «Уйкумни келтирди, бу янгилигингиз» деб жавоб беради.

Шу куни театр залида қандай янгилик жорий қилинганди?

**857.** Кейинги вақтларда жуда кўп табиат-ёнғинлари содир бўлмоқда. Ёз ойлари, айникса бу ҳолат кўпаяди. Табиатшуносларнинг кузатишича негадир ёнғин бўлган жой тепасига тезда йирик қушлар тўпланадир экан.

Ёнғин тепасига нега қушлар тўпланади?

**858. Иброҳим Тоҳиров. Бухоро вилояти, Пешку тумани.**

Қадимда Хитой императорларидан бири йилда 2 бор айиқ гўшти истеъмол қилгани айтилади. Бунини қарангки, унга фақат кўнғир айиқнинг олди ўнг оёғини пишириб беришар экан. Табиблар фикрича айиқнинг олд ўнг оёғи энг шифобахш экан.

Нега айнан олди ўнг оёғи мазали ва шифобахш бўлишини изохлаб беринг?

**859. Жаббор Раҳмонбердиев. Боёвут тумани, Пахтабод қишлоғидан.**

Мантиқий шеъринг топишмоқ. Бир йигит дўстига туғилган кун билан табриклаб шеър ёзмоқда.

32 ёшинг бўлсин муборак.

Яна бир айём билан қутлайман сени

Ахир бугун дўстлигимиз ҳам тўлди шу ёшга!

Яна бир сана билан, яъни улар дўст бўлган сана билан ҳам табрикламоқда.

Уларнинг дўстлигига неча йил бўлган?

**860. Насиба Бобоева. Жиззах вилояти.**

Ибн Сино «Тиббий ўғитлар» китобида қишда этикни кийганда жунли ё пахтали пайтава билан кийилиши, агар яна ҳам иссиқроқ юрсин десангиз пайтавани ўрашдан олдин сандиқчадаги жудда оддий нарса билан ўраб туриб, кийилса анча иссиқ тутиши айтилган.

Ўша жуда кутилмаган иссиқлик воситаси сандиқча ичида?

**861. Зоҳиджон Авлонов. Навоий вилояти, Кармана шахридан.**

Харуки Мурагамининг «Лексингтон арвоҳи» романи қаҳрамонининг турмуш ўртоғи бир фожиадан сўнг вафот этади. У бу фожиани доимо ёдга соладиган уйдан бошқа худудга кўчиб ўтмоқчи бўлади. Гарчи Японияда

47 профектура бўлсада, у фақат 8 та профектурани танлаб, шулардан Нагано шахрига кўчиб кетади.

Унинг аёли нимадан вафот этади?

**862. Маъмура Мамадинова. Сирдарё вилояти. Оқолтин тумани.**

Гиннеснинг рекордлар китобининг «Буюк тарихий шахслар» бобидан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳам исми қайд этилган. У тарихда шундай иш қилганки, уни бошқа биронта хукмдор қила олмаган.

Бобур Мирзони Гиннес рекордлар китобига киришига сабаб бўлган ҳодисани топинг?

**863. Шаҳноза Содиқова. Андижон вилояти, Кўргонтепа туманидан.**

Шаҳноза шундай табиий жумбокни ёзиб юборганлар: уларнинг биринчисини ҳеч ким кўрган эмас, аммо эшитган. Иккинчисини ҳамма кўрган, лекин ҳеч ким эшитмаган.

Уларнинг ҳар иккаласининг номини топинг?

**864. Немис топишмоғи: Уч кун у сизга яқинлашади, 3 кун сиз билан юради, уни сиздан кетиши учун ҳам уч кун зарур.**

Бу немис топишмоғи нима ҳақида эканлигини топинг?

**865. Тарихий латифа. Болакай онасига «Эртага географиядан имтиҳон онажон».**

Қани болам айт-чи. Германиянинг пойтахти қаер?  
Берлин.

Франциянинг пойтахти?





Берлин.

Польшаники-чи?

Берлин.

Қойилман ..... дейди онаси ўғлини исмини айтиб.

Болани исми ким бўлган?

## **866. Зухра Одилова. Қарши туманидан.**

Талаба профессорга юзланмоқда, «Мен тушимда профессор бўлиб қолган эканман. Айтингчи, ўнгимда ҳам профессор бўлиб қолишим учун нима қилишим керак».

Профессор нима деб жавоб берган?

## **867. Санжариддин Паравиддинов. Китоб туманидан.**

Туясини миниб чўлда кетаётган араб бадвийи йўлда чанқоқдан ўласи бўлиб ётган бир кимсани кўриб, туясидан тушиб унга сув тутибди. Сувни ичиб жонига оро кирган кимса, кутилмаганда бадавийни итариб юбориб туясига миниб қоча бошлабди. Бечора бадавий, туямни олсанг ол, зинҳор бу воқеадан одамлар хабардор бўлмасин, дебди.

Нега ундан буни илтимос қилган?

## **868. Индонез халқ топишмоғи.**

Меҳмон тўрда ўтириб, мезбон кўчада қолибди.

Бу 2 бўғинли хорижий сўзни Индонезия кўчаларида ҳам кўриш мумкин.

Бу хорижий сўзни топинг?

**869. Шохруҳ Ражабов. Тошкент шаҳри, Яшнаобод тумани.**

Халқаро авиаташувчилар қоидаларига мувофиқ, парвоз чоғи, самолёт салоида уларни ёнма-ён ўтиришлари расман тақиқланади. Бу парвознинг осо-йишталигини сақлаш мақсадида жорий қилинган. Ёрдам бериб шуни айтишим мумкинки, бу кўштирноқ ичидаги йўловчилар ҳеч қачон бир-бирлари билан муроса қилишмаган.

Ўша 2 та йўловчиларни топинг?

**870. Озодбек Мирзаев. Ангрен шаҳар.**

Анвар Обиджон «Чет тили» шеърдан парча: «Русчасига олча нима? – деб сўради зағизғон. Вишшия деб жавоб қилди у».

Уни топинг?

**871. Дониёр Валиев. Юнусобод тумани, Ҳасанбой маҳалласидан.**

Кинони олишда унга ёрдамчи воситалар талайгина. Машҳур режиссёр Луи Маль ундан фойдаланмай фильмлар ярата олган режиссёрни ҳақиқий кино режиссёри дейиш мумкин. Чунки фильмларни уни ёрдамисиз яратиш қийин. Яратиш мумкин, аммо таъсири чикмаслиги мумкин.

Қандай фильм элементи сўралмоқда?

**872. Абдумўмин Эшмуродов. Сурхондарё вилояти, Узун тумани.**

Боботоғ атрофида ажойиб тилёра қовун ва тарвузлар етиштирилади. Бу ҳудудда жайралар кўп. Тунда келиб тарвузларни ёриб, еб кетади. Дехқонлар бунга жуда кўп чоралар қўллашади. Ит боғлаб қўйишади, тунда



фонарлар ёкиб кўйишади. Фойдасиз. Кўп йиллик кузатувлардан кейин, жайра нимадан хайиқиши маълум бўлди. Полизчилар тунда сандикчадагидан фойдаланиб жайра балосидан қутулишган.

Сандикчада нима бор?

**873. Шодлик Кубаев. Жиззах вилояти, Зомин шаҳар.**

Инкубаторлардан фойдаланадиган махсус бир асбоб бор, уни номи осцелограф. Бу махсус асбоб ёрдамида жўжаларнинг қайси бири хўроз, қайси бири урғочи эканлигини аниқлаш мумкин.

Осцелограф нима ёрдамида аниқлайди?

**874. Гулмира Шомуродова. Фаргона вилояти, Яйпан шахридан.**

Тур де Франс велопоёғасининг этапларидан бирида, Рик Ван Лой деган велосипедчининг маррага озгина қолганда ғилдирак ичидаги симлар, специалар биринкетин узилиб кетиб, амаллаб маррага етиб келишга улгуради. Пойгадан сўнг журналистлар уни XIX асрда яшаб ижод этган машҳур мусиқачи номи билан атай бошлашган.

Кимнинг номи билан атай бошлашган?

**975. Анвар Холов. Қашқадарё вилояти.**

Рухшунослар учун чиқарилган «Сухбатдошни сирли бошқариш» китобида шундай маслаҳат берилган. «Сухбат бу – А, уни Б га айланторма», деган. Қисқа иборидаги А, кўпроқ роман, қисса, ҳикояларда, Б эса пьесаларда кўп учрайди.

А ва Б ни топинг?

**876. Зайниддин Эргашев. Қашқадарё вилояти, Косон шахридан.**

1935 йилда АҚШда, хусусан Нью-Йорк кўчаларида автомобилларга йўл четида тўхташ мумкин эмас деган йўл белгилари бўлмаган. Аммо ҳайдовчилар кўчаларда фақат иккита-учта жойда тўхташ мумкин эмаслигини яхши билишган. Ранг билан белгилаб кўйишган. Бундай жойлар ҳар бир кўчада бир нечтадан бўлган.

Кўчанинг қаерида тўхташ мумкин бўлмаган?

**877. Луқмон Асадов. Қўшрабод тумани.**

Машҳур давлат арбоби Бенжамин Франклиннинг учкур ибораларидан бирини тингланг: «Занг-темирни эрта емирилишига сабаб бўлади. Инсонни эса у емиради» деб айтилган иборанинг давомида.

Занг-темирни емирса, инсонни нима емиради?

**878. Мафтунбек Нарзуллаев. Сурхондарё вилояти Денов шаҳри.**

Файласуфлар фикридан келиб чиқиб ёзилган бир шеърни эшитинг:

На осмону-фалак,  
На замин ердан  
Биринчи ёлғон  
Бошланар мендан.

Бу шеърни ёзган шоир Қадам Сайид Мурод дунёга келган инсонга рўбарў келадиган биринчи ёлғон ҳақида ёзган. Шеър «Заковат» сандиқчаси ичидаги предмет тилидан ёзилмоқда.

Сандиқчада нима бор?



**879. Насиба Ибодова. Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани.**

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега ёши ўтган кексалар сутканинг аниқ бир вақти келганда уйкуга кетиб, аниқ бир вақтида уйғониб кетишади. Айнан танадаги бир ўзгариш уларни бунга мажбурлайди.

Қандай жараён туфайли, одамлар уйкуга кетиб, уйкудан уйғонишади?

**880. Менглибой Муродов. Навоий вилояти, Кони-мех шаҳарчаси.**

Кекса ёшли нафақадаги ўқитувчи Менглибой ака 50 тадан ошиқ теша тегмаган халқ топишмоқларидан ёзиб юборганлар. Энг мантиқли топишмоқлардан бирини сизга тайёрладик.

Қуйдаги топишмоқнинг жавоби сандиқча ичидан жой олган. Рўзғорда ишлатиладиган предмет.

«Кўзининг ёши оёғига дори» Сандиқчадаги оёғида тик туриши учун бир йиғлаб олиши керак.

Сандиқчада нима бор?

**881. Абдуваҳоб Ҳамидов. Самарқанд вилояти, Булунғур тумани.**

Қўйни қассобларчалик ҳеч ким бир қарашда билмайди, дейишади. Аммо бу маълумотни ҳамма қассоблар ҳам билавермаса керак. Қўчқор сотиб олиш учун бозорга борган тажрибали харидорлар қорни катта қўчқорни сотиб олмай ёнидан ўтиб кетишади. Чунки улар билишади, нега бу қўчқорни қорни катта бўлиб ўсганини.

Қандай қўйларни қорни катта бўлиб кетади?

**882. Тоҳиржон Алиев. Фарғона вилояти, Маргилон шахридан.**

«Заковат» сандиқчаси ичига бир предмет жойлаштирилганки, у ҳозир ҳам денгиз сайёҳатига чиққан йўловчиларга асқотадиган егулик. Кема чайқалиши пайтида у ёрдам беради.

Сандиқчада нима бор?

**883. Рустам Чориев. Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани.**

Поляк тилида гаплашиб кўрамиз. Поляклар отни коник деб аташади. Полни деб далани айтишади.

Поляклар нимани «Полни коник» деб аташади?

**884. Боймирзаевлар оиласи. Фарғона шахри.**

Бутун дунё биладиган 12 танинг 11 тасида у учрайди, аслида уларнинг умумий сони 11 та. 11 та эса яна 2 гуруҳга бўлинади, 4 та ва 7 тага. фақат биттасида у учрамайди.

Рақамларни диққат билан ўрганиб айтинг, 12 тада нима 11 марта учрайди.

**885. Анвар Холов. Қашқадарё вилояти, Касби тумани.**

А.С. Пушкиннинг «Горюхино қишлоғи» ҳикоясида ёзилишича, бу қишлоқда ғалати удум бўлган экан. Унга кўра, янги турмушга чиққан келин эрини 4–5 йил тарбиялаб, ҳатто шўрлик эрини калтаклар экан.

Нега эрлар дастлабки йилларда хотинларидан калтак еб туришган?



## 886. *Жавоҳир Каримов. Бухоро шаҳар.*

Япон жангчилари Ниндзялар энг оғир, хавфли топширикларни бажаришади. Баъзан бир неча кунлаб очнаҳор, ухламасдан юришга мажбур бўлишади. Бундай вазиятларда уларга тиббиёт ёрдам берган.

Тиббиётнинг қайси йўналиши уларга ёрдам берган?

## 887. *Фаргона шахридан. Камолиддин Тўхтамирзаев.*

Камолиддин бу саволни халқ устаси, мусиқий асбоблар ясовчи моҳир хунарманд Усмон Зуфаровга бағишланган мақоладан олган экан.

Афғон рубоби жуда қадимий мусикали асбобнинг номини. Мақолада айтилишича, бу рубоб пайдо бўлганда Афғонистон деган юртнинг ўзи ҳам бўлмаган экан.

Ниҳоятда маънос овозга эга бу рубобнинг номи нега Афғон деб аталган?

## 888. *Шухрат Рустамов, Қашқадарё вилояти, Қамашчи тумани.*

Мақсуд Шайхзода «Искандар Зулқарнайн» номли дoston ёзган. Унда Искандар ҳақидаги халқ ривоятидан ҳам фойдаланган. Унга кўра шоҳ бир соҳа кишиларини у билан боғлиқ сирни ошкор қилмаслиги учун ҳар гал қатл қилаверган экан. Охири мамлакатда бу касб билан ҳеч ким шуғулланмай қўйган экан.

Искандар Зулқарнайн қайси соҳа кишиларини қандай сирни ошкор қилишларидан чўчиб қатл қилдирган?

**889. Ётибор Исса. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани.**

Инсон танаси жуда мураккаб, тўлақонли қилиб яратилган. 2 та кўз, 2 та кулок, 2 та буйрак. Негадир инсон танасидаги 2 та буйракни чап томонидагиси бир оз кичикроқ бўлади.

Айтингчи, нега бир буйрак иккинчисидан кичик?

**890. Нодир Жўрамуродов. Самарқанд шаҳар.**

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек асарларидан бирида: Унинг борлиги ажойиб воқеа саналади. У нафақат овоз чиқаради, ур-сур тўпалонга ҳам сабаб бўлади. Унинг устида одамлар ўт бўлиб ёнишади, энг сокин, энг ҳалим кишилар ҳам унинг бошида жанжал қилиб, ҳатто муштлашадилар.

Ёзувчи Ойбек бу таърифни нимага берган?

**891. Жамолiddин Мирзаев. Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани.**

Ҳар йили совуқ тушгач, эрондан лайлақлар жанубий-ғарб томонга учишади. Кунлар исиши билан қайтиб келишгач, эронликлар хурсанд бўлиб лайлақларни қарши олишади. Улар лайлақларни хурматлаб бошқа ном билан аташади.

Эроннинг жанубий шарқдан келиб чиқиб айтингчи, лайлақ сўзига қандай сўз қўшимча қилишади?

**892. Олим Файзиев. Бухоро шаҳри.**

Япон шеърятти, хокку:

Эҳ айёр ялтироқ куртлар

Ҳеч ким кўрмаган деб

Тунда беркинаси...





Тунда ялтироқ куртларга қаерда қулайлигини топсангиз жавобни ҳам осон топасиз.

Айёр ялтироқ куртлар тунда қаерда кўринмайди?

### **893. Олим Файзиев. Бухоро шаҳар.**

«Ноёб ҳислатли инсонлар» китобида имкониятлар ҳақида мақолалар келтирилган. Ноёб кўзли кишилар бўлими бошқалардан фарқ қилиб туради. Буни бир қарашда билиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб айтингчи, ноёб кўзли инсонлар боби бошқа боблардан нимаси билан фарқланган?

### **894. Сардор Валихонов. Тўймена шахридан.**

Олимлар шимпанзени гапиришга узоқ вақт ҳаракат қилишган. Уларни томоқларида сўзларни тўлиқ ифода эта олмаслигини аниқлашган. Америкалик эр-хотин Гарденлар шимпанзеларни сўзлата олишган.

Эру хотин олимлар уларни қайси тилда сўзлата олишган?

**895.** Орган чалишда бениҳоя маҳоратли бўлган савол қаҳрамони ёшлик вақтларида ҳафтада 2 кун Париждаги машхур ибодатхоналардан бирида ишлаган. Унинг ажойиб ижросини тинглаш учун, ҳатто шаҳар ташқарисидан ҳам ибодатга келишгани айтилади.

У буюк шахсни топинг?

**896.** Мексикада у учта катта шаҳарларда бор. Мехико, Гвадалахара, Монттерейда. Ўзбекистонда у фақат пойтахтда бор.

Уни топинг?

**897. Санжариддин Паравиддинов. Китоб туманидан.**

Раблининг «Гаргантюа ва Пантагрюэль» асарига ғаройиб факт учрайди. XVI асрдан бошлаб, ўғри ва майда жиноятчиларни чап кулоқлари кесилгани ёзилган. Ўша давр тиббиётида айнан чап кулоқда шундай хусусият борлиги аниқланган. Бу жазо фақат жамият учун эмас, жиноятчиларнинг сонини камайишига тааллуқли бўлган.

Тиббиёт чап кулоқдаги қандай хусусиятни аниқлаган?

**898. Жўрабек Эргашалиев. Қарши туманидан.**

Хитой донишмандларидан бири Сюй Цзе Шу бу ишни хурсандчиликда ҳам, зерикканда ҳам, мусиқа тиниб қолганда, ярим кечаси суҳбат кураётганда, об-ҳаво яхшилигида ҳам, ёмонлигида ҳам, овқат еяётганда ҳам, овқатдан кейин ҳам қилиш мумкин. Фақат ухлаётганда ва эҳтиёт чораси туфайли от устида мумкин эмас деган.

У ишни топинг?

**899. Бахтиёр Сиддиқов. Фаргона шахридан.**

II аср илгари Хитойда эркакларга узун соч турмаклари қилиб юриш мажбурий бўлган.

Айтингчи, кимлар ўша вақтларда узун сочларига силлик мой суртиб юрган?

**900. Моҳира Юзбоева. Кармана туманидан.**

Леонардо Да Винчи жумбоғи: киз ҳам эмас, ўғил ҳам эмас. Бева ҳам эмас, турмуш ҳам қурмаган, аммо болалари бор, одамга ҳам оғрик, ҳам ҳузур бахш этади. Асосийси ундан табиатга ва, айниқса ўсимликларга



фойда кўп.

Жумбоқнинг жавобини топинг?

**901. Қосимхон Аҳроров. Бўстонлик тумани.**

Япониянинг Кабуки театрига ташриф буюрган томошабинларга кулоқчинлар тарқатилади. Ҳатто, япон томошабинлари ҳам таржима учун кулоқчинда ўтиришади.

Нега японлар ҳам кулоқчинни тутиб томоша қилишади?

**902. Қосимхон Аҳроров. Бўстонлик тумани.**

Дунё Жуғрофия жамияти қитъалар марказини ғаройиб усулда аниқлар экан.

Шу усулда Африка қитъасининг марказини топиб беринг.

**903. Насиба Ибодова. Самарқанд вилояти. Пахтачи тумани.**

Тарихчи Хондамир ёзишча, А. Навоий ўз даврида Ҳирот атрофига «Ихлосия» мадрасасини, Халосияхонақосини, Шифоия – касалхонасини ва Сафоия иморатларини барпо қилдиради.

Сафоия номи остида нима қурдирган?

**904. Бекношиа Раззоқова. Хоразм вилояти, Урганч шаҳар.**

Адабиётшунослар Гоголнинг «Ревизор» комедиясининг бош қаҳрамони Хлестаков эмас дейишади. Асарнинг бош қаҳрамони ким деб эмас, нима деган маъкул.

«Ревизор» пьесасининг бош қаҳрамони нима?

**905.** Япон ресторанларида делфиннинг бир тана аъзоси асосий делекатес овқат саналади. Гарчи куюк таом бўлсада уни таёқчалар билан ҳам, вилка билан ҳам ейишмайди. Қошиқ билан еган кулай.

Бу таом дельфиннинг қайси тана аъзоси деб ўйлайсиз?

**906.** Мисрдаги машхур пирамидаларни томоша қилишга келган туристлар учун турли акциялар жорий қилинади. Масалан, маълум бир кун фақат болаларга ажратилади. Яна шундай бир кун, бир хил кишиларга ажратилади. Улар келадиган кун, пирамида атрофидан тўсиқлар олиб қўйилади.

Улар кимлар?

**907.** *Миржалоил Раҳматов. Ғиждувон туманидан.* Англия тарих музейида, инглизлар учун қадрли бўлган узун бир экспонатни кўриш мумкин. Уларга ёрқин кайфият ва ифтихор бағишлаган бу предметнинг чап томонида унга қараб турган бир инсоннинг ҳайкалини ҳам кўриш мумкин. Инглизлар учун қадрли бўлган бу предмет бемалол Англия тарихидан жой олиши мумкин.

Ўша инсоннинг ва предметнинг номини топинг?

**908.** *Мардон Сарихўжаев. Яккасарой туманидан.* Инглизлар жуда кизикувчан халқ. Ҳар йили Британиянинг Ньюкасл шаҳри ташқарисидаги ялангликда самолётдан парашют орқали сакраш мусобақалари ташкил этилади. Самолёт маълум баландликка кўтарилгач, спортчилар сакрашни бошлашади. Мусобақалар хаво ниқобларида бўлиб ўтади.

Спортчилар аниқ неча метр баландликдан сакрашади?

## **909. Озабек Кўкланов. Амударё шахридан.**

Бериладиган саволнинг жавоби 2 та «Заковат» сандиқчаси ичига жойлаштирилган.

Берлиндаги «Фақат ов учун» деган дўконда шундай ҳазилнамо эълон пайдо бўлади. «Агар сиз 50 дона 1-сандиқчадагидан харид қилсангиз, текинга бир килограмм 2-сандиқчадагидан берамиз деган».

«Фақат ов учун» ҳар иккала сандиқда нима бор?

**910.** 1940 йили тиббиётда оламшумул янгилик содир бўлди. Ўша пайтда жуда танқис бўлган А витамини акула ошқозонида борлиги аниқланди. Шундан сўнг акулаларга қирғин кучайиб кетади. Аммо орадан 10 йилча ўтиб 1950 йилларга келиб, бу акула васвасига барҳам берилади.

Нима сабаб бўлган?

## **911. Ҳакимжон Мадраҳимов. Чирчиқ шаҳар.**

Абу Али ибн Сино, инсон танасида мисли кўрилмаган даражада қувват мавжудки, уни танадан чиқиб кетмаслиги учун «Заковат» сандиқчадаги доимо ёрдам бериб келган деган.

Табиблар табиби танадаги қувватни нима сақлайди деб билганлар, сандиқчада нима бор?

## **912. Шаҳноза Содиқова. Андижон вилояти, Қўрзонтепа туманидан.**

Ўзбек халқ табобатида, одам аъзоларига кўриниши жуда ўхшаш неъматлар борки, ўша аъзоларга шифо бўлиши қайд этилган. Масалан, ёнғоқ кўриниши мияга ўхшаш, мияга кўп озик бўлади. Ўрик ва шафтолидан юракка кўп фойда бўлади, анор шарбати – қонга, ловия

буйракка ўхшаши билан бирга унга яхши қувват берар экан. «Заковат» сандиқчаси ичидаги табиий неъмат, ўсимлик одам қон томирларига ўхшайди ва уни бакувват қилар экан.

Сандиқчадан ўрин олаган табиий неъмат номини топинг?

**913. *Мадина Оллоберганова. Хоразм вилояти, Хива шаҳридан.***

Гёте ҳикматларидан бирида, ғоялардан узоқлашган ҳар қандай одам охир-оқибатда қулга айланиб қолади. Инсон ўзи билан боғлиқ ҳолатга қул бўлиб қолади деган. Билимдонларда ҳам мақсаддан узоқлашган пайтингизда уни қули бўлиб қолиш ҳолати учраб туради.

Ғоядан узоқлашган одам ниманинг қулига айланиб қолади?

**914.** Кимки ўз даврининг яхши ғуқораси бўлса, замондош бўлишга ҳақлидир, деган Гёте.

Кимга ёки нимага замондош бўлиши мумкин?

**915. *Комилжон Тошматов. Андижон шаҳридан.***

Михаил Булгаков «Уста ва Маргарита» романи воқеалари эрамиздан олдинги вақтдаги тарихий воқеалар билан уйғунлашган ҳолда тасвирланади. Асарда шундай парча бор: «Нисан ойининг 14-куни эғнига оқ ёпинғич плаш ташлаган Иудей прокурори Понтий Пилат чиқиб келди», деган. Ёзувчи Ниссан оёи қандай оёи эканлигини изоҳлаб кетган.

Юқоридаги парчадан келиб чиқиб айтинг, қадимги Сурияликлар Ниссан деб қандай оёни назарда тутишган?



## **916. Садоқат Турдиева. Оқдарё туманидан.**

Леонардо да Винчи жумбоғи:

Қайси жонзот ҳеч қачон уйини соғинмайди?

Жумбоғда келтирилган жавобни ўйлаб жавоб беринг?

## **917. Абдусалом Тўлаганов. Чироқчи туманидан.**

XIX асрда Англия жамоатчилиги орасида бир ҳазил гап юрган. «Цейлон Англияга қарашли бўлсада, унга хизмат қилади» – деб Томас исмли кишининг номини келтиришар эди.

Томаснинг фамилияси ким бўлган?

## **918. Абдулла Сайфиев. Жиззах вилояти. Зафаробод тумани.**

Велосипедни ким ихтиро қилган? Бу саволга ҳар хил жавоб бериш мумкин. Инглиз почтаси ходимлари Карл Драйз яратган ёғоч велосипедни педали бўлмасида сотиб ола бошлаган. Унинг бу велосипедини почта бошқармаси олишга олгану, бир оз ўтиб кескин рад этган. Уларга бу лойиҳа анча қимматга тушган эмиш. Велосипеднинг нархини туширса ҳам рад қилишган.

Нега велосипедни арзон баҳога таклиф қилса ҳам қимматга тушмаяпти деб олишмаган?

## **919. Чори Каримов. Нишон туманидан.**

Бу иншоотнинг дастлабки қисми 1174 йилда қурилган. Аммо охирига етмаган. Мемор қочиб кетган. Яна тўрт маротаба бу иншоотни қуришга ҳаракат бўлган.

Фақатгина 1350 йилда қурилиш амаллаб охирига етказилган.

Бу қайси иншоот?

**920. Сарвар Қудратов Бухоро вилояти, Шофиркон шаҳар.**

Бу саволга жавоби «Заковат» сандикчада ўша шаҳар номи билан яратилган маҳсулот бор.

Қадимги Рим ҳукмронлиги даврида кўпгина шаҳар ва давлатлар унинг колонияси бўлган. Ҳозирги Германия ҳудудида ҳам уларга қарам ҳудуд бўлган. Бу ҳудуд бориб-бориб катта шаҳарга айланиб, бугун ўша римликлар атаган ном билан айтилади.

Бу қайси шаҳар, сандикчада нима борлигини ҳам айтинг?

**921. Ҳамиджон Мамажонов. Сўх тумани.**

Ҳалигача бир касб эгалари фаолият олиб боришади. XX аср бошларида улар қўлларида совун тоғора, латта ва супурги кўтариб Европа шаҳар бозорлари олдида мижоз кутиб ўтиришарди. Уларни бажарадиган ишлари ўта махсус бўлган.

Улар нима иш билан шуғулланишади?

**922. Украиналик Борис Бурда: Одесса уста – хунармандлар шаҳри бўлган. XIX асрда шогирд-хунарманд уста номига эришиш учун имтиҳонлар топширган. Тикувчи уста бўлиши учун эркаклар ва аёлларнинг ҳамма кийимларини тика олиши, шляпа тикувчи эса энг қийин гусарлар учун бош кийимни қойил қилиб тикиб бериши талаб этилган. Заргар уста бўлиш учун турли тилла тақинчоқлардан ташқари яна**





шундай бир нозик ишни бажариши керак бўлганки, ўша пайтда жуда нозик деб ҳисобланган. Бу ишни бугун заргарлар ясашмайди, деб таъкидлаган.

Бу жуда нозик деб ҳисобланган иш нима эди?

**923. Зумрад Тўйчиева. Фарғона вилояти, Учкўприк туманидан.**

Хитой киноматографлари томонидан ишлаган «Императорнинг болалиги» фильми, 6 ёшида тахтга ўтирган Цзин-Шу ҳақида эди. Болалик даврини эслаб, тахтга ўтирган кун аτροφ туман билан қопланганини эслайди. Негадир бу туманнинг ранги бошқа рангда бўлгани сабабини кейин тушунганини айтади.

Унинг болалик давридаги туман қандай рангда бўлган?

**924. Мехрибон Бердиназарова. Ургул тумани.**

Қорамолларга қандай ҳайвонлар киради? Санаб бера оласизми? Сигир, Буйвол, кўтос, буғу, бизон, зубрлар – қорамоллар сирасига киради. Миллий энциклопедияда уларга шундай таъриф берилган. «Қовушшохлилар оиласига мансуб жуфт туёқли ҳайвонларда яна бир хислат борки, бошқа ҳайвонларда у ҳолат кузатилмайди», дейилган.

У фақат қорамолларга хос қандай хислат?

**925. Олимжон Дадабоев. Фарғона вилояти, Кўқон шаҳридан.**

Бир машҳур шоирнинг ўзи ҳақидаги 3 та маълумотни ёзиб олинг: Эндода туғилганман, амалдор бўлмаганман, кўп сайёҳатда бўлганман.

Айтганимдек, у машҳур инсон. Камтарлик қилиб

негадир ўзи ҳақида 3 тагина маълумот айтган.

Ким у машхур тарихий шахс?

**926. Нодира Тўйманова. Самарқанд вилояти. Қўш-  
раобод тумани.**

Ф.М. Достоевский «Камбағаллар» романидан иқти-  
бос:

– У Йўл бошқарувчи! Одамларнинг қалбини  
мустаҳкамловчи ҳамдир.

– У суврат ва ойнага ўхшайди. Унда эҳтирос, нозик  
хислар, насиҳатлар, хужжатлар мавжуд.

Иқтибос нима ҳақида?

**927. Аслиддин Гаффоров. Сурхондарё вилояти,  
Денов тумани.**

Хитойнинг миришкор деҳқонлари шоли экиб ҳоси-  
лини йиғиб олишганда бир вақтнинг ўзида шолизордан  
қўшимча даромад ҳам олишар экан. Шоли ўсимлигини  
яхши билган кишиларга бу саволга жавоб топиш  
мушкул эмас.

Шолизордан йиғим-терим даври яна қандай ҳосил  
йиғиб олинади?

**928. Гулруҳ Чориева. Олмалиқ шахридан.**

Бугун тиббёт ўта ривожланган даврда жуда кўп даво  
усуллари, фойдали маслаҳатлар ўйлаб топилмоқда.  
Аёлларга кулоқларини доимо уқалаб юришни маслаҳат  
беришади. Бу уларга жуда ёрдам бериши исботланган.

Мантиқан ўйлаб айтингчи, қачон ёрдам беради?

**929. Мақсуда Раҳмонова. Андижон вилояти, Булоқбоши тумани.**

Кекса педогог Мақсуда Раҳмонова Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» китобидан савол юборибдилар.

Миллий ўйинимиз улоқ-кўпкарида тортиладиган улоқ кечаси билан сувга бўктириб пишилади. Кейин эртасига даврага ташланади.

Нима мақсадда улоқ сувга бўктириб қўйилади?

**930. Хуррам Содиқов. Тошкент вилояти, Пскент тумани.**

XIX асрда уй бекалари картошкадан фақат овқат тайёрлашмаган, ундан бошқа мақсадда ҳам фойдаланишган.

XIX асрда уй бекалари картошкадан яна нима мақсадда фойдаланишган?

**931. Ҳамиджон Мамажонов. Сўх туманидан.**

Тут дарахти жуда фойдали ва зарур дарахт. Соясида дам олиб, мевасини хўл ёки куритиб еб, баргини ипак куртларига бериб, танасидан мусиқа асбоби ясалади. Худди шундай бир дархт Африкаликларда ҳам бор. Мевасини еб, ҳам мураббо қилиб, сувини сиқиб олиб ичимлик тайёрлаб, ундан уксус олиниб мевасини ёғидан совун тайёрлаш ҳамда сиёҳ ҳам олиш мумкин экан. Дарвоқе баргидан мато ва арқон тўкилади.

99 кароматга эга дарахт номини топинг?

**932. Ёйтибор Исса. Тошкент шаҳри.**

Тоза табиий асал нега инсон ошқозонида тез ва осон

ҳазм бўлади. Асални бу қадар ҳазм бўлишига асалари сабабчи, асал йиғиш жараёни сабабчи.

Асал нега инсон танасида тез ва осон ҳазм бўлади?

### **933. Хуррам Содиқов. Пскент шахридан.**

Афоризмлар китобида жуда ҳаётий ва қизиқарли бир учқур ибора бор: гувоҳлар ўлиши билан улар пайдо бўлади деган.

Гувоҳлар қолмаса, нима пайдо бўлади?

### **934. Абдуқодир Абдурахимов. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани.**

Ўзбеклар ўғил фарзанд кўришганда, яхши ният билан терак экишади. Маълум муддат ўтгач терак етилиши билан уни йикитиб терисини шилиб, қуритишга кўйишади.

Нега теракнинг терисини шилганда икки учидан ярим-ярим метрдан териси шилинмайди?

### **935. Омонбой Иброҳимов. Хоразм вилояти, Қўшқўпир тумани.**

Илк артиллерия тўплари мисдан ясалган бўлиб, бир неча бор ўқ отгандан сўнг у қизиқ кетган. Яна ўқлаш учун халақит қилган. Уни тез совитиш учун бир суюқликдан фойданишган. Оддий сув қўйилса металл ҳолати ўзгариб, ҳатто ёрилиб кетиши ҳам мумкин. Бир оз ёрдам бериб кўраман, бу суюқлик етти ухлаб тушингизга ҳам кирмайди. Бу суюқликни ошхона атрофидан қидиринг.

Тўпни қандай суюқлик билан совитишган?

**936. Луқмон Асадов. Самарқанд вилояти, Қўшра-бот тумани.**

Конфуций таълимотларидан бирида «Энг доно ва энг нодон инсонларни ўзгартириб бўлмаслигига сабаб инсон организмидаги физиологик бир бошқарув тизими ўзгармаслигидир».

Нима доно ва нодонларда ўзгармас ҳисобланади?

**937. Луқмон Асадов. Самарқанд вилояти, Қўшра-бот тумани.**

Доно инсонлар ҳам хато қилиши мумкинми, деган саволга Конфуций «Муҳокама ва баёни» асарида «Олийжаноб ва доно инсонлар ҳам хато қилишади. Уларнинг хатосини омма катта ҳодиса деб қабул қилишади». Конфуций уларнинг хатосини бир табиат ҳодисасига ўхшатади. Хатони қандай тузатишини ҳамма диққат билан кузатиб туради.

Бу хатоликни у қандай ҳодисага ўхшатган?

**938. Мухлиса Мадмусаева. Олтиариқ.**

Сумо курашчилари япон анъаналарига энг садоқатли кишилар ҳисобланишади. Аммо бир ишни улар худди Европаликлардек бажаришади. Японлардек қила олишмайди, қийналишади.

У қандай иш?

**939. Фарида Оллаёрова. Хоразм вилояти, Хазорасп тумани.**

Овқатга кимдир мурч, кимдир гармдори, кимдир сирка қўшиб ейди.

Файласуф Сукрот фикрича овқатга нимани қўшиб ейилса, қорин тез тўяди, энг тўғри иш бўлади?

## **940. Фарида Оллоёрова. Хазорасп.**

Ҳинд океанидаги Мергуё оролининг аҳолиси вақт ўтган сари қаримасдан, аксинча ёшаришар экан. Уларда чақалоқ туғилганда 60 ёш деб белгиланиб йил сайин ёшариб бораверар экан.

60 йилдан ортиқ яшаганларни улар қандай аташган деб ўйлайсиз?

## **941. Насиба Ашурова. Сирдарё вилояти, Гулистон тумани.**

XX аср ўрталаригача АҚШ пул бирлигини қалбаки эмаслигини аниқлашда, кўпчилик олиб юрадиган предмет «Заковат» сандиқчасининг ичида.

Сандиқчада нима бор?

## **942. Шахноза Назарова. Косонсой туманидан.**

Мурманскдаги табиат музейи олимлари уни инсон саломатлигига яхшигина таъсири бор. Чунки у вақтда одатий ритм бузилади. Танада ўзгаришларга сабаб бўлади, қон босим ошиши, уйқусизлик рўй бериши кўпчиликда синовдан ўтганини баён қилишган. Энг асосийси мелетонин деган гармонрегулятор ўзгаради.

Олимлар қандай ходисани назарда тутишган?

## **943. Хўжаназар Исломов. Қамашу туманидан.**

Сандиқча ичидаги қўлланмада, велосипед, арава ва хайвонлар ҳақида ҳам йўл-йўриқларни ўқиш мумкин.

Сандиқчада нима бор?

## **944. Пардахўжа Ўткиров. Паркент.**

Итальян шоири Жан Франческо Страпароланинг «Хайрли окшом» шеърдан парча:



Мен енгил ва гўзалман, шундан яқинман.  
Кечаси ҳам, кундузи ҳам хонимларга ҳамроҳман.  
Мен орқали аёллар жуда кўхлик кўринар.  
Уларнинг нафаслари эса мени шод қилар.  
Бу шеър қаҳрамони «Заковат» сандиқчасининг ичида.  
Сандиқчада нима бор?

**945. Наргиза Назарова. Бекобод туманидан.**

1816 йилда Британия ороли аҳолиси жуда оғир очарчиликни бошидан ўтказди. Қишлоқ хўжалигига, деҳқончилик, чорвачиликка катта зарар етади. Емиш камлигидан чорва моллари, отларгача қирилиб кетади. Шу мудҳиш ҳолат Англияда бир янгиликка асос бўлган экан.

Қандай янгилик сўралмоқда?

**946. Абдурашид Ҳайитбоев. Янгийўл туманидан.**

Шерлок Холмс ҳақидаги ҳикоялардан бирида, Шерлок Холмс ҳаётида энг муҳим воқеалардан бири 1881 йилнинг 1 январиди бўлиб ўтгани ёзилади.

У қандай воқеа эди?

**947. Абдуали Холов. Қашқадарё вилояти, Касби туманидан.**

Қуйидаги шеърни ёзиб олинг:

Жасорати оламни тутган,  
Машҳур ботир ётар бу ерда.  
Ўлиб кетди донишмандга хос,  
Телба сифат яшаса ҳамки.

Қайси машҳур персонаж шарафига бу шеър битилган?

### **948. Карим Ҳамроев. Фиждувон туманидан.**

Шундай бир давлатнинг байроғига 1913 йилда «давлатимиз ўртасидан қоқ иккига бўлинаётган бўлса ҳам, дунёни бирлаштиряпмиз» деган шиор битилган.

Бу қайси давлат?

### **949. Аслиддин Маълонов. Зангиота туманидан.**

Қадимги юнон армиясида ўқиш ёзишни билмайдиган қуллардан маҳфий маълумотлар жўнатишда фойдаланишган. Бунинг учун ундан хат-хабар жўнатишмаган. У етиб бориши билан унинг кўринишига қараб олдиндан келишувга биноан, қандай маълумот олиб келганлигини билишган. Жавоб тариқасида унга ҳам нимадир қилишиб ва шу заҳоти қайтариб юборилган.

Чопарнинг вазифаси уддаланганлигини нимадан билишган?

### **950. Давронбек Нўъмонов. Андижон тумани.**

Тарихчилар илк ёзув бундан 3500 йиллар илгари пайдо бўлганига ишора қилишади. Бугунги кун руҳшунослари, инсондаги бир салбий ўзгариш айнан ёзувнинг пайдо бўлишидан кейин бошланганини тасдиқлашади.

Қандай ўзгариш ёзув пайдо бўлгач бошланган?

### **951. Гуландом Боева. Навоий шаҳар.**

Тасаввур қилинг, сиз XIX асрда яшаган инглиз зодагонисиз. Ўта консерваторсиз. Қуйидаги рангли қоғозларда иш юритасиз, мактуб ёзасиз, ҳужжат расмийлаштирасиз.

Ўта Консерватор инглиз зодағони нима мақсадда турли рангдаги қоғозларни ишлатган?





## **952. Ҳайитгул Бобоева. Зафаробод туманидан.**

Баликлар қачон тухум кўяди. Биронта бир мавсум борми? Бу ҳақда табиатшунослар ҳар хил фикр билдиришади. Шарқ мамлакатлари олимлари дарёларда емиш кўпайгандан кейин бу ҳодиса рўй беради, дейишади.

Шарқ давлатлар дарёларида емиш қачон кўпаяди?

**953.** XX асрнинг 60-70-йилларида кўп қаватли бинолар қурилиши жуда кўпайди. Ойнаванд бинолар, айниқса кўп қурилди. Бундай бинолар кўримли бўлсада атрофга ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмасди. Ундан азият чеккан кишилар бир олимни номини бот-бот эслашга мажбур бўлардилар.

Қайси олим номини эсланар эди?

## **954. Ҳайитгул Бобоева. Зафаробод туманидан.**

«Заковат» сандиқчаси ичида кўб фойдали маълумотлар бор. Ҳатто, бир ўзбек топишмоғи ҳам бор: Унинг боши ерни ёндиради – деган.

Сандиқчада нима борлигини 2 та сўз билан топинг?

## **955. Эркин Жўраев. Бухоро шаҳридан.**

1905 йилда ишлаб чиқарилган янги Роллс-Ройс автомобили ҳайдовчилар орасида «Арвоҳ» деган лақаб олган. Унга автомобилнинг бир хусусияти шу лақабни берган.

Нега Роллс-Ройснинг бу модели «Арвоҳ» деган ном олган?

**956. Насиба Ашурова. Сирдарё вилояти, Гулистон тумани.**

Айтингчи, Хитойда пассажирларга хизмат кўрасатишга ўқийдиган талабалар мана шу чўплар билан нимани машқ қилишади?

**957. Луқмон Асадов. Самарқанд вилояти, Кўшработ тумани.**

Ноҳақ эришилган бойлик ва мартаба худди осмондаги булутга ўхшайди. Бу фикрларни Хитой файласуфи Конфуций айтган. Унинг фикрининг давомида «Егани қора нон, ичгани куруқ сув бўлиб ётишга, ҳатто ёстиғи ҳам йўқ инсоннинг ҳаловати бор, агар билсанг дейилад». Бу иборада ўша ҳаловати бор инсон ёстиқ ўрнига нимадан фойдаланганлиги ҳам айтилган.

Иборада у ёстиқ ўрнига нимадан фойдаланганлиги айтилган?

**958. Яшнар Қиличев, Қашқадарё вилояти, Касби туманидан.**

У ўзи ҳақидаги монологни ўқийди. «Менинг ҳолимга биродарлар, қилмангиз ҳавас, бошим ерга қарагану, оёғим оёғга. Такдирим курсин на кундуз, на тонгда ёруғлик кўрмасдан ўтиб кетаман».

Бу жумбоқ нима ҳақида?

**959. Феруз Хўжаев. Хоразм вилояти, Хива шаҳар.**

Замонавий шоирлардан бирининг қаламига мансуб куйидаги шеърни тингланг:

Улар ўз товонин тилиб бўлса ҳамки,

А ва Б нинг тарихини улаган.



У ёнга зебу зарни, нодир жилдларни  
 Бу ёнга қурол-яроқ ташиб, туллаган.  
 Шеърдаги уларни топинг?

**960. Дониёр Мирзаев. Фарғона вилояти, Фарғона тумани.**

1970 йилларда Голливудда янги сифатли киноленталар пайдо бўлиши билан эски плёнкалардаги фильмларни ҳам янги сифатли кинотасмаларга кўчириб ола бошлашган. Эски ленталар ўз-ўзидан кераксиз ҳолга келиб қолган. Шунда Голливудда сартарош бўлиб ишлайдиган аёл бу эски дағал плёнкалардан ўзига шундай бир нарса ясайдики, кейинчалик у бутун дунёда русум бўлиб кетган.

Айтингчи, Голливудлик сартарош аёл эски плёнкалардан нима яшани бошлаб берган?

**961. Савол муаллифи Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайид.**

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўзининг зафарли юришлари давомида Эронзамин шаҳарларидан бирида дунё ғала-ғовурларига бепарво фақирона кийинган бир мўйсафиднинг, атрофдаги воқеаларга пинак бузмай бамайлихотир ўтирганига диққат қаратибдилар:

- Сен кимсан – десалар – Мен ўшамен дебди.
- Қаёндан келмоқдасан – Ўша ёқдан келмоқдамен.
- Қаёнга кетмоқдасан – Ўша ёққа кетмоқдамен.

Қизиғи шундаки, у соҳибқироннинг ҳар учала саволларига ўта файласуфона ва донишмандона жавоб берибди.

Қандай битта сўз билан жавоб берган?

**962. Малика Худойбердиева. Жиззах шаҳар.**

1915 йилда ниманинг пайдо бўлишини, санъат-шунослар, келажакка очилган дарча деб баҳолашган?

**963. Комила Зокирова. Зафаробод шахридан.**

Марко Поло Хитойда бўлган чоғи, хунармандлар яшайдиган мавзеда бўлиб, турли хунармандлар иши билан танишгани қайд этилган. Мавзенинг бир машхур хунарманди уйига кирганида ҳовлида 30–40 нафар кишиларнинг гуруч тозалаб ўтиришганини шоҳиди бўлган. Ёрдам бериб шуни айта оламан, бугун биз уларни хунармандлар сирасига киритмаймиз.

Шундан келиб чикиб, бу киши қандай соҳада фаолият олиб боришини аниқ айтинг?

**964.** Улуғ ватан уруши тугаганига 77 йил тўлди. Тошкент вилояти Хонобод кишлоғилик Зулфия ая Зокированинг 5 та ўғли жангдан қайтмаган. Бу ҳақида «Илҳак» фильми ҳам бор. Бу фильмда Зулфия ая 4 та ўғлини тупроққа қўйган. Аммо энг сўнгги ўғлидан қора хат келганда дод фарёди дунёни тутди.

Нега, Зулфия опа 4 ўғлининг вафотини чидам билан кўтаради-ю, 5-ўғлини вафотида дод-фарёд қилади?

**965.** Собик Иттифок давридаги ҳолатларни ўзида акс этган «Бизнинг болалик – энциклопедияси»да бир буюм ҳақида ёзилиб, унга совет даврининг рамзи деб нисбат беришган. Уни йиғиш ва демонтаж қилиш, Калашников автоматини йиғиш ва демонтаж қилиш билан баробар деб қайд этилган энциклопедияда.

Қайси буюм ҳақида сўралмоқда?



**966.** Машҳур режиссёр Милош Форман ўз автобиографиясини (Мемуарини) ёзганда ота-онасини концлагерда ҳалок бўлганини, ўзини Россияда ўқиганини, Голливудда ишлаб олган Оскарлари ҳақида ёзган. Оиласи, фарзандлари ҳақида ёзатуриб, машҳур чех одатига кўра 1964 йилда ва 1999 йилда чечевицалик шўрва ичганини ва 2 та тухум еганини айтади.

Нега унга 2 мартаба бу шўрва билан тухум едиришган?

**967.** Ўтмишда ўзбекларда кизнинг отаси куёвликка номзод йигитни ўз назоратидан ўтказиш учун унга бир ишни қилдирган. Бу орқали йигитнинг нос чекиш-чекмаслиги, исрофгарми йўқми, кийим-кечагини озода сақлай олиш-олмаслигини билиб олган.

Оталар йигитларга нима иш қилдиришган?

**968.** Кўчманчи туркийлар ҳаётида ўтовлар муҳим аҳамиятга эга. Биламизки, ўтовда бир эшик бўлиб, унга қарама-қарши жой ўтовнинг тўри, азиз жой ҳисобланади. Бирок икки, уч ва, ҳатто тўрт эшикли ўтовлар ҳам бўлган.

Бундай улкан ўтовларда уйнинг тўри қандай белги-ланган?

**969.** Вилоят телеканалларидан бирида тез ёрдам ҳайдовчиси интервью бера туриб шундай дейди: «Юртимизда битта бўлса ҳам У бўлиши бизга уят, иснод, дейди соддаларча». «У» машҳур ўзбек романи қаҳрамони ҳам ҳисобланади.

«У» ким?

970. Озод Ёвқурнинг «Кўл» ҳикоясида бош қаҳрамон ўз қизини мажбурлаб дўстининг ўғлига узатади. Буни билган одамлар у ҳақида: «Ўзи одамларни мажбурлаш – касби эди, энди қизини ҳам мажбурлаб узатибди», – дея гап-сўз қилишади.

Бош қаҳрамоннинг касби нима эди?

971. *Севимли шоиримиз Анвар Обиджон изодидан нарча тингланг:*

Кеча олдим,  
Жиянчам,  
Йиғлаб ёзган хатингни.  
Айтмасанг ҳам бўларди  
Олди-қочди дардингни.  
Мендан аҳвол сўрабсан  
Ёзсам экан нима деб?  
Хуллас,  
Ишлаб Юрибман  
Ўз этимни ўзим еб.

Ушбу ҳажвий шеърдаги бир вазифани бажарувчи амаки, жиянларни топинг?

972. 2004 йилда Лондоннинг Гайд паркида ҳайвонларга атаб мемориал девор қурилади. Унда от, туя фил, итлар тасвирланган паннолар бор.

Бу мемориал қандай жонзотларга бағишлаб қурилган?

973. Хаттотлик санъати яқин шарқ халқлари ўртасида араб ёзуви асосида кенг тарқалган. Хаттотлар бир неча хил тарзда ёзганлар. Энг оммавий турлари – Жаллий, – Халфий бўлган. Қизиғи жаллий усулдагиси кимматроқ ёзув тури бўлса, Халфий усулдагиси



арзонгаров ёзув тури ҳисобланган.

Нега Халфий усули арзон бўлган?

974. Дунёга машҳур бу испан аёлини 2 та француз машҳур қилган. Айримлар уни испан эмас, лўли дейишади.

У аёлнинг исмини топинг?

975. 1530 йилда Россиянинг Коломенское уездида дунёга келган бу шахс Эстониянинг қадимги пойтахти номини, бир бадий манбада гап орасида айтиб ўтган. Аслида ундан бошқа маълумотни сўрашади.

Ўша шахс тилга олган Эстониянинг қадимги пойтахтини топиб беринг?

976. Иккинчи Жаҳон уруши вақтида ёниб кетиб, таниб бўлмаётган аскарларни, яъни немисми, советми аниқлашни иложи бўлмаётганда, ҳатто кийим кечаклари ҳам ёниб кетган бўлса, уларни фақат бир кичкина предмет орқали аниқлашган экан. Худди келишгандек у предметни шакли немисларники бошқача, советларники бошқача бўлган.

Ўша предметни топинг?

977. Инсон ҳаётида кўп йўллар учрайди. Шундай йўллардан бири ҳақидаги 4 қатор шеърга кулоқ тутинг:

Бир йўлки бунёдкори тишлар,

Бир йўлки, халақит қилгани ёнга сурилган.

Бир йўлки, бу тор йўл секин кенгаяр

Бир йўлки, кўз етмас жойларда қурилган.

Бу йўл қаерда бунёд этилган?

**978.** Саид Аҳмаднинг «Сароб» хикоясида қамокдаги кўрган билганлари ҳақида ёзганлар. Маҳкумлар устки курткани ва шимидаги бир алоҳидаликни ёзганлар. Унга кўра, маҳкумларнинг шимининг тиззасидан тепароғи ва куртканинг ўнг кўкрагини устида совун қутичадек келадиган жойидан тешик қолдирилиб, ўша жойга оқ латталар тикилиб, маҳбуснинг рақами, исми-шарафи қора ёзувда ёзиб қўйилган.

Нега куртка ва шимларда тешик қолдирилган?

**979.** Бибихоним жуда ақлли аёл бўлган. Келин олганда атайлаб уни совға қилар экан. Токи мени кимлигимни эсдан чиқарманг, ҳамма гапларим эсингизда қолсин деган мақсадда, албатта. Ҳамма келинларига қилган бу совғани, аммо нима мақсадда қилаётганини ҳеч кимга айтмаган.

Келинларга доимо нима инъом қилган?

**980.** Интернет саҳифаларида Исландияда машҳур бўлган бир таомни тайёрлаш ўргатилганини гувоҳи бўлиш мумкин. Ушбу таомни пишириш усули бизда ҳам, худди Исландияникидек бир хил. Исландияни билмадиму бизда уни кўпчилик маълум жараён учун атайлаб пиширишади.

У қандай таом, уни кўпроқ қачон пиширамыз?

**981.** Ўзбеклар учун долзарб бўлган бир мавзу бор. Буни қарангки, японлар учун ҳам бу мавзу ўта долзарб экан, худди биздагидек. Бу борада японларда бир мақол ҳам бор: Уни кузги бақлажон билан боқма» деган.

Унинг кимлигини топсангиз бўлди?





**982.** Финландия телеканалларида турли ижтимоий реклама роликлари кетади. Бу роликлар фин халқини ўйлаб, уларга ёрдам бўлиши учун қилинади. Албатта, уларни тажрибаларидан синовдан ўтган. Бир роликда аҳолига тез-тез кўча деразаларини ювиб туриш тавсия қилинади.

Бу билан нима тарғиб қилинган?

**983.** Баъзан бу сўзни нотўғри қўлланганлигига гувоҳ бўлиб қоламиз. Аслида бу сўз қадимда овчиларнинг бошлиғига нисбатан қўлланилган. Ҳозир эса ушбу сўз ўринсиз равишда деҳқонларга бериладиган сифатга айланиб кетган. Ҳатто, бир ҳудуд ҳам шу нотўғри шаклдаги ном билан аталади.

Сиз бир дақиқадан кейин бу сўзни аслида қандай ишлатилганини топинг?

**984.** Замонавий боғбонлар метотидан:

Дарахтларда темир моддасига бўлган талабларни қондириш мақсадида унинг танасига мих қоқилади. Михнинг дарахт танасидаги яна бир вазифаси бор.

Қандай вазифаси бор?

**985.** Напалеон Хиллнинг бой бўлиш ҳақидаги китобларидан бирида «Бизнесменга муваффақият келтирувчи омилларни санаб, энг дастлабкиси у дир» деган. Ишнинг юришиши, муваффақиятнинг энг биринчи қадами у дир деб 1787 йилда америкалик Леви Хатчинс томонидан яратилган ихтирони тилга олган. Демак, тадбиркорга у предмет ҳар доим зарур.

Қандай ихтиро ҳақида гап кетмоқда?

**986.** Бир карикатурада она ҳайвон боласига қараб айтапти: «Биласанми, отанг ким? Сенинг отанг элчи-хонада дипломат бўлиб ишлайди».

Карикатурада қайси ҳайвонлар суҳбатлашмоқда?

**987.** Пётр Прусов ва Владимир Соловьёв XX асрнинг машҳур конструкторлари саналишган. Прусовнинг Ирина ва Наталя исмли кизлари, Соловьёвнинг эса Андрей, Вадим исмли ўғиллари бўлган.

Бу маълумотлар улар яратган машҳур мосламага ном беришга хизмат қилган.

Улар нимани яратишган?

**988.** XIX асрнинг 2 ярмида АҚШнинг айрим штатларида, масалан Кентуккида от ўғрилар сони кўпайиб кетади. Кавбойлар отларга ёқиб қолган бир егуликдан фойдаланиб отларни ўзларига ўргатиб, ҳатто у егуликни кўрсатиб отдан узоқлашишган, отлар ўзлари уни ортидан боришган. Бу маҳсулот ҳақида мил. ав. IX асрда Хитойнинг тарихий Ши-Цзин китобида ёзиб қолдирилган. Гап шундаки уни отлар ейишини тасаввур қилиш қийин.

Ўша егулик номини топинг?

**989.** Сўнгги турк императори Абдулҳамидхон даврида бўйига етган кизлар турмушга чиқишдан олдин тўқиган гиламга, албатта бир предметни суратини кўшиб тўқишган. Бу предмет туркийларга бегона эмас. Шундан кейин келинни тўйга розилиги билинган.

Турк қизлари тўқиган гиламда нимани сурати бўлган?



**990.** Тарихдан маълумки киссавурлик собиқ Итти-фоқда жуда оммалашган эди. Айниқса, XX асрнинг 2 ярмида ишсизлик жуда баланд бўлган. Шундан киссавур ўғрилар жуда кўпайган. Милиция ҳам уларни чуқур ўрганиб, ўғрилардаги бир одатни билиб қолишган. Шундан уларни кўча кўйда оддий одамлар орасидан ҳам дарров таниб олишган.

Нимага қараб уларни пайқашган?

**991.** Тоғдаги қишлоқларда бир одат бор. Қишлоқ аҳли йўл ёқасида экилган мевалими, мевасизми дарахтларни танаси 2 метргача қоқлар билан ўраб қўйилади. Албатта, бу дарахтни асраш учун қилинган. «Заковат»да шунга ўхшаш савол ўйналгани сизни чалғитмасин.

Нега бу ишни қилишади?

**992.** 24 ёшида Лев Толтой ўзининг илк «Болалик» киссасини ёзиб тугатиб ўша пайтдаги машҳур «Современник» журнали муҳаррири Николай Некрасовга юборади. У ўзининг кўлёмаси билан бирга, маълум суммада пул ҳам юборади.

Толстой нимага пул жўнатган?

**993.** У чарчаганлар учун ҳордиқ, кўнгли чўкканлар учун ёруғлик, махзунлар учун куёш, кўнгилсиз воқеалар вақтида табиат яратган малҳамдир. Уни қандай фойдаси борлигини билмоқчи бўлсангиз, у ҳақидаги энг ширали гапларни асли Миссуриялик 1888 йилда туғилган жанобдан билиб олиш мумкин.

У нима ва 1888 йилда туғилган жанобни кимлигини топинг?

**994.** Шум боладаги машҳур савол эсингиздами? Бу сув оқаверади ҳеч тўхтайдими, деган. Жавоб ундан ҳам зўр бўлган (чаласавод домла): Тўхтайди, аммо сиз билан мен уни кўрмаймиз, деб кутилади. Худди шунга ўхшаш савол бир машҳур Нобель мукофотига сазовор бўлган бир асарда ҳам бўлган. Ғамгин юрувчи бир савдогарни олдига келган кекса бир Макондолик фуқаро унинг сотадиган маҳсулотига қараб Шум боладаги саволга жавобни айтади.

Савдогар кимлигини эмас, у нима сотишини айтинг?

**995.** Иккинчи Жаҳон уруши охирларида – 1944 йилда Британия разведкаси Гитлрни ўлдириш режасини тузиб чиқади. Бу режа иш бериши аниқ эди, бироқ Британия томони онгли равишда режани амалга оширмайди. Бунга сабаб ҳадик, кўркув эди.

Британия разведкаси нега Гитлрни ўлдириш режасидан воз кечган?

**996.** Ўзбек уруғлар номланишида турли жиҳатлар асос бўлган: сонлар билан, кишиларнинг ранг-рўйи билан, касб-кори билан номланган уруғ номларини эшитгансиз. Ўзбек миллати таркибида болғали, қайчили, чўмичли, тарокли каби кичик уруғлар бўлган.

Уруғларга бундай ном беришда нимага асосланилган? (Уларнинг бундай аталишига нима асос бўлган?).

**997.** *Шоир Жўрабек Рамазон бир шеърда болаликни эслаб шундай ёзади:*

«Бир маҳаллар қўлимизга хайвон расмларини тутқазилган, мен эса фарзандларимга Алпомиш ва Барчиной расмларини кўрсатаман».



Шоир Алпомиш ва Барчиной расмларидан нима мақсадда фойдаланишни тавсия қилади?

**998.** «Малика»нинг фанда «2 нукта», «7 нукта», «14 нукта», «22 нукта» каби турлари бор.

Биз «малика» деганда нимани назарда тутдик?

**999.** Манбаларга кўра, ҳатто XX асрнинг 50-60-йилларига қадар ҳам Марғилон шаҳридаги бу касб эгалари доимо белларидаги белбоғларига қовоқдан ясалган чўмични осиб юрганлар. Айнан бундай турдаги чўмич ва халтасимон бир жуфт кўлқоп бу касб эгаларининг ташқи атрибути ҳисобланган. Қадимда баъзи ҳудудларда улар аҳоли гавжум жойларда юрганларида кўнғироқ чалиб боришлари лозим бўлган, бу одатни тадқиқотчилар зардуштийлик эътиқодлари билан боғлиқ деб ҳисоблашади.

Гап қайси касб ҳақида бормоқда?

**1000.** Маълумотларда Чернобль Электростанцияси ҳалокати, Эксон Валдез танкери ҳалокатга учраши каби ҳодисаларда айнан «У»нинг етарли бўлмаганлиги ҳам рол ўйнаганлиги айтилади.

«У» деганда нима назарда тutilмоқда.

**1001.** Малайзия, Сингапур каби давлатлардаги пойабзал дўконларда оқ целлофанга ўраб кўйилган крассовкаларни кўриш мумкин. Хоҳлаган одам целлофанни ечиб кийиб кўриши мумкин, тўсиқ йўқ.

Унда нега бу пойабзалларни целлофанга ўраб кўйишади?

**1002.** Америка ҳиндулари лексиконида иккита бир-бирига ўхшаш сўзлар бор. Такайо ва такая деган. Маъноси бир хил, баъзи ҳинду эркаклар бир-бирига такайо деб мурожаат қилишса, ҳинду аёллари ҳам худди шу ҳолатда токая деб бошқа аёлларга нисбатан қўллашади. Ўзбеклар, масалан бу сўзларни битта қилиб ифодалаб бир-бирига мурожаат этиб қўйишади.

Такайо ва такая сўзларини битта ўзбекча кўринишини ёзиб беринг?

**1003.** Маҳоратли ва тажрибали тикувчиларнинг бир сирларини ошкор қиламан, матоларни тикишдан олдин бир иш қилишади. Ўша ишни баъзи матоларда 2 марта ҳам қилишаркан.

Сиз нима иш қилишларини эмас, нега қилишларини топиб беринг?

**1004.** Нобель мукофоти совриндори Мо Яннинг «Мусаллас мамлакати» асарида ошпазлар ҳақида айтилган фикри бор:

«Зўр ошпазлар жарроҳлар каби ҳаракатлари чаққон, бармоқлари сезгир, рангни билишда полиция итидан ҳам кучли сезиши керак, жараёни тепасида ўзларини худди улардек қатъиятли, кўркмас ва ҳозиржавоб қилиб кўрсатишлари керак» дейилади.

Уларнинг кимлигини топинг?

**1005.** Қорақалпоғистон шоири Иброим Юсупов бир шеърида ёзади:

О умр китоби! Кўп нарсанг укмай,  
Сездим чаласовод ўтган умримни.



Унинг чигал масаласидай

Талай савол кийнар энди жонимни.

Бу тўртлик ичида битта сўз беркитилган, яъни унинг деган сўз остига. Бу сўз дастлаб қорақалпоқ юртига яқин жойда пайдо бўлган.

Унинг остидаги сўзни топинг?

**1006.** Бугун интернет оламида олди-сотди қилувчилар ишлатадиган бир терминни Амир Темур даври кишилари эшитиб қолишганда гап бир амалдор ҳақида кетяпти деб, ўйлашарди.

У қандай термин ва лавозим номини ҳам топиб беринг?

**1007.** Қадимги Усманийлар давлатидасиз.

Рўпарангиздан бир чол чиқиб қолди. Отахонни ёшини сўрадингиз. Чол: «Э болам ҳаддимиздан ошиб кўйдик» дейди. Чол аниқ ниманидир назарда тутиб гапирган.

У нега ҳаддимиздан ошиб кўйдик, деган гапни айтган?

**1008.** 1931 йили илк бор Алберт Эйнштейн Чарли Чаплин билан учрашади. Эйнштейн Чаплинга сизни санъатингиздан мен ҳайратга тушганман. Энг қизиғи бир оғиз гап гапирмайсизу бутун дунё сизни тушунади, деган.

Бу тўғри дейди Чаплин. Лекин сизни мартабангиз меникидан ҳам баланд. Бутун дунё сиздан ҳайратда, гарчи сизни ишингизни... 3 та нуқта.

Чарли Чаплин фикрини бир нечта сўз билан яқунланг?

**1009.** *Анвар Обиджонни уч қатор шеърини эшитинг:*

Шеър мияга ош бўлар,  
Тўдасига бош бўлар.  
Уни еган каламуш.

Анвар Обиджон қандай каламушлар тўдасига бош бўлади деганлар?

**1010.** Шоирларга қиёслаш борасида етишимиз қийин. Худди мана шу савол сингари. Уни топиш учун қисман шоир бўлиш керак. Бир шоир уларни вақтнинг аскарларига ўхшатган. Қанчалик чирангманг улар барибир сизни забт этишади. Унутманг биз доим бу навкарлар оёғи остидамиз, деб ёзади.

Шоир ёзган навкарларни топинг?

**1011.** АҚШдаги айрим қамокхоналарда маҳбусларга чўмилишлари учун фақат иссиқ сув берилар экан. Кўп бошқа қамокхоналарда совуқ сувда ҳам чўмилиб кетаверишади.

Айнан қандай сабаб туфайли айрим қамокхоналардаги маҳбуслар атайлаб иссиқ сувда чўмилишади, сабабини айтинг?

**1012.** Президентимизнинг 2020 йил 4 февралда чиқарган бир қарорлари бир дастани қайта туғилишига сабаб бўлган. ОАВ да у қарорга берилган шарҳлардан бирининг сарлавҳаси беихтиёр Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовни ёдга тушириб юборади.

Мақоланинг сарлавҳаси нима эди?



**1013.** Социологлар ҳисоблашича, бу соҳада энг олдинги ўринда Нигерия ва бошқа Африка давлатлари турар экан. Энг охирги ўринларда Япония каби Осиё давлатлари жой эгаллаган. Олимлар буни ҳали ҳам тагига етолмаган. Айримлар генетик ривожланиш билан боғласа, яна бошқа мутахассислар бўй билан боғлиқ жараён бўлиши мумкин дейишади.

Қайси жараён тўғрисида гап кетмоқда?

**1014.** Вашингтон шаҳри яқинидаги Арлингтон қабристонига АҚШнинг энг машҳур инсонлари, сенаторлар, актёрлар, президентларни дафн этишади. Ҳар йили бу қабристонга 4–5 млн. одам зиёратга келсада, энг кўп ташириф буюрувчилар Жон Кеннеди қабрини зиёрат қилишар экан. Аслида унинг қабрини бошқа битта қабр билан адаштириб қўйишаркан. Фақат шу 2 та қабр бошқа қабрлардан кескин фарқ қилиб тургани учундир балки.

Бу 2 та қабрни бошқа қабрлардан фарқи нимада, деб ўйлайсиз?

**1015.** Уй рўзғор энциклопедияси китобида бир предметга шундай таъриф берилган:

У ҳаётий жараёнларда ҳам, кимёвий жараёнларда ҳам реакцияга кириша олади. Унинг ёрдамида одамзод тўйю-тантананага, кундалик ҳаётига роҳату фароғат бахш этса, аксинча у орқали инсон бир зумда хонавайрон бўлиши ҳам мумкин дейилади, энциклопедия китобида.

У қандай предмет?

**1016.** Тоҳир Малик учликларидан бирини тингланг:

Ҳар йили ҳажга боради у,  
Тўкиб келар эмиш гуноҳларини  
Икс деб ўйлар маккатилони.

Икс ўрнидаги сўзни топинг?

**1017.** Дунё орнитологлар ташкилоти хабарига кўра баландда учаётган бургут баъзида ёзилган қанотлар орасидан 1–2 дона патларини тумшуғи билан юлиб олиб ташлар экан.

Улар буни аниқ нима мақсадда қилишади?

**1018.** Хонликлар даврида хоннинг масхарабозлари айрим майхона ходимлари, баъзида аёлларга ўхшаб гапиришган. Ора-ораларида айланай, қоқиндиқ каби сўзларни ишлатишган. Одатда, уларни ўз номи билан эмас балки бизга маълум ва машҳур учликдагининг бирортаси билан номлашган. Биз бу учликни фольклорда кетма-кет учратамиз.

Ҳар учала номни ёзиб беринг?

**1019.** У ерга бориш ва у ерда бўлишнинг ўз низомлари бор. У ҳақида маълумотлар берилар экан, аввало қулай ва оддийроқ кийиниш тавсия этилади. Тавсиялар орасида шерик ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида ёзилган. Капельдинер хизматидан фойдаланиш, маълум ишорадан кейин босқинчиликка ҳам имконият берилади.

У ерни топинг?

**1020.** Блогер Отабек Тиллаев айтади: «Google таржимон аталмиш хиссиз роботнинг кўмагига суяниш ҳар доим ҳам ишга ярайвермайди. Чунки вақти келса бу матоҳ топоним билан зоонимнинг фарқига бормай қолади».

Блогер қайси топоним ва зоонимни назарда тутмоқда?

**1021.** Ҳазрат А.Навоий «Маҳбуб ул-қулуби» асарида у эр кишини вужуди, шуурини тоблантирувчи жараён дир. Таналарни ортиқча фосиқлардан халос этиб, айрилиқ дардига дучор бўлганларнинг муродига етказур деб ёзиб қолдирганлар.

У қандай жараён?

**1022.** Мухбирлар Генри Форддан: намунали корхона деганда нимани тушунасиз деб сўрашганда ҳеч қандай ҳазилсиз жавоб қилибди. Биринчидан бундай Корхонада ишлаб чиқариш автоматлашган бўлиши керак. Иккинчидан бир инсон ва бир неча итлар бўлсагина намунали корхона ҳисобланади деган. Итлар корхонадаги асбоб-анжомларни, технологияларни кўриқлайди.

У одамнинг вазифаси нимадан иборат деб ўйлайсиз?

**1023.** 100 йиллар бурун кийим илгичлар, асосан кедр ёғочидан ясалган. Ҳозиргидек пластмасса ва темирдан эмас. Ҳали ҳам номдор фирмалар тиккан кийимларини ёғоч дарахтдан ясалган кийим илгичларга илиб савдога чиқаришади.

Қандай амалий сабаб туфайли кийимларни ёғоч илгичка илишади?

**1024.** Қиролича Виктория даврида инглиз киборлари

сочларига пальма ва кокос ёғларини суришни урф қилиб олишган. Бу уларнинг аристократлигини билдирган. Аста-секин бу одат оддий халққа ҳам ўта бошлаган. Шундан кейин Британиядаги театр залларида бир қоида амалга кира бошлаган.

Театр залларига қандай янгилик киритилган?

**1025.** Бугун Сидней кўчаларида баъзида тепасидан икки чеккаси тешиқ шу каби шляпалар сотилаётганига кўзингиз тушиб қолади.

Ёз фаслида кимлар бу шляпаларни сотиб олишади?

**1026.** Тассавур қилинг, сиз Швейцариядасиз. Давлат учун аҳамиятли бўлган бир бино пештоқига баъзи пайтлари оқ байроқ илиб кўйишади. Бу қандай бино десангиз аҳоли уни шундай муассаса эканлигини айтади. Нега оқ байроқ илинган десангиз, чунки унинг ичи бўм-бўшлигини билдиради – дейишади. Аслида бу каби бинолар ҳамма давлатларда бор.

Бу муассаса номини топинг?

**1027.** Серб ёзувчиси Милорад Павич уни тарозига ўхшатган. Дастлаб унинг ўнг томон палласи босиб туради. Аста-секин тарози палласи чап тамонга боса боради. Бориб-бориб ўнг томон бўшаб, чап томон тўлиқ қолга келади.

Унинг нималигини топинг?

**1028.** Эрамиздан аввалги 105 йилда 120 минглик Рим лапшкарлари Европанинг серёғин Тефтон ўрмонларида герман қабиласига қарши жангларда қатнашиб, кам

сонли бўлсада Герман армиясига мағлуб бўлишган. Римликларнинг мағлубиятига жанглар бир неча кун ётган ёмғирлар остида бўлгани сабаб бўлган.

Ёмғирни Римликлар мағлубиятига қандай алоқаси бўлган?

**1029.** Айрим авиакомпаниялар бир давлатдан 2-давлатга борган самолёт стюардессаларини меҳмонхонага жойлаштиргач, авиакомпаниянинг вакили уларнинг хужжатларини ва яна бир предметларини сейфга солиб қўйишар экан.

Компания мавқеини ўйлаб хужжат ва яна нималарни сейфга солиб қўйишади?

**1030.** Агар сизлар XIX аср ўрталарида Парижда яшаган бўлсангиз, кўчада кетаётганингизда гвардиячилар сизларни тўхтаиб хидлаб кўришган. Кейин негадир улардан бирини ҳибсга олишади.

Нега уни қамашган?

**1031.** Кўпгина хорижий мактабларда биринчи синфга чиққан ўқувчиларга ундан фойдаланишга ўргатишади, керак бўлса мажбурлашади. У нарса болани эркин бўлишига, сал нарсадан хавотирланмасликка ўргатар экан. Хорижий мутахассисларнинг фикри бу, бизда бунақа фикрлашишмайди.

У нима?

**1032.** Илк Лондон метроси ишга тушган пайтларини кўз олдингизга келтиринг.

Нега йўловчилар сумкаларида қоғоз пакетлар олиб юришган?

**1033.** Африкадаги Догома қабиласида уйлар бамбукдан қурилиши диққатни тортади. Қабила марказида маслаҳатхона мавжуд бўлиб, қабила оқсоқоллари ва сардорлари муҳим масалаларини ҳал қилиш учун бу ерга тўпланиб туришади.

Нега қизиққон Догомаликлар у хонани атайлаб шифтини паст, хонани ўзини эса тор қилиб ясашади?

**1034.** Бир донишманддан сизга қайси касб эгалари ёқади деб сўрашганда тикувчилар ёқади деган файласуфона жавоб беради. Шунча дўсту биродарларингиз бор, нега тикувчилар сизга ёқади, деб берилган саволга донишманд, тикувчилар бошқалар сингари хулоса қилишмайди, улар синчков бўлишади, деб жавоб қилган экан.

Донишманд тикувчиларнинг қандай ҳаракатини маъқуллаган?

**1035.** Метроларда турникетлар мавжуд. Кўргансизлар Тошкент метроси турникет билан очилган. Танга ташлаб ўтиладиган жой турникет дейилади. Москва метроси 1935 йилдан 1957 йилгача турникетсиз кассирлар орқали ишлаган. 1957 йилда Москва метросига ҳам турникетлар ўрнатилган. Орадан бир неча йил ўтгач бу турникетлар модернизация қилинган.

Нечанчи йили ва нима учун қилинган бу иш?



**1036.** Топишмоқ. Садир амакимнинг силлиққина боши, чуқургина қорни, чўтиргина бети бор. Ҳар бир хонадонда бор, вазифаси химоябонлик.

Ходимимиз бир дақиқадан кейин чўнтагидан нимани чиқариб кўрсатади?

**1037.** Бир Немис олимнинг тавсиясига биноан, XX асрнинг бошларидан врачлар аёлларга корсет тақмасликни маслаҳат бера бошлаган.

Сиз менга бу тавсияни берган олимнинг кимлигини топинг?

**1038.** Сибирь ўрмонларида ўсадиган юмшоқ мох сфагнум, намликни яхши ўтказувчи табиий ўсимлик. Бундан минг йил илгари ҳам Сибирь аёллари бу юмшоқ мохдан бир ишда фойдаланишган. Шунга уларни қишин ёзин уйда тувакларда ҳам сақлашган.

Қандай ишда фойдаланишган?

**1039.** XX аср бошларида Лондонлик стоматологлар икки мақсадда ишхоналарида бир мослама сақлашган. Ундан биринчидан мижозга, иккинчидан ён атрофга қулай бўлган.

Гап қандай мослама ҳақида кетмоқда?

**1040.** Эйфель минораси ичидаги совғалар дўконидан, бир Парижлик эсталик сифатида Эйфель минорасининг кичрайтирилган макетини сотиб олади. Эсталикни уйига олиб бориб яхшилаб қараб, негадир ҳафсаласи пир бўлиб кетибди.

Нима унинг ҳафсаласини пир қилган?

**1041.** Тассавур қилинг, агар икс ернинг фақат бир худудидан кўринганда эди, ўша худуд дунёдаги энг гавжум, энг машхур, энг бой худуд бўлиб кетарди. Бу худуд учун не-не жангу жадаллар бўлмасди. Ҳамма шу худудни эгаси бўлишни хоҳларди. Туристлар оқими шу жойни босиб кетарди. Туристлар қаердан бўлмасин шу худудга кун ботган вақтга етиб келишга ҳаракат қилишарди.

У иксни 2 та сўз билан топинг?

**1042.** Плутархдан иқтибос: Менга ҳар нарсани мендай ўйлайдиган, мен билан ўз қарашларини ўзгартирадиган, сўзларимни маъқуллаб бош чайқовчи, инкор қилиб йўқ деганча бош қимирлатадиган дўст керак емас, чунки худди шу амалларни яхшироқ ҳаммадан яхши бажарадиганим бор. У яхшироқ бажара олади демоқчи.

Уни топинг?

**1043.** *Карамиддин Пардабоев. Хўжайли туманидан.*

Лев Николаевич Толстой унга ҳайвонлар кўмилган тирик қабр деб ном берган. Бу билан Толстой нимагадир қарши чиққан. Ўзи қилмаган ишни бошқалар ҳам қилишини хоҳламаган.

Толстой нимага қарши эди?

**1044.** *Умрбек Абдуллаев. Кўнғирот туманидан.*

Германия давлатининг байроғи 1949 йил 23май куни тасдиқланган. Германия байроғи 3 хил рангдан иборат. Юқорисида – қора, ўртасида – қизил, энг пастки қисми





– сариқ ранг билан тасвирланишида оптимистик маъно бор.

Сиз ҳар бир ранг нимани билдиришини топишингиз керак?

**1045.** Колумб 1502 йили экспедицияси билан номаълум бир қирғоққа кўнади. Маҳаллий ҳиндуларнинг бўйинларидаги олтину тиллаларни кўрган экспедиция аъзолари, бу ерга бой қирғоқ деб ном беришган. Ҳозир ҳам бу ҳудуд бой қирғоқ деб аталади.

Бу жойни испанлар ўз тилларида қандай аташган?

**1046.** *Алишер Нусратов. Ромитон тумани.*

Искандар Зулқарнайиннинг Буцефал деган оти бўлган. Бу от жуда ғалати бўлган. Агар у эгаси билан сайрга чиқса ўта юмшоқ ва сокин юрган. Агар Искандар билан жанга кирса олов бўлиб пишқириб учган. Бунинг сабабини отбоқардан бошқа ҳеч ким билмаган. Жангдан олдин Буцефалга жанговар руҳ берувчи нимадир ёпинтирган.

Отбоқар отни елдак учиши учун устига нима ёпган?

**1047.** *Жасурбек Ёқубжонов. Ўзбекистон тумани.*

Хитойда уларга озиқ-овқат ва турли товарлар сотиб олиш учун талон тарқатилар экан.

Айтингчи, кимларга талон тарқатилган ва нима мақсадда?

**1048.** *Нодир Аҳмедов. Фарғона вилояти.*

Турк ёзувчиси Рашид Нури Гунтегиннинг «Оташ кечаси» романида олис турк қишлоқлари аҳолиси чечак

касалига йўлиққани ҳақида ёзилади. Касал тугагач бу кишлоқ одамлари юзларида бир ўзгаришни ёзувчи ташқарида турган рўзғор анжомига қиёслаган.

Қандай рўзғор анжомига қиёслашган?

**1049. Шаҳринисо Собиржоновна. Наманган вилояти, Учкўргон тумани.**

«Минг бир кеча» эртагидан шеърий топишмоқ:

«Чўнтаклари қаппайган, гул ранги қон сочади,

Қулоқлари кип-қизил, доим оғиз очади.

Доим уни чўқийди бир нарса хўроздақа,

Баҳоси қиммат эмас, ярим дирҳам мисс чақа».

Топишмоқдаги таърифланган предметни сизлар кўрмагансиз.

У қандай предмет?

**1050. Севинч Юсупова. Оқкўргон тумани.**

Нидерландиялик Винсент Ван Гогнинг фикрича, «У бир асфальт йўл, юриш қулай-у, лекин унда гуллар ўсмайди». У дейилган нарса Ван Гог ижодида доимо сезилиб турган. Ҳар бир суратида барқ уриб турган.

Ван Гог у деб нимани назарда тутмоқда?

**1051. Моҳинур Пардаева. Ғузур тумани.**

Кимёвий лабораторияларда катализатор деган реакцияни тезлаштирувчи, лекин ўзи унда иштирок этмайдиган модда бор. Хитой тилида бир жараёнда қатнашувчи кишиларни (кўпроқ аёлларни) ифода-лайдиган иероглиф билан катализатор сўзи бир хил ифодаланади.

Қандай аёллар қатнашадиган жараён сўралмоқда?



## **1052. Қосимхон Аҳроров. Бўстонлиқ туманидан.**

Денгиз қароқчилари орасида топилган ўлжани бўлишда жуда кўп алдовлар, келишмовчиликлар бўлиб турар экан. Шунинг учун қароқчилар кемаларида уни олиб юришар экан.

Нима олиб юришади?

## **1053. Жўрабек Менғқобилов. Термиздан.**

Зилзилалар тарихига назар солинса, тарихда энг каттиқ зилзила 22 май куни 1960 йилда бир давлатда рўй беради. 9 ярим балли ер қимирлаши кузатилган бу давлатда. Бу 2 йилдан кейин бўладиган йирик бир турнирни ўтишини шубҳа остида қолдиради.

Зилзила қайси давлатда рўй беради?

## **1054. Сойибжон Солиев. Кува шахридан.**

Агар эътибор берган бўлсангиз ўша давр эркаклари кийган чўпонларнинг энг қисми калта қилиб тикилган.

Нима сабабдан чўпонларнинг энг қисми калта қилиб тикилган?

## **1055. Ҳамидулло Исмоилов. Фарғона шахри.**

Тиббиётда жуда кўп ихтиролар яратилганки, улар ёрдамида қанча-қанча инсонлар ҳаёти сақлаб қолинган. Шундай имконияти катта қурилмалардан бири бор. У кўплаб касалликларни аниқлаб уларга тўғри ташхис қўйишда катта роль ўйнаган. Шу билан бирга бу қурилма сўнгги 40—45 йил ичида 23 миллиондан ошиқ инсонларни жуда эрта нобуд бўлишига сабаб бўлган.

У қандай қурилма ва нега шунча инсон нобуд бўлган?

**1056. Ёдгоржон Умрзоқов. Чортоқ тумани.**

2011 йилда «НАСА» ўзининг космик ракеталарини пенсияга чиқарди. Аммо парвозлар давом этаверди. Кейинги авлод астронавтларини тайёрлаш дастурига янги дарслик, янги фан киритилди

Парвозлар муваффақиятли давом этиши учун Америка астронавтларига яна қайси фан ўқитила бошланди?

**1057. Феруз Ҳимматов. Шеробод тумани.**

СССР да жуда кўп ўғриликлар бўлган. Ўғирликларни содир қилиш бўйича анализ қилинса, айнан шу йили шаҳарларда ўғрилар сони ўта кескин кўпайиб кетган экан.

Нима сабабдан ўғрилар кўпайиб кетган, нечанчи йилда бу воқеа содир бўлган?

**1058. Ойбек Баҳромов. Жомбой тумани.**

Грузияда коррупцияни олдини олиш мақсадида полиция биноларини қуришда бир алоҳидаликка эътибор қаратишади.

Полиция бинолари қуришда қандай алоҳидаликка эътибор қилишади?

**1059.** «Заковат» сандиқчасида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб ахлоқий китоб жой олган. Китобнинг муқовасида соат, водопровод жўмраги, қандил, дастурхондаги ноз-неъматлар суратлари туширилган.

Бу китобнинг номини бир сўз билан топинг?



## 1060. *Музаффар Раҳимов. Навбахор тумани.*

Чўпонлар отарда кўйларни кўриқлаш мақсадида йирик зотли итлардан фойдаланишади. Фақат эркак итлар эмас, урғочи итларни ҳам боқишади. Урғочи итларни, албатта бўлиши шарт экан. Насл қолдириш мақсадида ва яна бир мақсад учун ҳам урғочи итлар бўлиши шарт экан.

Урғочи итлар яна қандай вазифани бажаргани учун сақлашади?

## 1061. *Лутфия Жалилова. Китоб тумани.*

Абдулла Қодирийни китобини ўқиб сира тўймайман деб ёзган Лутфия Жалилова. Бериладиган савол ҳам унинг машҳур асарлари персонажларидан бири ҳақида:

Унинг бобоси ўз даврида муфтийлик, қозилик қилган. Хотинининг исми Нигорхоним бўлган. 3 ўғил ва бир қизи бўлган. Ўғилларини исми Маҳмуд, Мансур, Маъсуд бўлган. Қизларини исми эса...

Сиз у персонажни ва қизларининг исмини топинг?

## 1062. *Зухриддин Муҳитдинов. Тўрақўрғондан. Қуровчи.*

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофутдинов охори тўкилмаган деган иборани кўпчилик кийим-кечак ва бошқа янги предметларга нисбатан қўлланади деб ўйлашади деган. Аслида бу иборани шоирлар, Мирзалар ишлатишган.

Охори тўкилмаган иборасини шоир ва мирзалар аниқ қачон ишлатишган?

## 1063. *Музроб Ҳошимов. Қора-Қамишдан.*

Сергей Бородинанинг «Самарқанд осмонида

юлдузлар» трилогиясида шундай факт келтирилган. XIV–XVI асрларда Боғдод ва Дамашқ бозорларида муздек сув сотиб юривчи кишилар бўлган. Улар харидорни кўпроқ жалб қилиш учун бир усулдан, яъни мослама билан алдашган.

Мижоз кўпайтиришда қандай айёрлик ишлатишган?

**1064.** Осиёда энг қиммат кўчмас мулк Япония ва Банкокда экан. Банкокдаги қиммат уйлар, албатта марказда бўлган, бундан ҳам қиммат уйлар унинг атрофидаги уйлар бўлган.

Қайси ҳудуддаги уйлар нархи энг қиммат?

**1065.** *Зиёвуддин Қурбонов. Пахтаободдан.*

АҚШнинг Филадельфиясидаги йирик бир темирдан ясалган кўприк нураш оқибатида ағанаган. Нимадан нураганини ўрганган мутахассислар сабабини топишган. Шундан кейин бир гуруҳ ташкил этилиб уларга бир вазифа топширилган. Гуруҳнинг вазифаси кўприкни тозалаш бўлган!

Кўприк нимадан нураган?

**1066.** *Йўлдошали Эсоналиев. Поп туманидан.*

Маргарет Митчелл ўзи аёл бўлганидан, аёлларни ўта нозик ҳис қила олган «Агар дейди Митчелл хоним, аёл ортиқ у ишни қила олмаса, у аёл жуда хавфли мавжудотга айланади, дейди.

Қандай ишни?

**1067.** *Баҳодир Рўзमतов. Сурхондарёдан.*

Қанча давлат бўлса, барча давлатлар ўз байроқларига

эга. Ўша давлат фуқаролари ўз байроқларига бўйсунди, ҳурмат қилади. Аммо бир кичкинагина байроқ борки у ўз ҳукмига ҳар қандай миллат вакилларини бўйсундира олади.

Бутун дунёни бошқара оладиган қандай кичкина байроқ сўралмоқда?

## **1068. Худойберди Эргашев. Фарғона шахридан.**

Кўкон хонлигида от бозорлар аниқ бир ерда бўлмаган. Кўчиб юрган. Ҳеч қандай зарари бўлмасада, бир неча ойдан кейин от бозори ўз жойини ўзгартириб турган.

Қандай амалий сабаб туфайли от бозорларининг жойи ўзгариб турган?

## **1069. Абдурашид Тожибоев. Фарғона шахридан.**

Қадимги Хитойда киборлар мабодо ўз жонларига қасд қилмоқчи бўлишса сандиқчадагидан ейишган. Бу суиқасд тури киборларга хос дейишади. Чунки Сандиқдаги ўз вақтда қиммат маҳсулот ҳисобланган Сандиқчада нима бор?

## **1070. Мунаввархон Хирманова. Избосган тумани.**

Амир Темур кўшинга камончиларни олгач уларни машқ қилдирган. Камончи нишонга тўғри уриши учун бўлғуси камончиларни у ерда машқ қилдирган.

Уларни қаерда машқ қилдиришган?

## **1071. Азамат Ахтамов. Қоровулбозор тумани.**

Бир миллиардер Африкадаги энг қашшоқ давлатларга моддий ёрдам бериш учун уларга дори-дармонлар юбормоқчи бўлади. Юбориладиган ҳамма дорилардан

бир нусхадан унга кўрсатишади. Ҳаммаси яқинда ишлаб чиқарилган эди. Аммо дориларни кўриб, текшириб чиққач дориларни юбормасликка қарор қилади. Уларни қийнаб кўйишдан чўчиган. Кейин бошқа соҳада ёрдам бера қолай деган фикрга келади.

Нима уни фикридан қайтарган? Дори юбормасликка нега қарор қилган?

### **1072. Азизбек Мадраҳимов. Дангара туманидан.**

Бир ўта машҳур инсон ҳақида ёзилган 8 қатор шеърга, аниқроғи васиятига кулоқ тутинг:

Афсоналар яратманг мендан,  
Хавотирим аслида шундан.  
Мақтаганни суймайин дилим,  
Эрмаклардим чиқариб тилим.  
Ўлсам ёқинг руҳсиз жисмимни,  
Ёд олсангиз етар исмимни.  
Шамолларга совуринг кулим,  
Шу – мен учун шарафли ўлим.

Бу қайси машҳурнинг васияти эди?

### **1073. Чаросбека Болтабоева. Туркменистон Тош-ҳовуз вилоятидан.**

Биз сўрамоқчи бўлган муаллиф бош қаҳрамонига аввалбошда Афсонавий қаҳрамон номини, яъни Геркулес деб исм қўймоқчи бўлади. Лекин унга сал кулгили туюлади. Лекин бош қаҳрамонини номлашда сеvimли исмини ёддан чиқармайди.

У муаллиф ким, бош қаҳрамонига қандай исм берган?

### **1074. Абдулазиз Султонов.**

Европа ва АҚШда осмонўпар биноларда 2 тадан





лифт ҳаракатланади.

Энг қизиғи битта лифт бўш бўлса ҳам, иккинчи лифт учун навбатлар турилиши диққатингизни тортсин.

Нега лифтларда бу ҳолатни кузатиш мумкин?

**1075. Ҳолида Очилова. Тошкент шаҳридан.**

Дунё телевидение тарихидан маълумки, 1960 йиллардан АҚШда телевидение жуда оммалашган. Ҳозир телевидение ходимларидан прайм тайм қачон бўлади деб сўрасангиз, кеч соат 19:00дан кеч соат 22:00гача деб жавоб бериши аниқ. Аммо 1960 йилларда АҚШда прайм – тайм кундузи бўлган.

Нега 1960 йилларда прайм-тайм кундуз кунга кўчган, сабабини айтинг?

**1076. Озодбек Ашурухонов. Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани.**

XX асрнинг 1-ярмида ижод қилган Француз шоири Поль Валерининг сандиқча ичида ёзган шеъри бор. У предмет одамзотга тирикликдан то умрининг энг сўнги лаҳзаларигача ҳам асқотиши ҳақида жудаям фалсафий қилиб шеър битган.

Сандиқчамизда нима бор?

**1077.** Ҳовлимизда яшайдиган 2 та қуш бор. Бир мусича, иккинчиси чумчуқ. Мусича беозор ҳаммани ўзига ўхшаган беозор деб ўйлайдими, инини дуч келган жойга қўйиб кетаверади. Оқибатини биласиз. Лекин ин қуришда чумчуққа етадигани йўқ. Чумчуқ инини кўринмас жойларга, серновда дарахтлар орасига қуради. Бунинг устига курт-кумурсқалар инига яқинлашмаслиги учун шох шаббалар орасига ҳовлилардан уни олиб

келиб ташлаб кўйишар экан. Зийраклигини кўринг.

Унинг нималигини топинг?

**1078.** Сацилиядаги ресторанларда «фаччи девикия» деган таом бор. Ўзбекча таржимаси бир оз ғалатирок эшитилади, кампир башара экан.

Кампир башара деган таомни бир дақиқадан сўнг билиб оламиз?

**1079.** *Беҳруз Бердалов. Косондан.*

XIX аср ўргалари. АҚШ. Филадельфия. Маъмурият бутун аҳолини кўчатлар экишга жалб қилади. Улар атайлаб бир кўчага фалон дарахт кўчати, иккинчи кўчага писмадон дарахти кўчати, учинчи кўчага яна бошқа, тўртинчи кўчага яна бошқа. Хуллас, ҳамма кўчага ҳар хил кўчатлар эктиришган.

Бундан қандай аниқ мақсад кўзланган деб ўйлайсиз?

**1080.** *Муродбек Ҳабибуллаев. Хазорасп тумани.*

Ўткир Ҳошимов «Тушда кечган умрлар» романида асар қаҳрамонларидан бири ҳарбий соҳадан нафақага чиққан Соат Ғаниев ҳақида шундай ёзади. У умрининг охирларида ёлғиз қолиб тунни ўтказишдан жуда қийналарди. Кундуз кунларини ўтказиб олиш учун овунчоғи бор эди. Эрталабдан кечгача кўчаларни айланиб қаерда у бўлса, ўзини у ерга урарди. Боҳонада ҳам вақтни ўтказишди, ҳам янги танишлар орттирарди, дейилади асарда.

У қандай овунчоқ топади?

**1081.** *Фаҳриддин Бафоев. Бухоро вилояти, Ғала-Осиё шахри.*

Қадимдан Хитойда ота-онасиз катта бўлган чин етим



қизларни турмушга чиқишлари жуда қийин бўлган. Ўта мажбурликдан бўлмаса ҳеч бир йигит уларга уйланишни хоҳламаган.

Нега йигитлар чин етим қизларга уйланишни хоҳлашмаган?

## **1082. Қосимхон Аҳроров. Бўстонлиқ тумани.**

XX аср 60-70-йилларда АҚШ – Вьетнамда уруш олиб борган. Вьетнамлик болалар АҚШ горнизонида хизматкорлик қилиб юриб, солдатларнинг ажойиб ҳидли совунларини ўғирлаб чиқишарди. Кейин ўрмонга бориб шу совун боғланган ёғоч билан уларни жиғига тегишарди.

Уларни топинг?

## **1083. Мафтуна Маълонова. Амударё тумани.**

Буюклар афоризмлари:

Биринчи афоризм: Қадимий Хитой файласуфи Мо Дзи мамлакатда тартибсизлик сабаби уларни мамлакатда кўпайганидан дейди. Уларни кўпайишига йўл қўймаслик керак деган файласуф.

Улар кимлар?

## **1084. Саъдулла Ибрагимов. Бухоро шаҳри.**

Рассом Пабло Пикассо айтган учкур иборасига кулоқ тутинг: «Яхши рассомлар нусха кўчирадилар, буюк рассомлар эса ... Буюк рассомларни иши яхши рассомларникидан ҳам ўтади.

Буюк рассомлар ўз асарларини қандай яратишади?

## **1085. Достон Қорабошев. Сардоба туманидан.**

Ёзувчи Владимир Набоков, ўсмирлик чоғидан капалаклар ҳаётига қизиққан. Қизиқиши шу даражада бўл-

ганки, профессионал энтомолог даражасига етган. Ҳатто, йирик янги-янги капалак турларини яратишга бош қўшган.

Нега у доим катта-катта шаклдаги капалакларни яратган?

### **1086. Худойберди Эргашев. Фарғонадан.**

Илгари Фарғонанинг тўйларида бир одат бўлган. Тўйдан бир кун олдин сабзи тўғрар бўлиб, сабзи тўғрарда қатнашган меҳмонлар учун ошпаз шавла қилиб берган. Бу одат йўқолиб кетмоқда, дейди савол муаллифи.

Нега ош эмас, шавла пиширишган?

### **1087. Эсон Мардонов. Ангор туманидан.**

Америкалик ёзувчи Эрнест Сетон Томпсон ўзининг табиатга бағишланган. «Ёввойи йўрға» романининг 7-бетида А. Навоийнинг бир асари ҳақида тўлиқ маълумот бериб ўтган.

Инсон ва табиат билан боғлиқ қайси асар ҳақида фикр билдирилган?

### **1088. Умиджон Олимов. Қарши шаҳридан.**

Бобораҳим Машраб қаламига мансуб рубоийни тингланг:

У ердан кетар бўлсам,  
Мани йўқлар кишим борму,  
Ғариблик шаҳрида ўлсам,  
Мани йўқлар кишим борму.  
Қани қавму қариндошим  
Бу йўлда бўлса йўлдошим  
Кўзимдан оқизиб ёшим,  
Мани йўқлар кишим борму.

Рубойни бошида битта сўз қолиб кетди.

Рубой бошида қолиб кетган ўша сўзни топинг?

**1089. Элмурод Сиддиқов. Андижон вилояти, Улугнор туманидан.**

Марҳамат 1937 йилда немис муҳандислари ўйлаб топган. Муҳандислар атайлаб уни дастасини 3 та қилиб яратишган. Тасаввур қилдингизми?

Нима мақсадда 3 та даста қилинган?

**1090.** Бир савдогар йигит савдо орқасидан бойиб кетибди ва хотинига яна уйланмоқчилигини айтибди. Хотини уни қозининг олдига олиб борибди. Қози эрхотиннинг арзини тинглаб, қовун келтиришларини буюрибди. Қовунни савдогарга бериб, узунчоқ қилиб, тенг иккига бўлишни айтибди. Савдогар бу ишни ажойиб тарзда уддалабди. Яъни, қовун ҳажми, вазни тенг иккига бўлинибди. Аммо қози савдогарга иккинчи марта уйланишга лойиқмассан дебди. Нима учун? деб сўрабди савдогар. Шунда қози мана қаерда хатоликка йўл қўйгансан деб қовунни бир жойини кўрсатибди.

Қовуннинг қайси жойини кўрсатган?

**1091. Нафосат Назарова. Жиззах вилояти, Ш.Рашидов туманидан.**

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик автобиографик асарларидан бирида «ёзувчилар меҳмонга борганда нима уларни энг кўп иззат нафсига тегади» деган саволга жавоб берган. Уни ҳаётида бир икки марта шундай ҳолат рўй берган экан. У бу ҳолатини кўргану, шартта ўрнидан хафа бўлиб туриб кетган экан.

Ёзувчиларни меҳмонда нима иззат нафсига тегади, деб ўйлайсиз?

**1092. Бозор Мамадиев. Сурхандарё, Қумқўрғон тумани.**

Тоғли ҳудудда яшовчи қишлоқ аҳли, ўз уйларини тошлар билан бунёд этишади. Тош етказиб берувчи ширкат аъзолари аҳолига тошларни 2 хил нархда сотишар экан. Айрим тошлар арзон, айрим тошлар қимматроққа сотилади.

Нега битта тоғдан олиб келинган тошлар 2 хил нархда сотилади?

**1093. Зебохон Жалилова. Қува туманидан.**

Туркиянинг Бодрум шаҳри туб аҳолиси азалдан уйларининг ташқарисини оппоқ қилиб бўяшар экан. Энг қизиғи, уйнинг деразалари атрофини тўқ зангор рангга бўяшар экан. Туб аҳоли бу билан нимадандир сақланар экан.

Улар уйларни нега шу рангларга бўяшади?

**1094. Шокаримхўжа Носиров. Яшнобод тумани.**

Бир йигит билан бир қиз аҳду-паймон қилишибди. Учрашувлардан бирида йигит қиздан ота-онангиз нима иш қилишади, деб сўрабди. Қиз ақлли жавоб қилибди. Отам тупроқни тупроққа кўшади, онам тупроқдан тупроқни айиради, дебди.

Савол: Қизнинг ота-онаси нима иш билан шуғулланган?

**1095. Дилшодбек Камолов, Косон.**

1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин Тошкентда бир хил кўп қаватли уйлар қурилган. Уйлар бир-бирига ўхшасада, ён томонларига турли хил суратлар чизилган. Бу суратларга қараб уларни фарқлаш мумкин бўлган.

Бу суратларда нима тасвирланган деб ўйлайсиз?



## **1096. Саида Усмонова. Тошкент шаҳри.**

Лондон шаҳрининг анъаналари кўп. Масалан, қизил рангли телефон будкалар. 2000 йилга келиб уяли алоқалар кўпайиб кетгач, бу телефон будкалар кераксиз ҳолга кела бошлади. Лондон мэрлиги бу туристларни ўзига жалб қилувчи қизил будкаларни йўқолиб кетмаслигини хоҳлаб, уларга уяли алоқа воситаларини заряд олиши учун мосламалар қўйдиришган. Кейин бу лойиҳага тадбиркорлар кўшилишган. Улар қизил будка ёнига, яшил будкалар ўрната бошлашган. Ҳар иккаласи битта вазифани бажарсада, қизил будкадаги хизматга пул тўланган, яшил рангдагисига яъни тадбиркорниқига пул тўланмаган.

Нега яшил будкаларда заряд олиш текин бўлган?

## **1097. Абдурасул Ашуров. Қизилтепа тумани.**

Иккинчи Жаҳон уруши вақтида ҳамма давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда тежамкорликка катта аҳамият берилган. Масалан, Буюк Британияда янги пиширилган нонни бир кун тургандан кейин сотувга чиқаришган. Буни чиқаришдан мақсад нонни тежаш бўлган. Янги нонни кессангиз уваланиб кетади. Нонни тежашни яна бир сабаби бор.

Нонни бир кун турғизиб сотишдан яна қандай тежамкорликка эришиш мумкин, деб ўйлайсиз?

**1098.** Қадимги эртақлардан бирида шоҳ қизига шахзодалардан бири совчи кўяди. Ҳамма маликалар сингари у ҳам шарт кўяди. Сарой ҳовлисида атир гуллар ўсиб ётибди. Шу атир гулларнинг бири мен бўламан. Шу гуллар орасидан мени топа олсанг ўшанга турмушга чиқаман, дейди.

Шаҳзода гуллар орасидан маликани қандай ажратиб олган?

**1099. Маржона Озодова. Хоразм вилояти, Янги-ариқ тумани.**

Урганчда Ал-Хоразмийга ҳайкал ўрнатилган.

Ҳайкал пойига аста зинапоялардан чиқиб борилади. Ҳайкалтарош зиналарни аниқ мақсад туфайли 2 қават қилиб курган. 1-қаватга 9 та зина орқали, 2-қаватга 4 та зина орқали чиқилади.

Нега зинапояларнинг сонини аниқ шунчадан қилиб қуришган?

**1100. Ислом Иномжонов. Богдод тумани.**

Яқинда 80 ёшдан ўтган бир инсонни телевизорда интервьюси берилди. Уруш вақтида у 14 ёшда бўлгани, одам камлигидан у бир соҳада ишлаганини айтиб, уларга иш пайти бир идишда нашатир спирти берилишини айтди.

У қайси соҳада ишлаган ва нега уларга нашатир спирти берилган?

**1101. Мамаражаб Шойимардонов. Узун тумани.**

Мўғулистонлик йилқибоқарлар куз келиши билан отларни ичидан ажратиб олиб, қушхонага топширишади. Улар қайси отни сўйишга беришни йўлини билишади. Бунинг учун отларни ўзининг бўйи тенги ғовлар билан тўсилган кўрани ичига овқат бермай қамаб қўйишади. Сўнгра 2–3 кундан кейин отлар орасидан қушхонага борадиганлари ажралиб қолади.

Қандай ажралиб қолади?





## **1102. Қурбонгул Каримова. Навоий шахри.**

Миллиарддан ошиқ аҳолиси бўлган Ҳиндистонда ундай аёлларга ҳар ойда маош тўлаб туришади. Тагин уларга бепул тиббий хизмат ҳам кўрсатилади. Уларни давлат билан шартномаси ҳам бўлиб, агар шартномани бузишса, катта жаримага тортилишади.

Гап кимлар ҳақида кетмоқда?

## **1103. Даврон Тоғаев. Нарнай.**

Жанубий Африка Республикасида йирик олмос конларидан бирида 1970 йилда доимо ўғирлик қилиб юрган бир йигит ушланади. Шундан кейин ишчиларни фақат чиқаётганда эмас, кираётганда ҳам назорат қилиш бошланган.

Йигит нима орқали ўғирликни содир этган?

## **1104. Нодира Турсунова. Чироқчидан.**

2017 йилда ёш иқтисодчи Рауф Салахўжаев дунёдаги ёш иқтисодчиларнинг «ТОП 100» талигига кирди. У интервьюларида илк ўқиган китобидан қаттиқ таъсирланганини айтади: Бу китоб менга бир ҳақиқатни англатди, қунт ва ҳаракат бўлса инсон ҳар қандай шароитда ҳам муаммоларни ҳал қилади, мақсади сари олға босиши керак, дейди ёш иқтисодчи.

Унинг ўқиган илк китоби нима бўлган?

## **1105. Дилмурод Мамаражабов. Жиззах.**

Данте, Илоҳий комедия. Жаннат бобидан парча:

Оқ ёпинғич остида, зайтун чамбаракларда.

Яшил мато ўраган аёл пайдо бўлди.

Кўйлаги алвон – олов рангда.

Италиялик адабиётшунослар тахминича, балки уни

бугунги кўринишида пайдо бўлишига шу мисралар туртки бўлгандир, дейишади.

Нимани пайдо бўлиши сўралмоқда? 2 та сўз билан топинг?

**1106. *Ойгул Аллаберганова. Жиззах шахри.***

Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмасидан парча: «Қара, омон ўтирибмиз икковлон, тиғдошлар» суҳбатдошига мурожаат қилади соҳибқирон. У баъзан ҳукмдор эмас, оддий инсонлар билан ҳам дардлашишни ёқтирган.

Унинг суҳбатдошини топинг?

**1107. *Раҳмонберди Жумабоев. Измир шахридан юборган.***

Миланнинг бош майдонида Италиянинг биринчи қироли Виктор Эммануэлнинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилган. Ҳайкал атрофига кўплаб туристлар тўпланиб зиёрат қилишади. Бундай баландда қурилган ҳайкалларни тоза сақлаш жуда қийин. Шаҳар маъмурияти бунинг камҳарж йўлини топган.

Ҳайкал доим тоза туриши учун отга нима ўрнатишган?

**1108. *Жамшид Раҳмонов. Тўрақўрғон тумани.***  
Бундан 30 йилларча аввал кутубхонадан олинган китобларнинг барчасини айнан 17-бетига кутубхонани махсус штампи уриб қўйилар экан.

Нега айнан 17-варағига штамп урилади?

**1109. *Самандар Темиров. Нурободдан.***

XX аср 50-60-йилларда ишлаб чиқарилган баъзи



музлатгичларда кулф бўлган.

Бу музлатгичларни асосан кимлар сотиб олган?

## **1110. Мафтуна Расулова. Самарқанд шахри.**

Шотландиядаги уй эшиклари, асосан қора ва қизил рангларда қилиб курилади. Қора эшиклар сони жуда кўп. Қизил эшиклар нисбатан камроқ. Бу қизил рангли эшиклар атрофдагиларга бир маълумотни билдириб туради.

Қандай маълумотни?

## **1111. Ҳикматжон ва Муяссар Убайдуллаевлар. Шайхонтохурдан.**

Шеърят мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг куйидаги байтларига кулоқ тутинг.

Ўн тўлин ойдин олубон ўн ҳилол,

Тозалик, озодалик ичра юрурсан бемалол.

Бу байтда инсондаги қандай жараён ҳақида ёзилган?

## **1112. Юлдуз Бойсоатова. Термиздан.**

Сурхондарёлик бир шоир шеърига кулоқ тутинг:

Сен боққан чоғ нега одамлар,

Хушсуратдир кулгидан тўйган.

Мен қарасам сарғайган ўтлар,

Ва дарахтлар гулламай кўйган.

Сен қарасанг онам кўп дилбар,

Отам бардам қад кериб турар.

Шоир бу шеърни сандиқча ичидаги мосламага бағишлаб ёзган.

Сандиқчада нима бор?

## **1113. Раҳматилла Мусурмонов. Чирчиқ шахридан. Соҳибқирон Амир Темура Ҳиндистонга юриш қили-**

шидан олдин, у диёрни ўрганиб, у ерда учраши мумкин бўлган тўсиқларни ўрганган. Кўп сонли армия, филлар ҳақида тайёргарлик кўрган эди. Аммо шаҳар қалъасини бузиш пайтида кутилмаган қийинчиликка дуч келади.

Соҳибқирон лашкари яна қандай тўсиққа учраган?

### **1114. Шаҳинабону Усмонова. Когон.**

2000 йилларда оммавий ахборот воситаларида кроссворд, судоку каби интеллект билан боғлиқ нашрлар кўпайди. Шундан кейин Британиянинг Инде-пендъент газетасини ёзишча дўконларда икснинг савдоси жудаям ошиб кетган.

Ниманинг савдоси ошиб кетган, икс нима?

### **1115. Даврон Аҳмедов. Жиззах шаҳар.**

Англия энг ривожланган давлатлар қаторида бўлса ҳам минглаб аҳоли ҳали ҳам оқ-қора тасвирдаги телевизорни ишлатишади.

Нима учун, сабабини топинг?

### **1116. Одил Ҳамроев. Навбахор туманидан.**

Садриддин Айнийниниг Эски мактаб қиссасида, мактабга қатновчи болалар халтасида тахминан носқовокдек идишда туз олиб юришган. Хоҳлашмасида домла талаби шундай бўлган.

Нима учун туз олиб юришган?

### **1117. Соҳида Ўрмонова. Наманган тумани.**

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ёзишича, у бор жойда ҳамма нарса ортга чекинади. У ҳеч кимга муҳтож эмас, бир бора юз кўрсатса, кундуз унинг нури қаршисида зулматда қолган бўлар эди. Уни арралаб

ташланса ҳам оловдаги олтиндек кулиб тураверади – дейди мавлоно.

Мавлоно Румий ҳазратлари нима ҳақида ёзганлар бу фикрни?

## **1118. Анвар Имомалиев. Бўстонлиқ тумани.**

Қадимги донишмандлар ҳикматидан: У чарчоғи йўқ ибодат, безаксиз зийнат, давлатсиз ҳайбат. Олим учун – зийнат, жоҳил учун пардадир деганлар.

У нима?

## **1119. Шерзод Тозаймуродов. Сариосиё.**

Милитаристик Япония ҳукмронлиги даврида ҳарбийлар армиядан қурол аслаҳами, ҳарбий кийим кечакми, хуллас нима кўлга илинса ўғирлашган. Фақат пойабзаллар ўғирланмаган.

Нега оёқ кийимларни ўғирлашмаган?

## **1120. Равшанбек Мамажонов. Тўрақўрғон.**

Франциядаги машҳур Иф қалъасини эшитгансиз. Туристлар бу қалъага оқиб келишади. Тарихчи Ален Деконинг ёзишича, туристларни бу оролга оқиб келишларига, қалъани машҳур бўлишига асли ҳаётда мавжуд бўлмаган иккита асарнинг иккита персонажларини роли катга экан. Биринчи Эдмон Дантес бўлса, иккинчиси... иккинчиси аслида бу қамокда бўлмаган. Аммо туристларни жалб қилиш учун шу қамокҳонанинг 2-қаватида унга хона очиб қўйилган.

Иккинчи маҳбус ким?

## **1121. Бекзод Жумабоев. Фарзона туманидан.**

Тоққа кўтарилган сари ўзингизни енгил ҳис эта

бошлайсиз, чўққиларни мўлжаллаб чиқаверасиз. Аммо чиқиб улгурмай дарров пастга тушишга тўғри келиб қолади. Ги де Мопассан «Азизим» романидан.

Мопассан бу сатрларни нимага қиёслаган?

## **1122. *Ҳасанбой Ғуломов. Олтиариқдан.***

Тарихдан маълумки, Рус императори Пётр I ёзган фармони: Биз ким Улуғ, Кичик ва оқ империя ҳукмдори сифатида фармойиш қиламиз, дея бошлар эди.

Бу фармойишда берилган Улуғ, Кичик ва Оқ қайси давлатлар назарда тутилган?

## **1123. *Алишер Маматов. Жомбой.***

Кўзи ожизлар ҳассаси оқ рангда бўлиши бутун дунё бўйича келишиб олинган. Аммо қизил, оқ рангдаги ҳассалар ҳам бор.

Қизил, оқ рангли ҳассалар қандай маънони англатади?

## **1124. *Сирож Ражабов. Тошкент шаҳар, Янги ҳаёт туманидан.***

Европа ва АҚШда арзон сифатли ва табиатга зарари йўқ бўлган шамол генераторлари электр ишлаб бериш учун тинимсиз ишлаб туради. Лекин баъзи пайтлари уларни табиатга зарари бўлар экан. Шунини олдини олиш мақсадида айрим жойлардаги генераторлар бир неча кун тўхтатиб турилади.

Нима сабабдан бу шамол генераторлари тўхтатиб турилади?



## ЖАВОБЛАР

1. Фақат донишмандларгина биладиган тушунча – ҳаётни билиш. Илмларни, фанларни пайдо бўлишига сабаб бўлувчи омил – бу ҳаётни билишдир. Ҳаётни чуқур ўрганган кишиларгина доно бўлиб, манбага асос бўладилар.

2. Кўшхотинлик даврида хотинларнинг энг кенжаси тўқол хотин дейилган.

3. Бу эркакнинг вазифаси паранжи остидаги аёлнинг шахсини тасдиқлаш бўлган. Демак, у аёлни танийдиган шахс бўлиши керак.

4. Ночорлик, камбағалликдан ёки қалин пулини тўлай олмаслик туфайли сиз қайнотангиз уйида яшаб, қайнотангиз қўлида маълум муддат ишлаб бергансиз. Сизни ичқуёв деб аташган. Ҳозирги ичқуёвлардан фарқли ўлароқ сизда деярли ҳуқуқ бўлмаган. Ҳозир ичқуёвлар тенг ҳуқуқли, ҳатто оилага бошлиқ қилиб қабул қилинади.

5. Ёши бир оз ўтган инсонларда, ижодкорларда, ўз хаёлларига ғарқ бўладиган инсонларда бу ҳолат кўп кузатилади. Кўп ўй сурувчи кишилар – уйқусизлик дардига чалинишади.

6. Бундай қушларни етиштирадиган, тайёрлайдиган махсус мактаблар бўлган. У мактабларда – кабутарлар мактуб ташишга ўргатилган.

7. Улар камбағаллашиб қолишганда, ночор бўлиб қариндошлар қарамоғида қолиб кетганда, улар клиентга айланишган.

8. Экспедицияда фақат одамлар эмас итлар ҳам бўлган. Сафар давомида итлардан бир нечтаси болалаган. Экспедиция жуда узоқ давом этган. Ахир экспедиция аъзолари сафида 115та инсон, уларнинг барчаси эркаклар ва 97та ит ҳам бўлган.

9. 1892 йилда бир томонли пластинкалар учун, 1904 йилда икки томонли пластинка учун патент олинган.

10. Кабриолет.

11. Етим бола киндигини ўзи боғлайди.

12. Ари боқади. Асалари ўткир сунъий хидларга тажовузкор бўлиб кетар экан. Бунинг устига кескин ҳаракатларни ҳам ёқтирмайди.

13. Бунга сабаб – акустика эди.

14. Азалдан халқимиз ҳайит кунлари бу таомни пишириб келишган. Бу таомга фақат гўшт ва буғдой кўшилади, холос. 20 ботмон эт билан 20 ботмон буғдой солиб халққа ҳалим тайёрланган – демоқчилар.

15. Бу – бешик эди.

16. Бу – тухумнинг кимёвий таркиби эди.





17. Майин сичқон юнги ишлов берилиб аёллар учун улама киприк ясашган.

18. Бу – оқ кўлқоп эди.

19. Бу ромб шаклидаги винтлар кемаларни қуриш учун ишлатилади. Компания аввал кема ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Ҳозир ҳам автомобил, ҳам кема ишлаб чиқаради.

20. Чапақайлар.

21. Бу – тарвуз эди.

22. Виконт.

23. У сочини Хитойда олдириган. Ҳар ойда бир неча бор Хитойга бориб соч олдириб, келиши унга шунча қимматга тушган.

24. Чунки улар А.Навоийни тоғалари бўлишган.

25. Бу девонда Шарқ шеърятининг 16 тури номоёнди. Бу девонга шеърятни яхши тушунадиган Ҳусайн Бойқаро муҳаррирлик қилган.

26. 10 киши, 10 киши бўлиб ўтиришганлигини тушунтирмоқчи бўлган.

27. Севимли ё суюкли фарзанд.

28. Бу чекловни – ўт ўчирувчилар киритишган.

29. 1860 йилларда Франциялик Аппер деган ошпаз консервани ихтиро қилади. Илк консерва идишларининг метали жуда қалин бўлган, ярим см.гача қалинликда бўлган.

30. Бир варақ қоғозни ёндирсангиз, узоғи 1 дақиқада ўчиб кул бўлади. Бу узоғи бир дақиқалик ижтимоий фильмлар фестивали эди.

31. Отларга қўйиладиган лақабларда ҳарфлар сони 18 тадан ошмаслиги керак.

32. У киши балиқ овига қизиққан. Май, июнь июл, август ойларида балиқ овлаш мумкин эмас.

33. Тўғри жавоб сув кўп ёки камлиги ҳақида.

34. Никоҳга.

35. Қизилиштон.

36. 2 ярим 3 минг йиллар илгари ҳам, ҳатто санитария ҳолатларига амал қилинган. Ариққа тушган мевани чириши, айниши орқали юқумли касалликлар тарқашини олдини олиш мақсадида бу чеклов жорий қилинган.

37. Одатда, бундай маросимни ўтказиш учун энг ками икки киши борилади. Агар сизни тапширингиз ва мақсадингиз мезбонга ёқса, у сизни ширин чой билан меҳмон қилади. Ёқмасангиз оддий чой бериб қайтариб юборади. Чунки сиз совчиликка келгансиз. Ширин чой «ҳа», оддий чой «йўқ» маъносида.



38. Қўшиндаги лавозимлар камон ўқларига қараб билинган. Оддий навкарда ўқлар кўп бўлган. Амал юқориланган сари ўқлар сони камайиб борган. Энг катта қўмондонда камон ўқи умуман бўлмайти.

39. Моҳир лўли аёллар чачвонни от ёлидан тўқишган.

40. Тўғри жавоб, 1981 йили Шарқ тақвими бўйича «Олтин хўроз» йили бўлган.

41. Бу таърифдаги қўш денгиз бу – кўзлар. Кўзга кичкинагина хас тушса, у озор чекади.

42. Гап шундаки, бу лой томдан ўт ўсиб кетмаслиги учун. Шўрхок ердан биласиз ўт ўсмайти.

43. У персонажни касби – жаллод эди.

44. Дуна уй варош таржимаси – Дунайдаги янги шаҳар.

45. Бу рўйхатда қум соат 8 га ўхшагани учун 8 – ўринда ўринда туради.

46. Бу ҳаракатни одам билан фил бажара олар экан.

47. У Менделеевнинг Даврий жадвали эди.

48. Уларнинг бўйнида қўнғироғи бўлган.

49. Филдирак диоганали унча роль ўйнамайти. Аммо ёзда тупроқли қишда ботқоқли Қўқон йўллари учун

кенг гардишли араваларни роли бекиёс бўлган. Арава ботиб қолмаслиги учун ғилдираклари шундай кенг қилиб қурилган.

50. У оёқларини кенг очиб ташлашидан билган.

51. Чунки февраль ва март ойларига келиб мўғулларнинг отларини емишлари тугаган. Оч қолган от билан уларни енгил ошон бўлган.

52. Катарақтани.

53. Бу асалари.

54. Табиат ҳақида.

55. Анъанага итоат қилиш.

56. Эрнест Хеменгуэй юбилейига бағишлаб чиқарилган тангада «Чол ва денгиз» қаҳрамони денгизчи чол тасвирланган.

57. Халқаро физиклар академиясининг ҳақиқий аъзоси Мария Кюри хоним атрофдагиларга йиғин тугамагунча чекишга рухсат бермаган. Эркак чекувчи физиклар Кюри хонимни ҳурматини қилиб, йиғин тугагунча чекмай ўтиришган.

58. Ғоз ҳам, курка ҳам ўрдақдан узоқ умр кўради. Қанча кам умр кўрган жониворларни жигари шунча тоза бўлади.

59. Олимлар фикрича, эсноқ келганда миянгиз қизиган бўлар экан. Уни қизиб кетганини эсноқ орқали биласиз.

60. Бу жиҳоз орқали уйнинг ичини ҳам, ичкаридан ташқари кўриб бўлмайди. Шундан рашкчи француз эрлари уни хотинларини қизганиб ўйлаб топишган. Уни ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар эса зебрани ўзларининг эмблемаларига айлантириб олишган. У жиҳозни номи – жалюзи.

61. Чунки гармонал фон ўзгариши оқибатида ҳомиладорлик спортчининг қобилятини кучайтиради. Жавоб ҳомила аёлни ички потенциални кучайтириб юборади. Бу допинг сифатида қабул қилинади. Халқаро Олимпия Назорат Кўмитаси – допинг назорати билан шуғулланади. Кейинги пайтларда шу ҳолатларга ҳам эътибор қаратилмоқда.

62. Тарбиянинг асоси ишонтириш, нима яхши-ю, нима ёмонлигига ишонтириш деган.

63. Финлар диёри кўллар, ботқоқликлар, ўрмонлар юрти. Демак, бундай табиат шароити чивинларни кўпайишига сабаб бўлади. Кичкиналигида бир чивинга таланган болада уларга қарши иммунитет ҳосил бўлади. Кейин чивиндан ҳайикмай яшайверади.

64. У ҳинд фильми Жаноб 420 даги машҳур Обарама кўшиғининг таржимаси эди.

**65.** Тахт ворисига жуда чуқур билим бериш учун, унда манбалар тўплами бўлиши керак. Билим манбаси китоб. Китоблар қаерда бўлади? Албатта, кутубхонада. Энг катта кутубхона Миср тасарруфидаги Александрия кутубхонаси. Устоз шу кутубхонага раҳбарлик қилиши лозим бўлган.

**66.** Ўлжас Сулаймоновнинг тарихий асарида, қадимий туркий қабила қипчоқлар экани, уларни номланишига сандиқчадаги икки предмет сабаб деб келтирилган. Марҳамат очиб кўрамиз. Сандиқчада 2 та пичоқ бор. Икки пичоқ – бориб-бориб қипчоқ сўзини келтириб чиқарган.

**67.** Лотин Америкасида бир машҳур футболчининг ҳам ўнг оёғи калтароқ бўлган. Шундан мухлислар бу футболчини шу қуш каби Гарринча деб аташган. Қуш номи ҳам – Гарринча бўлган.

**68.** Кунига 60 млн. Одамни гоҳ тепага, гоҳ пастга ташийдиган транспорт тури – бу лифтдир.

**69.** Профессор тўрт томондан ўкиладиган китоб деб айнан уни назарда тутган. Бу – глобус эди.

**70.** Бу Эритрея давлати эди. Юнон тилида Эритрос – қизил дегани.

**71.** Уни олдида соатлаб ўтиришларини кўрган бир тадбиркор, санъат ихлосманди суратлар, портретлар галереясини очади. Ва у адашмайди. Марҳамат сандиқчани очиб кўрсатинг. Кўзгуга узоқ термулиш.



72. Содда деҳқонлар, ҳатто ўнг ва чап томон қайси тарафдалигини билишмаган. Шунда уларга тушунарли бўлиши учун кема бортини бир томонига пиёз, иккинчи томонига шолғом илиб қўйишган. Кемани чап томонга бур ўрнига, рулни пиёз томонга бур каби буйруқлар беришган.

73. Тўғри кейинги вақтларда бу анимацион фильм-роликларга бошқа муаллифлар ҳам жалб қилинмоқда. Чунки Японияда бундай шеърлар ёзадиган муаллифлар талайгина. Уларнинг энг машҳури биз сўраган шоир эди. Фильмларнинг умумий номи Хокку муаллифи Мацуо Басё эди.

74. Агар чексангиз сиздан ит ҳам ҳазар қилиб, ёнингиздан ўтиб кетади, сизни йўталигиз тунда ўғриларни ҳам чўчитиб юборади. Агар чексангиз сиз ҳеч қачон қаримайсиз, чунки жуда ёш ўлиб кетасиз.

75. Машҳур инсонларнинг машҳур иборалари, цитаталари.

76. Давлат амалдорининг хуснихати чиройли бўлиши шарт қилиб қўйилган. Герценни хуснихати чиройли эди.

77. Ветеринар шифокори ҳам, педиатр шифокори ҳам беморнинг хасталигини учинчи одам орқали билиб олади.

78. Топишмоқ – қилич ҳақида.

**79.** Улар кунига 8 соатлаб машқ қилишади. 3 дақиқалик дастур 180 сония бўлса, дастур бошидан охиригача улар ичларида санаб туришади. Улар мусиқа билан параллел ичларида санокни ҳам олиб боришади. Сув остида қанча бўлишни улар санок ёрдамида белгилашади.

**80.** Ишини дўндириб бажарса устозинг ким деб, ёмон бажарса ҳам сени устозинг ким ўзи деб устозни ёдга олишади.

**81.** Обрў.

**82.** Арава ғилдираклари. Илгарилари ғилдираклар пишиқ ёғочлардан ясалган.

**83.** Тажриба менинг устозим деганда Да Винчи ҳақ эди.

**84.** Соҳибқирон бу неварасига отасининг исми-Муҳаммад Тарағай исмини беради. Аммо эски одатга биноан сарой маликалари, келинлар бобокалонларининг исми шарифини айтиб чақаришни одобсизлик деб билишган. Шундан сўнг Бибиҳоним бошчилигида сарой аёллари келишиб уни Мирзо Улуғбек деб чақира бошлашган.

**85.** Туздонга мурчни ҳам кўшиб узатиш маъқул дейилади. Этикет китобида.



86. Агар гўштни сўйиш билан майдалаб ташласангиз, суяклар майдаланиб кетади. Сотиб олинган гўштингиздан тез-тез майда суяклар чиқиб турса сизга ҳам ёкмаса керак. Қассобга ҳам ноқулай.

87. Балиққа.

88. У бу фикрни – тангога берган.

89. Туғиладиган ҳар бир фарзанд ўша кудуқнинг оғзига қўйилажак ҳарсангдир, деб жавоб берган.

90. Ухлагани қўймайди.

91. Ўнг буйрак, жигарнинг ҳисобига чап буйракдан озгина пастроқда жойлашади.

92. Таржимон оригинал асарни беҳато, аниқ таржима қилиши керак. Марҳамат сандиқни очиб кўрамиз. Бу кўзгу эди.

93. Бунинг учун меъморлар қоғознинг ўртасидан буклашади. Ва ичидан ручка билан букланган чизик устидан юргизилса кифоя.

94. Найзани учи оғирроқ қилгандан сўнг, у узокқа учмайди, пастга шўнғийди. Ҳозир дунё рекорди 90 метрлар атрофида. Федерацияни бу қарорга келишига сабаб, найза томошабинлар ўтирадиган жойга яқинлашиб, уларга хавф сола бошлаган.

95. Бу ингредиентнинг номи – шакар эди.

Гўштни аччиқ билан туз билан зирavorлар билан

ейишдан биз роҳатлансак, японлар ҳатто балиқ гўштига ҳам, бошқа гўштларга ҳам «Ксияки» тайёрлаганда, албатта шакар қўшиб ер экан.

**96.** Какку овози. Япон шеърятининг доимий рамзларидан бири – Какку.

**97.** Агар ёмғир узоқ ёғса, товук буни сезади. Ёмғир ҳали бери тугамаслигини сезиб ризқини териб юраверади. Агар ёмғир тез тугабини билса кутиб туради. Бу маълумот гидрометеорология тарихи китобидан олинган.

**98.** У ҳаммага зарур. Уни мисқоллаб тўплайсиз. Унинг номи Обрў. Топилган обрўни жонни сақлагандек сақламоқ керак дейди адиб.

**99.** Қўлнинг бармоқларини олдинма кетин ялаш билан билдирилган. Илгарилари ҳамма ошни қўлда еган. Бармоқларни олдинма кейин артими, бу одам тўйганлигини билдирган. Қайси бармоқдан бошлаб, қайси бармоқда тугалланиши ҳақида ҳам батафсил ёзилган.

**100.** Бошни елка атрофида айлантириш.

**101.** Кимни тушда кўрсангиз у билан гаплашишингиз мумкин. Бирданига 15–20 та овоз билан ишловчи бир соҳа кишилари бор. Уларнинг тушларида 15–20 талаб овоз эшитилади. Хор жамоасида ишловчи кишилар хор қўшиқларини эшитиб чиқишади.



**102.** Шарқ донишмандлари телба ва доно кишида бир вақтда ҳам меҳр, ҳам нафрат бўлмайди дейишган. Улар бир фикрда собит туришади. Оддий кишилар шунинг учун оддийки, уларда эл қатори меҳр ҳам, нафрат ҳам ёнма-ён келади. Улар фикрларини тезда ўзгартира олишади. Ёқлаб турган фикрларига бир зумда қарши чиқишлари мумкин ёки, аксинча. Мантиқан жуда оқилона айтилган фикр.

**103.** Бу асал эди.

**104.** Тўғри жавоб – кўзойнак. Кўзойнак ўғрилари, аёвсиз жазоланган.

**105.** Бу шам эди. 2 та шам ёқиб қўйилиб кимни шами олдин тугаса, у ҳеч нарсасиз чиқиб кетишга мажбур бўлган.

**106.** Ингушларда куёв тўра фотиҳадан кейин то тўйгача бўлғуси қайнотаси билан учрашмасликка ҳаракат қилган.

**107.** Рим саноғи бўйича беш «V» белгиси билан ифодаланади. «V» Римда Викторияни билдирган. Виктория ғалабани англатади. Шунинг учун 5-симфонияни айримлар – виктория, ғалаба симфонияси деб аташади.

**108.** Сехрлаш учун меҳр керак, диққат эътибор зарур. Шунда у пиширган таомлар оиласига турмуш ўртоғига манзур бўлади. Овқат пиширишда аёлларга малакадан ташқари сехру-жоду ҳам, фантазия ҳам зарур бўлади.

109. Бу фонендоскоп эди.

110. Шляпа қопқора рангда, дастрўмол оппоқ рангда. Поль Сезанн суратга танланадиган рангларни мана шу 2 та оппоқ ва қоп-қора рангларга қараб танлаган. Қайсидир маънода Камертон вазифасини бажарган.

111. Мен икки марта урғу бериб фалончини исмини айтдим. Агар сиз мени ўзингизга ака бўлишимни хоҳласангиз Таити аборигенлари сингари, сиз менга ўзингизнинг исмингизни беришингиз керак экан. Шунда ака-ука тутинган бўламиз.

112. Улар дехқонлар. Ҳаво айниб кетмасин деган мақсадда худодан доимо марҳамат сўрашади.

113. Мен ҳамма нарсамни доимо ўзим билан олиб юраман, деб жавоб берган. Унинг бутун бойлиги унинг миясида туришига ишора қилган.

114. Инсон қўллари билан бажарган бир оддий ишни, бугун сандиқча ичидаги бажармоқда. Бу – хуштак.

115. Ҳисоб чўти бор.

116. Сувни туни билан мис човгумга солиб кўйганлар. Эрталабгача мисдан кўп моддалар сувга ўтиб турган.

117. Фабрикага кўпроқ пичоқ сотилиши керак. Кўпроқ сотилиши учун кўпроқ йўқолиши керак. Шунинг учун пичоқлар сабзи пўстлоғига яқин рангда



килиб чиқарилади. Натижада, пўчокқа аралашиб ахлатга ташлаб юборилади ва яна янгисини сотиб олишади.

**118.** Қадимги Хитойда ўлимга маҳкум этилган кишиларни гўшт бериб ўлдириш усули ҳам бўлган.

**119.** Трубадан.

**120.** У бир кечада умуман бошқа куйни ўрганиб конкурсда уни ижро этган.

**121.** 4 ёшли бола нимани ҳам овлаши мумкин дерсиз. Улар болаларини дастлаб чивин тутишга ўргатишади.

**122.** Тоғ.

**123.** Аҳоли бу ширачларни – меморларга, курувчиларга сотишган.

**124.** Улар унинг салтанатида илгари Андижонда бўлмаган. Чунки уларнинг ҳаракатига ҳавзалар бўлмаган, Ҳиндистонда бунга имконият катта эди. У махсус ҳарбий кемаларга шу каби номлар берган.

**125.** Генри Форд заводи олдида ҳар куни юзлаб одамлар иш кутиб юришган. Мақсад ишни қадрига етиш, ишсиз қолишдан қўрқиб астойдил ишлашга даъват қилиш бўлган.

**126.** Улар ўт-ўланларга бевосита алоқадор инсонлар бўлишгани аниқ. Қайси ўтнинг қаерларда ўсиши, қайси биридан тана семириши, даво топиши ҳақида билишган.

Шунинг учун Ибн Сино ҳазратлари ўсмирликда кўп вақтларини чўпонлар билан ўтказганлар.

127. Ўйлаб гапиришни ўрганасан.

128. Шарҳловчилар Капа, яъни Капабланкага, кубалик, жаҳон чемпиони, Ласкерни ютган, 1927 йилда у жаҳон тожини Алёхинга бой бергач, Алёхинга ютқизган каби иборалар қўшилган.

129. Бу таърифдан ҳосил бўлувчи қоришма – аёл кишидир.

130. Тилларанг бош кийим кийиб юрган қизлар оилада ёлғизлигини, кумушранг бош кийимдаги қизлар оилада ягона қиз эмас. Атрофдагиларга, совчиларга белги берилган.

131. Ўтган кетган йўловчилар унинг олдига келиб дардини сўрашган. Кейин ўзларича билганча маслаҳатлар беришган. Фақат худо шифо берсин деб эмас, аниқ даво усуллари билан ёрдам беришган.

132. Йиртқич ҳайвон ўргатувчиларига.

133. Альфалар бармоқлар.

134. XII асрда Европаликлар уни ҳали билишмаган. Аммо иссиқ ўлкаларда унинг илк намуналарини билишган. Чунки иссиқ ўлкаларда унга талаб катта бўлган. Марҳамат денгизчиларнинг покиза, топ-тоза

мухаббатлари рамзи нима эканлигини билайлик. Бу – совун эди.

135. Иқтисодда кўрқув (шоковой) терапия деган ибора бор. Кўрқув ишбилармонларни сонини камайтирса, бу чувалчангларнинг сонини айнан кўрқув кўпайтиради. Акула ё балиқ хужумидан омон қолганидан улар ўз-ўзидан кўпайиб кетаверади.

136. Молхонада моллар ташқарига тез олиб чиқиладиган пайтга, тасодифий ҳолатга тайёр бўлиш учун эшиклар шундай қурилади. Бу ҳолат молхонада ёнғин чиққанда молларни тез олиб чиқиб кетиш учун учун қурилади.

137. Ўша вақтларда аёллар кийими, асосан синтетик матолардан тикила бошланган. Синтетик толалар ЭҲМларни тез ишдан чиқарган.

138. Янги тухум қўйишни бошлаётган товуклар, одатда хоҳлаган жойга тухум қўйиб кетаверади. Уларни қаерга тухум қўйишни ўргатиш мақсадида атайлаб тухум ташлаб қўйишади. Мана бу ерга қўйиш керак деган мақсадда.

139. Бу ибратли савол бўлгани учун жавоб, албатта ибратли жиҳати бўлиши керак. Ахлоқини йўқотган одам уни излаб овора бўлмасин уни тополмайди. Ахлоқ мени йўқотсангиз излаб овора бўлманг, ҳеч қаердан топа олмайсиз – деган.

140. Нурибаши кўп марта фойдаланадиган япон таёкчалари, марибаши – бир марта ишлатиладиган япон тайёкчалари эди.

141. Одатда, итлар инстинктида уларни кўргач тажовуз пайдо бўлади. Худди шу пайт бу ўргатилган итлар эхтиросни жиловлай олиши керак. Энг охирида итлар олдидан мушук чопиб ўтиши керак. Агар унга парво қилмаса имтиҳондан яхши ўтган бўлади.

142. Кливленд университетининг Тиббиёт факультети талабаларига бўлғуси нейрохирурглар дарслар аввал қовоқ орқали тушунтирилади. Мия қобиғини очишнинг илк қадамлари қовоқ билан қўйилади.

Имтиҳон пайти бўлғуси нейрохирурглар қовоқнинг чаноғини очиб ичидан пенцет билан данакларини олиб, ҳақиқий операцияда улар мияга тушган майда суякларни ажратиб олишни ўрганишлари керак.

143. Хитой чиннисининг сифати унинг тупроғида. Шундан Хитойдан кулоллар тупроқ – гил буюртма қилишган.

144. Аслида бу хизматни кўп давлатларда итлар бажаради. Араблар итни нопок жонзот деб билишади. Шунинг учун улар ўрнига пони отларидан фойдаланишади. Улар кўзи ожизларни йўл бошловчи сифатида етаклаб юришади.

145. Келин шундай ихчам, шундай майда қилиб чучвараларни туғиши керакки, улардан 15 таси битта қошиққа сиғиши керак.





146. Майдаланган тупроқ билан шамол йўналишини аниқлашда фойдаланишган.

147. Кинотеатрлар тармоғи хўжайини клубга ҳомий бўлган. Ҳар ҳафтада янги фильмларни футболкада реклама қилган.

148. Ундан хоҳлаган киши фойдаланиб кетавери-ши мумкин. Ўлчами йўқ. Тўлароқ аёлга ҳам озғинроқ аёлга ҳам у мос келаверади. Унда белга тақиладиган фартук бор. Уй бекаси учун энг асосий иш воситаси.

149. Милиция.

150. Қиш, баҳор, ёзда сувлар ариқларда шарқираб оқиб ётади. Бу фаслларда қазилган қудуқлардан чиқадиган сувлар унча чуқур бўлмаган ердан чиқади. Ер юзасига яқин ердан чиққан сув тиниқ чиқмайди. Кузда ариқларда сувлар тортилган бўлади. Қудуқлардан сув чиқиши учун анча чуқурроқ қавланади. Энг ширин ва тоза сувлар чуқурроқ ерларда бўлади.

151. Рашид Нури Гунтегин айтган бу фикр ҳақиқатга жуда яқин. Кўнглингиз эзилган вақтда нима қиласиз, нимани хоҳлаб қоласиз. Ётишни кўкракни захга бериб қоронғу уйда ётишни хоҳлаб қоласиз. Кўзи оғриган беморларга ҳам ёруғлик ёқмайди, улар ҳам қоронғулик истаб қолишади. Тўғри жавоб қоронғулик.

152. Улар беозор жонзотлар. Қорамоллар, қўйлар, беозор қумурсқалар ва ҳ.к.

153. Аёллар кўчага чикмасликлари учун уларга пой-абзал олиб берилмаган.

154. Бу қизил гуллари бўлган хонадон олдидан ўтаётганда одамлар кулмасдан, қаттиқ гапирмасдан ўтишган. Чунки бу уйда хаста, анчадан бери ётиғли бемор бор.

155. Шундай отлар борки, эгарлаб минишингиз билан у учиб кетади. Ундай отларга енгилроғи ҳам бўлаверади. Айрим отлар борки, унча-мунчага юравермайди. Уларга қалин тўқилган қамчи зарур бўлади. Демак, жавоб – қамчи.

156. У киши мабодо соҳибқирон билан очик ҳавода, табиат қўйнидаги йиғинларга борганда юзни офтобдан химоя қилиш учун кўп миқдорда упа суришга мажбур бўлганлар.

157. Тўғри жавоб – бозор.

158. Бу қабртошига битилган байт эди. Ярим йўлда ўз ҳамроҳини, севгилисини ташлаб кетган Кумуш-бибининг қабрига шу сўзлар ёзилган. Бу «Ўтган кунлар» асари эди.

159. Бу вилоят энг кенжа вилоятлардан ҳисобланади. Бу вилоятга деярли ҳамма ҳудудлардан мутахассислар таклиф қилинган. Шунинг учун дўппилар ҳам ҳамма вилоятлардан келтирилади.

Бу Сирдирё вилояти эди.



**160.** Бу сўзни юнонлар мелимелон, испанлар мармилон, французлар мармелад кўринишида талаффуз қилишган. Бу дунёда асалли олма номи билан ном қозонган – беҳи эди.

**161.** Бу крассовка ёки мих қоқилмаган оёқ кийимлар кийишларини сўрашган. Бир икки марта оёқ кийимдаги михдан учкун чиқиб ёнғин чикқач, улар ишчиларга крассовкаларга ўхшаш пойабзалларнинг дастлабки кўринишларини кийишга мажбур қилишган.

Бу кроссовка эди.

**162.** Ўша сифат орқали итальянларни фарқлаш осон бўлган бўлса керак. Италиян паспортида исм-шариф ва овоз тембри ёзиб қўйилган. Бас, баритон, тенор каби. Балки инсон шахсини тасдиқлашда овоз тембри рол ўйнагандир. Ҳар қалай Италия ахир.

**163.** У Бухородан Ҳамадон шахрига қочиб кетади. Айтишларича, 1- фоторобот шу зайлда чизилган. Унинг сурати барча шаҳар дарвозаларига илиб қўйилган. Ҳукмдор уни қидирувга берган.

**164.** Улар қорамолларни нархини билгач битимга келишган. Улар бир-бирига пул қарз беришдан олдин бозорга боришган. Олаётган суммага нечта қорамол сотиб олса бўлади, шуни аниқлашган. Шариат жиҳатидан ҳам бу тўғри қарор. Ислонда судхўрлик қилиш гуноҳи азим ҳисобланган. Қарз миқдорини қорамолга қиёслаб берилган. Яъни, шу пул эвазига нечта бир хил катталиқдаги новвос берса, қарз олаётган вақти худди шунча новвос олса бўладиган қилиб қайтарган.

165. Бу – туз эди.

166. Қайиқда мувозанатни ушлаш учун, албатта 3–4 киши бўлиши шарт.

167. Кўз ва ё қовоқларнинг учиши.

168. Тропик ёмғирларни.

169. Сабаби қассоблар пичоғида гулбанд бўлиб у қонни дастага ўтказмайди. Ёғоч даста қонни шимиб олса ундан микроб, кейин инфекция аримай қолади. Шунинг учун ҳам қассоб пичоқларининг дастаси металлдан бўлади. У қонни дастага ўтказмайди.

170. Товуқ тухумига қараб айтган бу шеърни.

171. Сочга.

172. Уни биз сандиққа солиб чиқсак ҳам бўларди, хидидан сезилиб қолишидан чўчидик. Бу ўткир хидли – зира эди.

173. Озарбайжон ижодкорларининг биз учун энг яқин бўлган ижод намунаси бор. Шоир Ибраим Юсупов аршин молчига ўхшаб ўз ёримни излаб ўтарман деган.

174. Игнадан ипни ўтказиш учун. Чунки онаси кўзи яхши кўрмай, кексайиб қолган.

175. Гилам.



176. Иккинчи учи мукофот, рағбат. Ҳар бир қонуннинг 2 та таянчи мавжуд.

177. Буғдойзорлар атрофида чумолилар ин қуради. Ёзи билан улар инларига буғдой ташийдилар, ўша жойни белгилаб қўйиб қишда кавлаб тайёр буғдойга эгалик қилишган.

178. Барча инсонлар қорнини тўйдиришга бел боғлаган бу киши, одамларга арзон, тез пишадиган овқатни ўйлаб топишни мақсад қилган. Бу тез пишар ҳамир-лапша.

179. У – от эди.

180. Ўзига ишончи йўқ одамлар ҳар 2 гапнинг бирида у сўзни ишлатишади. Гап «рахмат» сўзи ҳақида кетмоқда.

181. Майда тошларни ютишади: йирикларини эса тумшукларини чархлаш учун. Агар чархлаб турмаса қушлар тумшуклари ўсиб кетади.

182. Уйга меҳмон келишини билдиради.

183. Ўгай онага.

184. Ҳарбий юришлар пайтида ниманидир узунлигини ўлчаш зарур бўлса, у ўлчов вазифасини ўтаган. Қамчилар теридан тўқилади. Ҳар бир ўрама маълум узунликка эга бўлганидан майда нарсаларни ўлчашда фойдаланишган.

**185.** Унинг хотини фарзанд туғатуриб дунёдан ўтган. Фарзандига, хотинининг ўлимига сабаб бўлган боласига йиғлаб-йиғлаб сут беради.

**186.** У отини тутмоқчи бўлиб чўпоннинг этагини, бўш этагини тутганча отни алдаётган эди. Ҳазрат бу ёлғонни кўргач, бу киши айтадиган ҳадис ишончли эмас деган фикрда ортларига қайтиб кетган эканлар.

**187.** Кутубхона.

**188.** Дазмол.

**189.** Куркураклар асалариларни ҳавода тутиб ейишади. Улар, асосан симёғочларда ўтирадилар. Шунинг учун яқин атрофда симёғочлар бўлмаслиги керак.

**190.** Унинг енгил бўлиши учун кувурсимон тешикчалар маҳсус қолдирилади.

**191.** Дарбозларга.

**192.** Бунга сабаб бирон егуликни ёқтириб қолганини билдирмаслик. Йўқса ўша кўп истеъмол қиладиган таомни душманлар заҳарлашлари мумкин. Ҳукмдор шу таомни севиб доим истеъмол қилишини билган ганимлар айнан шу таомга заҳар оғу кўшишлари мумкин.

**193.** А4 форматга эга қоғоз бор. Эни ва бўйини ўлчасак ўлчами чиқади. 21x29 ярим см. шунча гектар чиқар экан.



**194.** Кейин тупрок яна чуқурга қайтиб солинган. Янги кучли ва сифатли ер бўлса, тупрок чуқурга сиғмай тошиб кетади. Шундан ернинг сифатини аниқлашган.

**195.** Энг хавфли жонзот бу инсонлигига шубҳа йўқ. Инсонни қафасга солиб қўйиш бу нотўғри иш бўларди. Шунинг учун қафасда марҳамат очиб кўрамиз. Қафас ичида кўзгу туради.

**196.** «Ўзбекистон йўли» эса Навоийдан тарқалар деган ўхшатиш қилинган. Маъносига тушундингиз деб ўйлайман.

**197.** Майда кесилганда масаллик тез пишсади. Қадимда Хитойда ўтин муаммо бўлган. Овқат тез пишса ўтин кам ишлатилади.

**198.** Асаларичилардан. Чунки уларнинг меҳнати машаққатли деб билиб улардан илгари солиқ олишмаган. Сунъий қиём пайдо бўлгач асаларичилар якка ҳокимлиги барҳам топади. Бемалол солиқ солаверишган.

**199.** Июнь-июль ойларида Ўзбекистонда буғдой йиғим терими бўлиб ўтади. Омборларга ташилганда йўлларга кўп буғдой донлари тўкилади. Буни териш учун қушлар йўлларга ўзини уради. Берилиб кетиб филдираклар остида қолиб нобуд бўлишади.

**200.** Асаларида ақл бўлмайди. Ўрмонда дарахтлар қавагида яшаган асалари оиласи доимо бир хавфдан холи бўлмаган. Айнан оловдан, тутундан улар кўрққан. Бугун асаларичилар асалари оиласини очишдан олдин

тутун юборишади. Асаларилар тутун ҳидини сезиш билан хужумга ўта олмай шок ҳолатга тушиб қолишади. Бундан болчилар фойдаланишади.

**201.** Улар Хаттотлар, китобдан нусха кўчирувчилар эди.

**202.** Товуқ фермаларида товуқлар катакда бокилади. Тухумни махсус ётиб туғишмайди. Турганча тухумларни туғаверишади. Тухумлар баланддан сим тўр устига тушиб синиши мумкин. Калта оёқлар эса бу салбий оқибатнинг сонини камайтирган.

**203.** Улар мактабдан бўшаган ўғил болалар қўлларига асбоб-ускуна бериб кўчада пойбзал тозалашга мажбур қилишган.

**204.** XVI асрдан бошлаб Европада қоғоз пуллар муомалага кира бошлаган. Шунинг учун банк соҳаси кишилари унинг нафис қоғозларини сотиб олишган.

**205.** Инсон тишлари ҳақида.

**206.** Кўмир. Кўмирга сув сачрамаслиги учун қаттиқ кўриқланган. Жуда эҳтиёт қилишган, харажат шундан ортган.

**207.** Кичиклик пайтида олиб келинади.

**208.** Катта девор соати. Соатни кўриш ва билиш мақсадида ҳам миждозлар сизнинг ошхонангизга оқиб келган.





209. Уларнинг соч олмасликларининг энг биринчи сабаби бошдаги қалин соч бошни иссиқдан сақлайди.

210. Узр биродарлар, мен бу шаҳарлик эмасман деб жавоб қилган.

211. Унинг тишида заҳар бўлгани учун Зевс илоннинг совғасини олишдан чўчиган. Ёмоннинг қилган яхшилигидан ҳам чўчиган маъкул дейишади-ку.

212. Текширишлар шуни кўрсатганки, умумий наркозда бўлган беморлар жарроҳлик вақтида айтилган ҳамма гапларни эшитиб, онгига муҳрланиб қолишини аниқлашган. Шундан врачлар операция чоғи ҳаммалари жим ишлашган.

213. Уларни терма жамоа аъзолари рюкзаклар деб аташган. Терма жамоа аъзолари машғулот пайтлари уларни рюкзакларга солиб орқаларига осиб олишган. Айтишади-ку машғулотда оғир бўлса, мусобақада енгил бўлади деб.

214. Қоп.

215. Бу – шам эди.

216. Меҳрни.

217. Бурун.

218. Чийдухоба.

219. Сувни топа олиш. Қаерда сув борлигини оёғи билан топа олади.

220. Нурбек 180 кг. Асрор 120 кг, Равшаннинг вазни бор йўғи 60 кг.

221. Сиёҳнинг рангсизи, кучли хотирадан ҳам аълодир. Маълумотнинг энг ишончли сақловчиси – қоғозга сиёҳда ёзилганидир.

222. Қоқигулнинг парларини териб лойга солишган. Коқигул пари лойни ва, албатта маҳсулотни пишиқ қилган.

223. Йўлтўсарликка диққатни қаратмоқ керак эди. Совуқ кунлари ўғрилар кўп ҳолларда мол, пул ёки кийимларини олиб кетишган. Воқеа жойига етиб келган полициячи, энг аввало кийимларсиз юпун турган жабрланувчига иссиқ одеёлни ёпиб уни иситишган.

224. Ўт ўчириш командаларига. Шамлардан кўп ён-гинлар чиқавергач шу хизмат тури ташкил этилган.

225. Сурат (асли) шунчалик маҳорат билан чизилганки томошабин суратдан бошқа нарсани кўрмайди. Улар сурат рамкасининг рангини айтиб бера олишмас экан.

226. Озодлик ҳайкалидаги аёлнинг оёқ ўлчами 879 деб ўлчанган.

227. Аниқроғи, у мана шу ёғ чиқарадиган дастгоҳни матн терадиган босма дастгоҳга айлантирган. У босма китоб ихтирочиси Иоганн Гутенберг эди.



228. Бу бинонинг номи – қамоххона. Қамоххонада ётганларнинг ичида ноҳақ қамалганлари ҳам бор. Афсуски ҳақиқий жиноят қилганларнинг баъзилари бу ерда эмас демокчи.

229. Бокс майдони тўртбурчак. Бокс майдонини ринг деб атаيمиз. Ринг инглизчасига думалоқ дегани.

230. Таббасумга.

231. Британия чой истъмоли бўйича биринчи ўринда туради. Оруэлл чой дамлашнинг 11 турини ҳам ёзиб кетган.

232. Лао Цзи назарда тутган нарса билан узоқ яшаб бўлмайди. Бу билан донишманд ўлмас бўлишни иложи йўқ демокчи бўлган.

233. Пул. Капитал. Молия ёрдамида. Катта маблағ билан дунёни алғов-далғов қилувчи кашфиётлар қила олиш мумкинлигига ишора қилган.

234. Сув ичгинг келганда қудуқ қазишни бошлашдан фойда йўқ.

235. Ҳомиладар аёл.

236. Бу пашша ўлдирадиган мослама.

237. Бу пакетлар бир нечта бўлади. Булар пашшаларни хайдашда қўл келади. Пашшалар учиб келиб пакетда ўз аксини кўриб катталашган ҳолда кўриб жон – ҳолатда бу хонадондан қочади.

**238.** Кеш – бу Қашқадарё. Қашқадарёга якин ҳудуд Сурхондарё. Сурхондарёда шундай бир булоқ борки, ҳалигача унинг суви шифобахшлигини йўқотмай келади. Бу минг дардга даво булоқ – Омонхона булоғидир. Айнан шу жойда аскарлар тикланиб яна жангга қайтишган.

**239.** АҚШда ўша вақтларда катта иктисодий инкироз рўй берган. Аҳолининг камбағал қатлами бўшаган ун қопларидан ўзларига кўйлак, халат тикиб кийишган. Қоплар ҳозиргидек пластик эмас, ип қоплар бўлган.

**240.** Сув ҳақида.

**241.** Хат ташувчи кабутарларни снайперлар доим овлаб юришади. Агар тунда учса уни ҳеч бир овчи отиб ўлдиролмайди. Кабутарларнинг янги зотлари тунда ҳам бемалол уча олган.

**242.** У 200 дан ошиқ романлар ёзган. Роман персонажларига исмларни шаҳар телефон китобларидан олган.

**243.** Кўзиқорин. Одатда, кўзиқорин тез ривожланиши учун момақалди роқ зарур.

**244.** Буғ. Сув осмондан тушади. Пайти келиб буғ бўлиб яна ўз жойига кўтарилади.

**245.** Кўл оғриси кўз ёш тўқади, кўзлар йиғлаганда кўл меҳрибонлик қилиб уни артади.



246. Биринчи муддат сақланиш, яроқлик муддати бўлса, иккинчи муддат қопқоғи очилгандан кейин неча кунгача ичиш мумкинлигини кўрсатади.

247. XV–XVI асрларда бурга ва каналар кўп бўлган. Улар мўйналарга ташланишган. Аёл эғнидаги хашаротлар тезда ҳайвонлар устига сакраган. Шундан аёллар ўзлари билан мўйнали ҳайвонлар кўтариб юришган.

248. Дастхат сўраган мухлисларга автограф ўрнига тарқатиб кетаверишади. Уларга имзо тарқатиш балки тақиқланган.

249. Ранда бор. Скрипка ясовчи усталарга «Олтин ранда» топшириш бошланган.

250. Никоҳ узугига.

251. Ҳумоюн Мирзо фақат Наврўз байрамида уни тақиб чиқар эди. Одамлар подшо бошига қўндирилган Кўҳинур олмосини яқиндан кўришга орзуманд бўлишган.

252. Қашшоқликка.

253. Хорижлик ҳайдовчилар.

254. Гораций мен ўз ижодим билан ўзимга ҳайкал қўйдим деб ёзган бўлса, худди шу сўзни Пушкин ҳам машхур шеърисида ишлатган. У ҳам ҳайкал қўйганман деб ёзган. Фирдавсий ўз асарларим билан ўзимга бино қурдим деган.

255. Қум соат.

256. Қачонки ариқда сув оқиб турса, унинг иши кўпаяди ва фаровон яшайди. Агар сув оқмаса унинг иши ҳам тўхтайдди. Йигитнинг акасини обжувози, тегирмони бўлган.

257. Кремли шўрва ичи кўринмайдиган қуюқ шўрва ҳисобланади. Айрим вақтларда қиммат ресторанларга талончилар ҳужумлар уюштириб туришган. Хонимлар ўша шўрвалар ичига тилла тақинчоқларини ташлаб кўйиш учун крем шўрва буюртириб кўйишган.

258. Антарктидадаги станцияларда бир неча юз ишчилар ёлланма тарзида ишлашади. Баланд мусиқа таъсирида атрофдаги музлар ёрилиши мумкин.

259. Соҳибқирон армиясида филлар бўлмаган. Отлар ва туялар бўлган. Филларни олиб келишдан мақсад, отлар ва туялар филларни кўрмаган. Улар жанг пайтида Ҳиндларнинг филларини кўриб, кўрқиб кочиш қолмасин деб, кўникма ҳосил бўлиши учун олиб келинган.

260. Шахмат ҳақидаги адабиётлар, асосан рус тилида, рус мураббийлари томонидан нашр қилинган. Шахмат ҳақидаги маълумотларни ўрганиш учун рус тилини ўрганган.

261. Милтиқ отиш. Ўз-ўзини оқ айиқдан ҳимоя қилиш учун милтиқдан ўқ отиш ўргатилади.

262. Ўғил болани тўқчилик бузади, қиз болани йўқчилик, деб жавоб берган.



**263.** Кейинги йилларда одамлар орасида уларга нисбатан ишонч оша бошлаган. Улар билан тузилган шартномага кўра, кўча эшиклар доим қулфланган бўлиши талаб этилган. Улар суғурта компанияси вакиллари.

**264.** Инсон соясини ололмайди.

**265.** Илгари Хитойда Акробатика элементлари Хитой исроглифларидан ташкил топган эди. Спортчилар нечта исроглиф кўрсатганларини ҳисоблаб ўтиришган. Фақат техник маҳорат эмас, ҳаракатларда нечта исроглифлар кўрсатишганлигини ҳисоблаб ўтиришган. Бунинг учун тил ўқитувчилари бўлиши шарт бўлган.

**266.** Электропоезд тутун чиқармай ҳаракатланишини ҳисобга олсак, тутун ҳеч ёққа ҳаракатланмайди.

**267.** Олдинда 17 та, орқасида 21 та, ўзини кўшиб ҳисобласа 39 та ўрдак бўлган.

**268.** Хитойда ота-она вафоти туфайли мотам тутиш шарт бўлган. Узлатга чекиниб, одамлар кўзидан йироққа кетиши керак бўлган. Муддат тугагач, яъни унинг руҳий ҳолати вазифани бажаришга тайёр бўлсагина, яна иш фаолияти тикланган.

**269.** Сибирнинг 40–50° С.ли совуқларига кўп металлар чидамайди. Масалан, қалайдан ясаладиган идишлар – 13° С.дан кейин кукунга айланиб қолган. Совуқдан металлар оксидланади ва овқат таъми бузилавергач, ўзларининг қадрдон ёғочларидан идиш-товоқ ясашган.

270. Девор ораларига ўнлаб улардан қолдириб кетилганидан паст гапиришса ҳам овоз жаранглаб чиққан. Марҳамат, очиб кўрамиз, сандиқча ичида кўзача бор! Катта-катта кўзалар ибодатхоналар пештоқида, девор ораларида қолдирилган.

271. Порохни яратилишидаги синов жараёнига роботлар жалб қилинган. Эрамизнинг I асрида Хитойда порох кашф қилинган.

272. 1988 йил олимпиада машғаласи ёқилиши билан юзлаб кабутарларни учиришади. Қоронғудан кўзлари хиралашган қушларнинг бир қанчаси адашиб Олимпиада машғаласига ўзларини уриб куйиб нобуд бўлишган.

273. Самарқандда қол.

274. Рубобнинг номидан.

275. Буда-Пешт шаҳрида.

276. Уйида телефони бор хонадонга кириб, телефондан фойдалангани учун 20 цент тўлашган. Мен 70-йилларни эслайман, маҳаллада 3–4 хонадонда телефон бўларди. Лекин ҳеч ким пул олмас эди.

277. Ҳамма сўзаналар охиригача тикилмаган. Туғила-жак қизлар уни охиригача етказишсин деган мақсадда. Сўзана-форсча сўз бўлиб, – игна деган маънони билдиради.





278. XX асрнинг 50-йиллари ҳали электрон жўнатмаларни ҳеч ким билмайди. Шунда улар жўнатмани энг қадимги усулидан фойдаланишган. Бу ишда уларга ўргатилган кабутарлар ёрдам берган.

279. Яна 2 млрд одамда кўзойнак тақишга эҳтиёж бор.

280. Соясини кувади.

281. XV асрдан кейин Америка кашф қилинган, Европага тилла тонналаб олиб келинган. Шундан кейин заргарлар фақат тилладан тақинчоқлар ясаб, дурни назардан қолишига сабаб бўлишган.

282. У ерда одеколон бор. Эрақак кишига яқинроқ боришингиз керак. Ўшанда атир ҳидини сезиш мумкин.

283. Декабристлар кўзғолонига. Бехосдан йўлдан чиқиб қолган куёндан арава тортиб кетаётган от хуркиб ариққа ағанаган. Аравада эса кўзғолонга पोшаётган Пушкин бўлган.

284. Футболда ҳар нарса бўлиши мумкин. Рюдзиро Уэда майдон марказидан ҳам наридан боши билан гол урган. Рақиб футболчиси қаттиқ тепган тўп тасодифан, унинг бошига тегиб куч билан дарвозага кирган.

285. Кўйни ёмғир ёғаётган пайтда сотиб олган маъкул. Чунки кўйнинг юнги нам тортиб, ориқ кўринади. Айни шу пайтда унинг нархини тушириш мумкин.

286. Эр-хотинни ажралиши учун.

287. Хира кўрсатадиган телевизорни кўп кўрсангиз, кўзга таъсир қилади. Гап шундаки ҳарамларда кумушдан ясалган кўзгулар кўп бўлган. Канизаклар кўп вақтларини хира кўрсатадиган кумуш кўзгулар олдида ўтказишган. Шундан кўзлари анча эрта хиралашган экан.

288. У оғир хасталикка чалиниб жуда қийналган. Ҳамма жойи қаҳшаб оғриган. Ҳар бир куни азобда ўтган. Айнан шу ойда у камроқ қийналган. Шунинг учун у февраль ойини жуда яхши ой деб мақтаган.

289. Амалдорлар ва қонунлар юган ва жиловдир. Қонун фуқарони одил йўлга солувчи юган ва жиловдир. Жиловсиз отни бошқариш нақадар азоб.

290. 3-тоифали вагонларнинг томи очиқ бўлган. Чанг, тутун, совуқдан беркиниб, ўриндиқлар тагига кириб кетишарди.

291. Бу ажойиб кузатувчи – компас. Дастлаб, компаслар бутун бошли аравада олиб юрилган. Қандай ишлашни элчиларга кўрсатиб беришган ва улар эсон-омон юртларига етиб олишган.

292. Норин дарёсини саёз жойидан ўтиш жуда қийин, чунки тез оқизади. Дарёнинг шу жойидан оқиб кетган кишиларни сув бир жойга олиб боради. Чунки у ерда сув тўпланадиган жой бор. Чол болага Учқўрғон қишлоғига бор, сув оқизиб кетган кишилар тўғри ўша



жойга бориб қолишини айтади. Чол болага онангни, (энанг)ни Учқўрғондан топасан, тез бор деб ўргатган.

**293.** Ситораи Моҳи Хосса тарихий мажмуаси, Амирининг хотинларидан бирининг номига қўйилган.

**294.** А-Губернатор, Б-Амир, В-ҳоким. Жириновский Бухоро раҳбарини Губернатор дейишади деб ўйлаган. Бемалол Амир деб аташни маслаҳат берган. Бизда улар ҳоким деб аталишини билмаган.

**295.** Сандиқча ичида боланинг севимли қўғирчоғи ёки ўйинчоғи бор. Уларни қийнаш билан болани тарбиялаш усулини таклиф қилган. Бу усул болани тарбиялашда зўр восита бўлар экан. Ўйинчоғини қийналишини хоҳламаган бола тарбиясида ўзгариш бўлади.

**296.** Бу иплар ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди. Бу ипларни ўргимчаклар ҳосил қилади. Бу уларнинг кўпайиш, уруғланиш вақтини билдирган белгидир.

**297.** Чунки бу кўрқоқ қушлар атрофдагилардан чўчиб, фақат тунда учиб боришади.

**298.** Аслида бу туманда азалдан шамол кўп эсасди. Эллик эмас, асли «еллик» яъни шамоллик деган мақсадда шу ном берилган.

**299.** Ўта муҳим меҳмонни уйига олиб борган. Эшон ҳой, дегани, уйга ғизилла янганга айт, меҳмонлар бор тайёргарлик кўрсин, дегани.

**300.** Бунга сабаб бутун бошли синф учун битта дарслик бўлган. Болалар шу ҳолатда мавзунни ёдлашган. Дарслик китоби йўқлиги мажбур қилган.

**301.** Узун дарахтнинг энг юқори қисмидаги барглр жуда майин ва ширин бўлади. Уни ейиш учун дарахт ағанашни керак. Дарахтни ўрмонда яшовчи кемирувчилар бор, улар ағанатиши мумкин. Улар юмронқозикларни кузатиб юришади.

**302.** Шунча фикрни 17 бўғинга сиғдириш учун камида «Кабаясса Исса бўлиш ёки Хаттори Хасо бўлиш керак. Бамбукдан ясалган найдан чиқаётган нола шунақанги майинки, ўйлаб қоласан шамол ошиқмикан, деб.

**303.** Бу билан стадионда озарбайжон байроғини акс эттирмоқчи бўлишган. Осмон зангор, ўриндиқлар қизил, майдон яшил. Узоқдан қаралганда у давлат байроғини эсга солган.

**304.** Ҳиссиётга берилганда одам ақлини йўқотиб қўяди. Гўрлик қилиб никоҳ қуради. Афсуски, охиригача синалмаган никоҳлар кўп ҳолларда барбод бўлади. Турмушдан ажралган кишилар учун ҳаёт тўхтаб қолмайди. Умид билан тажрибасига ишонган ҳолда яна никоҳга қўл уради. Умиднинг тажриба устидан қозонган ғалабаси деб ёзувчи қайта никоҳни айтган.

**305.** Бу бўлка нон эди. Чунки ўн минглаб ёш-у, қари очликдан вафот этганлигига ишора қилинган. Девордаги ғиштларга буханка нон тасвири туширилиб, ҳар бир буханкага исм-шариф ёзилган.



**306.** Баҳорда, ёзда дарахтларга қушлар ин куради. Уларни асраш учун қаҳратон қишда дарахт кесиб ташланган.

**307.** Гўзал қалб бу ички гўзаллик ҳисобланади. Афсуски, уни ҳеч ким кўрмайди. Шунинг учун ички гўзаллик ташқи гўзал юзга ҳавас қилар экан.

**308.** Пилтали милтиқлар отилиши учун учкун зарур бўлган. Сандиқчада ёндиргич, зажигалька бор. Пилтали милтиқ зажигалькани пайдо бўлишига сабаб бўлган.

**309.** Ўт ўчириш машинасидаги нарвонларнинг узунлиги 28 метр бўлган.

**310.** Экин даласидаги бегона ўтларни ўстириш учун. Экин экишдан олдин бу иш қилинмоқда. Барвақт ўсиб чиққан ўт босган ер ҳайдалиб, бегона ўтлар йўқотилади.

**311.** Қушвозлар бу чиройли, ёқимтой қушларни Европаликлар ёқтириб қолишларига кўзи етган. Шундан фақат эркак қушларни олиб боришган, улар кўпайиб кетмаслиги учун. Керак пайтида талабга кўра яна олиб келиб, пуллашни режа қилишган.

**312.** Кўз, мия, кулоқ, ҳатто юрак ҳам алдайди. Аммо шоир айтмоқчи – ошқозон ҳеч ҳам алдамайди. Қорин очса у белги беради. Очмаса ҳам.

**313.** Марҳамат, кун давомида унга бир неча бор эгилиб таъзим қиладиганимиз нималигини биламиз. Сандиқча ичида оёқ кийим бор. Уни кийиш, ечиш, тозалаш учун кун бўйи бир неча бор энгашамиз.

**314.** Жунгли ўрмонида турли йиртқич ҳайвонларига учраб қолиш, пляжда эса акулалар хужумига дуч келиб қолиш мумкин. Шундан ҳар қадамда шу эълонни ўқиш мумкин. Сельфи мумкин эмас, деган.

**315.** Сандиқчадаги идишга маҳсулот солиниб герметик ёпилгач, уни сақланиш муддатини ошириш учун қайноқ сувга солинади ва қайнатилади. Айнан шу пайтда бурчакли бўлса ёрилиб кетиши мумкин. Уни ичида, бемалол сувга солиб қайнатиш мумкин бўлган – консерва бор.

**316.** Жўхори буғдойга нисбатан икки уч баробар кўп ҳосил беради. Одамларнинг қорнини тўйғазиш мақсадида шу маҳсулот кўп экилган. Жўхори унидан овқатлар, нонлар ва бошқа егуликлар тайёрлаб вазиятдан чиқишган.

**317.** Антрактидадаги совуқ 60–70° С.гача ва ундан ҳам юқори бўлиб туради. Амундсен даврида жуда қаттиқ совуқ туфайли ҳаво ҳароратини ўлчайдиган мосламалар нотўғри ишлай бошлаган. У мослама тўғри кўрсатяптими, ё йўқми билиш мақсадида гуруҳдошларидан сўраб юрган. Ким ҳароратни доим тўғри айтиб юрадиган бўлса, мослама бузилса ҳам ўша кишиларга ишониб ҳароратни тахминан билиб кетаверган.

**318.** Қабрни.

**319.** Уруш энг катта ахлоқий ёвузликдир.



**320.** Улар бойларнинг болаларини мактабга олиб бориб, олиб келиб юришган. Юнончада болаларни мактабга олиб бориб, олиб келиб юривчилар – педагоглар дейлади. Тўғри жавоб, педагоглар тайёрлаган.

**321.** Сигнал вариантнинг биринчи бетида муаллифнинг сурати бўлган. Суратда у кўзойнакда бўлган. Одамларда ишонч бўлиши учун муаллифга кўзойнаксиз суратга тушишини сўрайди. Жавоб – кўзойнаксиз суратга тушишни сўрайди.

**322.** «Жангда асло ўла кўрманг, ўлим ҳамманинг кўлидан келади. Сизни менга тириклигингизда кўп нафингиз тегади», каби гапларни қилган.

**323.** Нонвойнинг отининг лақаби Якшанба бўлган.

**324.** Ўйлашга, фикрлашга.

**325.** Гўнгчилар, терига ишлов берувчилар. Терини ошлашда зарур хом ашё сифатида фойдаланишади.

**326.** Пассажирларнинг вазнини ортиши сабаб бўлган. Пассажирлар сони 300 та, аммо семиз одамлар ҳисобига юк анча ортган. Самолётда юк оғирлашса бензин сарфи ҳам ошади.

**327.** Унинг шундай гапи бўлган, «Муסיқа, Армия сонини 2–3 баробар кўп қилиб кўрсатади», деган. Тўғри жавоб – армия.

**328.** Қирол отеллари бу – қамоқхоналар. Англиянинг энг катта қамоқхоналари – Австралияда қурилган.

329. Реклама деган атама анча кейин пайдо бўлган. Дастлаб у агентлик эълонлар билан шуғулланган. Шундан «эълонлар – тижорат двигатели» деб талаффуз қилинган.

330. Яқин шарқдаги ягона нефти йўқ жой деб Исроилни билишади.

Исроилликлар йиғи аралаш кулгу деб, шуни айтишса керак.

331. Бу қоида халқ орасида тўқилмаган. Илмий асосланган. Агар овқат еб туриб кафени полига нимадир тушиб кетса, 5 секунд ичида қўркмай олиб еяверишади. Тўғри жавоб, микроблар 5 сониягача илашиб улгурмайди.

332. Тез орада ёш, хипча, нозик қизлар шамоллаб, айримлари нобуд бўла бошлаган. Монматр Парижнинг энг катта қабристонни бўлган.

333. Парма ибодатхонаси романидан.

334. Кўпчилик сувсиз ҳаёт қуриydi, деб ўйлайди. Сув қаердан тушади. Осмондаги булутлардан. Паоло Коэло «дарёнинг қалби, денгизнинг сири», деб булутларни атаган.

335. Улар юрган йўлларида ҳам эчкининг юнгини йиғириб юришган. Гилон машҳур Эрон гиламлари тўқиладиган шаҳар бўлган. Тўрваларида эчки юнги бўлган.





336. Биринчи бетдаги энг сўнги сўз остига, кейинги вароқдаги 1-сўзни ёзиб кетишган. Шундан бетларни адашмай топиб олишган.

337. Бу ерда – телефон бор.

338. Шунчаки улар телефон китобда ёки бошқа сўровномаларда юқорида туриши учун, шу номни танлашган. А ҳарфи хоҳлаган сўровномаларда энг юқорида туради. Мижозлар осон топиб олиши қилинган.

339. Чол унга бориб кўшнилариингдан сўра сен ҳақингдаги энг ҳаққоний фикрларни улар айтади деган. Бекорга тўй арафаси йигит ва қизнинг кўни-кўшнилариингдан суриштирилмайди.

340. Ҳамлет ёки Гамлет.

Энди менга олам тириклик абас,

Тилагим йўқ бўлиб кетай дафъатан. Охирги мисралар Гамлетнинг машхур иборасига тортиб кетмоқда.

Гамлетнинг номи билан.

341. Сибирликлар уйларини ўтин ва кўмир билан иситишади. Борди-ю угар газ ҳиди чиқса, улар буни ҳаммадан олдин сезишади. Булар – сайроқи қушлар. Овоз чиқариб огоҳлантиради.

342. Бу олив ёнғоғи эди. Энг ҳурматли инсонга шу тахлитда пишириб тортилган. Ана эътибору, мана эътибор.

**343.** Одатда, тоғлар орасида қимматбаҳо тошлар ҳам бўлади. Вулқон уларни ҳам юзага чиқаради. Ўша одамлар вулқон тиниши билан махсус мосламалар ёрдамида қимматбаҳо тошларни ахтара бошлайдилар.

**344.** Бу оролда трамвайлар ҳалигача отлар ёрдамида ҳайдалади.

**345.** Бу шаҳар Германия тасарруфида бўлганидаёқ трамвай юра бошлаган. Кейинчалик у Россияга кирган. Бу – Калининград, қадимги Кёнингсберг шаҳри.

**346.** Цирк қурилаётганда бу ерда арена ва омбор бўлади, бу ерларда йиртқич ҳайвонлар сақланади деб олдиндан лойиҳалаштирилади. Йиртқич ҳайвонлар яшайдиган қафаслар остига шиша қатлами ташланади. Чунки, уларнинг қафасларини каламушлар каби кемирувчилар кавламаслиги учун. Каламушлар хоҳлаган жойни кавлаб ташлай олади. Аммо, майдаланган шишани эмас.

**347.** Кабутарлар жуфтини нариги манзилда қолдиришган. Шундан манзилни беҳато топиб олган. Болаларини деган жавоб тўғри эмас. Чунки тухумдан чиққан кабутарлар узоғи бир ойда учирма бўлиб мустақил яшай бошлайди. Уларни топиб бўлмайди. Аммо жуфтига садоқатли бу қушлар, дунёни нариги чеккасидан ҳам топиб келади.

**348.** Бу тарихий шахснинг асл исми-шарифи Герман Вамбери бўлган. Уни Арминий ҳам деб аташган.



**349.** Бўрдоки учун боқиладиган қорамолларга исм бериш тақикланган. Меҳр тобланиб кетмаслиги учун.

**350.** У қўлида марварид билан сузиб чиқади деган. Фурот дарёсида марваридлар кўп бўлади.

**351.** Бу ерда – грелка бор. Қишлоқ билан тўқайни орасидаги масофа анчагина. Онаизор ўғлига қайноқ чой олиб келай деб, чойнакни ўрнига сандиқча ичида олиб боради. Уни ичида чой ҳам, сув ҳам узок совимай туради.

**352.** Дали тадбиркор бўлган. Пулни топишни турли йўллари ахтариб юрган. Бўлғуси рассомларга сотаётган қоғозини остига дастхатини қўйиб сотган. Оддий қоғоз бир зумда 20 баробар қимматга сотилган.

**353.** Форсча-пос сўзи туннинг саккиздан бири дегани. Шундан қоровуллар, посбонлар ҳам деб аталади. Тўғри жавоб посбон. Часовой-посбон дегани.

**354.** Агар у ишни қилмаса у семизлигини, қанчага семирганлигини билмайди. Озишнинг энг биринчи қадами – тарозига чиқишдир.

**355.** У ер деб, ҳайвонот боғи назарда тутилган. Чунки жуда кам ҳолларда ҳайвонот боғидан эшакларга жой ажратишади. Берлин зоопарки 1844 йилда қурилган. Иккинчи Жаҳон урушида анча талафот кўрган, кейин таъмирланган.

**356.** Япон тиббиёт олий ўқув юртларида бўлғуси жарроҳлик соҳасига ўқиётган талабалардан шу ишни талаб қилишади. Тўғри жавоб, жарроҳликка.

**357.** Бадантарбияни қилишдан мақсад, ишчиларни ишга чоғлаш, уйқусираб ишлаб бирор нохуш ҳолатлар бўлиб, қолмаслигини олдини олишдан иборат. Қарсақ чалиб улар уч-тўрт марта хавфсизлик, хавфсизлик, хавфсизлик деб ҳайқиришади.

**358.** Бу минора сезганингиздек шаҳарнинг ҳамма ёғидан кўриниб турган. Шаҳар аҳолиси миноранинг рангига қараб эртага бўладиган об-ҳавони билган. Қизил-ёғингарчиликни, сариқ-туманни, кўк ҳаво очик билишини ва ҳоказоларни билдирган.

**359.** Т-34 каби эски нусхадаги танкларда ҳам, ҳозирги замонавий танкларда ҳам бу каби ҳодалар бўлади. Агар танк лой ва ботқоққа ботиб қолса, ҳодалар ечилиб, Танк оёғи остига горизонтал тарзда ташланади. Уни ёрдамида аста секин лойдан чиқиб кетади.

**360.** Катапульта.

**361.** Жак ив Кусто шу шаҳарда вафот этган. У сўнгги вақтларда ўша биз сўраган музейга директор ҳам бўлган. 1999 йил Океанография музейининг 100 йиллиги кенг нишонланган.

**362.** Улар соқолини олишни хоҳламайди. Боксда соқол билан қатнашишга рухсат йўқ.

**363.** Хорижликлар.



**364.** Киссовурлар фонтан олдига келган туристлар сувга танга отишади. Пуллари қайси чўнтакда турганини билган киссавурлар киши билмас уларни тунашади.

**365.** Ёғочдан ясалган ўқлов.

**366.** У вермишелнинг ранги жигарранг бўлади. У гречка унидан ясалади.

**367.** Гўштни.

**368.** Тирноқни ейиш.

**369.** Уйланиб мустақил бўлгач ота-онаси унга совға қиладиган уй унинг учинчи ҳимоя териси ҳисобланади.

**370.** Каганович темир йўл комиссари бўлиб ишлаган. У жуда кўп темир йўллар қурдирганидан унинг излари Каганович номи билан юритилган.

**371.** Ўғриларга Лиллихаммердаги Олимпиаданинг очилиши ёрдам берган. Чунки тунги қоровуллар олимпиада очилиш маросимини шунчалик берилиб томоша қилишганки, сигнални ҳам сезишмаган.

**372.** Ҳамманинг мобил телефони ўша ерда турган. Хоналарда сигнал яхши келмаганидан кимнинг мобил телефони бўлса ўша ерда турган. Бир матрос хабарларни қабул қилиб ўтирган.

**373.** Бу марка 1963 йилни БМТ очарчиликка қарши кураш йили деб эълон қилинганига бағишлаб чиқарилган.

374. Демак, сен олдиндасан.

375. Бизни автомобилларни сотиб олувчи инсонлар вақтларини телевизор олдида ўтказмайдилар. Сабаби, улар телевизор кўришмаслигида.

376. 2011 йилда ТНТ канали орқали Туркияда Нима? Қаерда? Қачон? лойиҳаси иш бошлаган. Унга Октай Кайнаржа бошловчилик қилади.

377. Тарозу.

378. Улар табиблар, шифокорлар.

379. Шахта ичида турли хил газлар бўлса, хавф туғилса улар қафас ичида чирқиллаб овоз чиқариб белги берган. Канарейкалар газга жуда сезгир бўлишади.

380. Зулқарнайн у донолик белгиси эмас, яъни соқол донолик белгиси эмас, демоқчи. Уруш вақтида ҳам у лашкарга қийинчилик туғдиради.

381. Куёш бу – гелийни англатади, янги – неон, дангаса – аргон, яширин – криптон, бегона – ксенон, нурли – радонни билдиради. Бу гуруҳнинг устози сезганингиздек Дмитрий Иванович Менделеев эди. Кимёвий элементлар номининг ўзбекча атамалари эди.

382. Будда динининг энг биринчи қоидаси табиатдаги барча жонзотларга озор бермаслик. Ҳатто, қурт-қумурсқаларни беҳосдан босиб олмаслик. Агар куёш орқасида бўлса унинг сояси олдинда юради. Далалардаги



қурт-қумурсқаларни огоҳлантириш, уларни хавфдан огоҳ қилиш учун соялари олдиларида юрган.

**383.** Электр токи.

**384.** Бу топишмокнинг жавоби, ашула ёзилган пластинка. Патефон, грамафон жавоблари ҳам тўғри.

**385.** Футбол кўраётган эди. Танаффусда тезда овқат пишириб олади.

**386.** У ҳар иккала савдогар олиб келган тангаларнинг вазнини тортиб кўрган. Улар тилладан эди. Айнан Венециялик савдогарнинг тиллалари оғир чиққан.

**387.** Агар ҳар биримизда биттадан ғоя бўлса-ю, ўзаро алмашсак, унда ҳар биримизда иккитадан ғоя бўлади деган.

**388.** А. Гитлер билан. У рассом бўлган, Фольсваген «Жук» автомобили ташқи кўринишини Гитлер чизиб берган.

**389.** Бу пайтда Англияда нафақат театрлар, бозорлар ҳам ишламаган. У туфайли ёпилган. Турли эпидемиялар туфайли театр муддатсиз вақтга ёпилган. Шу пайтлари у уйдан чиқмай сонетлар ёзган.

**390.** Бу – пишлок эди.

**391.** У Гоголнинг «Ревизор» комедиясини сахналаштирган.

392. Темирчилар. Уруш қуролларини яшашга катта-катта буюртмалар бўлган.

393. Одатда, Туркияга европалик врачлар келишарди. Кўрик вақтида улар аҳолининг тилларини кўрсатишни сўрашарди. Шундан аҳоли ярим мазах, ярим чин қилиб Пушкинга тилини кўрсатган.

394. Гап шундаки, улар соясида ўтирган дарахт чой дарахти бўлган. Сувга барглар тушиб уни хушхўр қилган.

395. Чойда уйқуни қочирадиган хусусият бор. Руҳонийлар эса баъзан тунлари билан ибодат қилиб ўтиришган. Уйқуни қочиргани учун уни ёктириб ичиб юришган.

396. Табиатга иссиқлик юборувчи манба бу – қуёшдир. Тўғри жавоб ҳам қуёш.

397. Арслонларга, шерларга.

398. Самурайлар худди мушуклардек билинтирмай юришади. Шунинг учун улар уйлариининг полини юрганда овоз чиқарадиган қилиб қуришган.

399. Бундай презентациялар номи лифтдаги презентациялар деб аталади. Маркетолог лифтда маълум қаватга кўтарилгунча қисқа ва лўнда сўзлар билан фикрини айтиб улгуриб қолиши лозим экан.





**400.** Одатда, янги йилда кўпчилик совға олади. Хокку қаҳрамони ҳам янги кўйлак совға олиб, уни кийиб чикқану ўзини танимай қолган..

**401.** Тутси қабиласи нормал бўй-бастга эга, Хуту халқи карликлар бўлган. Жисмоний ожизлик туфайли Хуту халқи Тутси қабиласига тобе бўлган.

**402.** Қор.

**403.** Беш тийинлик тангалар. Негаки дастлаб метроларда жетон бўлмаган, ҳамма беш тийинлик тангалар ташлаб кирган.

**404.** Ҳожатхона ва ҳаммомга.

**405.** Бўйдоқ аёл ва йигитлар. Чунки корзинканинг рангига қараб бир-бирлари билан гаплашишган. Супермаркет хўжайини балки ёшларни бахтларини топишга ёрдам беришни ҳам мақсад қилгандир.

**406.** Мабодо яшин урганда уй ёниб кетса. Тангрини хоҳишига қарши бормаслик учун ўчиришмаган.

**407.** Ёмғир ёққанда ҳаммаёқ лой бўлиб кетади. От сотиб олаётган одам отни миниб, чоптириб кўради. Лойда отлар тойиб кетиб яхши чопа олмайди. Бу пайтда отларни тўлиқ имкониятини текшириб бўлмайди. Алданиб қолиш мумкин.

**408.** Қаерда илгари ўрмон бўлган бўлса шу жойда, албатта нефть ва газ кўп бўлади. Ҳозир бу ер газ ва нефтнинг конидир. Бу – Саҳрои Кабир эди.

**409.** Сандикчада оддий ёзув воситаси – қора қалам бор.

**410.** Атеизмни.

**411.** Конституцияга.

**412.** У Сталин эди. У чап қўлида доим трубка кўтариб юрган.

**413.** Ҳар куни кўраверса муҳаббати сусайиб қолади, деган.

**414.** Дарё устидаги музнинг қалинлигини билдиради. Одамни 5 см қалинликдаги муз ҳам кўтаради, тракторни эса 78 см. ли муз кўтара олади.

**415.** 11 сентябрь 2001 йил. АҚШда бўлиб ўтган экстримистик хужумга бағишланган.

**416.** 1878 йил 30 апрель у Россия армияси генерали унвонига сазовор бўлган. Шунинг учун у 103 та мундирига 206 та генерал поғони буюртма қилган. Демак, жавоб – погон.

**417.** Танадаги ортиқча шлакларни йўқотиш мақсадида 40 кун оч юришар экан.

**418.** Бу – Буюк Хитой девори эди.

**419.** Берлин кўчаларида рўйхатга олинган 23571 та ахлат яшиқлар бўлган.



**420.** Ургут тоғлик худуд. Қирлар кўп. Чекка кишлок бу тоғлик кишлок. Юк билан шаҳарга отланган аравада тормоз бўлмаган. Пастликка юраётганда орқадаги от тисарилиб ўзини орқага олиб юради. Бу аравани пастликдан секин тушиб олиши учун керак бўлади. Орқадаги от тормоз вазифасини бажарган.

**421.** У киши буюк зот, падари бузрукворимиз, отамиздир!

**422.** Итларнинг асбоб-анжомлари, ҳатто боғлайдиган арқонгача ҳайвон терисидан ясалади. Морж, буғу, мол терисидан. Тунда оч қолган итлар уларни ғажиб ташламаслиги учун чўпонлар анжомларни беркитиб олиб ётишади.

**423.** Водийда 1–2 метр қазилгач ердан сув билан бирга нефть ҳам сизиб чиққан. Ҳар куни ишчилар атайлаб қазилган ҳавзалар юзидан нефтни супурги билан йиғиб олишган. Уйлар мой лампа билан ёритиладиган пайтлар бўлган.

**424.** Одатда, ақлнинг кўпайиб кетиши баъзан уни пайдо бўлишига олиб келадиган ҳоллар ҳам бор. Қадимги Мисрлик олимлар – телбаликнинг ярми донишмандликдир, деган фикрни илгари суришган.

**425.** Ўргимчак ҳақида. У тўрига илинган ўлжани ҳали ўлмасдан ёнига бормаи тузоққа илинтиради. Кейин уни тўрига ўраб, шоир айтгандек кафанлаб ташлайди.

**426.** Энагаси ҳар куни эрталаб унинг жингалак ва қалин сочларини тарар эди. Қалин ва жингалак сочни тараш машаққат, Сашага бу азоб берган.

**427.** Айнан шундай сутларда мелетонин ўн баробар кўп бўлишини аниқлаб, айнан шу вақтда соғилган сутларни махсус яхши ухлолмайдиган кишиларга тавсия қилишган. Тўғри жавоб, тунда соғилган сут деб қадоклаб чиқаришган.

**428.** Инглизчасига генерал-женерал эканлигидан фойдаланиб ҳазиллашади: – Менга учта генералингизни берсангиз алмашаман, дегани. У Женерал моторс, Женерал Электроникс, Женерал Дайнекс компанияларини назарда тутган. Ҳақиқий генералларни икки дунёда алмашмаган бўларди, албатта.

**429.** Булар икки хил характердаги инсонлар. Биринчиси лов этиб ёнади. Иккинчиси анчайин босиқ характерга эга. Оқсоқоллар тезкор темпераментли биринчи болани совитиш учун, сокин ишни, яъни кўй боқишни унга топширишади. Анча босиқ, тепса тебранмас кайфиятдаги йигитчаларга от подасини боқишни тавсия қилишади. Тезкор отларни ортидан қувиб уни ҳам тезкорлиги ошсин, деган мақсадда.

**430.** Уни ичида – това бор.

**431.** Ёзувчи ҳар иккала асарини газетада чоп эттирган. Газетанинг ҳар бир сонидида оз-оздан чоп эттириб борган. Биринчи романи ёзганда газета унга ҳар бир сатри учун пул тўлаган. Иккинчи романда эса сўзлар сонига қараб пул тўлаган.

432. Қумни ичида бўлса бу новдалар ёнмайди, аммо қораяди. Уруш вақтида мактабларда қалам ўрнида мана шу тол новдалардан фойдаланишган. Бу иш қора қалам олиш мақсадида қилинган.

433. Ҳар бир матчдан олдин спортчиларга икки донадан берилади. Улар баъзан сандикчадагини томошабинларга совға ҳам қилиб юборишади. Бу – сочиқ эди.

434. Кўзойнак XIII асрда ихтиро қилинган. 1888 йилда эса – контакт линза кашф қилинган.

435. Аёлларнинг ҳар йили сотиб олиб киядиган кийимларининг оғирлиги. Йилдан-йилга кўп кийимлар кўпаётганлигини исботи бу.

436. Бу – супурги эди.

437. Унинг номи Буқа. Корридага фақат 4 ёшли буқалар қўйилади. Улар фақат битта жанг ўтказадилар. Ўлмайд қолгани ҳам қайта жангга қўйилмайди.

438. Кўча эшиклар ичкарига очилади. Чунки шимолда ташқаридан эшикни қор босса, чўл худудида қум босиб эшикни ташқарига очмай қўяди. Шунинг учун бу худудларда кўча эшиклари ичкарига очилади.

439. Илоннинг узун тишлари орасидаги тешиқдан заҳар отилади. У қайсидир маънода ҳаётбахш заҳар. У даволайди ҳам. Бу – шприц эди.

**440.** Википедиянинг ўзи худди шу санада пайдо бўлган.

**441.** Корридага йиғилган томошабинларда қондан нохуш ҳолат уйғониши мумкин. Шунинг учун мато ранги қизил бўлади, халос.

**442.** Бу – мактаб портфеллари эди.

Портфелга одатдаги китоб, дафтардан ташқари яна анча нарсаларни солиб юришади. Масалан, ўйинчоқлар, озиқ-овқат, кийим кечаклар.

**443.** Энциклопедияда ҳаракатланувчи воситаларга транспорт ибораси ишлатилиши, юк ёки пассажир ташийдиган мосламалар транспорт дейиши айтилган. Узунлиги 10 м, эни бир метрли тўхташ жойига 30 та супермаркет аравачаларини жойлаштира бўлади.

**444.** Боливиянинг Уюни шаҳарчасида туздан ясалган мехмонхона мавжуд. Сурхондарёда ҳам туздан қурилган санатория бор.

**445.** Куб сўзи қайси тилдан кириб келган. Араб тилидан. У арабча Кааба сўзидан олинган. Кааба – Саудия Арабистонида жойлашган.

**446.** 1953 йилда кучли тўфон содир бўлиб, унга Барбара деб ном беришган. Бу аёл худди шу тўфон пайти туғилган қизини Барбара деб атаганини кўпчилик тушунмаган.

**447.** Агар табиатга беътибор бўлмасангиз бу табиий ҳодисани завқланиб кузатасиз. Чунки у узоғи билан



4–5 дақиқадан кейин кўринмай қолади. Бу – камалак жилоси эди.

448. Чунки у яқиндан бошлаб шеър ёзишни машқ қила бошлаган. Адабиёт устози унга шеър ёзишда бармоқ усулини, бўғинларни санаш орқали шеър ёзишни ўргатган.

449. Аёл жозибасини оширишда 2 та қурол бор. Биринчиси кўз ёш, иккинчиси туш, атир-упа, қисқаси бўянишни назарда тутган.

450. А кечаги кун, Б эртанги кун.

451. Унинг данакларини йиғиб ўтин сифатида фойланишади.

452. Инглизларда «Water» сувни билдиради. Сувнинг ўртасида орол бўлганидек, «Water» сўзининг ўртасида ҳам «т» ҳарфи жойлашган. Инглиз алифбосининг ўртасида Е ҳарфи ўрин олган. Тўғри жавоб Е ҳарфи эди.

453. Ёлғон.

454. Илгарилари Хоразмда ҳар йили Ариқ-зовурлар тозалашга катта эътибор беришган. 12 кун мобайнида келиннинг маҳалласидаги ариқ-зовурларни тозалашда яхши қатнашган йигитни куёвликка муносиб кўришган.

455. Сурхондарё жуда иссиқ ўлка. Арча дарахтининг ёғочи қаттиқ бўлади. Қаттиқ ёғочга иссиқнинг ўтиши амримаҳол. Қулайлиги кўлни куйдирмайди.

456. Кўп емок. Ортикча емок.

457. Қорамол, от ва кўй-эчкилар чўзилиб, ўт-ўланни оғзи билан юлиб олиб ейишади. Оқибатда уларда тумшук қисми олдинга ўсиб кетган.

458. Ноқобил фарзанд худди ортикча бармоққа ўхшайди. Кессанг оғрийди, кўйсанг айб санашади.

459. Ҳар йилнинг декабрь ойида бу жараён амалга ошади. Қиш бошланиши арафаси. Компания туз ишлаб чиқаради. Айова штатида қиш бир мунча совуқ келади. Совуқдан йўллар музлайди. Компания – туз совға қилган.

460. Мабодо кемага ёт-душман хужум қилгудек бўлган тақдирда, хужжат ёғий кўлига тушмаслиги учун сувга улоқтирилган. Қалин металл сим ахир оғир бўлади. Уни сувга чўкиб кетишига ёрдам беради.

461. Унинг қопғоғи.

462. У – севиб ичадиганимиз чойга берилган таъриф эди.

463. Виктория Кадель Эванс велосипедчи эди. Австралия тарихида биринчи бор Эванс Тур де Франс пойгасида ғолиб бўлган.

Велопойгаларда ғолиблар сариқ майка кийишади.

464. Жузеппе Гарибальди.





**465.** У машхур математик Леонардо Фибоначчи эди. У кўп нарсаларни араб математикларидан ўрганган.

**466.** Уларнинг нуткида, лаҳжасида деярли унли товушлар учрамайди. Уларнинг нуткида, асосан ундош товушлар кўп. Ундош товушларда эса жаранг бўлмайди. Ҳар бир товушни англаш учун дақиқа билан эшитиш керак.

**467.** Ёмғир ёғган вақтлари. Бу пайтда трасса ҳўл, туннел ичи куруқ бўлади. Катта тезликда куруқ туннеллардан ҳўл жойга чиқиш хавфли. Шунинг учун туннелга ҳам сув сепилади.

**468.** У хийласини фақат уй-ўйинларида қила олган. Рақиб майдонидаги ўйинларда у буни қилолмаган. Улкан одам қачон янада каттароқ бўлиб кўринади. Кичик инсонларни фонида. Мураббий дарвоза орқасига бир нечта тўп олиб келувчи болаларни энг кичикларини танлаб қўйдирган. Улар фонида Билл Фолк дев бўлиб кўринган.

**469.** Уларнинг 1-олтин. 2-кўрғошин. Кўрғошин бу ўк ясаладиган металл.

**470.** Поезд манзилга етиб боргач ўриндиклар олди томонга қаратиб бурилади.

**471.** Бу унинг қалби.

**472.** Арабларда денгизчилик Европадан ҳам анча олдин ривожланган. Араб денгизчилари юлдузларга

қараб йўл бошлашга жуда моҳир бўлишган. Шундан европаликлар уларни экипажга ишга олишган.

473. Тишлари тушиб кетгач.

474. Швеция йўлларида транспорт ўнг томонлама ҳаракатига ўтади. Унгача чап томонлама ҳаракат қилиб юрган ҳайдовчилар кўлларига қараб ҳушёрликни оширишган. Ўнг кўлга яшил, чап кўлга қизил рангда кўлқоп кийишган.

475. Суви музлаган дарёнинг устидан ҳаракатланувчи автомобиллар ҳайдовчилари.

476. Кун-фу учун кенг жой шарт эмас. Айрим маст-аластларни тинчлантириш учун, жойига ўтказиб қўйиш учун, айрим жангарироқ пассажирларга жавоб бериш учун стюардессаларга Кун-фу ўргатилади.

477. Бу – ҳасса эди.

478. Улар ишга олинганда бир ўзи эмас фили билан ишга олинади. Улар филбонлар ёки махаутлар ҳам дейилади.

479. Одатда, мусиқалар асосан фортопианода басталанади. Бу немис бастакори ўзини қийнаб фортопианонинг фақат оқ клавишларида мусиқа ёзган. Мусиқасини номи ҳам қизик. «Оқлар бошлайди ва яқунлайди». Шахматдаги бир терминни эсга солишга шама қилиб кўрган эдим.



**480.** Нефть. Аждарҳо динозаврлар ер қаърида нефтга айланиб, бугун замонавий аждарҳолар автомобиллар томирида бензин бўлиб оқмоқда.

**481.** У қурол, ҳақиқатдан ҳам совуқ қурол. У қанча-қанча одамларни нобуд қилган. Ногирон қилган. Декабрь ойининг, умуман киш фаслининг қуроли бу музли сумалак. «Қуёшнинг олтин олмаси» ҳикоясидан.

**482.** Бу стадионда агар Германия терма командаси ўйнаса чироқлари оқ рангда ёнади. Мюнхен 1860 ўйнаса зангор, стадионнинг ҳақиқий эгаси Бавария ўйнаганда қизил рангда ёнади. Альянс Арена стадиони эди.

**483.** Мослама-чамадон. Менделеев бўш вақтлари ота касби чамадон тузатиш билан шуғулланган.

**484.** Одатда, меҳмонлар кетгач идиш-товоқларни йиғиб-йиғиштириш, ювиш керак. Маиший кимё соҳасида фаолият олиб борган Жаноб Росток бир марта ишлатиладиган идишлар ясашни йўлга қўйган.

**485.** Гунг, соқовларда ички ҳолатни ифодаси анча ёрқин бўлишини айтади.

**486.** Пианинога.

**487.** Католик динида роҳиблар черков мулкининг эгалари ҳисобланади. Мулк авлоддан авлодга ўтиши мумкин эмас.

**488.** Ундан ғирч-ғирч қилган овоз чиқади. Сандиқнинг ичида миллий ўзбек пойабзали-ковуш.

**489.** Шер оғзини юмса бас, аммо негадир у бу ишни ҳеч қачон қилмайди. Шер ўргатувчи шерни ўша лабини унинг тишларига қўйиб туради. Шундан улар бу ҳолатда ҳеч қачон оғзини юммайди.

**490.** Улар компьютер олдидан иш столига, у ердан яна компьютер олдига ўрнидан турмаган ҳолда ғилдиракли креслода ҳаракат қилишади. Ўртача ҳар бир ходим креслода йилига саккиз миль юриб қўяр экан.

**491.** Ҳа ота сиз менга бойлик қолдириб кетаяпсиз-у, аммо шу бойликни қандай ишлаб топишни ўргатмай кетаяпсиз, деган экан.

**492.** Асаллари. Биласиз асалари сунъий ҳидлардан қочади. Унга табиий ҳидлар бўлиши керак.

**493.** Леонардо да Винчи даврида эшиклар катта қурилиб, калит тикадиган тешиклар ҳам анча катта бўлган. Ўргимчак хонани ҳамма ёғини кўриб тураман деб калит тикадиган тешикка ин қурган. Уй эгаси хонани очаман деб калитни тикади ва ўргимчак нотўғри жой танлаганини анча кеч англайди.

**494.** Оловли илонга.

**495.** Таом еганда ўзбеклар мазани қўл билан ҳид билан кўз билан сезиш керак дейишади. Улар эса фақат ҳид билан роҳат топишади. Таомни кўриб роҳатланиш бахтидан бенасиб улар. Улар – кўзи ожизлар. Уленшпигель кўзи ожизлар таом еганда тўлиқ лаззат туюшмайди, деган.



**496.** Кетма-кет қиз туғилаверса, охирги туғилган қизга Етар деб исм беришади.

– Қиз бола етар, энди ўғил туғилсин деган мақсадда.

**497.** Ёмғир ёғганда у бўлмайди. Ёмғир тиниши билан булутлар таркаб қуёш чарақлайди. Қуёш бўлгач, албатта соя ҳам бўлади. Худди оёғидан ушлаб олгандек изма-из таъкиб қилади.

**498.** Бу аёл Габриэл Гарсия Маркеснинг онаси эди.

**499.** Этиқдўз бўлиши керак деган.

**500.** Зодагон агар хизматкор, ёки паст табақа билан ўйнаганда тўпни ўйинга киритишда адашиб қолса, хатога йўл қўйса, қайтадан уриш ҳуқуқи фақат зодагонларга берилган.

**501.** Бу ерда – соат эди.

**502.** Бу қўл кўтариш ҳаракати эди.

**503.** У ҳайвонларга протез оёқ ясайди.

**504.** Улар бу билан қариндошлар ўртасидаги никоҳларни олдини олишади. Чунки улар бор йўғи 320 минг. Балоғат ёшига етганлар ундан ҳам кам. Миллат генофонди бузилиб кетмаслиги учун улар бу ишга қўл уришган. Аҳоли кам бўлгач бу ҳол рўй бериш эҳтимоли жуда юқори.

**505.** Метрода газета ўқиш яхши, аммо атрофдагиларга халақит қилмасдан, яъни газетани кенг очиб ўқиманг демокда.

**506.** Бу битикни тўлиқ ўқиб бераман: инсонга энг охирида ўқишни ўргатиш бу ўтакетган аҳмоқликдир. Унга энг биринчи ўқишни ўргатсак, қолган ишларни ўргатиш осон бўлади.

**507.** Чунки, велосипедчиларда бир қоида бор, велосипедчи оёғи остига қарамаслиги керак. Дилдор ҳам ношуд велосипедчидек тракторни оёқ остига қараб хайдаган.

**508.** Албатта, бу йўриқнома жуда узун ва уни бандлари ҳам кўп бўлган. Мен бир бандини, яъни йўловчиларнинг ўзаро муносабатлари қисмидан парча ўқиб бердим. Бу йўриқнома – темир йўлда юриш қоидалари ҳақида эди.

**509.** Агар бойлигини 2 киши кўтара олмаган бўлса, бу унчалик кўп бойлик эмас. Унинг бойликлари шунчалик кўп бўлганидан хазиналари калитларини 2 киши ердан уза олмаган.

**510.** Йўл қуриш керак бўладиган йўналишни улар, яъни филлар белгилашади. Улар тўда бўлиб доимо бир йўлдан юришгани боис, йўллар текисланиб, йўналиш анча аниқ бўлиб қолади.

**511.** Чунки у даврда битта яхши иншоот қурган меъмор ўлдириб юбориларди.



**512.** Унинг хизматлари испан ҳукумати томонидан муносиб тақдирланмаган. Бундан ранжиган Колумб қабрини испан тупроғига қўймасликларини сўраган.

**513.** Паспорт бўлса жуда осон бўп кетади. Яна нечта хужжат қолаяпти? «Карнет де мунке» – молдаван тилида меҳнат дафтарчаси.

**514.** Улар Руҳоний – роҳиблар. Уларга қон тўкиш мумкин бўлмаган. Лекин юртни ҳимоя қилиш зарур бўлганда қўлига ёғоч олиб бўлса ҳам жангларида қатнашишган.

**515.** Агар журналдаги 2 баҳо горизонтал бўлса, яъни бир ўқувчи ҳар куни 2 олса (ўқувчи фамилияси рўпарасига кетма-кет 2 тушса) ўқувчи ношуд демокчи. Агар журналда 2 баҳо ҳамма ўқувчиларга қўйилган бўлса, (битта дарсда 30 та ўқувчига кетма-кет 2 баҳо қўйилган бўлса, вертикал тарзда) унда ўқитувчи дарс ўтишни билмайди, ўқитувчи ношуд.

**516.** У гугуртни ихтироси пайти олтингугурт порох ва бошқа портловчи моддалар билан ишлаган. Синовларни бирида у портлаб кетган.

**517.** Ёлғон гапириш. «Шум бола» асари қаҳрамони онда-сонда ёлғон гапириб турган.

**518.** Туғилган чақалоқни онаси эмас, ёлланма бошқа аёл эмизиши.

**519.** Гуруч ошлангач ундан пўчоғи ажратиб олинади. Гуруч пўчоғидан кремний олиш йўлга қўйилган.

**520.** Голланд рассомлари. Мантиғи, чунки улар кўп гуллар ва ўсимликлар, мева ва сабзавотлар етиштиришган. Санъаткорнинг вазифаси юрт миришкорларини етиштирган маҳсулотларни кўрсатиш.

**521.** Кекса дарахт – дарахт кесувчидан соямни чопиб ташла, токи ориқ танамни бошқа кўрмайин дейди.

**522.** Иккита кемага ўтирма ғарқ бўласан.

Бир оёғинг бир кемада, иккинчиси бошқа кемада бўлсанг ғарқ бўлишинг муқаррар, дейилмоқда бу мақолда.

**523.** Бу – Шишкиннинг «Айиқлар билан тонг» сурати эди. Унга айиқларни кўшиш ғоясини Савицкий берган эди.

**524.** Чунки хоккей Канадада ташкил этилган. Канададаги асосий тиллардан бири бу – француз тили.

**525.** Стол хоккейи. Унда ҳам чемпионатлар ўтказишади.

**526.** Хоккей дарвозабони амунициясида шлем, панцир, катта кўлқоп, ҳимоя қалқонлари, шиширма елкалар бор. Бу ҳақиқий ниқобни эслатади. 1898 йили А.П.Чехов, «Ниқобли киши» асарини ёзган. Хоккей дарвозабонларининг 2 номи «Ниқобли киши».

**527.** Бўйдоқни.

**528.** Стюардессалар.





529. У – кардиограмма.

530. Паровозлар кўмир билан ёқилган. Ҳар сменадан кейин улар ювинишлари зарур бўлган. Бу – совун эди.

531. Бугунни айтишади. Узоққа бормасдан шу бугуноқ ташланг дейишади.

532. Кўнгилсизликни, муаммони, кийинчиликни.

533. Кальмар терисини майдалаб бир оз сувга солиб кўйса, ундан ажаойиб сиёҳ ажралиб чиққан.

534. Аслида Канада деб улар қишлоқни аташади. Тўғри жавоб – қишлоқ.

535. Каравот. Америкаликлар кам ҳаракатдан семириб кетишмоқда.

536. Непал.

537. Энг вафодор аёллар бу сочлари қордек оппоқ аёллар, деб жавоб берган экан.

538. Оила ва фарзанд авлодни кўпайтиради. Шажараси катталашади. Шажара эса дарахт шаклида тузилади. Конфуций даврида ҳам шажарани дарахт кўринишида тасвирлашган экан.

539. Сиз ҳеч иккинланмай Антарктидани танлайверинг. Чунки Антарктидада оқ айиқлар яшамайди. Арктикада оқ айиқлар кўп. Арктикада югураман деб оқ айиқлар билан пойга ўйнаманг.

**540.** 1955 йилда ҳозирги УЕФА кубоги ўйинлари бошланган. Дастлаб у ярмаркалар кубоги деб номланган.

**541.** Чизғични билагингиз устига қўйинг ва тилла узукдан ипни ўтказиб, чизғич устидан юргизинг. Агар қон босим бўлса узук тез-тез қимирлаган. Қон босимни ўлчашнинг халқона йўли эди.

**542.** Юқоридаги шеърда бир қўшма сўзни мажбуран олиб ташладик, йўқса осон бўлиб кетарди:

– Юз йил олдин сенсиз ёнаркурт,  
Балки яшай олардим,  
Бугун эса йўқ.

Унда – электр чироқ бор.

**543.** У автомобил ишлаб чиқарилмасдан олдин ҳам дорихонада сотилган. Илгари ҳозиргидек фармацевтик дори-дармонлар бўлмаган. Кўпроқ табиий дорилардан фойдаланишган. Илгари тери касалликларини бензин, керосин билан ювиб даволашган.

**544.** У иш учун, албатта ҳовли керак. Ҳовли, кўча бўлмаса улар зеркиб қолишади. Улар хонадонларида ит боқиш завқидан бенасибдирлар.

**545.** 1928 йили олимлар сунъий каучик ихтиро қилишади. Асосан, каучик етиштириш ривожланган штатнинг маҳсулотига талаб пасайиб кетади.

**546.** Ёзувчи Гектор Берлиоз айтган бу фикрни. Сизга отилган тошларни тўплаб борсангиз бир кун ўзингиз учун шохсупа яшайсиз деган.



**547.** Извошчи совуқда ишвознинг миждоз ўтирадиган жойида исиниб ўтирибди, дерсиз. Аслида у арава ўриндиғини иситиб ўтирган бўлади. Буни яхши билган миждозлар айнан шу аравани танлашган.

**548.** Оёғи протез ёки бир оёғи йўқ одамлар.

**549.** Ҳали биронта юртда рўй бермаган воқеа илк бор бу ерда содир бўлган. Пржевальский оти дунёда илк бор ҳайвонот боғи шароитида бола туққан. Бу ажойиб ҳолат эмасми? Бу воқеа Прага ҳайвонот боғида рўй берган.

**550.** Уларни деразани очгилари келган. Лекин Лондон марказидан оқувчи Темза дарёсидан сув тўла ахлат оққан. Ҳамма чиқитлар дарёга ташланган. Парламент канализация куришга рухсат бергач ҳидлар йўқолган.

**551.** Куз сокин ва тинч фасл. Бу фасл кўкдаги ой орқали ифодаланган.

**552.** Одуванчик, яъни қокигул.

**553.** Бу – шакар.

**554.** Кўпгина ҳайвонларда ўткир тишлар чиққанидан кейин боласини сут билан боқишни тўхтатишади.

**555.** Ёғга. Чунки мой доимо сувнинг устида туради.

**556.** Сандиқча ичида гугурт. Чунки гугурт Скандинавияда кашф қилинган.

557. Куёв тўра қиз билан суҳбат бошланиши билан унинг катта ё кичиклигига қараб билган. Қиз агар узун шағам ёкса, суҳбат узоқ бўлади. Шамга қараб билган.

558. Кузнинг сўнгги япроқлари биринчи ёққан қор билан ерга тез тушишга мусобақалашади.

559. Гомернинг «Илиада» ва «Одиссей» асарлари киритилган.

560. Белбоғни. Белбоғ қорайиб табиий қора белбоғга айланиши учун айтилади.

561. Лола пиёзи еб қутулиб қолишган. Пиёз углевод, ёғ, оксилларга бой сабзавот саналади.

562. Тўғри жавоб – денгиз орқали.

563. Юқоридаги таърифларда «С» ҳарфининг ҳосилини кўриш мумкин.

564. 9 рақами. Уни ҳар қандай сонга кўпайтирса, барибир 9 ҳосил бўлаверади.  $9 \times 2 = 18$ ,  $9 \times 3 = 27$ ,  $9 \times 4 = 36$ . Ҳосил бўлган рақамларни бир-бирига қўшсак, 9 ҳосил бўлаверади.

565. Қўй ва эчкиларни доимо кана бурга қонларини сўриб юради. Агар қўй баданида бу каби паразитлар кўпайиб кетса, унга қора майиздан бериб қонини шакарга тўйинтиришади. Бу қўйга таъсир қилмаса ҳам, кана ё бургаларга яхши таъсир қилади.



566. Бу – сариёғ ва маргарин эди.

567. Тиббиёт фанини, чунки инсон ички аъзоларини ўрганишга мажбур бўлишган.

568. Катта ўғлига.

569. Алиса мўъжизалар мамлакати асари муаллифи Льюис Кэррол номли мукофот берилади.

570. У ухлаб қолмаслик учун оёғини совуқ сувга солиб ўтирган. Шунақа ижодкорлар ҳам бўлган.

571. Драматургияни, пьеса жавоби ҳам тўғри.

572. Унга минганлар билади, у олдинга орқага чайқалиб юради. У– туя эди.

573. Иккинчи жонзот гулдан-гулга сакраб юрувчи капалак эди.

574. Уларда ҳам маймун илоҳий жонзот ҳисобланади. Тўғри жавоб «Рамайна» достони эди

575. Чунки бу автомобил рулида турист ўтирган бўлади. Прокат рақами қизил бўлади.

576. Бу шахматдаги фақат вертикал ва горизонтал ҳаракатланувчи тўра сипоҳи эди.

577. Ёзда чирокқа учар майда жонзотлар ёпирилиб келади. Кучли прожектор ёруғининг иссиғи уларни

нобуд қилади. Ва улар сувга тушади. Бу балиқлар учун тайёр текин емиш.

**578.** Ҳукмдор дорилар тоифасига витаминлар касал бўлмасдан олдин ичиладиган дориларни киритган. Маслаҳатчига эса бевосита касал бўлган вақтда ичиладиган дориларни киритган.

**579.** Соясида. Уни сояси қачон узун бўлса, у енгилмас бўлган.

**580.** Ибратли ўғил онасининг калтагини зарби пасайиб қолганлигидан, онасини қариб кучдан қолаётганлигидан азобланиб йиғлаган.

**581.** Улар сувда ўз аксларини кўриб қолиб чўчиб тушмасликлари учун шу иш қилинади.

**582.** Улар гезета ўқишмаса ҳам, радио эшитмаса ҳам давлат рамзини – пулни кўриб туришади. Янги раҳбар сайланса уларнинг суратлари дарров пул банкнотларида чоп қилинади.

**583.** Ўнг кўзи кулган одамни чап кўзи ҳам кулади. Чап кўзи йиғлаган одамни ўнг кўзи ҳам йиғлайди. Бу – кўзлар эди.

**584.** Рицар бу жангчи. Жангчи ўз ватанига, қолаверса ҳукмдорига жонини фидо қилишга тайёр бўлган. Чунки улар оила қуришмайди.



**585.** Бу нарса ўзбекнинг серфарзандлигини ҳам билдиради. Бир донаси тўкилса ҳам азият чекиш мумкин. Бу – кум эди.

**586.** Бу суратни чизиш учун 90 % бир рангдан фойдаланган бўлса, 10 фоиз яна бошқа 9 хил ранг қўшган экан. Бу Малевичнинг «Қора тўртбурчак» сурати эди.

**587.** Бу – елпиғич.

**588.** Бу ерда – калитлар шодаси эди. Клаустрофия кулфланган хонада ёлғиз қолишдан қўрқувчи кишилар. Улар кўлида калит турса қўрқув йўқолади.

**589.** Демак, жавоб – суюқ таомлар эди.

**590.** Демак: «Қорни тўйган бахтли эмас, бировни қорини тўйдирган бахтли».

**591.** Интуиция.

**592.** Бу эгизак бинолар бир-бирига бирлашиб кетган. Бундай эгизаклар илк бор Таиландда туғилган. Бу Сиам эгизакларига ўхшатиб лойиҳа қилинган. Айнан Таиландда курмоқчи бўлишган.

**593.** Яхши адабиётларни ўқувчилар севиб мутолаа қилишади. Айрим адабиётларни китобсварлар қайта-қайта ўқишади.

**594.** Бу давлат ўзининг асл отлари билан ном қозонган. Бу – Туркманистон давлати эди.

**595.** Илгари дўконга кирадиган мижозлар оёқ кийимларини ечиб киришган. Мацудзакая дўконига оёқ кийим билан кириш мумкин бўлган.

**596.** Чунки у аёлнинг кулоқлари яхши эшитмаган. Мусиқани пол тебраниши орқали хис қилиш учун оёқ-яланг концерт берган.

**597.** Авваллари иккинчилар биринчиларни вази-фасини бажаришган. Шундан улар бу ташкилотга аъзо бўлишган. 1-жарроҳлар. 2-сартарошлар.

**598.** Улар эрталабдан кечгача тик оёқда маросимни ўтказишган. Бутун қариндошлар тик туриб чарчаб қолишмасликлари учун уларнинг қўлларига ... Ҳасса бериб қўйишган.

**599.** Гўрковни.

**600.** Бу – игна эди.

**601.** Бу қошиқ, санчқи, пичоқ.

**602.** Кутубхоначилар.

**603.** Бу – маккажўхори. Уни танасидан тишлаб узиб олиш учун, албатта маҳкам тиш зарур бўлади. Одатда, уни бутунлигича сувда пишириб истеъмол қиламиз.

**604.** Чунки саккизоёқнинг гўшти жудда қаттиқ, кир-машинада уни юмшатиб олишади.





**605.** Озарбайжонлик Тофик Бахромов Германия дарвозасига урилган ўта баҳсли голни ҳисоблагани учун унга жаноб 2–3 деган лақаб берилган.

**606.** У киши «Опа-сингиллар» ва «Туташ тақдирлар» ва бошқа телесериаллар муаллифи Замира Бегимкулова эди. У киши сериал суратга олади.

**607.** Бировга кўрсаткич бармоқни кўрсатиш одобсизлик эканлигини билдириб қўйиш учун шу жазо ўйлаб топилган.

**608.** Аслида улар гаплашмаётган бўлган, сақич чайнаб юришган бўлган.

**609.** Буюртмачилар бойлар бўлган, ётоқхо-нанинг катта хонасида бой оиласидан чиққан талаба, 2 кичик хонада унинг хизматкори яшаган.

**610.** Бу –араб тангоси эди, уни Ўзбекистонда хонанда Ботир Зокиров машҳур қилган.

**611.** Илк телефон апаратыда.

**612.** Чунки дастлаб танчани сандал дарахтининг тахтасидан ясашган.

**613.** Улар, асосан қайнатилган таомлар ейишади. Бизни тил билан айтганда, парҳез таомлар. Бунинг устига улар деярли гўшт ейишмайди. Бу тарзда овқатланиш иммунитетни тушириб юборади. Аччиқ эса иммунитетни бирмунча ушлаб туради.

**614.** Додо – уйни билдиради.

**615.** Чойхўрликнинг 4-талаби маросим вақтида сукут саклаб ўтиришдир.

**616.** Биринчиси – Аляска, у штатга Канада орқали, музликлар устидан тўғри велосипед билан у штатга кириб бўлмайди. Иккинчи штат эса ҳаммаёғи сув билан ўралган Гавайи ороли эди.

**617.** АҚШдан 1 тонна тупроқ олиб келиниб шуни устига ҳайкални ўрнатишган.

**618.** Демак, жавоб – нариги уйдаги хўроз.

**619.** Гап уларнинг емишида. Итлар кўп ҳолларда уй эгасидан қолган овқатларни ейди. Бўри эса йўқ. Демак, итларнинг кўзини хира тортишига сандикчадаги бу – туз эди.

**620.** Демак бу – шаҳар телефон китоби эди.

**621.** Оёқ кийимни ечиб, уни яхшилаб қоқишни сўрайдилар. Францияда шундай узумзорлар борки, у ердаги тупроқ жуда қимматбаҳо саналади. Шунинг учун боғбонлар тупроқни четга чиқиб кетишига йўл қўйишмайди.

**622.** Агар сувга оз миқдорда сандикчадагидан қўшилса муз оппоқ тусга киради. Бу оқ – бўёқ эди.

**623.** Чунки кўзгу олдида кўпроқ аёллар, қизлар келади.



**624.** Қизил рангли ручка.

**625.** Кредиторлар учун. Уни жуда кўпчиликдан қарзи бўлган. Қарзини сўраб келадиганлар учун бу белги эди.

**626.** Бу милтиқлар ҳар жангдан кейин тозаланган. Айнан ҳайвон, сигир ёғига артиш талаб этилган. Сигир ҳиндлар учун муқаддас саналади. Шунинг учун улар бош тортишган.

**627.** Куздан нима учун кўркиш керак. Ахир сокин, чиройли фасл. Кавказликлар ҳам совуқни унча хуш кўришмаса керак. Балки шундан бу мақол пайдо бўлган бўлса керак.

Илик, сокин куздан кейин аёвсиз қиш келади. Қиш қанча совуқ бўлса ҳам, кетидан иссиқ кунлар бошла-нади. Яъни, гўзал баҳор келади, демоқчи.

**628.** Бу – кўзгу эди.

**629.** XX аср бошларида, ҳамма хонадонларда ҳам кўзгу бўлмаган. Агар деразани орқа томонига қора парда ёпилса, хона ичидаги балоғатга етган қизлар учун бемалол кўзгу бўлиб хизмат қилаверган.

**630.** Бу – йўқчилик, камбағаллик.

**631.** Чунки бу бармоқ билан милтиқ тепкиси босилади. Бармоқлар ичида айнан шу бармоқ инсониятга қирғин келтиришда қатнашади. Шунинг учун бу бармоққа шу ном берилган бўлса ажабмас.

**632.** 8 рақамини катта қилиб ёзинг, тик турганда у 8 рақами экани маълум. Энди уни 8 ни ёнбошлатиб ётқизинг. Бу энди чексизликни билдиради.

**633.** У 1-рейсидаёқ ҳалокатга учраган. Қизиқишни ошириш учун ошхона приборлари пассажирларга эсдаликка берилган. Олдинги бекатларда тушиб қолган пассажирларда бу каби сувенирлар бўлган. Улар кейин музейга топширишган.

**634.** Қорачой тилида асал-бол деб аталса, туз –туз деб номланади. Кўриниши тузга ўхшаган, аммо ширин бу маҳсулотни улар болтуз деб аташади. Демак, жавоби – шакар эди.

**635.** Ҳаётнинг қийинчиликлари инсон олдига доимо савол, сўроқ қўяди. Инсон учун ҳаётда учрайдиган сўроқлар – муаммо.

**636.** Жанг олдидан камончилар осмонга лента осилган ўқни отиб шамол йўналишини белгилаб олишган. Жанг пайтида қайси томондан ўқ узилса ўқлар узоққа кетишини шу оддий усул билан аниқлаб олишган.

**637.** Энг биринчи қурол врачнинг қуроли – бу сўз эди.

**638.** Шарча эриган шамдан ерга тарақлаб тушади. Бу уй эгасини уйғотади. Соат кўнғироғи вазифасини бажарган.

**639.** Юмор, хис туйғуси уларни бахтли қилган.



**640.** Кийим тикишдан олдин у бичилади. Ва шартли равишда игналар (булавкалар) билан бирлаштириб кўйилади. Бир куйлакка нечта игна санчилган бўлса, кийим тайёр бўлгач, шунча игнани тикувчи санаб олиши керак. Йўқса кийимда қолиб кетса, мижозни жароҳатлаши мумкин.

**641.** Ўтин.

**642.** Стаканга оз бўлсада сув куйилади. Сувни оғишига қараб учувчилар самолётни қўндиришади. Агар самолёт қийшиқ кетаётган бўлса, учувчи стакандаги сувга қараб уни тўғрилайди. Қўнаётганда самолёт ер билан параллел бўлиши керак, уни стакандаги сувга қараб билишади.

**643.** Гаррит Бичерстоун, ўта содда одамлар шляпани, яъни бош кийимни хоҳлаганча кийишади. Уларда бирон аниқ поза бўлмайди, деган.

**644.** Бу юзнинг ярмини беркитувчи ниқоб – видео камера.

**645.** Бальзак даврида улар қора кийимда юришган. Кейинчалик оқ ранга ўтишган. Улар – врачлар.

**646.** Биринчидан қуёшни кўзга тушмаслиги, иккинчидан шамол йўналиши каби омиллар югуриш тарафини белгилаб берган.

**647.** Апелляция идораси аввалги судья қарорини эшитади. Ҳакамлик қарорни ўз кучида қолдиргудек

бўлса, 1-қабул қилинган қарор тўғри деб топилади. Демак, бадалнинг 3 дан бирини ўша қарорни қабул қилган судья олган.

**648.** Бу шарча оғир бўлса тушган жойида тўхтайтиди. Тўп ортидан ортиқча ҳаракатга чек қўяди.

**649.** Агар ойнани аввал горизонтал тарзда кейин вертикал ҳолда артилса, ойнада ҳеч қандай из қолмас экан. Гап ойнани қандай артиш ҳақида эди.

**650.** У аёл самолёт стюардессаси. Ҳисоб-китобга кўра самолёт ичида хизмат вазифасини бажариш вақтида стюардессалар тахминан шунча рейслар давомида 21 км. юриб ўтказишар экан.

**651.** Бир умр фаровон яшашни истасанг фарзанд тарбияла.

**652.** Шева.

**653.** Бир жуфт калишни назарда тутган.

**654.** Африкада ёз жуда иссиқ келади. Баобаб тана-сидаги намни кўп йўқотмаслик учун иссиқда ёзда баргларини тўкиб юборади.

**655.** Қоронғу азонда ишга кетиб, ярим кечаси ишдан келган киши кўчада ҳеч кимни кўрмайди. Салом бериш ҳам энг катта савоблардан.

**656.** Ташкилотлар ўзига шиор қилиб, ўзлари учун энг



ёқимли, энг фойдали сўзларни олишади. Қишки спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи бу компаниянинг шиори: Декабрь, Январь, Февраль эди.

**657.** Очиб кўрайлик. Бир ўлчам кичик туфли бор. У гапни калтароқ қилиб, ишни тез битиришингизга ёрдам беради, деган.

**658.** Анатоли Франс-Француз. Французлар кишилар ҳаётини улар киядиган кийимига қараб англайдилар. Шунинг учун у «Модалар» журналини ўқиган бўлардим деган.

**659.** Некрологлар босиладиган бандида.

**660.** Агар унга қарз бериб қўйсангиз, уни турқини ҳам кўрмайсиз.

**661.** Аёл кўз ёши билан енгади.

**662.** Автомобил тайёр бўлгач, энг охирида у яна қисмларга ажаратилади. Қисмлари алоҳида-алоҳида ажратилиб поездларда ё юк кемаларида манзилга етказилади. У ерда махсус гуруҳлар уни қайта йиғиб мижозга топширишади.

**663.** Лотун, никел, мис ўзидан токни жуда яхши ўтказидаган металлар ҳисобланади. Бу ток ўтказмас пробкали шлемларга йўл очиб берган.

**664.** Мақолни тўлиқ ўқийман: Ёнғин содир бўлган пайтда қудуқ қазилдан фойда йўқ.

665. Бойўғли каламуш, сичкон каби кемирувчилар билан кун кўради. Бойўғли тунда ов қилади. Тунда гуллар ғунчаларини ёпиб олишади. Аккли бойўғли билади, айрим ҳашаротлар тунда шу гуллар ичида тунашини. Шунинг учун оч қолганда таваккал шу гулларни еб кетади. Иккита гулдан биттасида, албатта ҳашарот бўлади.

666. У санъат эди.

667. Эгизак ва ундан кўп фарзанд кўрган оилаларга соғин сигир совға қилинган.

667. Миля.

669. Экземпляр.

670. Ҳафта кунлари.

671. Балки шу билан бу осон саволни залворини оширмақчи бўлган эдик. Бу соат эди.

672. Охирги 2 қаторини қолдириб кетган эдик: Завол йўқдир, яратган рискени қилмаса кам, жонсиз бўлсақда оламга нур таратиб, азиз бўлдик яна ҳам. Бу риску-рўз ҳисобланган – нон эди.

673. У дорда, баландда, арқон устида ҳимоясиз симсиз ҳаракатланишни театрдаги ижрога ўхшатган.

674. У чумчуқлар узоқ вақт осмонда уча олмасликларини айтган. Бир неча дақиқа ўчгач, албатта





ерга кўниб дам олиши керак, йўқса улар ўлади, деган маълумотни айтган.

**675.** Бу ака-укалар катта ва стол тенниси коптокчалари. Уларни акалари футбол, волейбол, баскетбол тўплари.

**676.** Бу дирижёрлик таёқчаси эди.

**677.** Ёмғир ёғишдан олдин.

**678.** Аллома уларни ғийбат қилиш билан менинг савобларимдан олиб уларга бериладиган бўлса деб ота-онамни ғийбат қилган бўлардим деган.

**679.** Антик даврларда қоғоз ё қалам бўлмаган вақтларда олимлар сандиқча ичидаги ёрдамида ҳисоб, ёзув-чизувларни бажаришган. Улар қумдан дафтар қалам сифатида фойдаланишган.

**680.** Уларни боқишдан аниқ мақсад бор. Товуқлар учун келтириладиган янги озуқаларни аввал уларга бериб синаб кўришади. Синовчи-еювчи балиқлар эди.

**681.** Пишган гўшт иссиқ бўлади. Уни ушлаш учун махсус мослама зарур бўлган. Бу– кўлқоп эди.

**682.** У йиллар давомида йиғилиб-йиғилиб арқонга айланади. Йўғон тўқилган арқонни узиш қанча қийин бўлса, уни ҳам узиш амру-махол. Бу тўқилган арқон – одат эди.

**683.** Кенжа ўғил шам ёқиб уйни ёруғликка тўлдирибди.

**684.** Бечора товуклар курк бўлиб хурпайиб қолганда кунига 2 маҳал муздек сувга тиқиб олинса, у стресс ҳолатидан чиқиб, курклиги ҳам эсида бўлмас экан.

**685.** Агар аёл ажрашишни ихтиёр этса, оила ўтовини бузиб, яна қайта қурган, лекин эшигини қарама-қарши томондан очган.

**686.** Тўғри жавоб лабига қараб, лабида игна тишлаб тургандек туюлади, деган.

**687.** Агар станция дарё ёки канал остида қурилган бўлса, оппоқ ранга бўяб қўйилган. Мабодо юқоридан сув оқса кўриниб туриши ва таъмирлаш осон бўлиши учун.

**688.** Рейкъявик. Гейзерлардан доимо чиқиб турадиган буғ номидан маҳаллий аҳоли бу жойга Рейкъявик, яъни тутунли бухта деб ном берган.

**689.** Чой бизда XVIII аср охирларида оммалаша бошлаган. Ундан олдин ҳам сарғиш ранги, ҳам мазаси учун жийда солиб чой дамланган.

**690.** Будда роҳиблари биласиз жонзотларга азият етказмасликка ҳаракат қилишади. Бехосдан босиб олиш ё билмай еб қўйиш каби. Улар ичаётган ичимлик ичида айрим жонзотлар бўлса уни сувга қўшиб ичиб қўймаслик учун махсус ингичка трубка орқали сув ичишган.



**691.** Бу чиройли кутидаги ширинликлар яхшилик белгиси. Сиз яқин кишингиздан бу каби конфетларни юборса билингки, сизни дўстингиз тўйга таклиф қилаётган бўлади. Конфетга кўшиб, албатта таклифнома ҳам беради.

**692.** Агар қорни тепага қараган бўлса, унинг ориқлиги консервани очган захоти кўриниб қолади. Бу мижозни кайфиятига салбий таъсир қилишнинг олдини олиш учун қилинади. Шунинг учун қишки шпротлар қорни пастга қаратиб қадоқланади.

**693.** Делавер штати атрофида балиқлар кам. Улар учун емиш кам. Шунинг учун вагонлар штатдан унча узоқ бўлмаган океан тубига ташланади.

**694.** Миср бу – Африка. Атроф иссиқ, иссиқда эса улар кўп бўлади. Улар эса Рамзес II дан кўра асални ёқтиришади. Улар – пашшалар. Пашшалар ҳукмдорни таламаслиги учун уни ёнида 1 та тоғорада асал олиб юришган.

**695.** Эркак исмларининг олдида оға сўзи қўшилган. Аёлларнинг исмидан кейин оға қўшилган. Аёлга Дилшод оға, эркакка Оға Дилшод деб мурожаат қилишган.

**696.** Баданда тўпланиб қолган сув зарралари қабарик ҳолда бўлиб, линза вазифасини ўтаб беради, яъни куёш нурларини йиғиб терининг битта нуқтасига йўналтиради. Бу ўз навбатида терини куйишига олиб келади.

**697.** Шаҳар атрофи тоғ ва денгиз билан ўралган. Бир томони ўрмон бўлса, демак қайсидир томондан бу шаҳардан чиқиш йўли бўлиши керак. Шунинг учун ғарбида шаҳардан чиқиш йўли бўлган. Бу душманлардан ҳимояланиш учун ҳам қулай бўлган.

**698.** Бу кўшиб берилган нарса орқали одамлар кўпроқ китоб ўқишига эришишни мақсад қилишган бўлса керак. Китобни кундузи ҳам, кечаси ҳам ўқинг, деган мақсадда анча қиммат бўлган шамни китобга кўшиб беришган.

**699.** Инсон биринчи товушни она қорнида эшитади. Юрак урушининг, яъни тук-тук деган овозни. Бир хил ритм эса бу сознинг энг асосий фаолияти ҳисобланади. Бу зарбли мусиқа асбоби эди.

**700.** Ичига йиртқич балиқ солиб қўйишади. Бир цистерна балиқни йўқотгандан кўра, бир-иккита балиғини қурбон қилган яхши.

**701.** Болталарни алмаштириб олишган. Сени болтанг, мени болтам қилавермаслик учун.

**702.** Ота-оналарининг ёшини эсдан чиқармасликлари керак. Улар ота-оналарининг ёшларини эслаб юришлари керак деган Конфуций.

**703.** Ҳар бир дарвозабонга изоҳ ёзиб, унга нечта голь урганини ёзиб юрган. Аммо бир машҳур дарвозабонга голь уролмаган. Шундан унинг сурати остига «қойилман» деб «0» рақамини ёзиб қўйган. Бу машҳур дарвозабон Лев Яшин бўлган.



**704.** Чакмоқ урушидан энг кўп азият чекувчи дарахтлар рўйхатининг бошида эман дарахти турар экан.

**705.** Чунки бу откриткалар рўйхатга олинган ва рақамланган бўлади. Маълум муддат ўтгач бу откриткалар лотореяга айланади. Ва яхшигина мукофот ютиб олиш мумкин.

**706.** Бу – дазмол.

**707.** Ипак матодан бургалар кўрқар экан.

**708.** «Сеними шошмай тур» мультфильмидаги бўри образини яратган.

**709.** Улар отлик жангчилар. Отлар учун арпа фуражкага солиб берилган. Отни боққанда фуражкани ўзидан тутиб туриш қулай бўлиши учун козероғ ўрнатилган.

**710.** Ёзги вақтга ўтиш билан шағамлар иқтисод қилина бошлаган.

**711.** Қишда деразани очиб қўйиб ухлаган.

**712.** Сени ўзинг ҳам, молинг ҳам – отангникидир.

**713.** Археологлар. Чунки бу шаҳарлар жуда қадимги саналади. Археологик қазилмалар ҳам олиб боришган.

**714.** Йил давомида мусобақаларда тўпланган маблағнинг салмоғига қараб.

715. Англияда аҳоли орасида қабул қилинган бир ҳаракат борки, уни зонт билан амалга ошириш жуда қулай. Бу зонт кўтариб такси тўхтатиш.

716. Қадимги Непалда бир йилда 12 ёшга улғайишган. Улар осмондаги ойни чиқиши билан ҳисоблашган. Ҳар ойнинг чиқиши билан уларнинг ёшига ёш қўшилаверган.

717. Агар матрослар арақ ичмаса, унинг ўрнига пул тўлашган!

718. Чунки у бир чиройли пейзажни топиб уни чизишга жой ахтаради. Ва айнан кир ювиш хонаси ичига кириб унинг деразасидан ўша пейзажни чизган. Шунинг учун бу асарини шундай номлаган.

719. Ошиқлар. Ошиқ-машуқлар.

720. Ақл тишлари.

721. Аҳмад бинни Умар Абдулжолиб Нажмиддин ал-Ҳавақий ал-Хоразмийдир.

722. Сочга оқ тушганига.

723. Хуррак тортишга.

724. Агар сизни кўлингизга оёғингизни ҳам қўшсак, яъни оёғингизни ҳам қўл деб қарасак демоқда жумбоқда, шунда сизда нечта қўл бўлади. Сизда барибир 2 та қўл қолади. Итни думи бу дум, у ҳали оёқ эмас демоқчи, мақолда. Оёғи 4 талигича қолади.



**725.** Таом жуда хушхўр ва мазали чиққан бўлса, идиш тагида овқат қолиши керак экан. Таомни зўр чиққанини охиригача ейилмаган таом билан билдиришар экан.

**726.** Ака-ука Райтлар 4-уринишида самолётни осмонга кўтаришган. Шунинг учун рамзий маънода 4 рақама ёзиб қўйилган.

**727.** Юнонлар насроний, турклар мусулмон. Иш тўхтаб қолмаслиги учун у бу ишга қўл урган. Насронийлар учун дам олиш куни якшанба бўлса, турклар учун жума.

**728.** Ванна.

**729.** 3 та қадрдон бу учта бармоқ. Қани учта бармоғингиз орасига ручкани олиб қоғоз устига қўйиб бир ер ҳайдаб кўрингчи.

**730.** У доимо сиз билан яшайди. У фақат сиз билан, сиз эса фақат у билан яшай оласиз. У сизнинг юрагингиз.

**731.** Бу жумбоқнинг жавоби кўз қорачиғида.

**732.** 40 та от киприклар, қўл бу кўз.

**733.** Ботинка.

**734.** 18 минг кишидан оёқ ўлчами, оёқнинг узунлиги, қўлнинг узунлиги, белнинг кенлиги, кўкрак кенлиги, бўйнинг ўлчами, оғирлик каби 21 тадан ўлчамлар олинган. Хўш, бу ўлчамлар кимлар учун зарур бўлган деб ўйлайсиз. Кийим тикувчи корхоналарга керак эди бу ўлчамлар. Чунки кейинги вақтларда одамларнинг

ташқи кўриниши, ўлчамлари катта бўлиб кетаяпти. Шунни билиш мақсадида қилинган.

**735.** Демак, сандиқчадаги кулолчилик маҳсулоти – кўза эди.

**736.** Шеърят бу шундай ҳилқатки, у оқни қизилга, қизилни-сарикқа, сарикни яшилга қиёслай олади. Шоир ерда яна шунча. Яшил барглари кўрмоқда эди.

**737.** Мана шу ортган лойни олгинда, ўз бахтингни ўзинг ясаб ол, дебди. Ҳар бир инсон ўз бахтини кулоли деб шунга айтишади.

**738.** Улар узундан узок ўз шажараларини қайтаришади. Бу боланинг гўдак пайтидан кулоғида қолади.

**739.** Қадимги Бобил аёллари бу иборани ҳомиладор пайти айтган. Бу иборада зангори ранг ўғил болани, сарик ранг қиз болани билдирган.

**740.** Лотин ёзуви. Ўзбекистонда, хусусан мавжуд бўлган.

**741.** Грузинларда байрамларда бокал, тарелка синдириш одати бор. Шундан идиш товоқлар нархи ҳам ёзиб қўйилган.

**742.** Лезвияни у томони ҳам бу томони ҳам бир хил кесгир. 2015 йили 69 га тўлади. 69 ни унақасига ўқисангиз ҳам бу томонига ўқисангиз ҳам бир хил 69 чиқади. Тўғри жавоб – ёши эди.





743. Улар тахтани ўқ билан тешиб юборишлари керак бўлган.

744. Сахро трассасидан. У сахро кемалари – туялар орқали эди.

745. Грузин кўл бола арағи – чача билан меҳмон қилган.

746. Всемирний потоп. Буюк сув тошқини, ерни қисмларга бўлиб юборган.

747. Обруч. Ҳалқани.

748. Бу паспорт эди. Бурлақлар қуллардек кишилар бўлишган. Уларда паспорт бўлмаган.

749. Унда биринчи шахс ҳукмдор бўлсада, ҳамма кучқудрат имконият иккинчи сипоҳда бўлади. Сандиқчада шахматдаги шох ва фарзин эди.

750. Акс-садолар ҳам қисқарган.

751. Мини-банк. Мижоз ёнидаги тилла буюм ва пулларини банкка топширган. Агар 3 соатдан ошиқ қолиб кетса, чиқиши билан банк қанчадир фоиз устама ҳам берган.

752. Рейкьявик. Умуман Исландияда кучли шамоллар эсади. Аҳоли шамол вақтида унга ушлаб ҳаракатланади, шамол учириб кетмаслиги учун.

753. Бишу дегани иштаҳани билдиради. Мата Бишу эса – иштаҳани ўлдириш дегани.

754. Уйинг буғдойга тўлсин. Буғдой кўпайиши билан уйни кемурувчилар босиб кетиш эҳтимоли юқори.

755. У мен туғилгандан кейин ота бўлган. Отамнинг ёши менга тенг, деб шунга айтган.

756. Энг ёмони овқат қилишни билмайди, аммо овқат қилаверади. Ўзидан бошқа ҳеч ким емайди, у овқатни демоқчи.

757. Учинчи аёл ҳақида. Ёки бошқа аёл ҳақида.

758. Чунки у йигит яқинда Америка сафаридан қайтган. У кўчада тамаки чекиб юрган. Уни тутатганидан ёняпти деб ўйлаб устидан сув ҳам сепиб юборишган.

759. Келин бу уй бекаси. Уй бекаси уй юмушларини бажарганда унга халақит қилмаслиги учун унинг энглари калта қилиб тикилади.

760. Аёл жамиятда бир эркакнинг 4 та аёлга уйлашиши мумкину, нега аёл бир нечта эркакка турмушга чиқолмайди, деган савол билан мурожаат қилган.

761. Фильм учун ёзилган мусикаларнинг ноталарини юборган. Чунки овозсиз фильмларга мусика зарур бўлган.



762. Унинг кўлида Слава деган татировка бўлган.

763. Ҳассага.

764. Шуни ҳам билмайсизми деб хохолаб кулган, кейин ўзи ҳам билмаслиги учун йиғлаган.

765. У бой мижозларимдан бирининг оппази деди. У билан келишиб иш қилиб юрган.

766. Улар театр жанрлари, комедияни битта одам ўйнаса бўлади.

767. Жаконданинг ўйноқи табассумини ҳамма кўрган. Лекин Жаконда сўзи эски Италиян лаҳжасида мўъжизакор ўйин деган маънони билдиришини ҳамма ҳам билмаса керак. Сандикдаги Жаконда сурати эди.

768. Қарангки, уни мияга ижобий таъсири борлигини унга бир қараб билиш мумкин. Бу ёнғоқ эди. Уни еган куллар жуда ақлли бўлиб кетади, деб ўйлашган.

769. Бу байрам 30 апрель куни ўтказилади. Уларга қиролича Беатрис сабр тилайди, зерикмасликларини сўрайди.

770. Такдирдан. Такдири азалда бўлмаса – унвону-мукофот насиб қилмайди.

771. Агар оёгингизни у ерга қўйсангиз, қўя олсангиз, оёқ ўлчами чиқади. Билақдан то кафтгача ўлчасангиз оёқнинг ўлчами чиқади.

772. Зер сатрнинг пастидаги чизик, забар сатрнинг тепасидаги чизик. Яъни, паст баланд, бир текис эмас, алғов далғов маъносида ҳам бу сўзлар ишлатилади. Ишқ аро энди ҳолим алғов далғов демоқчи.

773. У корхонасида бир ўзи ишламаган. Унинг шогирдлари ҳам бўлиб, уларни ҳам берилиб ишлашани талаб қилган. Мабодо улар дангасалик қилишса, уларни камар билан калтаклаган.

774. У дўконда сотувчи бўлган. Тарозидан уриб юрган. Худо уни 2 та тарози палланинг орасига жойлаб қўйиб юборган.

775. Ўзбекларда уй кўтариш деган гап бор. Улар маълум муддат орасида уйдаги емишларини ташқарига қуёшга олиб чиқиб ёйишади. Уй кўтарар.

776. Қўрқоқлик.

777. Улар уни яхшилаб ювиб мижознинг лунжига тикиб қўйишган. Лунж шишиб таранг турса соқол текис олинади. Бу – қошиқ эди.

778. Бу ўта ривожланган фермер хўжаликлари учун зарур маҳсулотларни, кийим кечакларни четдан сотиб олишмайди. Бу маҳсулотларни сотиб олиш учун хўжаликларидан бир қадам ҳам чиқишмайди. Шундан уларни атрофдагилар «ноль» км.лар дейишади.

779. Инсон табиатдан юқорига интилади. Ҳар соҳада буни кузатиш мумкин. Аммо сув доимо пастга



интилади. Инсон юқорига интилса сув пастга, хоҳласа ҳам юқорига чиқолмайди. Айнан шу ҳолатда ўхшашликни кўрмаймиз.

**780.** Бефарқликни беркитишнинг иложи йўқ экан.

**781.** Бу кафт эди. Кафтдаги чизиклар ўзига яраша харита ҳисобланади.

**782.** Чунки ўша пайтда фабрика омборида фақат шунақа қизил ва оқ йўл йўл рангли матолар бўлган. Шу учун ҳам улар рангни ўзгартиришга мажбур бўлишган.

**783.** Фантазияга.

**784.** Асаб системаси гуноҳларимизни кечирмайди. Бузилган асабни қайта тиклаш амрумаҳол.

**785.** Ёзувчи ёзади. Ўчиради, ёзади, ўчиради. Кейин ўчирилган қоғозларни улоқтиради. Қаерга ахлат челака. Каттароқ ахлат челақ бўлиши керак.

**786.** Чунки бемор аёл киши бўлган. Кўл билан тегиш мумкин бўлмагани учун уни белини шу алфозда жойига туширган.

**787.** У жойда ишловчи кишиларни Шекспир «Ўлган гулни тирилтирувчилар» деб мақтаган. Бу жой Шекспир театр гримхонадан бошланади, деган.

**788.** Ким ҳеч нарса билан тенглашса у аҳмоқ. Ким ҳеч нарсани устидан ҳукмрон бўлса – у кул. Ҳеч нимани

бирова берган одам – қизганчиқ. Ҳеч нарсадан маъно ахтарган одам – ахмоқ. Тўғри жавоб ҳеч нарса эди.

**789.** XIX асрда Британия кишлоқлари унчалик ривожланмаган бўлган. Бошқа кишлоқларга, шаҳарларга бориш учун транспорт бўлмаган. Айнан XIX аср ўрталарига келиб велосипед оммалаша бошлаган.

**790.** Шундай катта кемалар борки у ерда, ҳатто гольф майдонлари ҳам бўлади. Агар бу ердаги гольф ўйинида коптокчалар сувга тушиб кетса ва уни балиқлар ё бошқа сув жонзотлари ютиб юбориши мумкин. Бу уларни нобуд қилишига ҳам олиб келади. Махсус ясалган коптокчалар эса балиқ ошқозонида эриб, кета олади. Фойдали минераллардан бўлганлиги учун.

**791.** Демак, унга ёққан бўлса, шу буюмни олади. Уста сотувчилар уни аниқлаш учун харидорни кўзига тикилиб туришади. Агар буюмни кўраётган миждознинг кўз қорачиғи катталашса унга ёпишиб олишади. У, албатта харид қилишини кўзлари орқали билиб олишади.

**792.** Демак, унга ниманидир ёки кимнидир, уй рўзгор ишларини қилаётиб ёки буғуларни ҳайдаш чоғи солиши мумкин. Агар кўлида ёш боласи бўлса, ўнта ичига солиб, устидан боғич тортиб ишини қилиб юраверишган. Она оёғидаги коляска деса ҳам бўлади.

**793.** Бешта энг қалин китобларни олган бўлар эдим деган. Чунки олов ёкиш учун кўп қоғоз керак бўлади деб, жавоб берган.



**794.** Байрон дорихоначига, агар онам сиздан заҳар сўраса берманг деган. Нега у мийиғида кулиб кўйган. Чунки худди шу илтимосни онаси ҳам унга қилган бўлган.

**795.** Тумонат.

**796.** Хоҳлаганда ўчириб кўйсанг маза. Жимлик.

**797.** Никоҳлар. Энтони Куин ўзи 5 марта уйланган.

**798.** «Садоқат».

**799.** Гомер.

**800.** Чунки қаҳва шўр бўлади.

**801.** Хитой раҳбари қийин шароитда уй қуришни ўйламаслик керак. Қоринни ғамини ейиш керак деган. Шунинг учун шамол тегирмонни қуришни маслаҳат берган.

**802.** Паравоз ёки тепловоз.

**803.** XIX аср буни устига ковбойлар. Ковбойлар ўзбекча айтганда чўпонлар. У нарса чўпонлар учун зарур. XIX аср охирларида, молхоналар атрофини тиканли симлар билан ўраш бошланган. Тиканли симни Аждарҳо арқони деб ҳам аташади.

**804.** Исландия АҚШ ва Россиянинг ўртасида жойлашган мамлакат, Исландиядан АҚШга ҳам, СССРга

ҳам масофа бир хил бўлганлиги сабаб бўлган. Томонлар шунга келишишган.

**805.** Ёғоч оёққа чиқилса узоқни ўриш мумкин. Британиялик чўпонлар қўйларни кузатиш учун ва тез югуриб уларни қайтариш учун ёғоч оёқдан фойдаланишган.

**806.** Балиқчилардан.

**807.** Қонун ҳақида.

**808.** Бу китоб дўконлари.

**809.** Отатурк номини бошқа ҳеч кимга бермасликни.

**810.** Ороллар.

**811.** У император.

**812.** 1968 йилда Ясунари Кавабата Нобель соҳиби бўлган.

**813.** Бу – пластилин эди.

**814.** Бу ёзув ручкаси.

**815.** Бу маърифий дарсларга шунчалар кўп одам тўпланганки, нотикнинг овози яхши эшитилиши учун одамлар, байроққа қараб шамол эсаётган томонга ўтиб туришган. Байроқ шамол йўналишини белгилаб берган. Микрофонлар бўлмаган. >





**816.** Қалам-ручка.

**817.** Улар сурувни бўрилардан ҳимоя қилишади. Бўрилар қўйларга эрталаб қишлоқдан чиққанда олдидан, кечкурун қишлоққа қайтаётганда орқадан хужум қилиши кўп бора кузатилган. Шунинг учун қуролланган бу гуруҳ эрталаб олдинда, қайтаётганда орқада юрган.

**818.** Улар эркакларни қуёшга, аёлларни ойга ўхшатишган. Шундай никоҳ узуклари фарқланган. Ой ва қуёшга нисбатан.

**819.** Бу байроқ ўз навбатида афиша вазифасини бажарган. Агар оқ байроқ илинса ўша куни комедия бўлишини билдирган. Қизил тарихий драма, қора трагедия.

**820.** Иккинчи Жаҳон урушидан кейин, асосан иш фаолиятини бошлаган бу фирма асосчиси Адидас фирмаси раҳбари Ади Дасслер бўлган. Иқтисодий инқироз пайтлари автомобил баллонларини қирқиб пойабзал таг чарм ўрнида ишлата бошлаган.

**821.** Танг қолган пайтинг хотингдан маслаҳат сўра, кейин у айтган сўзни тескарисини қилсанг тўғри бўлади деган.

**822.** Хонани атрофи ўралган. Аммо тепаси очик. Ёзувчилар иш орасида кимдир қаҳва ичиши, кимдир нимадир тановул қилиши мумкин. Яна айримлар кези келса ухлаб олиши ҳам мумкин. Эркаклар ухлаганда хуррак отади. Қизғин ижод қилиб турган кўшница бу ёқмаслиги мумкин.

**823.** Ҳисоб-китоб йўқ ерда бетартиблик пайдо бўлади. Рақамлар бу аниқликни талаб қилади. Аниқлик эса бу тартиб интизом дегани. Жавоб рақамлар ёки ҳисоб-китоб.

**824.** Беваси бўл.

**825.** Самоварчига. Чойхоначига.

**826.** Эшикнинг занжири қимирлаб тургани учун ҳам – Зангламайди.

Кўплаб ҳаракат қилмайдиган жойларга темир ишлатилмайди. Чунки темирда жуда тез занглаш хусусияти бор. Зангламаслиги учун тез-тез ҳаракатланиб туриши керак.

**827.** Демак, уларни бу соҳада вазифалари ҳар хил. Қассоб молни, кўйни сўйувчилар, саллоҳлар уларни бозорда сотувчилар.

**828.** Уларнинг тезаги қишлоқ хўжаликда ишлатилади.

**829.** Бу – чучвара эди.

**830.** Бу – шиша идишлар эди.

**831.** Бу японларнинг сеvimли ичимлиги – саке эди.

**832.** Бу мамлакат пойтахтида умумий аҳолининг неча фоизи яшашини билдиради. Ўзбекистонда 33 млн. га яқин аҳоли яшаса, тахминан 10 % пойтахтда яшайди.



**833.** Нега биз роял клавишлари каби ёнма-ён тотув яшай олмаймиз, деб аталади.

**834.** Унинг фамилияси – Жакузи. Болалигида пуфакли ваннада чўмилишни ёқтирган. Кейинчалик пуфак чиқарувчи ва бошқа хил ванналарга ўз номини берган.

**835.** Илиқ Сибирь. XIX асрда жиноятчилар ё Сибирга, ё Кавказга сургун қилинишган.

**836.** Дазмолга. Дазмоллар тугмалар атрофидан айланаиб ўтади.

**837.** Бу думларни кесиш эди. Габровада мушуклар уйда кўп жойни эгаллаб қўймаслиги учун, Янги Зеландияда умуман пашша ва чивинлар бўлмагани учун сигирлар думи кесиб ташланади. Сигир соғанда халақит қилмаслиги учун.

**838.** Агар янги ойнинг биринчи куни якшанбадан бошланса, ойнинг 13-куни жумага тўғри келади.

**839.** Ҳалқа йўлининг узунлиги 108 км бўлса, Гагариннинг парвози ҳам 108 дақиқа давом этган.

**840.** Венеция. Дунёдаги 4 та энг йирик кино фестиваллардан бири август ойида Венецияда бошланади.

**841.** Америкаликлар ўлим жазосига ҳукм қилиниб, жазодан кейин ўлган кишини ёриб кўришар экан, нимадан ўлганлигини билиш учун.

**842.** Матодорларга бал рақси жуда катта ёрдам беради.

**843.** Унга бу коляскани Франклин Делано Рузвельт совға қилган. Бир учрашувда Сауд – «Сизга ҳавасим келади, хоҳлаган жойингизга арава сизни олиб боради. Мен оёқларим билан боролмайдиган жойга коляскангиз олиб боради» – деганда: «Унда сизга коляскамни совға қиламан», деб захирадаги коляскалардан бирини бериб кетган.

**844.** Биринчи марта ўзлари касал бўлганда, иккинчи марта – товук касал бўлганда.

**845.** Ўпкага майда соч толалари тушиши ҳисобига.

**846.** Улар кўчма ҳаммом қуриш ва олиб юриш билан шуғулланган. Чодирлар, қозонлар олиб юришган.

**847.** Галифе. Галифе шимлар ғояси уники эди.

**848.** Ошпазлар, тайёр овқатларни.

**849.** Бу уйда ўйланадиган ўғил йигит борлигини билдирган.

**850.** Худди шу алфозда Уимблдон теннис турнирига асос солинган. Ҳар йили июнь ойининг учинчи душанбасида бу мусобақа бошланади.

**851.** Чинни кўпайиб кетганидан килолаб сотиш бошланган.



**852.** Ҳозир унинг ишини катта-катта фабрикалар амалга оширмоқда. Бу мосламанинг номи – урчук.

**853.** Бу, албатта ёзадиган нарса. Унга яхшилаб қарал-са унда наMATга ўхшаш матодан ёзилади. Бу – Фломастер.

**854.** Титраш организмни совукдан сақланиш усуллари-дан бири. Титроқ мускулларда рўй беради. Физикадан яхши биласиз жисм совукдан тораяди. Тана ҳам, танадаги мускуллар ҳам совукдан тораяди. Шу пайтда титроқ рўй беради.

**855.** Иккинчидан ўша 1 сўмни ўзинг ишлаб топишинг керак деган.

**856.** Уни зериктирган ва уйқусини келтирган янгилик саҳнада чироқни ёкиб, томоша залидаги чироқларни ўчириб қўйилиши эди.

**857.** Улар оловдан қочаётган кемирувчи жонзотларни мўлжалга оладилар. Оловдан қочган жонзотлар бургутлар чангалига тушадилар.

**858.** Айиқлар асал ейишни хуш кўради. Асал инини олд ўнг оёғи билан кавлайди. Кавлаётган вақтида ўша оёғини арилар чақади. Шу сабабли олд ўнг оёқнинг гўшти тотли ва шифобахш бўлар экан.

**859.** 25 йил. Улар 7 ёшда мактабда дўстлашишган.

**860.** Ибн Сино даврида уни анчагина дағалроқ, қалинроқлари бўлган. Ҳозир юбкасидан тортиб қалинигача етарли. Бу – оддий қоғоз эди.

**861.** Хотини сув тошқинидан, цунамида вафот этади.

**862.** Шундай катта худдудга ва аҳолига эга бўлган Ҳиндистонни энг кам сонли кўшин билан забт этган.

**863.** Уларнинг биринчиси – момақалдирик, иккинчиси чақмоқ, яшин.

**864.** Бу – Грипп касаллиги эди.

**865.** Адольф. Адольф Гитлер.

**866.** Камроқ ухлаш керак.

**867.** Чунки бу воқеани эшитган кишилар бошқа бир мухтожга ёрдам бермайдилар, деган.

**868.** Рикша.

**869.** Ит ва мушук.

**870.** Русчасига олча нима? – деб сўради зағизғон. Вишпшпя деб жавоб қилди, сув илон вишиллаб. Илон жавобини қабул қиламиз.

**871.** Бундай режиссёрлар сирасига Федерико Феллини, Андрей Тарковскийларни киритиш мумкин. Муסיқа ишлатмасдан фильмни таъсирли қила олган режиссёр ҳақиқий режиссёрлардир, демоқчи.

872. Жайра ёруғликдан эмас, овоздан кўрқар экан. Туни билан овоз чиқариб турса, улар яқинлашолмас эканлар. Бу оддий радиопрёмник эди.

873. Овоз ёрдамида, қайси бири хўроз ё товук эканлигини аниқлаб беради. Хўрозларда овоз йўғонроқ, товук-жўжаларда ингичкароқ бўлади. Осцелограф овоз частоталарини аниқловчи асбоб.

874. Буюк скрипкачи Паганини ҳам шунчалар маҳорат билан чалганки, скрипканинг симлари бирин-кетин узилиб, биттаси билан куйни тугатган.

875. Суҳбат бўлгандан кейин, бу энг ками 2 кишининг ўзаро суҳбати диалог тарзида бўлиши керак. Айрим ҳолларда суҳбатда фақат бир киши ҳеч кимга гап бермай суҳбатни монологга айлантириб юборади. Шундан бу китобда «Суҳбат-диалог, уни монологга айланторма», дейилган.

876. Шаҳарда улар сони катта кўчада икки ёки тўрттагача бўлган. Ер остида сув жўмраклари бўлган. Уларнинг қопқоклари бошқа рангда бўлган. Қопқоклар устида тўхташ мумкин бўлмаган. Ўт ўчирувчилар сувга уланишлари қулай бўлиши учун шу жойга автомобил тўхтатиб қўйиш мумкин бўлмаган.

877. Темир қачон занглайди?

Ишламай туриб қолса. Демак, инсон ҳам ишламай ётарверса емирилади. Хўш, қандай инсонлар кам ишлайди. Дангаса инсонлар. Темирни занг емирса, инсонни дангасалик емиради.

**878.** Ёш чақалокларни бешикдалигидаёк ёлғонга рўбарў қиламиз. Бу – сўргич эди.

**879.** Танада бир ўзгариш рўй бермаса одам ухлай олмайди. Тананинг ҳарорати пайсайганда уйқуга кетасиз, тана ҳарорати кўтарилиши билан сиз автоматик тарзда уйғонасиз. Ҳароратнинг кўтарилиш ёки пасайиши бунга сабаб бўлади.

**880.** Бу шағам эди. Шағамни эритиб оёғига суртиб турғизиб қўйилади.

**881.** Онасидан етим қолган қўй-қўзиларни қорни катта бўлиб кетади. Сабаб у бошқа қўйларни эмиб юради. Очиғи ўша она қўйнинг эмизадиган 2 та қўзисидан ортганини эмиш мумкин. Етим қўзи қорни тўймагач, бошқа қўзиларга нисбатан эртароқ ўт-ўланни ея бошлайди. Ана шундан қорни катта бўлиб кетади.

**882.** Кемада сузганлар билади, чайқалиш оқибатида кўнгил беҳузур бўлиб, бош оғрийди. Шунда сандиқчадагидан бир бўлак оғизга ташланса, ё сиқиб суви ичилса, бош айланиши қисман босилади. Бу шифобахш мева – лимон эди.

**883.** Полни коник – дала оти дегани. Отларга қаеридир ўхшайди, фақат отлар далаларда улардек кўп бўлмайди. Бу ном билан улар – чигирткани аташади.

**884.** 30 сони 12 та ойнинг фақат ўн биттасида учрайди. Фақат февралда 30 сони учрамайди. 4 та ойнинг энг охиригиси 30 билан тугаса, 7 таси 31 билан тугайди.





**885.** Чунки бу кишлокда кизлар 20 ёшда турмушга чиқадиган, йигитлар 13 ёшда уйланадиган одат бўлган. Шу туфайли дастлабки йилларда келинлар деярли ёш бола бўлган эрларни ҳар замон-ҳар замонда калтаклаб туришган.

**886.** Улар шарқ табобатида кенг тарқалган бир даволаш усулини ўта мукамал билишган. Бу орқали улар чарчокни ҳам, очликни ҳам, уйқусизликни ҳам бартараф қилишган. Уларга доим ёнларида юрувчи даволовчи игналар ёрдам берган.

**887.** Марҳамат сознинг овозини тинглаб кўрайлик. Маъюс, қайғули, дардли, фиғонли. Фиғон сўзи – Афғон деб ҳам талаффуз қилинади. Афғон, яъни фиғон рубоб.

**888.** Бу маълумот Искандар вафотигача оммавий ошкора этилмаган. Унинг энг яқинлари ота-онаси, энагаси ва кетма-кет қатл этилган сарторошлар билишган. Зулқарнайн арабча сўз бўлиб икки шохли дегани. У ҳар сафар сочини олган сартарошларнинг сирни ошкор қилмаслиги учун қатл қилдирган.

**889.** Тангри-таоло инсонни яратаётганда ҳар бир аъзони баркамол қилиб яратган. Чап буйракни кичик бўлишига сабаб, юракка халақит қилмаслиги эди. Маълум бир масофа сақланиш ва юракка кенгроқ жой қолдирилган.

**890.** Экинларни суғориш вақтида – сув деб одамлар роса жанжаллашадилар. Бу таъриф экин суғорадиган деҳқонларга берилган.

**891.** Эрондан Жанубий-ғарбда Саудия Арабистоннинг Макка шаҳри жойлашган. Шундан келиб чиқиб, қайтиб келган лайлақларни хурмат қилиб лайлақ хожилар деб аташган.

**892.** Улар тунда ҳаёт кечиришади. Ялтироқ нарсани қоронғуда кўриш осон. Аммо ёруғда-чи? Хоккуни тўлик ўқийман.

Эҳ айёр ялтироқ куртлар,

Ҳеч ким кўрмасин деб.

Ой нурига беркинибсиз.

Тўғри жавоб – ой нурида кўринмайди

**893.** Ўша боб майда ҳарфлар билан ёзилган.

**894.** Кар-соқовлар тилида, имо-ишоралар орқали сўзлашга ўргатишган.

**895.** Йоганн Себастьян Бах.

**896.** Унинг номи – метро.

**897.** Ўша вақт тиббиёти эркақларнинг чап қулоғидан уруғлик томирлари ўтган деган маълумотни илгари сурган ва қисман тўғри хулоса бўлган. Уруғлик томирлари қирқилган бу инсонларда насл, фарзанд кўриш қисқарган.

**898.** Бу – қайноқ чой ичиш эди.

**899.** Улар бозорларда юрадиган киссавурлар-ўғрилар эди.



**900.** Асалари.

**901.** Чунки Кабуки театрида айрим пьесалар қадимги япон тилида олиб борилади. Замоनावий японлар бу тилни яхши тушунишмайди.

**902.** Харита туширилган қоғознинг ўртасини бармоқ билан топа олсангиз, ана шу ер марказ ҳисобланади. Қоғоз қаерда мувозанат сақласа, бармоқнинг учи теккан жой китъа маркази ҳисобланади.

**903.** Ҳаммом. Сафо сўзи тозалик маъносини билдиради.

**904.** Ваҳима. Асар бошидан охиригача хавотирлик хукмрон. Шундан келиб чиқиб адабиётшунослар асар бош қаҳрамони ваҳима деб қайд этишади.

**905.** Вилька ёки таёкчада уни ушлаб олиш жуда қийин. Чунки у тана аъзоси жудда силлиқ бўлади. Бу дельфиннинг кўзлари эди.

**906.** Кўзи ожизлар. Панжарали тўсиқлар туристларни пирамидани ушламасликлари учун қўйилади. Улар келган куни бу чеклов бекор қилинади. Бемалол қўл билан ушлашлари мумкин. Улар – кўзи ожизлар.

**907.** У 1966 йилги Жаҳон чемпионатининг финалида тўп теккан даврвоза тўсини. Инсон эса ҳакам Товфик Баҳромов.

**908.** 8848 метрдан, Эверест чўққиси баландлигидан. Фақат тўғри рақам қабул қилинади.

**909.** Биринчи сандикда сичқон тутадиган қопқон бор. Иккинчи сандикда пишлоқ бор. Машҳур гапни эсланг: Текин пишлоқ қопқонда бўлади, деган.

**910.** Ўша йили А витамини сунъий равишда олина бошланган.

**911.** Ҳозир кўпчилигимиз унга амал қилмай қўйганмиз. Балки шундан камқонлик, камқувватлик пайдо бўлгандир. Ибн Сино фикрича, асосий қувват инсон боши орқали чиқиб кетар экан. Бу дўппи, яъни бош кийим.

**912.** Сандикчадаги неъмат инсоннинг томирларига ўхшаш ва уни бақувват қилади. Бу – кўкпиёз.

**913.** Гёте ғоядан узоқлашган одамларнинг кўпчилиги ҳиссиётнинг қулига айланиб қолади деган.

**914.** Келгуси авлодга замондош бўлишга ҳақлидир.

**915.** Бу алоҳида ойнинг номи эмас, бошига ёпинғич ташлаган Понтий Пилат сўзига эътибор бериб тўғри қилдингиз. Қачон инсон ёпинғич ёпиб юради. Ёмғир ёғганда. Нисан оyi – ёмғир оyi бўлган.

**916.** Тошбақа. Чунки унинг уyi ўзи билан бирга юради. Шошадиган жойи йўқ.

**917.** Цейлон бу – чойлар мамлакати. Англия Цейлонни эгаллаб олгач, Томас тез орада бутун Европани чой билан таъминлаган. Томаснинг фамилияси – Липтон бўлган. Машҳур Липтон чойларини эсланг.



**918.** Уни педали йўқ. Педалсиз велосипедни оёқ билан ҳаракатлантириш керак. Бунинг учун велосипеддан ташқари почтальонларга махсус этиклар ҳам сотиб олишга тўғри келган. Пойабзал эса қимматга тушган.

**919.** Ниҳоят 1350 йили куриб битказилган. Бу – Пиза минораси эди.

**920.** Бу шаҳарни улар оддийгина қилиб колон-колония деб аташган. Колон кейинчалик Кёльн шаҳрига айланган. Кёльннинг энг машҳур махсулоти бу – одекалон.

**921.** Уларга талаб янги йил арафаси, қишда кўпаяди. Бизда адашмасам бундай фаолият олиб борувчи кишилар учрамайди. Чунки бизнинг хонадонларимизда мўрилар деярли йўқ бўп кетган. Улар мўри тозаловчилар.

**922.** Бу – муҳр. Илгари муҳрлар узукларнинг кўзларида бўлган.

**923.** Хитой императори аёнлари ҳаммалари сарик рангли кийимда бўлишган. Гўдак атрофидаги сарик ранглардан кўзи тиниб кейинроқ сарик рангли туман эди, деб эслайди.

**924.** Бошқа жонзотлар қилмайдиган бир ишни фақат қорамолларда кўриш мумкин. Бу кавш қайтариш.

**925.** У кишини 3 рақами машҳур қилган. 3 қаторли шеърларнинг моҳир ижодкори Мацуо Басёнинг ўзи ҳақидаги хоккуси эди. Хокку 3 қатордан иборат бўлади.

926. У инсонни тарбиялашда катта кучга эга. У ҳамма даврларда инсониятни йўлга солиб келган. Кўзгу вазифасида бўлган. Бу инсон қалбининг ойнаси – адабиёт ҳақида эди.

927. Шоли экини сувнинг ичида ўсади. Сувда эса яна ниманидир боқиш мумкин. Шоли экилиши билан шолитор ичига майда балиқлар ташланади. Шоли пишгунча балиқлар ҳам катта бўлиб қолади.

928. Унинг кўриниши ҳомилага ўхшаш. Бундан ташқари танадаги кўпгина нерв толалари ўша ҳудудларда жойлашган. Шунинг учун аёллар ҳомиладорлик вақтларида қулоқни массаж қилиб юришни маслаҳат беришади.

929. Унинг бир самараси бор. Сувга яхшилаб пишилган улоқнинг териси бақувватлашади ва териси торт-торт пайтида йиртилиб кетмайди.

930. XIX асрда маиший кимё ҳали роса ривожланиб улгурмаган пайт. Ювилган кирни оқартириш учун картошка қайнаган сувга солиб кирларни ювишган.

931. Унинг номи – кокос ёнғоғи.

932. Асалари нектарни ичади, унинг ошқозонига тушади. У қайта ишлангач, асал ҳосил бўлади. Инсон уни истеъмол қилгунча асалари уни ошқозонида қайта ишлаб, тозалаб беради. Шундан тоза асал анча тез ҳазм бўлади.



**933.** Гувоҳлар ўлса, чин ҳақиқат очилмай қолади. Ҳақиқат унутилади ва афсоналар пайдо бўлади.

**934.** Терисини шилишдан мақсад уни қуритиш. Қуригач терак тез ёрилиб кетиши мумкин. Икки учидаги терак пўсти уни ёрилишидан асрайди.

**935.** Сирка қуйиб совитишган. Тўплар ёнида бочкаларда сиркалар турган.

**936.** Конфуций фикрича, энг доно ва энг нодон инсонларни ўзгартириб бўлмаслигига сабаб, уларда мижоз ўзгармас бўлади.

**937.** Ҳамма кўчага чиқиб олиб, бу табиат ҳодисасини кузатади. Одамлар ҳам худди куёш тутилишини кузатгандек, доно инсон ўз хатосини тузатишини кузатади, деган.

**938.** Овқатни қошиқда ейишади. Чунки, қўллари катталигидан таёқчада овқат ея олишолмайди.

**939.** Файласуфдан қандай фикр чиқиши мумкин. Моддий эмаслиги аниқ. Овқатга очликни қўшиб ейишни таклиф қилган.

**940.** Қайта туғилганлар.

**941.** Бу – гугурт эди. Гугуртни пул бирлигига ишқалаш керак, агар у ёнса пул қалбаки эмас деб, ҳисоблашган.

**942.** Оқ тунларни. Чунки бу даврда қоронгуликни узоқ вақт кўрмайсиз. Бу эса мелотонин камайишига ва ўз навбатида ҳаёт ритмини бузилишига ҳам сабаб бўлади.

**943.** Унинг асосини инсон ва транспорт ташкил этади. Велосипед, мопед, мотоцикл, арава ва турли хайвонлар ҳақида ҳам йўл-йўриқлар бор. Бу – йўл ҳаракати қоидалари китобчаси эди.

**944.** Аёлларга ҳамроҳ бўлган уларни нафасларидан хушини йўқотажак даражада шод бўлган қаҳрамон номини билайлик. Бу – елпигич.

**945.** Ўша вақтгача транспорт вазифасини бажарган отлар ҳам емиш йўқлигидан қирилиб кетади. Ихтирочилар отнинг ўрнига «Темир от» велосипедни кашф қилишади.

**946.** Аниқроғи, унинг ҳаётидаги энг муҳим учрашувлардан бири бўлиб ўтган. У худди шу куни доктор Ватсон билан учрашгани қиссада баён этилган.

**947.** У персонаж қарийб 400 йилки испан халқининг ифтихори, номуси, виждони бўлиб келмоқда. Унга атаб қурилган қабр-мақбарага шу шеър битилган. Бу – Мигель Сервантеснинг Дон Кихоти эди.

**948.** Бу – Панама давлати эди.

**949.** Маълумот олиб борган кулнинг ташқи кўринишидан билишган. Улар ҳам ҳамма иш кўнгилдагидек,





хабар бизга маълум бўлди деб олдиндан келишувга биноан унинг сочлари олиниб орқага қайтариб юборилган.

**950.** Ёзувларнинг яратилиши инсон хотирасини пасайишига сабаб бўлган.

**951.** Ўта Консерваторлар XIX асрда кўп бўлган. Шу асрда яшаган консерватор-зодагон ҳафтанинг 7 куни учун 7 хил рангда қоғоз ажратган. У бу қоғозни қачон ёзганлигини билиб олиш учун, ҳафтанинг қайси куни ёзганлигини билиши учун. Рангларга ажратиб қўйган. Оқ бўлса душанба, яшил бўлса сешанба ва ҳоказо.

**952.** Шарқ мамлакатлари, хусусан Хитой, Ҳиндистон, Бирма, Бангладеш каби давлатлар. Бу давлатларда ойлаб ёмғирлар мавсуми бўлиб туради. Ёмғир суви дарёларга беҳисоб емишларни окизиб тушади. Ёмғир мавсумидан кейин тўқ қоринга тухумлар қўйиб, болалайдилар.

**953.** Ундан ҳайдовчилар кўп азият чекишади. Ойнадан тушган қуёш шуъласи ҳайдовчиларга жуда халақит берган. Шунда улар Рим Флотини денгизга кўзгулар орқали чўктириб юборган сиракўзлик Архимедни эсга олардилар.

**954.** Ерни ёндирар. Олов қандай рангда ёнади. Қизил рангда. Ердан олинадиган маҳсулотлардан бирининг рангида ҳам, номида ҳам қизил сўзи бор. Бу – қизил лавлаги.

**955.** Янги Роллс-Ройс автомобилининг хусусияти, юрганда ёки ишлаганда шовкин чиқармаган. Моторнинг товуши жуда паст бўлган. Шундан унга «арвоҳ» деб лақаб беришган.

**956.** Улар чўпларни белидан тишлаб табассум билан хизмат қилишни ўрганишади. Пассажирларга доимо кулиб қараш учун таёқча билан машқ қилишади.

**957.** Иборани тўлиқ ўқийман. Қора нон еб, курук сув ичиб, ухлашга ёстик топа олмай билагини қайириб ёстик қилиб ётган инсонда, агар билсанг, ҳаловат бор, деб айтган Конфуций.

**958.** Бу монолог, оҳу-фиғон, этикка қоқилган мих номидан айтилди. Бу – пойабзал михи.

**959.** А ва Б шарқ ва ғарб. Улар туялар. Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлаган Буюк Ипак йўлидаги молларнинг товонини тилиб – туялар ташиган.

**960.** Ҳақиқатдан ҳам бу янгиликни сартарош аёл ўйлаб топган, маникюрлар эмас, эски дағал, бир мунча қалин плёнкаларни май-майда қирқиб ясама тирноқларни ўйлаб топган.

**961.** Бу – тупроқ эди.

**962.** У 1915 йилда дунёга келган. Бир қарашда у ҳеч нарса эмасдек туюлади, қоронғу-зимистондек туюлади. Аммо ундан юксак санъат соҳиблари катта маъно кўрадилар. Уни студияда ҳам кўриш мумкин. У Малевичнинг «Қора квадрат» сурати эди.



**963.** Бу киши табиб бўлган, у кўзи оғриган кишиларни шу тахлит даволаган.

**964.** 4 та ўғлини фарзандлари бор эди. Чунки 5-ўғли уйланмаган эди.

**965.** Бу – гўшт қиймалагич (мясорубка).

**966.** 2 марта ҳам кўш фарзандли бўлган. Эгизак фарзанд кўрганларга Чехияда чечевицалик шўрва билан 2 та тухум беришар экан. Унда тўртта фарзанд бўлиб, улар 2 бор эгизак бўлиб туғилишган эди. Биринчиси 1964 йилда, 2 эгизак 1999 йилда.

**967.** Анор едиришган.

**968.** Қибла томон тўр ҳисобланган.

**969.** Бу – Йўлчи. «Юртимизда битта бўлса ҳам Йўлчи деган исмли инсонлар бўлиши биз ҳайдовчилар учун уятли» деган.

**970.** Даллол. Биламизки, даллоллар қўлни сиқиб мол эгасини мажбуран кўндиришади.

**971.** Қалам амаки, ручка – жиян.

**972.** Урушда қатнашган ва қурбон бўлган жонзотларга.

**973.** Халфий усули майда шрифтда бўлгани учун уни фақат кундузи ёзишган. Жаллий усули йирик

ҳарфлар билан ёзилгани учун кечқурун шам ёғдусида ҳам ёзишган. Шамга кетган харажат Жаллийни қиммат турга чиқарган.

974. Кармен. Проспер Мерименинг асарига Бизе Кармен операсини ёзган.

975. У Иван Грозний эди. Ревель – Эстониянинг қадимги пойтахти.

976. У энг олов кам етиб борадиган жойда туради. Немисларда у тўртбурчак, советларда думалоқ бўлган. Гап пойабзал михлари ҳақида кетмоқда.

977. Бошимизда. Сочлар орасидаги фарқ, у ҳам йўл.

978. Саид Аҳмадни ёзишича, агар маҳбус лагер-дан қочиб кетса, у дарров оқ латгани олиб ташлайди. Тешик бўлса у латгани олиб ташлолмайди.

Тўғри жавоб қочганда латгани ололмаслиги учун тешик қолдирилади.

979. Исирға. Ҳамма гаплар эсда қолиши учун эшитиш керак. Эшитиш воситаси эса қулоқ. У келинларига тилла исирға совға қилган.

980. Калла поча. Уни асосан худойиларда, қурбонликларда пиширамиз.

981. У – келин. Японлар мақолда келинни бошга чиқариб олманг, дейишмоқчи.



**982.** Роликнинг давомида музлаткични камроқ очинг деган ибора ҳам бор. Кўча дераза ойналари хира ёки бўғиқ бўлса шу хонадон кўп электр ёқади. Агар хона ёруғ бўлса чироқ кам ёқилади. Бу ролик электрни тежаш тўғрисида эди.

**983.** Бу сўз аслида Миршикор. Мир–рахбар, шикор–ов. Кейинчалик миришкор деб талқин қилина бошланган.

**984.** Ҳар бир дарахтнинг 3–4 жойига мих қоқилиб, йилига икки марта движок орқали ҳар бир дарахтга ток бериб чиқилади. Бу мевали дарахтлар танасидаги ҳашаротларни ўлдиради.

**985.** У – соат кўнғироғи. Энг қизиғи Леви Хатчинснинг ихтироси фақат эрталаб 4 да жиринглаган.

**986.** Бу – тимсоҳлар. Биламизки, дипломат деб ата- лувчи сумкалар тимсоҳ терисидан тикилади.

**987.** «НИВА» автомобиллини. Фарзандларининг исм- ларини бош ҳарфларидан «НИВА» номи ҳосил қилин- ган.

Н – Наталя.

И – Ирина.

В – Вадим.

А – Андрей.

**988.** Унинг номи – музқаймоқ.

**989.** Унинг маъноси сеп йиғишни билдирган. Гилам-

да сандиқни тасвирлашса уларнинг розилигини билдирган.

**990.** Киссавурлар, асосан чап қўллари билан чўнтакка киришган. Шунинг учун кўп киссавурлар соатларини ўнг қўлларида тақиб юришган.

**991.** Ўтган кетган эчки, эшак каби жонзотлар терисини шилиб еб, қўймаслиги учун.

**992.** Толстой асари ҳамроҳ эканлигини билиб, барибир қайтариб юборишади, деб қайтаришда муаммо бўлмаслиги учун олдиндан йўл харажатлари учун пул юборади.

**993.** Дейл Карнеги. Кўп асарларида табассумни роли ҳақида гапирган.

**994.** «Ёлғизликни юз йил»и асарида ғамгин Аурелиано муз сотиш билан шуғулланган. Маркес томонидан ўйлаб топилган Мокондо шаҳрига муз сотгани келганда бир қария: «Оқиб турган сув сенинг олдинга келганда тўхтар эканда» каби фалсафий фикр билдирган.

**995.** Гитлер ўрнига ундан кучли стратег келишидан кўрққан.

**996.** Улар ишлатадиган тамғаларнинг кўриниши.

**997.** «А» ва «Б» ҳарфларини ўргатиш мақсадида.

**998.** Бу – Хонқизи.



**999.** Ғассоллар.

**1000.** Бу – уйқу. Уйқуга кетиш оқибатида авариялар содир бўлган.

**1001.** Сингапурда ҳам, Малайзияда ҳам мусулмонлар кўп, насронийлар ҳам яшайди. Мабодо пойабзал чўчка терисидан тикилган бўлса, улар тегиб, кийиб кўрмасликлари учун қилинган.

**1002.** Адаш. Ҳинду эркаклари ўз адашларини кўрганда исмини тўлиқ айтмай такайо, аёллар такая деб қўя қолишади.

**1003.** Матолар биласиз ювилгандан кейин киришади. Шунинг учун матони бичишдан олдин ювишади. Матонинг сифатига қараб баъзиларини 2 марта ҳам ювишади.

**1004.** Лашкарбоши, кўмондонлар каби қатъиятли бўлиши керак дейилади.

**1005.** Алжабрнинг чигал масаласидай.

**1006.** Бу айрим соҳаларда, хусусан интернет олди-сотдисиди, банк ишларида, ўйин бизнесида бериладиган бонус номи эди. Унинг номи Кешбек. А. Темур даврида кешнинг беги ҳам Кеш-беки дейилган.

**1007.** Ҳаддимиздан ошдик дейишининг сабаби, уни ёши 63 дан ўтган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни ёшларидан ўтиб қўйдик – дегани.

**1008.** Гарчи сизнинг ишингизни ҳеч ким тушунмаса ҳам.

**1009.** Бу – китоб еган каламушлар.

**1010.** Оқ сочлар. Вақтнинг аскарлари сочининг оқ то-  
лалари.

**1011.** Сув ўртасидаги қамоқхоналар. Сабаби совук  
сувга чиникса қочиб қолиши мумкин.

**1012.** Қарор «Баҳор» ансамблини қайта тиклаш  
ҳақида эди. Мақола эса «Баҳор қайтади» деб номланган.  
Баҳор қайтмайди асарига ўхшаш қилиб.

**1013.** Нигерияда ҳар 1000 тадан 14–15 таси бўлса,  
Японияда ҳар 1000 тадан 7–8 тага тўғри келар экан. Бу  
аҳоли орасида эгизаклар туғилиш жараёни.

**1014.** Қабристонда иккита қабрда машъала ёниб  
туради. Номаълум аскар ва Жон Кеннеди қабрида.  
Қурбонлар эсланадиган кунларда ҳамма машъалага  
қараб, номаълум аскар қабри деб ўйлаб Жон Кеннеди  
қабрини зиёрат қилиб кетишади.

**1015.** Гугурт.

**1016.** Ҳаммом деб ўйлар маккатиллони. Шунақа  
одамлар ҳам кўп.

**1017.** Учиб юрган бургутни қайсидир қанотидан бир





иккита пат тўқилса унинг мувозанати бузилади.

Тўғри жавоб – мувозанатни тўғирлаш учун қилинади.

**1018.** Гул, Райҳон Сунбул. Аския пайровларида ва бошқа халқ фольклорларида бу номлар ишлатилади.

**1019.** У ерга бориш учун жуда ҳашаматли кийинмаса ҳам бўлади. Капельдинер – жой кўрсатиб турувчи аёл. 3-сигналдан кейин ҳаммага бўш жойларга ўтириб олишга рухсат берилади.

**1020.** Туркия ва курка.

**1021.** У сафарга бу таърифни берганлар.

**1022.** Генри Форд у кишини бекорга ҳаммадан ажратиб кўрсатмаган. Катта корхонани битта одам кўриқлай олиши бу ақлга сиғмас иш. Бир нечта ит кўриқлай олади. У одам шу итларни бошқарувчиси.

**1023.** Кедр ёғочи ўзидан ҳид чиқаради. Бу ҳидни айрим майда ҳашаротлар ёқтиришмайди. Кедр ёғочидан қилинган илгичга илинган кийимларга майда ҳашаротлар яқинлашмаган.

**1024.** Театр киборлар тушадиган – маскан.

Уларнинг ёғли бошларидан ўриндиқларнинг тепа қисми қорайиб қола бошлаган.

Шундан кейин ўриндиқларнинг тепа қисмига оқ рангли ёпишқоқ салфеткалар қўйиб чиқилган.

Кейинчалик бу одат поезд ва самолётларнинг ўриндиқларига ҳам ёпиштира бошлашган.

**1025.** Тешигидан унинг қулоғи чиқиб турган. Лента билан бўйнидан боғлаб қўйилган. Бу каби шляпаларни ёз ойлари отлари иссиқда қолмаслиги учун от-арава эгалари сотиб олишган.

**1026.** Қамоқхона бўм-бўш бўлса пештоқига оқ байроқ илинар экан. Швейцарияда тез-тез амнистиялар ўтказилиб, қамоқхоналар тез-тез бўшаб туради.

**1027.** Китоб мутолааси.

**1028.** У пайтларда асосий жанрлар камонлар билан ўтказилади. Римликлар камон жангида жуда илғор бўлишган. Рим армияси камон ипларини ҳайвон пайларидан ясашарди. Узоқ вақт ётган ёмғирда бу иплар бўшашиб кетганидан яхши отилмаган.

**1029.** Стюардессалар шаҳарга чиқиб кетмасликлари учун уларнинг ҳужжатлари ва туфлилари олиб қўйилади.

**1030.** Патрул тўхтатиб ҳидлаб кўрган, агар ундан порох ҳиди келса, у баррикададан келаётган инқилобчилигига шубҳа қолмаган, кейин уни ҳибсга олишган. Ўша вақтларда порох ҳиди ўткир бўлиб кийимларга ўтириб қолган.

**1031.** У билан фойдаланганлар билади. Уни ўчириш ва бошидан ёзиш мумкин. Хато қилишдан чўчимасликка ўргатади. У – қалам.

**1032.** Лондон метроси нечанчи йилда қурилганидан хабардорсиз. 1863–1864 йилларда, у пайтда ер остида



бўлишига қарамасдан поездларни паравозлар тортган. Паравозлар биласиз кўмир билан юради. Ўзидан қопқора дудлар чиқарганидан тутуннинг қора қуялари ўтирадиган жойларни, эшик ва ушлагичларни ифлос қилган. Бу пайтда йўловчилар кўлларига пакетларни кийиб олиб тутқичларни тутишган.

**1033.** Айтганимиздек, у ерга қабиланинг эркаклари тўпланишади. Кўп баҳсли масалаларни ҳал қилишади. Баъзан масала жанжалгача бориб тақалади. Бу пастак хонада уришиб бўлмайди.

**1034.** Тикувчи қачон сизга кийим тикса, ҳар сафар сиздан ўлчовингизни янгидан олади. Одамлар безътибор бўп кетишган демоқчи бўлган. Худди тикувчидек ҳар гал қайтадан ўлчам олинса, арзимас хатони тўғирлаш мумкин.

**1035.** 1961 йил. Пул алмашиши туфайли қилинган.

**1036.** Бу – ангишвона!

**1037.** Бу Немис физиги Вилгелм Конрат Рентген эди. Унинг текширувлари шуни кўрсатганки, кўп аёлларнинг қовурғалари қисилганлиги, бу уларнинг ҳомила пайтида қийналишларига сабаб бўлиш мумкинлигини тасдиқлаб корсет тақмасликни тавсия қилган.

**1038.** Бу мохнинг асосий сифати намликни торта олишидир. Шундан аёллар боланинг иштони ичидан мох сифагнум тўшаб ётқизишарди.

**1039.** Граммафон. Биринчидан миждозни оғриқдан чалғитган бўлса, иккинчидан унинг бақирғи атрофдагиларга эшитилмаслиги учун.

**1040.** Маде ин Чайне ибораси.

**1041.** Юлдузли осмон. Ҳамма ерда осмон бору, аммо юлдузли осмон фақат бир жойдан кўринганди демоқчи.

**1042.** Инсоннинг сояси.

**1043.** Толстой вегетариан бўлган. Шундан Толстой инсон танасини ўлдирилган ҳайвонлар кўмиладиган тирик қабр деб атаган. Бу билан ҳайвон гўштини истеъмол қилмасликка чақирган.

**1044.** Қора – Германиянинг ўтмиши, қизил – бугуни, сариқ ранг давлатнинг ёруғ ва бой келажагини англатади.

**1045.** Кейинчалик бу қирғоқ минералларга энг камбағал жой эканлиги маълум бўлади. Бу ҳудудни испанлар 2 та сўздан иборат Коста-Рика деб аташган.

**1046.** Искандарнинг оти ҳеч нарсадан чўчимаган, фақат бўридан бўлак. Унинг эгари бўри терисидан ясалган эди. От устига ёпилган бўри терисидан уни ҳиди келиб турган. Буни сезган от доимо олдинга босган.

**1047.** Хитойда давлат амалдорлари ўртасида рейдлар ўтказиб турилади. Агар иш пайти уларни чўнтагидан нақд пул чиқса, ишдан бўшатилади. Уларга тушлик ё бошқа товарлар олишлари учун талонлар тарқатилади.



1048. Бу анжом – ғалвир эди.

1049. Бу – сиёхдон.

1050. Оддийликни.

1051. Совчилик.

1052. Инжил китобини. Қасам ичдириш учун.

1053. Кўп бинолар шикастланган, стадионлар ҳам. Шундан 1962 йилдаги футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтиши хавф остида қолади. Бу Чили давлати эди. Аммо у муваффақият билан ўтади.

1054. Мусулмонларнинг бир кунда 5 маҳал намоз ўқишлари шарт. Таҳорат олганда халақит қилмаслиги учун, тўн энги калта қилиб тикилган.

1055. Аниқроғи нобуд қилинган. У қурилма бола туғилмасидан ҳомила ўғил ё қизлигини аниқлаб беради. Ўғил керак бўлса ҳомила сақлаб қолинади ёки, аксинча аборт қилдирилади. Аппарат пайдо бўлгандан бери 23 миллионга яқин гўдаклар нобуд қилинган. У – УЗИ аппарати эди.

1056. Рус тили. Улар вақтинча Россия Союз ракета-ларида учиб туришган. Кема ичидаги инструкциялар рус тилида ёзилганлиги учун рус тилини билишлари талаб этилган.

1057. Ғалаба муносабати билан 90 фоиз қамоқдаги

махкумларга амнистия эълон қилинган. Кўча кўйда кескин ўғрилар сони кўпайиб кетган. Бу воқеа 1945 йилда бўлиб ўтган.

**1058.** У бинолар девори ойнадан бўлади. Ҳамма томони шаффоф, хонада ким бор, ким нима қиляпти ташқаридан кузатиш қулай.

**1059.** Исроф. Инсон томонидан энг кўп исроф қилинадиган неъматлар сурати берилган. Вақт, сув, электр энергияси, егуликлар.

**1060.** Бўриларни сезган эркак итлар дарров беркиниб олади. Фақат урғочи итлар уларга қарши ташланади. Урғочи итни қизганиб эркак итлар ҳам бўриларга ташланишади.

**1061.** У Солиҳ маҳдум, қизнинг исми Раъно эди.

**1062.** Охор – оҳақдан тайёрланувчи қум. Хаттотлар қоғозга маттни ёзиб бўлгач, ёзувчи қуритиш учун устидан сепиладиган қумнинг номи охор. Охори тўкилмаган ибораси ҳали ёзуви қуримаган, янги асар дегани.

**1063.** Банкокда энг қиммат кўчмас мулклар қирол оиласига яқин уй жойлардир.

**1065.** Бу гуруҳнинг вазифаси қушлар гўнгини тозалаш бўлган. Кўпгина қушлар тузли сувлар ташландик овқатлар истеъмол қилади, шўр сув ичади, шундан улар организмда туз тўпланади. Туз биласиз темирни ҳам емиради.



**1066.** Агар у аёл йиғлай олмаса, у кўркинчли мавжудотга айланади, дейди.

**1067.** Футбол қанот ҳакамлари кўлидаги байроқ.

**1068.** Эски от бозор ўрнига масжид, мадраса, саройлар қурилган. Юзлаб отлар кунда бу ерни босиб турган, тупроқлари чўкиб қолмайдиган даражага келгач, у ерда баланд-баланд иморатлар қурилишлари бошланган.

**1069.** Бу – туз эди.

**1070.** Камончи нафасни узок ушлаб туриши керак, мўлжалга аниқ тегиши учун. Бунинг учун уларни сув остида узок туришга ўргатишган.

**1071.** У дориларни текшириб ёзувларини ўқиб чиқади. Ҳамма дориларни тўқ қоринга ичиш керак деб ёзилган ёзувга кўзи тушиб фикридан қайтади. Ахир улар бир умр тўйиб овқат емайди-ку деб фикрини ўзгартиради.

**1072.** Альберт Эйнштейнни.

**1073.** Геркулесга ўхшаш қилиб, Эркул деб атаган. У машҳур Агата Кристи эди.

**1074.** Биринчи лифт фақат тоқ сонли қаватларда тўхтайтиди, иккинчиси фақат жуфт сонли қаватларда тўхтайтиди. Бу билан лифтни ҳар қаватда тўхтаб одамларни куттиришни олдини олишади.

**1075.** Ҳатто, машхур фирмалар ҳам ўз маҳсулотларини кундузги вақтда реклама қилишни хоҳлашган. У пайтда кўп аёллар уй бекалари бўлишган. Уларга аталган мелодрама сериаллар фақат кундуз куни кетган. Аёлларга зарур маҳсулотлар рекламаси ҳам шу сериаллар ичида кетган.

**1076.** Кўзгу бор. Одатда, одамзод тирикликни бўрттиришда ҳам, камчиликларни йўқотишда ҳам ундан фойдаланади. Инсон энг сўнгги манзилга кетаётганда ҳам, ҳатто унга мурожаат қилади.

**1077.** Чумчук инини қураётганда райҳон баргидан ташлаб кўяди. Унинг ҳидига курт-қумурсқа яқинлашмайди.

**1078.** Бу овқат – пицца эди.

**1079.** Кўзланган мақсад кўчаларни аниқлаш учун экилган бу дарахтлар.

XIX асрда аҳоли саводсиз бўлган. Олча кўчани қайсилегини экилган олчаларга қараб билишган. Ёнғоқ стридни экилган ёнғоққа қараб топишган ва ҳ. к.

**1080.** У эрталабдан кечгача қаерда узундан узоқ навбатлар бўлса ўзини ўша ерга уради. Ҳеч нарса олмасада, узундан узоқ навбатларда вақтини ўтқизган.

**1081.** Агар йигитлар турмуш қурган аёллари бепушт бўлса ё бошқа сабаблар туфайли уларни уйдан ҳайдаб юбора олишган. Аммо аёллари чин эгим бўлса уларни ҳайдаб юборишга ҳақлари бўлмаган.

**1082.** Тўғри жавоб – асаларилар эди.



**1083.** Биринчи афоризм: Камбағаллар.

Иккинчи афоризм: Унинг машхур афоризми «Тушунмоқ учун, ишонмоқ керак».

Учинчи афоризм: Дояси.

**1084.** Буюк рассомлар ўғирлайдилар, деган. Албатта, бировни суратини ўғирлаш назарда тутилмаган. Табиатдан ёки кўрган нарсаларини ўғирлаб қоғозга туширадилар, демоқчи.

**1085.** У ейдиган капалакларни яратган. Ўзи ҳам капалакларни хуш кўрган.

**1086.** Ошпазлар атайлаб шавла пишириб, эртаси куни ошга солинадиган гуручни синаб олишган. Қанча сув солса бўлади.

**1087.** Инсон ва табиат ҳақида бадий таъриф тавсифланади, бу асарда. У асарда 30 дан зиёд қушлар тилга олинади. «Ёввойи йўрға» асарида Қуш тили Лисон ут тайр ҳақида фикр билдирилган.

**1088.** Намангандан кетар бўлсам.

**1089.** Одатда, бензин экстремал ҳолатда тугаб қолади. Ўрмонда, тоғда, дала-даштларда. Узоқ масофага олиб боришда бир кишига оғирлик қилади. 2 киши икки чеккасидан кўтариб олиб кетиш қулай бўлиши учун ёки қўлма қўл ташишда қулай бўлгани учун қўшимча дасталар ясашган.

**1090.** Офтоб тушган тамонини.

**1091.** Меҳмонга кирганда уни кўзи стол остига қўйилган китобларга тушган. Энг ёмони ўзининг китобини қўйиб қўйишгани унинг жаҳлини чиқарган.

**1092.** Тоғнинг қуёш нури тушиб турадиган томонидан олинган тошлар қимматроқ сотилган. Қуёшга тескари тарафидаги тошлар арзон сотилади. Негаки қуёш тушган томондаги тошлар пишиқ ва қурилган уйлар ёзда салқин, қишда иссиқ бўларкан.

**1093.** Улар бунинг сабабини шундай тушунтиради. Оқ рангда чаён ва бошқа заҳарли ҳашаротлар яхши кўринади. Тўқ зангор рангни эса улар заҳарли ҳашаротлар ёктиришмас экан. Уларни қайтарар экан.

**1094.** Отаси гўрков, онаси доя бўлган.

**1095.** Уйларни фарқлаш учун қурувчилар ён томонига ўзларининг анъанавий суратларини чизиб қўйишган. Грузинлар гурузияга хос сурат, Молдаванлар ҳам ўз юртига хос суратларни чизишган.

**1096.** Яшил будкада экран ўрнатилиб ичида реклама роликлари кетган. Тадбиркорлар пулни реклама берувчилардан олган. Заряд вақтида телефон эгаси будка ичида ўтирган-ку ахир.

**1097.** Янги пиширилган нонни ҳидини биласизми? Шунақа ёқимли иси бўлади. Нон кам пайтида бу зарур бўлмаган. Иккинчи катта сабаби янги нонни исини йўқотиш бўлган.



**1098.** Ақлли шаҳзода эрта туриб атир гулларни кўздан кечирганда, бир атир гул устида шудринг йўқлигини кўриб, уни танлайди. Чунки инсон танаси атир гул эмас, иссиқ бўлганидан унда шудринг бўлмаган.

**1099.** Тепадаги 4 та зинапоя математикадаги 4 амални кўшув, айирув, бўлув, кўпайтирувни билдиради. Пастдаги 9 та зинапоя эса 1 дан 9 гача бўлган рақамларни билдиради.

**1100.** Қорахат олганда кўпчилик хушидан кетиб қолган, уларни хушига келтириш учун почтальонларга нашатир спирти бериб кўйилган. У киши уруш вақтида почтальон бўлиб ишлаган.

**1101.** 2 кундан кейин отларни қорни оча бошлайди. Овқат беришмайди. Отларнинг чакқон ва озғинлари ғовни устидан сакраб ўтолганлари яйловга чиқиб кетади. Ўтолмагани, демак у семиз, сўйишга мойил. Шу тариқа семиз отни аниқлаб олишади.

**1102.** Улар ҳеч қачон турмуш қурмайдиган аёллар.

**1103.** У ўзи билан ички чўнтагига беркитиб кабутар олиб кириб, у ердан олмосни унинг оёқларига боғлаб учирган. Шу таҳлит ўғирликни содир этиб юрган.

**1104.** Робинзон Крузонинг саргузаштлари китоби эди.

– Рауф Салахўжаев 2017 йилда давлатимиз раҳбари томонидан янги уй билан тақдирланган. Китобни куч қудратини кўрдингизми? Инсонларни етуклик сари

йўналтиради.

**1105.** У мисралар Италия байроғи рангларини келтириб чиқарган деб тахмин қилишади.

**1106.** Саргарош.

**1107.** Бу майдонда сон-саноксиз кабутарлар юради. Ҳайкалга кўниб унинг устини ифлослантирмаслиги учун ҳайкални ўзига кучсиз ток улаб кўйишади.

**1108.** Штамп нега урилади? Кутубхона номи ё рақамини эслатиш учун. Илгариги китоб босмалари 16 варақлик кичик жилдлардан иборат бўларди.

Кўпинча китобларга зарар етказилса, йиртилса бошидан йиртилади. Битта варроқ йиртилса бас 16-варроқга зарар етади. Шунинг учун 2-жилд бошига, 17-бетга штамп қўйилади.

**1109.** Коммунал квартира эгалари.

**1110.** Бу қизил эшикли хонадон ипотекадан қутилганлигини билдиради.

**1111.** Бармоқларимиз 10 та. 10 та бармоқдаги тирноқларимиз худди тўлин ойдек думалоқ. У қирқилганда ҳилол ой сингари парчалар ажратиб олинади. Ҳазратни бу байти тирноқ олиш жараёни ҳақида.



1112. Очамиз, уни ичида – фотоаппарат бор.

1113. Ҳинд кўшинлари орасида атайлаб кобра илонлар боқилган. Девор тагига келган рақиб устига илонлар ташланган. Дарвозага яқинлаштирмаган.

1114. Қалам.

1115. 2010 йилдан бери рангли телевизорлар учун, йилига 145 фунт, оқ-қора телевизорлар учун 49 фунт стерлинг солиқ солинади. Ночорроқ инсонлар 49 фунтни танлашади.

1116. Эски мактаб ҳақида тасаввурга эгамисиз. Болалар дарсда тўполон қилса ёки дарсни ўзлаштирмаса аёвсиз калтакланган. Боз устига агар гуноҳи оғир бўлса калтакланган танага туз ҳам сепилган.

1117. Ақл. Румий ақлни арралаб ташланса ҳам оловдаги олтиндек кулиб тураверади, деган.

1118. Жим туриш.

1119. Чунки ўша пайт конунига биноан, ҳарбийлар оёқ кийимлари жуда қадрланган. Шунинг учун ўнг пойи бошқа жойда, чап пойи бошқа жойда турган.

1120. Иккинчиси АҚШ киноижодкорлари яратган «Темир ниқобли одам» фильмидаги Леонардо ди Кап-

рио ўйнаган Филипп роли эди. Кўп тарихчилар уни ҳаётда эмас, бадий асарларда пайдо бўлган образ дейишади.

**1121.** Инсон умрига.

**1122.** Улуғ – Россия, кичик – Украина, оқ – Белоруссия.

**1123.** Энциклопедиядан олинган бу маълумотда оқ рангдаги ҳассани фақат кўзи ожизлар ишлатишади. Қизил – оқ рангдаги ҳассани кўзи ожиз ва эшитиш қобиляти ҳам йўқ кишилар тутишар экан.

**1124.** Табиатни муҳофаза қилиш идоралари, шамол генераторларни баҳор ва куз ойлари тўхтатиб қўйишади. Чунки қушлар тўдалашиб учиш давомида, пала-партишлик қилиб парраклар орасида қолиб кетар экан.



**МУНДАРИЖА**

СЎЗ БОШИ.....3

**ЙИЛ ДАВОМИДА ТАҚДИМ  
ЭТИЛГАН**

САВОЛЛАР.....11

ЖАВОБЛАР.....295

**Абдурасул АБДУЛЛАЕВ**

**ЗАКОВАТ ЗАВҚИ**

Мухарир: С. Бадалбоева

Тех. муҳаррир: М. Раҳмонов

Мусахҳиҳа: Д. Ғойибназарова

«AZVOBOOKS NOSHIRLIK UYI»

Нашриёт лицензияси: АI №045667

Берилган вақти 28.10.2022

Тошкент ш. Яккасарой т. Кичик Бешёғоч 128-4-47

Теришга берилди 10.03.2022. Босишга рухсат этилди 07.04.2023. Формати 84x108 1/32. «Times New Roman» гарнитурода босилди. Нашр босма табағи 27,0. Шартли босма табағи 27,0. Тиражи 2000. Буюртма № 79.



«Print Line Group» ХК босмахонасида  
чоп этилди. 100097, Тошкент ш.,  
Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.

📍 📧 SPACEPRINT.UZ